

Ш.Р.Баротов

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

Дарслик

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан Психология мутахассислиги
бўйича таҳсил олаётган магистрлар учун дарслик
сифатида тавсия этилган.**

**“Наврўз” нашриёти
Тошкент, 2018**

УДК: 678.5
ББК: 79.10(5Ў3б)
Б24

Баротов.Ш.Р.

Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз”
нашриёти, 2018. – 344 б.

Такризчилар:

Б.М.Умаров; психология фанлари доктори, профессор,
А.М.Жабборов; психология фанлари доктори, профессор,
Э.М.Мухторов; психология фанлари номзоди, доцент.

Мазкур дарслик илк бор Ўзбекистонда психология мутахассислиги магистрлари учун бугунги психологик хизмат фанига қўйилган талаблар асосида тайёрланди. Унда фаннинг назарий-методологик асослари, замонавий методлари, бугунги ҳолати ва амалий-тадқиқий йўналишларига алоҳида урғу берилади. Шунингдек, таълим ва меҳнат муассасалари ҳамда аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиётининг ўзига хос назарий-илмий ва амалий-услубий жиҳатлари билан боғлиқ таҳлиллар баён этилади. Дарсликдан магистрлар билан бирга илмий-тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва барча йўналишлардаги амалиётчи психологлар фойдаланишлари мумкин.

ISBN: 978-9943-3816-7-4

© Баротов.Ш.Р. 2018.

© “Наврўз” нашриёти, 2018.

Аннотация

На сегодняшний день это единственное издание, в котором дано систематическое изложение основных теоретических, методических и практических вопросов, входящих в содержание дисциплины предметной подготовки «Психологическая служба». Особое внимание в ней уделяется способам практической реализации научных знаний в работе с различными слоями населения.

В книге освещаются вопросы организации и структуры психологической службы. Подробно рассматриваются функции и особенности деятельности каждого из звеньев структурного управления психологической службы, представлены содержание и специфика психологической службы.

Учебник подготовлен в соответствии с требованиями типовой программы по направлениям и специальностям «Психология». В нем сформулированы основные направления и формы организации психологической службы в условиях современных требований к подготовке специалистов.

Учебник предназначен для магистрантов, научные исследователей и практических психологов, работающих в разных сферах деятельности.

Abstract

In contemporary epoch this is the unique edition which has the systematical explanation of the main theoretical, methodical and practical questions, included in the contents of the curricula "Psychological service". Special attention is directed at the ways of the practical implementation of scientific knowledge in the work with diverse strata of the population.

This book has the issues of the organization and structure of the psychological service covered. The function and peculiarities of the activity of the each of the junctions of the structural management of psychological service are considered, the contents and the specifics of psychological service is presented.

The textbook is prepared in accordance with the requirements of the typical curricula from the branches and specialities of "Psychology", "Pedagogics and psychology". It has the main directions and forms of the establishment of psychological service in the conditions of modern requirements for the preparation of specialists stipulated.

The textbook is intended for masters students. The interest for the practicing psychologists working in educational institutions is indicated.

КИРИШ

Бу ёруғ оламда энг олий хилқат ҳисобланган Инсонни ўрганиш, уни тарбиялаш, унга алоҳида хизмат кўрсатиш муаммоси бутун инсоният пайдо бўлишининг ибтидосидан бошлаб интиҳосига қадар ўзига хос объектив ва субъектив имкониятлар кўлами билан боғлиқ равишда намоён бўлиб келаётганлигини бугунги ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Зеро, инсонни билиш ва унинг ташқи (реал) ва ички (идеал) оламига адекват таъсир кўрсатиш ва шу таъсирлар орқали уни бошқариш мумкинлиги аниқ бўлса-да, бу жараёнда турли хил ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва маънавий манфаатлар муштараклигига ҳам алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Чунки инсон тараққиёти ва фаоллиги, энг аввало, унинг ижтимоий манфаатлари, мафкуравий қарашлари социал-интеллектуал салоҳиятига таъсир этувчи омиллар билан белгиланади ва баҳоланади. Қолаверса, инсоннинг шаклланиши унга хизмат кўрсатувчи тизимларнинг муваффақиятли ишлаши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва илмий-амалий ислохотларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Шу маънода психологик хизмат фани ўзининг шаклланиши ва тузилишига кўра фақат инсонга ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик тараққиётига бевосита хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бугунги илму-фан тараққиёти билан боғлиқ инновацион ёндашувларга кенг кўламдаги имкониятларнинг очиб берилиши ҳар бир инновацион ғояларни тарғиб қилувчи инсонга психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада мукаммаллаштиришни тақозо этмоқда. Бунга жавобан бугунги кунда барча меҳнат ва таълим муассасаларида, маҳаллалардаги аҳолининг турли қатламларида психологик хизмат тизимини жорий этиш учун “Низом”лар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу “Низом”лар асосида фаолият юритувчи амалиётчи психологларга ҳам назарий-илмий, ҳам амалий-услубий билимлар ва қўлланмалар керак бўлади. Шу нуқтаи назаридан Ўзбекистонда илк бор нашрга берилаётган мазкур дарслик бугунги психологик хизмат назарияси ва амалиёти билан боғлиқ тушунча ва йўналишларни илмий жиҳатдан тўғри талқин қилишга хизмат қилади.

I БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ФАНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ, ИЛМИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

I.1. Психологик хизмат фани шаклланишининг назарий-методологик асослари.

I.2. Психологик хизматнинг предмети ва вазифалари.

I.3. Психологик хизматнинг фанлар тизимида тутган ўрни.

1.1. Психологик хизмат фани шаклланишининг назарий-методологик асослари

Психологик хизмат фани шаклланишининг назарий-илмий методологик асослари умумий психология фани шаклланиши билан боғлиқ узок тарихий илдизларга бориб тақалади. Албатта, психологик хизмат фани дастлабки психологик тушунчаларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш даврлари билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, психологик хизмат фани ҳақидаги дастлабки мушоҳадалар эрамиздан олдинги давр мутафаккирлари Фалес (эр.о. VII-VI асрлар), Афлотун (эр.о. V-IV асрлар), Анаксимон (эр.о. V аср), Гераклит (эр.о. VI-V асрлар), Демокрит (эр.о. V-IV асрлар), Эпикур (эр.о. V-IV асрлар) Гален (эр.о. II аср) кабилар назарида ўша давр учун муайян маънода илмийлик кашф этган мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қадимги дунёнинг бир мунча кейинги ривожланиш даврларида ҳам тиббиёт, физиология, физика, мантиқ каби фанлар тизимидаги янги кашфиётлар инсон психологик ҳолатини адекват тушуниш ва тавсиф этиш бўйича илмий ёндашувларга асос солинди. Жумладан, римлик шифокорлар Гиппократ (эр.о. V аср), Гален (эр.о. II аср), Демокрит (эр.о. V-VI аср), Эпикур (эр.о. IV-III аср), Демокрит (эр.о. V-IV аср), Сократ (эр.о. V-IV аср) каби мутафаккирларнинг мушоҳадалари дастлабки психологик хизмат тушунчаларининг шаклланишига туртки бўлди. Жумладан, “психика”, “онг” тушунчалари тиббий физиологик билимлар билан бир мунча сайқал топди. Айни пайтда француз олими Р.Декард (1596-1650) томонидан индивид хулқ атворининг рефлекторлик табиатига хос жиҳатларнинг илк бор кашф

этилиши ва унинг кейинчалик рус олимлари И.С.Сеченов ва И.П.Павловлар томонидан ўзига хос илмий асослар билан ривожлантирилиши инсоннинг психологик таъсир доираларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Немис мутафаккири Лейбниц (1646-1716), инглиз файласуфлари Жон Локк (1632-1704), Гартли (1705-1757), француз олими Дидро (1713-1784) кабилар томонидан психологияда ассоциатив қонуниятлар ҳақидаги таълимотларнинг яратилиши психологик билимларни янада такомиллашувини таъминлашга хизмат қилди. Жумладан, психология фанининг экспериментал, психоаналитик, бихевиористик, эмпирик, гештальт, психогенетик, гуманистик, биогенетик, социогенетик каби йўналишлари томонидан олинган маълумотлар тизими ҳозирги замон психологик хизмат фани илдизларининг яратилишига асос бўлди. Жумладан, ўтмишдаги тарихий давр цивилизацияси вакилларида бири Афлотуннинг (эрамиздан олдинги 428/427—347-йиллар) хизматлари шундаки, у жоннинг қисмлари тўғрисидаги дастлабки психологик тушунчани яратди. Шундай қисмлардан ақл-идрокни, жасоратни ва орзу-истакни алоҳида ажратиб кўрсатди ва улар тананинг турли қисмлари (бош, кўкрак, қорин бўшлиғи)да жойлашган бўлади, деган фикрни илгари сурди. Унинг «ғоялар» кўринмас, лекин табиатнинг нариги томонидаги олий дунёни ташкил этувчи азалий ўзгармас моҳиятлар эканлиги тўғрисидаги таълимоти катта аҳамиятга эга бўлди. Жоннинг ақл-идрокли қисми омонат танага жо бўлгунга қадар ана шу дунёга дахлдор. У танага жо бўлиб олгач, туғилишга қадар кўрилган нарсаларни эслай бошлайди. Хотиралар қанчалик ёрқин бўлса, унда ҳақиқий билимлар шунчалик кўп очилиб бораверади, деган фикрни илгари сурди.

Афлотун, психологияда дуализмнинг, яъни моддий ва руҳий оламни, тана билан психикани иккита мустақил ва антогонистик ибтидолар тарзида тушунтирадиган таълимотнинг асосчисига айланди. Афлотуннинг дуализмига қараганда унинг шогирди Арасту (эрамизга қадар 384-322 йиллар) нинг таълимоти анча муваффақиятли равишда илгарилаб кетдики, у психологик фикрларни табиий-илмий асосда қайта кўриб, уни биология ва

тиббиёт билан боғлади. Арастунинг «Жон тўғрисида»ги асари дастлабки психологик тушунчаларнинг бир мунча такомиллашувини шакллантирди. Арасту рухий фаолиятни ўрганишнинг тажриба ва объектив методини инсонга психологик ёндашув маҳсули сифатида таҳлил қилиш ғоясини илгари сурди. Шу аснода Арасту кишилик тафаккури тарихида биринчи бўлиб рух ва жонни тананинг ажралмас қисми эканлигини тарғиб қилди. Жон қисмларга бўлина олмайди, лекин у фаолиятнинг озикланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл-идрок каби турларига оид қобилиятларида намоён бўлишини асослаб берди. Арасту илк бор илгари сезги аъзоларига таъсир ўтказган нарсалар образларининг тасаввур тарзида мавжудлигини кашф этди. У шунингдек бу тасвирлар ўхшашлиги, турдошлиги ва кескин фарқланиши каби учта йўналишда бирлашувини ҳам кўрсатди, бу билан психик ҳодисалар ассоциацияси (боғланиши)нинг асосий турларини очиб берди. Арасту организмнинг табиатдан олган имкониятларини фақат ўзининг хусусий фаоллиги орқали рўёбга чиқаришига асосланган ҳолда характернинг реал фаолиятида шаклланиши тўғрисидаги назарияни илгари сурди. Бу назария инсонга психологик хизмат кўрсатиш фани билан боғлиқ дастлабки илмий тамойилларнинг яратилиши билан бевосита алоқадордир.

Бундан ташқари эрампдан олдинги II асрда римлик врач Гален физиология ва тиббиётнинг ютуқларини умумлаштириб, психиканинг физиологик негизи ҳақидаги тасаввурларни бойитди ва онг тушунчасига яқинлашиб келди. У диққат, хотира, мулоҳаза иштирок этадиган ҳаракатларнинг киши, масалан, уйқусида бажарадиган ҳаракатлардан чегараланишни кўрсатиб беради. Кейинчалик бу нуқтаи назар психологик хизмат фани тарихида интроспекционизм номи билан атала бошланди.

XVII аср биологик ва психологик билимлар тараққиётида янги даврни очиб берди. Чунончи, Француз олими Декарт (1596-1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий)

табиатга эгалигининг кашф этилиши ана шу ғоя билан узвий боғлангандир. Олим юракдаги мушакларнинг ишлаши қон айланишининг ички механикаси билан бошқариб турилгани каби хулқ-атворнинг ҳамма даражаларидаги бошқа мушакларнинг ишлаши ҳам худди соат механизмида милларининг айланишига қиёсловчи психологик тахминни илгари сурди. Зеро, Декарт мушаклар ташқи турткиларга руҳнинг ҳеч қандай аралашувисиз, асаб тизимининг тузилиши эътибори билан ҳам жавоб қайтаришга қодирлигини ҳам исботлаб берди. Бинобарин, Декарт ўзининг «асаб машинаси» ғояси билан сезгилар, ассоциациялар, кучли эҳтирослар қандай юзага чиқиши мумкинлигини тушунтириб берди.

Аста-секинлик билан психологик хизмат фани тарихида онглилик ва онгсизлик масалаларига жиддий ойдинликлар киритиш тенденцияси вужудга келди. Жумладан, фан тарихида биринчи бўлиб онгсизлик психикаси ҳақидаги тушунчани илгари сурган XVII асрдаги йирик немис мутафаккири Лейбниц (1646-1716)нинг таълимотига математика, жумладан, интеграл ва дифференциал ҳисоблар кашф этилиши таъсир этган эди. Унга кўра психик ҳаёт манзарасининг арифметик йиғинди тариқасида эмас, балки интеграл тарзида намоён этилиши тасаввурларнинг узлуксиз чегараланиши ғоясига таянган ҳолда перцепция (бевосита онгсиз идрок) ни апперцепция (диққат ва хотирани ўз ичига олган англанилган идрок) дан фарқлаган эди. Шу билан бирга у психологияга жуда кўп янгиликларни, энг аввало, психиканинг фаоллиги, табиати ва узлуксиз ривожланиши ҳамда психиканинг онглилик ва онгсизлик кўринишлари ўртасидаги мураккаб нисбат ҳақидаги ғояни олиб кириш билан инсонга психологик хизмат кўрсатиш тизимига янгича қарашлар мавжудлигини кўрсатди.

Бундан ташқари инглиз файласуфи, педагоги ва эмпирик психология асосчиси Жон Локк (1632-1704) барча билимларнинг тажрибадан келиб чиқиши ҳақидаги психологик қонидани илгари сурди. Чунки у руҳий ҳаётнинг муайян омиллари, оддий ҳодисалардан мураккаб ҳодисаларга ўтиш йўлларини илмий жиҳатдан изоҳлаб беришга уринди. Локкнинг фикрича, тажрибанинг иккита манбаи бор: бири ташқи сезги аъзоларининг

фаолияти (ташки тажриба) ва иккинчиси ўзининг хусусий ишини идрок этувчи ақлнинг ички фаолияти (ички тажриба)дир. Киши ҳеч қандай ғояларга эга бўлмаган ҳолда дунёга келади. Унинг руҳи — «тоза тахта» (tabula rasa) бўлиб, кейинчалик унга тажриба ёзувлари битилади. Тажриба оддий ва мураккаб ғоялардан таркиб топади. Бу ғоялар ё сезгилардан, ё ички идрок (рефлексия)лардан ҳосил бўлади. Иккинчи ҳолатда онг реал нарсаларга эмас, балки ўз хусусий маҳсулига йўналтирилиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Жон Локкнинг рефлексия таълимоти («рефлекс» тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик керак) киши психологик далилларни (физика далилларидан фарқли ўлароқ) интроспектив тарзда билиб олади, деган тахминга асосланган эди.

Кейинчалик психиканинг рефлекторлик характери кашф этилди. Бунда И.М.Сеченовнинг «Бош мия рефлекслари» (1863) асаридаги «онгли ва онгсиз ҳаётнинг барча ҳаракатлари рўй бериш усулига кўра рефлекслардан иборатдир», деган хулосаси психологик хизмат фанининг физиологик тамойилларини илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилди. Зеро, онгнинг ҳаракати (психик ҳодиса) руҳнинг танасиз моҳият хусусияти эмас, балки Сеченов тили билан айтганда, «рўй бериш усулига кўра» рефлексга ўхшаш жараёндр. Психик ҳодиса кишига ўз сезгиларини, ғояларини, ҳис-туйғуларини кузатиш чоғида бериладиган нарсалардангина иборат эмас. У худди рефлекс каби ташқи кўзғовчининг таъсирини ва унга жавобан ҳаракат акс таъсирини ҳам ўз ичига олади.

И.М.Сеченов рефлекснинг мия қисмини унинг табиий бошланғич (сезги аъзоларига таъсир) ва тугалловчи манба (жавоб ҳаракатларидан алоҳида бир нарсаси, деб ҳисоблаш нотўғрилигини уқтирган эди. Психик ҳодиса яхлит рефлектор ҳаракатда юз берган ва унинг маҳсули бўлган ҳолда айни пайтда ҳали юзага келмаган натижа (таъсир ўтказиш, ҳаракат қилиш) дан дарак берувчи омил вазифасини ҳам бажаради.

Психик жараёнларнинг роли нимадан иборат? Бу организмнинг сигнал ёки бошқарув функцияси бўлиб, ҳаракатни ўзгарувчан шарт-шароитларга мослаштиради ва шу билан фойдали, мослашувчан самарага эришилишини таъминлайди. Психик жараён, маълумки, ўзича эмас, балки миянинг моҳияти,

унинг тегишли бўлмалари функцияси сифатида ташқи олам ҳақидаги ахборотнинг қаёққа кетиши, қаерда сақланиши ва қайта ишланишини кўрсатувчи жавоб фаолиятининг бошқарувчисидир. Шундай қилиб, кишининг билимлари, теваарак-атроф ҳақидаги тасаввурлари, яъни индивидуал тажрибанинг бутун бойликлари рефлектор ҳаракатга киради. Психик ҳодисалар — бу миянинг ташқи (теваарак-атрофдаги муҳит) ва ички (физиологик тизим сифатидаги организмнинг ҳолати) таъсирларга жавобидир.

Мазкур концепция психологик хизмат методологиясини яратишда муҳим ўрин эгаллаши билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, психологик хизмат кўрсатиш фани таъсир кўрсатувчи объектлари бўлган субъектнинг ички, психик ҳолатига ташқи таассуротлар натижасида рўй берадиган ўзгаришлар жараёни қандай кечишини ўрганади. У акс этувчи нарсанинг субъектнинг фаолиятини бошқаришни, режалаштиришни, жавоб фаолиятини йўналтиришни таъминлайдиган ўша инъикосга айланиш жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган механизмларни тадқиқ қилади.

Психологик хизмат тарихида онгнинг таърифларини билиш муҳим ўринда туради. Тегишли адабиётлар асосида онгнинг қуйидаги таърифларини баён этиш мумкин. Унинг **биринчи таърифи** номининг ўзидаёқ берилган бўлиб, онг англаш деганидир. Кишининг онги бизнинг теваарак-атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидан таркиб топган. Демак, онг таркибига шундай муҳим билиш жараёнлари кирадики, улар ёрдамида одам ўз билимларини доимо бойитиб боради. Бу жараёнлар қаторига сезгилар ва идрокни, хотирани, ҳаёл ва тафаккурни қўшиш мумкин. Сезгилар ва идрок ёрдамида мияга таъсир ўтказувчи қўзғатувчиларнинг бевосита акс этиши натижасида онгда борлиқнинг киши тасаввурида ҳосил бўлган ҳиссий манзараси гавдаланади. Хотира онгда ўтмиш образларини қайтадан гавдалантирса, ҳаёл эҳтиёж объекти бўлган, аммо ҳозирги пайтда йўқ нарсанинг образли моделини ҳосил қилади. Тафаккур умумлашган билимлардан фойдаланиш йўли билан масаланинг ҳал этилишини таъминлайди. Айтиб ўтилган психик билиш жараёнларидан исталган бирининг батамом барбод

бўлиши у ёқда турсин, бузилиши ё издан чиқиши ҳам онгнинг барбод бўлишига олиб келади.

Онгнинг **иккинчи таърифи**. Унда субъект билан объект ўртасида аниқ фарқланишининг ўз ифодасини топиши, яъни одам «Мен» деган тушунча билан «Мен эмас» деган тушунчага нима тегишли эканини аниқ билади. Тирик организмлар дунёси тарихида биринчи бўлиб ундан ажралиб чиққан ва ўзини атроф муҳитга қарама-қарши кўйган инсон ўз онгида ушбу қарама-қаршилиқ ва тафовутни сақлаб келмоқда. Жонли мавжудотлар ичида унинг ўзигина ўзини билишга, яъни психик фаолиятни ўзини тадқиқ этишга йўналтиришга қодир. Одам ўз хатти-ҳаракатларини ва умуман ўзини ўзи онгли равишда баҳолайди. «Мен»нинг «Мен эмас»дан ажратилиши ҳар бир киши болалигида бошдан кечирадиган йўл бўлиб, унинг ўзини ўзи англаши жараёнида юз беради.

Онгнинг **учинчи таърифи**. Одамнинг мақсадни кўзловчи фаолиятини таъминлашдир. Фаолиятнинг мақсадларини яратиш онгнинг вазифасига киради. Бунда фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб чиқилади, иродавий қарорлар қабул қилинади, ҳаракатларни бажаришнинг қандай бориши ҳисобга олинади, унга тегишли тузатишлар киритилади ва ҳоказо. Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга оширилишида, унинг мувофиқлаштирилишида ва йўналишида касаллик оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра ҳар қандай бузилишининг юз беришини онгнинг бузилганлиги деб қарамоқ керак. Ниҳоят, онгнинг **тўртинчи таърифи** унинг таркибига муайян муносабатнинг кирганлигидир. Киши онгига муқаррар равишда ҳис-туйғулар олами кириб келади. Унда мураккаб объектив ва энг аввало, одамнинг ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам, бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим руҳий касалликларга чалинганда онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади.

Демак, психологик хизмат жараёнида онгли ва онгсиз фаолият таҳлили муҳим ўрин тутар экан, бинобарин, «Онг»

тушунчаси психологияда, психиатрияда ва бошқа фанларда унинг юқорида келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Онги яхши сақланиб шахсий ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бера олган одам мияга келаётган янги ахборотга ўзидаги мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятига нисбатан таркиб топган муносабатлар системасини сақлаб қолади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз ҳатти-ҳаракатини идора қилади.

Шундай қилиб, психологик хизматнинг назарий асосларини яратишда шахс ва унинг онги билан боғлиқ барча методологик тушунчалар инобатга олиниши шартдир. Зеро, бугунги кунда айнан психологик хизмат муаммосига бағишланган ва унинг барча йўналишларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида психологик хизмат муаммосининг зарурлигини кўрсата олувчи ва унинг "методологик илдизларини" асослаб бера олувчи илмий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Мазкур адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, улардаги психологик хизмат методологиясига тааллуқли айрим умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилишимизга тўғри келади.

Чунончи, барча тадқиқотчилар ҳам ижтимоий, психологиянинг методологик тамойилларига амал қилган ҳолда психологик хизмат учун муҳим бўлган у ёки бу жиҳатни назарий-илмий тарзда асослаб берадилар. Булар ичида психологик хизматнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун муҳим назарий-илмий аҳамият касб этувчи ижтимоий психологик вазафаларни аниқлашга қаратилган тадқиқотларни Андреева Г.М., Давлетшин М.Г., Забродин Ю.М., Карнеги Д., Каримова В.М., Паригин Б.Д., Снигирева Т.В., Филиппов А.В., Шихирев П.Н., Шоумаров Ғ.Б., Ядов В.А., Ғозиев Э.Ғ.; шахс фаоллиги билан боғлиқ тадқиқотларни Абулханова-Славская К.А., Ануфриев Э.А., Гримак Л.П., Ломов Б.Ф., Лейтес Н.С., Голубева Э.А., Қодиров Б.Р., Липкина А.И., Петровский А.В., Рубинштейн С.Л., Қодиров Б.Р.; ижтимоий установка билан боғлиқ

тадқиқотларни Асмолов А.Г., Надирашвили Ш.А., Узнадзе Д.Н., Шихирев П.Н., Оллпорт Г.В., ижтимоий эҳтиёжлар ва фаолиятдан қониқиш билан боғлиқ тадқиқотларни Божович Л.И., Братко А.А., Вилёнас В.К., Додонов Б.И., Китвел Т.А., Маслов А.Ҳ; шахсга индивидуал ёндашувнинг таъминланиши билан боғлиқ тадқиқотларни Климов Е.А., Мерлин Б.С., Небилицин В.Д., Пейсахов Н.М., Русалов В.М., Сиавина Л.С., Стреляу А., Теплов Б.М.; шахсга муносабат тизими асосида ёндашув истиқболларига бағишланган тадқиқотларни Здравомислов А.Г., Кузмин Э.С., Лазурский А.Ф., Муксинов Р.И., Мясищев В.Н., Столин В.В., Сербиков А.И., Богославский В.В.; шахсга ҳиссий-иродавий сифатлар асосида ёндашув истиқболларини тадқиқ қилувчи тадқиқотларни Бассин Ф.В., Василюк Ф.Е., Гиссен Л.Д., Зилберман П.Б., Конопкин О.А., Мажидов Н., Наенко Н.И., Прихожан А.М., Розелнблат В.В., Хекхаузен Х., Эберлейн Г., Невв Д.О.; таълим муассасаларида психологик хизмат моделини тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқотларни Брейнштейн М.С., Дубровина И.В., Кала У.В., Рудик В.В., Леймец Х.О., Маттес Г.О., Пратуевич Ю.М., Сиэрд Ю.Л.; меҳнат жамоаларида психологик хизмат вазифаларини белгилашга қаратилган тадқиқотларни (Герчиков В.И., Зотова О.И., Изард.К., Ковалев А.Г., Лоос В.Г., Попова И.И., Паригин В.Д., Саксакулм Т.И.) ва ниҳоят оилавий ҳаётни ташкил этишдаги психологик хизмат учун муҳим жиҳатларни асослашга қаратилган тадқиқотларни М.Аргой., Бодалев А.А., Столин В.В., Каримова В.М., Ковалев С.В., Соғинов Н.А., Шоумаров Ғ.Б. каби олимлар яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қолаверса, бугунги кунгача яратилган барча ижтимоий психологик тамойилларнинг асосий мезонлари бўлган "шахс ва фаолият бирлиги", "онгнинг фаолиятда тараққийси", "муомала", "индивидуал ёндошув" "муносабат", "турмуш тарзи", "ижтимоий установка", "борлиқни объектив ва субъектив акс эттириш", "жамоа", "ижтимоий қониқиш", "ижтимоий хулқ-атвор" кабиларнинг жамиятдаги амалий ўрни ва истиқболини психологик хизмат татбиқисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, олимлар томонидан бугунги кунда ижтимоий-психологик ходисаларга инсон тараққиёти ва қадриятлари асосида ёндошув муаммосининг (Г.М.Андреева,

Ю.М.Забродин, Д.Карнеги, Э.Ғозиев, В.М.Каримова, И.С.Кон, С.И.Коралев, Б.Д.Паригин, Е.В.Шорохова, Ғ.Б.Шоумаров). Шунингдек, шахс ва фаолият уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи психологик ёндашувни таъминлаш муаммосининг (Абулханова-Славская, Ж.Брунер, Л.С.Вигоцкий, М.Г.Давлетшин, У.Джемс, А.Г.Ковалев, А.Н.Леонтьев, А.В.Петровский, С.Л.Рубинштейн, В.А.Токарева, Д.И.Фелдштейн, Э.Фромм, Б.Р.Қодиров) ўртага ташланиши психологик хизмат методологияси ҳақида жиддийроқ ўйлашни ва мулоҳаза юритишни тақозо этмоқда.

Бугунги психология фани тараққиёти анъаналари билан боғлиқ инсоннинг иқтидорини, унинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ва ижтимоий табиатидан ажратиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, инсон омилларини ва унинг жамиятдаги ижтимоий жараёнларини тўғри ва самарали бошқариш жараёни жамиятга ва жамият аъзоларига психологик хизмат кўрсатиш муқаррарлигини талаб қилади. Ваҳоланки, иқтисод, ҳуқуқ, этика, этнография, тарих, социология ва шу каби барча фанларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида инсон психологиясининг амалий муаммолари ҳал этилиши лозим.

Ҳозирги замон ижтимоий психологик тадқиқотлар масаласи, айниқса, унинг амалий вазифалари социал психология фанининг марказида турувчи психологик ва социологик ёндашув йўналишлари асосида ҳал қилинмоқда. Масалан, Америка ва бошқа барча ғарб давлатларида икки хил ижтимоий психология: "психологик ижтимоий психология" ва "социологик ижтимоий психология" мавжуд. Бу йўналишлар бир-бирига ўхшаса-да, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни, психологик ижтимоий психология шахс ва фаолият, муомала, шахслараро муносабат, шахснинг ижтимоий-психологик тузилиши, шахснинг когнитив, конатив, хулқ-атвор имкониятларини ўз ичига олган ижтимоий установакалар, шахс ва жамоанинг ижтимоий-руҳий кечинмалари каби муаммолар устида тадқиқот олиб боришни мақсад қилиб олган бўлса, социологик ижтимоий психологияда эса, кўпинча, жамиятнинг ижтимоий қатламларини таҳлил қилиш халқлар психологияси, оммавий ҳодисалар психологияси, синфлар, гуруҳлар,

гуманистик психология кабиларга алоҳида урғу берилади. Психологик хизмат методологияси эса кўпроқ биринчи йўналиш — "Ижтимоий психология" асослари замирида таркиб топтирилади. Гап шундаки, ҳар бир фаннинг ривожланиши янги далиллар асосида илмий йўналишни очиб берувчи методик қурилмаларнинг тузилиши билан бевосита боғлиқдир. Чунки аниқ методология бўлмаган соҳада аниқ амалий натижалар ҳам бўлмайди. Зеро, ижтимоий психология фанининг яна бир муҳим янги вазифаси психологик хизмат методологияси билан боғлиқ назарий, амалий ва эмпирик йўналишдаги тадқиқотлар кўламини белгилашнинг бугунги кунгача нечоғлиқ ҳал қилинаётганлигини таҳлил қилишга тўғри келади. Бу борада психология оламида ҳанузгача аниқ ва мукамал тарзда ишлаб чиқилган ва расмий тарзда тан олинган ягона илмий йўналиш ёки концепциянинг қабул қилинмаганлиги аён бўлса-да, илғор ғарб психологлари, Марказий ҳамдўстлик Давлатлари психологлари ҳамда Ўзбекистон психологлари томонидан олиб борилган ва олиб борилаётган фан олами учун ўзига хос салоҳиятга, нуфузга эга бўлган тадқиқотлар мавжудки, улар қайсидир жихати билан психологик хизмат модели ва унинг психологик ҳимоя воситаси сифатидаги моҳияти, аҳамияти, ва ижтимоий истиқболлари ҳақидаги илмий-амалий тасаввурларимизни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Илмий адабиётлардан бизга маълум бўлишича, ижтимоий психологик хизмат методологиясининг умумий йўналишлари Ғарб ижтимоий психология намоёндалари тадқиқотларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: В.Вундтнинг 1900 йилда чоп этилган "Халқлар психологияси" номли йирик (ўн томлик) эпик асари ижтимоий психология йўналишларини ёрқинлаштиришга хизмат қилиб, инсон маънавияти, маданияти ва мафкурасини ўрганишнинг мураккаб томонларини очиб берди. Таниқли инглиз психологи Вилям Макдугаллнинг 1908 йилда ёзилган "Ижтимоий психологияга кириш" асаридаги "ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари" назарияси фрейдизмга қарши ўлароқ инсон инстинктлари ва фаолият уйғунлигини таъминлаш муаммосини ёритишга илк бор асос бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, Э.Фромм, Ж.Саливен, В.Шутц, Г.Шепарде, В.Баён каби олимлар

томонидан гуруҳлар психологияси назариясини яратишга асос солинди. Бунда турли хил ижтимоий психологик тренинглари орқали гуруҳдаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ психологик иқлимни камол топтириш йўлларининг илк бор кўрсатилиши меҳнат жамоаларидаги ижтимоий психологик хизмат вазифаларини белгилаш учун маълум даражадаги эмпирик маълумот сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ғарбда яратилган когнитивизм доирасидаги назариялар психологик хизмат методологияси учун муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Л.Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси (инсоннинг фаолият объектига нисбатан хулқ-атвори ёки муносабатини онгли равишда ўзгартиришга асосланган), Т.Ньюхемнинг ҳамкорлик коммуникатив назарияси (ўзгаларга ва умумий фаолият объектига ижобий муносабатларни таркиб топтиришга асосланган), Ч.Осгуд ва П.Таненбауманинг "конгруентлик" (инсон когнитив тузилиши асосидаги объектни баҳолашга қаратилган) назарияси, Г.Олпорт, А. Маслау, К.Роджерс каби ижтимоий психологларнинг гуманистик доирадаги катор тадқиқий изланишлари шулар жумласидандир. Яна шуни қайд этиш керакки, америкалик таниқли психолог Абрахам Харорд Маслаунинг "Инсонга бир бутун ёндашув концепцияси" психологик хизмат жараёнида инсонни тушуниш ва ижтимоий мотивацион ривожлантириш муаммоси устида тадқиқотлар олиб борилиши учун муҳим аҳамият касб этади. Маслаунинг фикрича, инсоннинг барча туғма салоҳият имкониятлари фақатгина ижтимоий шарт-шароитнинг яратилиши билан рўёбга чиқиши ва камол топиши мумкин. Албатта, мазкур фикрларнинг не чоғлиқ ҳақиқат эканлигини бугунги кунда ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи имкониятлари кўламини ўрганиш ва тарбиялашни асосий вазифа қилиб олган психологик хизматнинг ташкил этилишини мунтазам кузатишларимиз натижалари тасдиқлаб турибди.

А.Маслоу фан оламида ўзига хос "мотивацион тизимнинг иерархик модели" ни яратдики, (Маслоу А.Х.) унга мувофиқ индивид хулқ-атворидаги ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган юқори эҳтиёжларнинг йўналиши қуйи эҳтиёжларнинг қай тариха

қондирилиши асосидагина таркиб топиши мумкин. Бу жараён қуйидаги тартибга эга:

1. Физиологик эҳтиёжлар.
2. Хавфсизлик эҳтиёжлари.
3. Меҳр ва садоқат эҳтиёжлари.
4. Тан олиш ва баҳолаш эҳтиёжлари.
5. Ўз-ўзини ҳар томонлама ривожлантириш эҳтиёжлари.

Дарҳақиқат, мазкур иерархик тизим мотивациясининг илмий жиҳатдан асослаб берилиши, биринчидан, ижтимоий психологиядаги эҳтиёжлар ва мотивлар билан боғлиқ қатор тадқиқотларга ҳамоҳанг бўлса, иккинчидан, мазкур йўналишдаги психологик хизмат методологиясини яратиш учун алоҳида истиқболга эга. Чунки психологик хизматда инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари муаммоси илмий жиҳатдан тўғри талқин қилиниши ва тўғри йўналтирилиши лозим. Бу борада қатор таниқли социолог, психолог ва файласуфлар томонидан эътироф этилган илмий мулоҳазаларга таяниш мумкин. Масалан, Д.Н.Узнадзенинг "Эҳтиёж" тушунчаси тирик организм учун зарур бўлган ва айна пайтда қўлга киритилмаган барча нарсаларга тааллуқли ва М.С.Каган, А.В.Маргулис, Е.М.Эткиндларнинг "Эҳтиёж бу керакли нарсаларнинг етишмаслик оқибати", В.А.Ядовнинг "Эҳтиёж инсон шахси ва организм фаолияти учун керак бўлган зарурат ва етишмовчилик маҳсули" Л.И.Божовичнинг "Эҳтиёж–индивид организми ва у шахс тараққиёти учун муҳим бўлган зарурат". А.В.Петровскийнинг "эҳтиёж жонли ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларига унинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир" каби фикрлари шахс тараққиётини таъминлаш йўлида эҳтиёжларнинг биологик ва ижтимоий уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда психологик хизматнинг навбатдаги вазифаларини белгилаш имконини беради.

Психологик хизмат методологиясини яратишда инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз меҳнати маҳсулларида ижтимоий қониқиш жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб

ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херцберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмотиоген фарқланиш механизмлари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш маҳсулига кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўз-ўзини билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса, шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса, шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳақиқат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам, инсоннинг ўз фаолиятдан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Психологик хизмат эса, бизнингча, худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиш жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Ишчи-ходимларнинг меҳнатдан қониқиш муаммоси устида олиб борилган айрим тадқиқотлар натижаси психологик хизматнинг методологик моделини лойиҳалаштиришга хизмат қилса, ажаб эмас. Масалан, собиқ совет психологияси олимлари (Н.Ф.Наумова, А.Г.Здравомислав, В.А.Ядов, В.П.Рожин, Т.П.Богданова, Э.А.Климов) меҳнатдан қониқиш жараёнини шахснинг муносабатлари мотивлари, ўз-ўзини баҳолаш установакиси: каби ижтимоий психологик мезонлар билан белгиланишини тавсия этадилар ва буни ўзларининг қатор эмпирик тадқиқотларида асослаб берадилар. Ғарб ижтимоий психология оламида, айниқса, Америка психологлари наздида эса меҳнатдан қониқиш "қатор ижтимоий установакаларининг ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги" "меҳнат жараёнини субъектив баҳолаш билан боғлиқ эмотионал ҳолатларнинг намоён бўлиши" сифатида талқин қилинади ва меҳнат фаолиятининг ижтимоий қимматини оширишга қаратилган психологик хизмат учун муҳим илмий-амалий тавсиялар берилади.

Венгриялик психологлар Балинт ва М.Муранинг тадқиқотларида психологик хизмат вазифасини аниқлашга қаратилган шахсларнинг ўз ишидан қониқишини таъминлаш ва ўз ишидан (яъни ўз фаолиятдан) қониқмаслик ҳолатини бартараф этиш

йўллари кўрсатилади. Шунингдек, бу олимларнинг илмий талқинича, ҳар бир ишчи-ходимнинг ўз ишидан қониқиши унинг кайфиятини, фаоллигини таъминласа, ишдан қониқмаслик эса корхонада юз берувчи айрим фавқулодда бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, бугунги кунда деярли барча корхоналарда бахтсиз ҳодисалар жуда кўп учрамоқда. Уни камайтириш ва олдини олиш эса, ҳамиша ҳам муваффақиятли ҳал қилинаётгани йўқ. Бунинг учун эса, муаммонинг ижтимоий психологик илдизлари ҳақида чуқурроқ ўйланса, юзлаб, балки минглаб одамлар ҳаёти, саломатлиги ва ижтимоий-руҳий мавқеи сақлаб қолиниши мумкин. Бу ўринда айтиш мумкинки, психологик хизматнинг ташкил этилиши энг биринчи навбатда корхоналарда юз берувчи бахтсиз ҳодисалардан сақланиш-ҳимояланиш воситаси сифатида ўта муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Афсуски, бундай хизматни ташкил этиш жуда кўпгина меҳнат муассасаларида ҳозиргача ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда.

Психологик хизмат методологияси учун индивидуал психологик фарқланиш назариясининг яратилишини ва бу борада ўнлаб йирик тадқиқотларнинг мавжудлигини муҳим манбалардан бири сифатида, ҳеч муболағасиз, эътироф этиш мумкин. Дифференциал психологиянинг маҳсули бўлган бу йўналиш, даставвал, немис психологи В.Штерн номи билан бевосита боғлиқдир, у ўзининг 1901-йилда ёзган "Индивидуал фарқланиш психологияси ҳақида" номли асарида ҳар бир индивиднинг ўзига хос психологик олами мавжудлигини экспериментал тарзда тадқиқ қилади.

Ф.Гальтон, А.Бине, А.Ф.Лазурский, Д.Кеттелл каби олимлар бу соҳада янги бир йўналишни кашф қилдилар. Шундан сўнг дифференциал психология ҳар бир индивид ёки гуруҳдаги қизиқишлар, установкалар, ҳиссий кўзғалишларни фарқлаш объекти сифатида майдонга чиқди ва унинг бугунги психологик хизмат методологияси учун аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир индивид ёки шахснинг ўзигагина хос психологик имкониятларини аниқлаш ва тегишли илмий мулоҳаза юрита олишга хизмат қилувчи комплекс тестлар, усуллар ва методикалар мажмуаси яратилди. Бинобарин, чет эл илғор психологиясида

психологик хизмат методологияси учун муҳим ўрин тутувчи йўналишларга асос солинди.

Ч.Спирмен томонидан "икки омил" назарияси яратилди. Бу назарияга мувофиқ инсоннинг ҳар бир фаолиятида барча фаолиятлар учун умумий бўлган ва айнан мазкур фаолиятга мос бўлган барча хусусиятлар ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи ушбу омилларнинг инсон ва фаолият уйғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган психологик моҳияти ва мазмунини очиқ беради

Л.Терстон, Дж.Гилфорд томонидан яратилган "Мульти-фактор" назариясига биноан бирламчи ақлий қобилиятлар (идрок тезлиги, хотира ассоциациялари ва ҳоказо) нинг ҳар бир индивиддаги таркиб топганлик кўлами тадқиқ қилинди ва шу асосда ҳар бир шахс фаолиятига алоҳида ёндашувни тақозо этувчи психологик хизматнинг методологик тамойиллари ишлаб чиқилди. Умуман, психологияда индивидуал фарқланишнинг 56 хил йўналишидаги типи маълум ва машҳур. Масалан, объектив ва субъектив тип (А.Бине тажрибаларида қайд этилган) фикрловчи фаол тип, рационалистлар ва эмпириклар (Джемс тадқиқотлари бўйича) "чуқур-тор" ва "майда-кенг" тип, (Г.Гросс, назарий, иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, типлар (Е.Шпрангер тадқиқотлари бўйича); шизоид ва циклоид типлар (Е.Кречмер тадқиқотлари бўйича); экстровеит ва интروهит типлар (К.Т.Юнг ва Г.Ю.Айзенк) ҳақидаги эмпирик маълумотларнинг қайд этилиши шулар жумласидандир.

Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилицин, Б.Р.Қодиров ва уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар мазмуни ижтимоий психология ва ижтимоий психологик хизмат учун муҳим бўлган ҳар бир шахснинг (индивиднинг) табиий ва туғма сифатларини, олий асаб фаолиятининг ўзига хос қобилият элементларини ва унга таъсир этувчи таълим-тарбия, ташқи муҳит ва фаолиятнинг нечоғлик ташкил этилиш жараёнини мукамал ўрганиш ва уни ижтимоий мақсадлар асосида ривожлантириш йўллариини белгилаш учун катта имконият яратди. Мазкур имкониятлар инсондаги у ёки бу фаолиятни бажаришга бўлган иқтидор куртакларини ўрганишни ва шу асосда шахс фаоллигини камол топтириш учун асос

сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунга мувофиқ махсус тадқиқотлар шуни тасдиқлаётгани, фаолиятнинг муваффақиятли ташкил этилиши, аввало, индивидуал хусусиятлар, айниқса, ҳар бир шахс темпераменти ва индивидуал услубига ҳам боғлиқ. Айни пайтда, меҳнат ва ўқув фаолияти жараёнида ушбу ҳолатни кузатиш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ усуллар мажмуасининг ишлаб чиқилиши психологик хизматнинг муҳим вазифаси эканлигидан далолатдир.

Шахс фаолиятига индивидуал ёндашув йўналиши билан боғлиқ психологик хизматнинг методологик тамойилларини илмий-таъбиқий жиҳатдан асослаб берувчи олим Н.С.Лейтес маълумотларига қараганда, асаб тизими нисбатан кучсиз бўлган кишиларда, кўпинча, бир хилдаги ишнинг бажарилишида афзалликлар борлиги аниқланган бўлиб, уларнинг юқори сезгирлиги таъсирчанлик муваффақиятини таъминлайди, лекин у ёки бу фаолият жараёнидаги фавқулодда ва кучли кўзғалувчилар асосида намоён бўлувчи вазиятларда кучсиз типдаги кишилар айнан ўзларининг физиологик хусусиятларига кўра ишни удалай олмай қолишлари мумкин.

Чунончи, асаб тизими типи анча кучли бўлган кишилар бир хил, анча суст типдаги кишилар эса бошқа хил вазифаларни бир мунча осон ҳал қиладилар. Асаб тизимининг кучи бўйича фарқланадиган кишилар бир хилдаги вазифани ҳал этишга, кўпинча ҳар хил йўллار билан боришлари кераклигини Н.С.Лейтес ўз асарларида ҳар томонлама асослаб бердики, бу психологик хизматда ҳисобга олиниши мумкин бўлган муҳим жараёндр. Зеро, фаолият унумдорлиги инсоннинг ўз психологик салоҳияти имкониятлари кўлаמידан оқилона фойдаланишнинг маҳсулидир. Э.А.Климов, В.С.Мерлин, В.М.Русалов, Б.М.Теплов тадқиқот-ларида ҳам шахс темпераменти асосида унинг машғул бўлган у ёки бу фаолиятни муваффақиятли бажаришдаги индивидуал услубнинг белгиланиши зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берувчи маълумотлар бор. Жумладан, Климовнинг эмпирик маълумотлари бир неча станокда ишлашда асаб тизимидаги "ҳаракатчан тип"даги ҳам, "ҳаракатсиз тип"даги ходимлар ҳам бирдек юқори даражадаги ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Бунинг асосий сабаби эса, бир хил меҳнат вазиятида турлича ҳаракат йўналишини танлай билиш ва амалга оширишдир.

Умуман, юқорида қайд этилган олимларнинг умумий фикр-мулоҳазаларига кўра индивидуал услубнинг шахсда дарров пайдо бўлмаслиги, балки, кўпинча, стихияли тарзда (яъни индивидуал-ҳиссий асаб сифатлари ёрдамида) пайдо бўлиши қайд этилади. Демак, ҳар бир шахсга психологик хизмат давомида ўз имкониятлари ва фаолият талаби уйғунлигини таъминлаш йўллари излаш асосида ёндашилса, мазкур шахс фаолиятидаги индивидуал услубнинг таркиб топиши тобора ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида шахс ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир этмай қолмайди.

В.М.Русалов тадқиқотларида ижтимоий психология учун муҳим бўлган ҳамкорлик фаолияти муваффақияти жиҳатлари билан индивидуал услуб имкониятларига ҳам боғлиқ эканлиги қайд этилиб, "холерик" темпераментли киши билан шерик бўлиб ишлаганга қараганда "флегматик" ва "меланхолик" билан биргаликда ишлаган ҳолларда анча самарали бўлиши эмпирик маълумотлар асосида тадқиқ қилинади.

Демак, муассасадаги амалий психолог ҳар бир шахс фаолияти ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнида ушбу имкониятларни ҳисобга олиши орқали ижтимоий-психологик ютуқларга эришиши мумкин. Мазкур тадқиқотлардаги таълим ва меҳнат фаолияти муваффақиятларини таҳлил қилишга қаратилган умумий натижаларни ҳам тасдиқлади ва бу эса ҳар бир шахснинг фаолиятдаги муваффақиятсизликларга нисбатан муҳофазаланиш (ҳимояланиш) курали сифатида ҳар бир ўқувчи ва ишчи ходим учун характерли бўлган индивидуал услуб мезонларини ишлаб чиқиш ва унинг психологик хизмат жараёнида янада такомиллаштириш йўллари излашга даъват этади.

Шахс индивидуал фарқланишининг ижтимоий қимматини тадқиқ қилиш муаммоси К.К.Платонов асарларида бир қадар кенгроқ кўламда қайд этилади. К.Платоновнинг методологик хизмати шундаки, у инсон ижтимоий индивидуал оламини тушунишнинг қуйидаги тўрт мезонини ишлаб чиқди ва шахс ижтимоий индивидуал фарқланиш моҳиятини тушуниш учун

муҳим бўлган ушбу ижтимоий мезонларнинг назарий-илмий концепциясини яратди. Яъни 1-мезон (категория) асосидаги фарқланишга кўра инсондаги сифатлар ўзгариши билан унинг моҳияти ва ижтимоий йўналишлари ҳам ўзгаради. Бу ўринда шахс атрибутлари унинг онглилиги, динамиклиги, фаоллик ва бетакрорлиги каби барча сифатлар муҳим ўрин тутди. Инсон хусусиятлари ва сифатларини фарқлашнинг 2-мезони бошқа объектлар каби унинг моддий, функционал ва интеграл сифатлар мажмуасини ўз ичига олувчи шахсий моҳиятидадир.

Фарқланишнинг 3-мезонига психик ҳодисалар ва психик ҳолатлар тизилмасига кирувчи шахснинг ўзгармас хусусиятлари киритилади.

Фарқланишнинг 4-мезони субординацион шахс хусусиятлари ва сифатлари намоён бўлиши билан боғлиқ психик кечинмалар иерархияси ва кординацион умумий иерархиядан қатъий назар турли хил ижтимоий-психологик хусусиятларни бирлаштирувчи ўз-ўзини идора қилиш ва бошқарув хусусиятларининг таркиб топганлик даражаси билан белгиланади.

Профессорлар Э.Ғозиев, Л.Турсунов, Ж.Икромовларнинг "XX аср ва шахс камолоти" мавзусидаги маълумотларида ҳам психологик хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этувчи индивид, шахс ва субъект тараққиётининг тадқиқотида қуйидаги ҳолатларга жиддий эътибор бериш зарурлиги уқтирилади:

– инсон ривожланишининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳити омиллари);

– инсоннинг ўзига тааллуқли, асосий тафсилотлар, унинг ички қонуниятлари, механизмлари, эътиқод босқичлари барқарорлашуви ва инволюция;

– инсон яхлит тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг такомиллашуви. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз индивидуал оламида содир этилаётган барча маънавий ва руҳий кечинмаларини у яшаб турган жамият истиқболларига мос тарзда тадқиқ қилмай туриб шахс ва фаолият, шахс ва жамият, шахс ва индивидуаллик

ўртасидаги ижтимоий мутаносибликни таъминлаб бўлмайди. Зеро, психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилинаётган ижтимоий психологик ҳимоя фалсафаси ҳам шуни тақозо этмоқда.

Инсоннинг индивидуаллик даражаси яна шу билан ифодаланадики, ундаги фаолиятнинг усуллари ва воситалари ҳеч қачон тайёр ҳолдаги барча учун бир хил умуминсоний тажрибалардан иборат бўла олмайди. Ҳар бир инсон ўз индивидуал сифатлари ва филогенездаги хусусиятлари асосида ижтимоий фаоллик тақозо этган фаолиятнинг мустақил субъектига айланиб боради. Бу билан жамият ҳар бир индивиднинг ўз ҳаётининг пойдевори учун муҳим бўлган "ғиштнинг ўзи барпо этишида ижтимоий шарт-шароит яратиб беради". Бундай шарт-шароит эса ҳар бир шахснинг умумий ва махсус индивидуал имкониятлари кўламини ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва тобора камол топтира бориш йўллариини излаш асосидагина қарор топтирилиши мумкин.

Яна шуни қайд этиш керакки, психологик хизмат методологияси вазифаларини тадқиқ қилинар экан, ижтимоий психологияда ва машҳур бўлган "Установка", "Ижтимоий установка" муаммоларига бағишланган тадқиқотларга тўхталмай иложимиз йўқ. Чунки психологик хизмат жараёнининг психологик ҳимоя воситаси сифатидаги асосий вазифаларини ижтимоий установка тадқиқисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бинобарин, установка (психологияда) шахснинг муайян фаоллигини (идрок, тафаккур, мақсадга мувофиқ ҳаракатлар ва ҳоказо) бажаришга қаратилган, аввалги тажрибаси билан белгиланган тайёргарлиги кишининг уни муайян тарзда ҳаракатга ундовчи тайёргарлик формаси ҳисобланади.

Психологик хизматнинг назарий ва методологик асослари ҳақида гап борганда психологик хизмат объекти ва субъекти ҳисобланган шахсга муносабат тизими асосида ёндашув истиқболларини кўрсатиб берувчи тадқиқотларга ҳам алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Чунки, шахснинг психологик хизмат жараёнида намоён бўлувчи ва ривожлантириб борилиши муқаррар бўлган ўз-ўзига, ўзгаларга (шахслараро) ва фаолиятга нисбатан таркиб топаётган

муносабатларнинг ижтимоий савиясини ўрганмай, таҳлил қилмай туриб унинг ўз-ўзидаги нохуш ҳислардан, ўзгалар билан ҳамкорлик ўрнатиши билан боғлиқ зиддиятли вазиятлардан, фаолиятдаги муваффақиятсизликлардан психологик муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар кўламини белгилаб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, муносабатнинг турли соҳаларидаги ижтимоий психологик мезонлари бўйича тадқиқот олиб борган файласуфлар, психологлар, социологлар, психофизиологлар ва педагоглардан Б.Г.Ананьев, Г.М.Андреева А.А.Бодалев, Е.В.Шорохова, Ф.В.Бассин, Л.С.Вигоцкий, А.В.Веденов, Ю.М.Забродин, А.Г.Ковалов, И.С.Кон, Т.А.Китвел, Э.С.Кузмин, М.С.Кагон, И.Т.Левикин, В.С.Мерлин, В.Н.Мясищев, В.С.Магун, И.П.Павлов, К.К.Платонов, Б.Д.Паригин, С.Л.Рубинштейн, В.В.Столин, В.А.Ядов каби олимларнинг барчаси муносабатнинг соҳаларини илмий жиҳатдан асослаб берадилар. Масалан, мазкур муносабат мезони файласуфлар талқинида шахс ва борлиқ ўртасидаги кўприк сифатида, психологлар талқинида шахснинг "ички" ва "ташқи" фаолияти ўртасидаги эмоционал, когнитив ва хулқ-атвор компонентлари асосида намоён бўлувчи интилишларнинг маҳсули сифатида, социологлар талқинида шахснинг ижтимоий иқлимига нисбатан хайрихоҳлик ёки норозиликнинг ифодаланиши сифатида, психофизиологлар талқинида шахс олий асаб фаолиятининг акс эттириш воситаси сифатида, педагоглар талқинида эса ўқувчининг ўқув топшириқларини бажонидил (ихтиёрий қизиқиш орқали) ёки мажбуран (юзаки) бажаришга бўлган интилишларнинг маҳсули сифатида эътироф этилади. Психологик хизмат жараёни эса худди шу тадқиқий йўналишларга таянган ҳолда шахснинг фаолият жараёнида таркиб топаётган муносабатларини ўрганишни таҳлил қилишни ва шу асосда тегишли тадбирларни белгилай олишни ўз олдига вазифа қилиб кўяди. Бу ўринда профессор Э.Ғозиевнинг назарий-методологик қимматга эга асарларида умумий ҳолда қайд этилганидек, ҳозирги кунда шахсга субъектив муносабат муаммосини ижтимоий жиҳатдан турмушда қарор топтириш учун: одам-инсон-шахс-индивидуаллик-субъект-комиллик иерархиясига риоя қилиш; шахсга субъектив муносабат, яъни унда робот сифатида барча

хусусиятларини бир текис шакллантириш мумкин, деган хато назариядан воз кечиш, "субъект-субъект" алоқасини вужудга келтириш; ҳар қандай субъект-шахс, лекин ҳар қайси шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш; шахс субъект бўлиши учун мустақиллик, шахсий позиция, дунёқараш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш имконияти мавжудлигини тан олиш каби муаммоларнинг бартараф этилиши шахснинг ижтимоий муносабатлар мажмуасини камол топтиришга хизмат қилади. (Э.Ғозиев-2002, 2010). Зеро, инсон муносабатлари унинг хулқ-атворида ички дунёсининг шаклланишида, барча психологик жараёнларида муҳим бошқарувчилик ролини ўйнайди. (В.Н.Мясищев-1957). Бундай бошқарувчиликнинг юксак ижтимоий савияда таркиб топтирилиши эса инсоннинг ҳаётдаги айрим муваффақиятсизликларига нисбатан психологик ҳимояланиш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Демак, муносабат психологияси бўйича қайд этилган юқоридаги мулоҳазалар ўзига хос методологик асосларига эга бўлган "Муносабатлар тизимини" психологик хизмат жараёнида жиддий ўрганиш ва уни ҳар бир шахсда такомиллаштириш лозим бўлган ижтимоий психологик муҳофаза омили (кўрсаткичлари) сифатида амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга даъват этади.

Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ шахс муваффақиятли фаолиятининг 2-ўналишига индивидуал-типологик хусусиятларга асосланган ҳаракатларнинг намоён бўлиши киради. Чунки ҳар бир инсон у ёки бу ижтимоий топшириқни бажарар экан, аввало, ушбу топшириқни қанчалик тез, осон ва сифатли қилиб бажариш имкониятига эга бўлсагина мазкур топшириқ шахс камолотига хизмат қила олиши мумкин. Мазкур ўналишдаги психологик муҳофазанинг моҳияти шундаки, ҳар бир шахснинг фаолиятга нисбатан керагидан бир неча баробар ортиқ куч сарфлашга ва осонгина турли муваффақиятсизликларга учрамасликка қарши ўлароқ шахс истиқболини кўзлашга қаратилган тадқиқотлар ва тадбирлар кўлами олдиндан белгиланади. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ шахс муваффақиятли фаолиятининг учинчи ўналиши эса фаолиятга нисбатан фаол ижобий муносабатнинг таркиб топиши ва намоён бўлишидир. Бунда шахснинг

фаолиятдан қониқиши, хулқ-атворидаги мотивацион тизимнинг ижтимоий қимматга эга бўлган бошқарувчиликка тааллуқли сифатларини яққол намоён бўлиши кузатилади. Зеро, ҳар жиҳатдан ижтимоий фаолликка хизмат қилувчи сифатлар намоён этилмаган жойда шахс ва жамият уйғунлигининг таъминланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи барча имкониятлар қўлдан бой берилади. Ваҳоланки, бундай имкониятларни ҳамиша муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий ташкилотларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шундай қилиб, психологик хизматнинг методологик асослари сифатида талқин қилинган мазкур фикр-мулоҳазалар ижтимоий психология фанининг қуйидаги амалий-татбиқий йўналишларига бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сифатида қарашни тақозо этади:

1. Психологик хизмат ҳар-бир шахснинг у ёки бу фаолиятдан ижтимоий ва ҳиссий қониқиш жараёнини таъминловчи тадқиқ қилишга қаратилган омилларни назарий ва эмпирик маълумотлар усуллар ва услублар мажмуасига асосланиши лозим.

2. Психологик хизмат шахснинг фаолият жараёнидаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатларидаги иерархик тизим динамикасини тадқиқ қилиши ва шу тизим асосида ижтимоий психологик муҳитнинг яратилишига замин ҳозирлай олиши билан боғлиқ изланишлар кўламини ўз ичига олади.

3. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ ижтимоий муҳим кўрсаткичларнинг таҳлили ҳар бир шахс фаолияти учун характерли бўлган индивидуал фарқланиш, индивидуал услуб ва ижтимоий установканинг қарор топтирилишини ўрганиш асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Психологик хизмат жараёнини ижтимоий психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилиш муаммоси бугунги кунда ижтимоий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва бу муаммони бартараф этишда психологик тамойилларга таяниш талаб қилинади.

5. Психологик хизмат фани бугунги кунда етарлича назарий, илмий ва фундаментал асосларга эга бўлган махсус фан сифатида ўқитилиш билан бирга жамият тараққиёти учун муҳим бўлган ижтимоий вазифаларни бажариши мумкин.

1.2. Психологик хизматнинг предмети ва вазифалари

Психологик хизмат фани бошқа турдош бўлган фундаментал фанларнинг ҳосиласи сифатида юзага келган бўлса-да бугунги кунда бу фан ўзининг алоҳида объекти, субъекти, предмети ва вазифаларига эгадир. Чунки, ҳар қандай мустақил фан бошқа фанлардан ўзининг мана шу хусусиятлари билан ажралиб туради. Қолаверса, фаннинг аниқ йўналтирилган объекти, предмети ва вазифаларини тўғри англамай туриб мазкур фаннинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида мулоҳаза юритиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, психологик хизмат фанининг предмети ва асосий вазифаларининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади.

Гарчи кундалик мулоқот давомида бошқа одамларни кузатиб борган кишилар хулқ-атворининг турли хил омиллари (ҳаракатлар, қилиқлар, иш бажариш ва ҳаказолар) билан бевосита муносабатда бўлсалар ҳам амалда ўзаро биргаликда ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж уларни ташқи хулқ-атвор ортида яшириниб ётган психик жараёнларни фарқлай билишга мажбур қилиши табиий. Кишининг ҳатти-ҳаракатлари замирида ҳамиша дастуриламал бўлган мақсадлар, майллар, у ёки бу воқеадан таъсирланиши замирида эса шахс характеридаги асосий белгилар муҳим ўрин тутаяди. Ушбу белгиларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, коррекциялаш психологик хизматнинг муҳим вазифаларини белгилаб беради.

Ижтимоий ва шахсий тажрибада юзага келган содда психологик маълумотлар илмий психологияга яратилган психологик билимларни ташкил этади. Улар анча кенг миқёсда бўлиши, маълум даражада теварак-атрофдаги кишиларнинг хулқ-атворида қараб иш қилишга ёрдам бериши мумкин. Хўш, психологик хизматнинг предмети нималардан иборат? Илмий психологиянинг **предмети** дейилганда, аввало, психик ҳаётнинг конкрет ҳодисалари назарда тутилади, психик ҳаётга доир ҳар бир ҳодиса эса ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан характерли хусусиятларга эга. Масалан, психология фани инсоннинг теварак-атрофдаги нарсаларни идрок қилиш жараёнини текшириб, жуда муҳим сифатларни аниқлаган, идрок шароитлари

ўзгариб турса-да идрок қилинган предметнинг инсон онгидаги образи нисбатан ўзгармай қолаверар экан.

Бош суяги қопқоқнинг остига микроэлектрон ускуналар қўйиш йўли билан миядаги асаб тўқималарини бевосита қўзғатиш методи ёрдамида мия найчаларининг функцияларини ўрганишда эришилган ютуқлар кейинги йилларда психик фаолиятнинг физиологик механизмлари тўғрисидаги масалани янгича ёритишга олиб келди. Жумладан, мия найчаларининг қатор бўлмалари миянинг юқорида жойлашган бўлимлари учун энергия манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

Мия найчаларини электр ёрдамида қўзғатиш билан бир қаторда унда эксперимент ўтказувчининг аралашувисиз, беихтиёр равишда ҳосил бўладиган биотокларни ёзиб олиш методи ҳам қўлланилади. Бу тажрибалар миянинг электр активлиги бир хил эмаслигини кўрсатди.

Биотоклар ёзуви характериға қараб одамнинг психик ҳолатидаги ўзгаришлар ҳақидаги хулоса чиқариш мумкин. Мияда ҳосил бўладиган тўлқинлар турли частотадаги электромагнит тебранишларига ўхшайди. Уларнинг энг секинлари киши тинч-осойишта пайтида, кўзларини юмиб ўтирган, бетоқат бўлмасдан ва диққат-эътибори бўшашган ҳолатида кузатилади. Лекин бундай ҳолатда бўлган кишиға бирон-бир топшириқ (масалан, арифметикадан масала ечиш) берилса борми, унинг биотоклари дарҳол ўзгара бошлайди ва унда тўлқинлар тезлиги анча ошганлигини кўрсатадиган излар пайдо бўлади.

Мияда электроэнцефалограмма кўринишдаги кучайтиргич ёрдамида ёзиб олиш мумкин бўлган электр токлари пайдо бўлишининг кашф этилиши физиологлар ва врачлар учун ҳам, психологлар учун ҳам муҳим аҳамиятға эға бўлди. Электроэнцефалограммалар миянинг фаоллиги қандай ўзгаришини берарди. Биотоклар ёзуви мия ишининг мазмуни ҳақида эмас, балки фақат миянинг умумий биофизик ва биохимик фаоллиги ҳақида гувоҳлик беради.

Бу муайян методлар ёрдамида шу нарса аниқландики, бир хил нуқталарни қўзғатиш натижасида тортилиши, бошқаларида кўриш, эшитиш, тери сезгиларига таъсир қилиши кузатилади. Сезувчи ва ҳаракат асабларининг “охирги бекатлари” мияда

муайян бир тартибда жойлашганлиги, шу билан бирга организмнинг барча қисмлари ҳам мияда бир хилда ўрин эгалламаганлиги аниқланди. Бу эса у ёки бу шахсга психологик хизмат кўрсатишда унинг нерв-физиологик имкониятларига илмий-амалий баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, психологик хизмат фанининг предмети ҳақида жуда кўплаб илмий мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, бир гуруҳ олимлар мазкур фаннинг предметини инсон омили ва унинг ижтимоий-психологик табиати билан бевосита боғлаб талқин қилсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар эса ушбу фан предметини унинг назарий-методологик ҳамда илмий-амалий методлари асосида талқин қилинишини тавсия этадилар. Ушбу талқинларнинг иккаласида ҳам маълум даражадаги фундаментал асосларнинг мавжудлигини кўрамыз. Дарҳақиқат, психологик хизмат фанининг предмети, энг аввало, инсон омили ва унинг психологик имкониятларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳамда шу асосида унга бирор бир ёрдам кўрсатишни тақозо этади. Бунинг учун эса, албатта, турли-туман методлардан фойдаланиш мумкин. Айни пайтда, аҳолининг турли қатламлари билан индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар ўтказиб, шу суҳбат натижалари асосида муайян мақсадга йўналтирилган психотренинглар олиб бориш, илмий оммабоп адабиётларни яратиш ва уларни тарқатиш, ўрганиладиган объектларда тизимли равишда психоконсултатив, психодиагностик, психопрофилактик ва психокоррекцион ишлар-ни олиб бориш, уюшган ва уюшмаган ёшлар гуруҳида ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда шахслараро муносабатлар билан боғлиқ психологик ҳолатларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, психологик хизмат фанининг предмети мия ва психика, психика ва онгнинг онтогенезда ривожланиши, шахс ва унинг фаоллиги, шахслараро муносабат, шахснинг билиш жараёнлари (диққат, сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ), шахснинг ҳиссий иродавий сифатлари, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қобилиятлар) каби психосоциал тушунчалар билан белгиланади ва баҳоланади. Бу эса психологик хизмат фанининг қуйидаги вазифаларини белгилашга имкон беради:

1. Психологик хизмат фани фан сифатида шаклланиш учун етарли даражадаги илмий ва методологик асослар мавжудлигини инобатга олиб мустақил равишда шахсинг ижтимоий тараққиёти учун муҳим бўлган илмий йўналишлар стратегиясини ишлаб чиқади.

2. Психологик хизмат ўзининг амалиётдаги “Низоми”ни ишлаб чиқади ва ушбу “Низом” талаблари асосида фаолият йўналишларини белгилайди.

3. Психологик хизмат кўрсатиш тизими муайян даражадаги психодиагностик, психопрофилактик, психокоррекцион ишлар кўламининг сифат ва миқдор жиҳатдан юқори савияда олиб борилиши учун тегишли кўрсатмаларга эга бўлиши керак бўлади.

4. Психологик хизмат меҳнат ва таълим муассасаларида, маҳалла ва оилаларда ва турли соҳа йўналишларидаги тизимларда фаолият юритиш учун маълум даражадаги билим, кўникма, тажриба ва малакаларнинг мавжудлигини таъминлайди.

5. Психологик хизмат фани фан истиқболларидан келиб чиқиб ўзининг илмий-амалий тадқиқот ва тарғибот манбаларини ҳар жиҳатдан шакллантириши лозим.

6. Психологик хизмат фани инсон омилини тадқиқ қилувчи барча фанлар билан узвий боғланган ҳолда фанни янада ривожлантириш дастурларини яратиши ва шу дастурларни тизимли равишда кенг амалиётга қўллаш механизмини амалга оширади.

1.3. Психологик хизматнинг фанлар тизимида тутган ўрни

XXI асрда психологик хизмат фани ўзининг ниҳоятда долзарб назарий ва экспериментал муаммоларини тадқиқ қилиш услубини яратиш даврига киришди. Ҳозирги вақтда психологик хизмат фани ўзи ўрганадиган алоҳида предмети, ўзининг алоҳида вазифаларига, ўзининг махсус тадқиқот методларига эгадир. Психологик хизмат фанининг илдизлари, энг аввало, табиатшунослик фанлари доирасида шаклланганлигини унутмаслик керак бўлади. Чунки табиатшунослик фанларидаги барча йирик кашфиётлар силсиласида инсоннинг тиббий-физиологик имкониятлари кўламига баҳо бермай туриб, унга тўлақонли

психологик хизмат кўрсатиб бўлмайди. Бу жараён XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди. Жумладан, эксперимент методининг (Г.Фехнер) психологияга жорий этилганлиги ва И.М.Сеченовнинг “Бош мия рефлекслари” китобининг босмадан чиққанлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу китобда психик ҳодисалар ҳам худди одам организмнинг бошқа барча функциялари каби табиий ҳодисалар эканлиги, улар сабабсиз юз бермасдан, балки асаб тизимининг рефлектор акс этиш фаолияти натижаси эканлиги кўрсатиб берилган эди. И.М.Сеченовнинг рефлекторлик назарияси психологик билимларнинг табиий-илмий негизини ташкил этганлиги билан аҳамиятлидир. Бу назария кейинчалик шартли рефлекслар ҳақидаги И.П.Павловнинг таълимотида, Павловнинг шогирдлари—Л.А.Орбели, П.К.Анохин, Қ.М.Быков, Н.И.Красногорскийларнинг асарларида, шунингдек А.А.Ухтомский, Н.А.Бернштейн ва бошқаларнинг асарларида янада ривожлантирилди. Ҳозирги пайтда психология фанининг табиий-илмий жиҳатдан бу хилда асосланганлиги олимлар томонидан мия фаолиятининг нейрофизиологик механизмлари чуқур ўрганилаётганлиги ҳисобига тобора кучайтирилмоқда. Шу тариқа психик фаолиятнинг мураккаб физиологик механизмларини тадқиқ қилиш борасидаги ютуқлар психология билан табиатшунослик ўртасидаги алоқалар орқали психологик хизмат фанини ҳам шакллантирди. Тиббиёт психологияси асосларини тадқиқ этган тиббий психологлар (В.М.Бехтерев, С.П.Боткин, С.С.Корсаков, Л.Р.Лурия, В.Н.Мясищев ва бошқалар) тадқиқотларининг киши хулқ-атворида психиканинг қандай роль ўйнашини аниқлашдаги ўрни каттадир. Психология билан тиббиётнинг туташган жойида пайдо бўлган тиббий психологик хизмат психология фанининг ютуқларини касалликларни диагностика қилиш ва даволашда, сиҳат-саломатликни тиклаш ва касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қўлланиб келинмоқда. Касалликнинг зўрайиши, бир томондан психик омилларга (тушкунликка берилиш, васвасага тушиш, ҳадиксираш ва шу кабиларга) боғлиқ бўлса, иккинчидан, дарднинг ўзи ҳам, жумладан, терапевтик муолажанинг самарадорлигини пасайтириб юбориш мумкин бўлган алоҳида психик ҳолатларни

келтириб чиқарадики, бу ҳол врач ва психологнинг куч-гайратлари бирлаштирилишини зарурат қилиб қўяди. Шу билан баробар мия қобиғининг баъзи бир жойлари, чакка қисми лат еганда психиканинг бузилишини клиник-психологик тадқиқ қилиш натижасида идрок ва хотиранинг қонуниятларини тушуниш имконини берадиган янги маълумотлар олинди. Психолог-терапевт беморнинг оғзаки ёки ёзма нутқи психологик жиҳатдан бузилиши хусусиятини аниқлаб, дарднинг манбаи киши бош мияси катта ярим шарларининг муайян қисмида эканлигини қайд қилади ва бу билан нейрохирургга кўмаклашади.

Демак, юқорида қайд этилган табиатшунослик фанларининг муайян қонуниятлари (умумий биология, физиология, неврология, эволюцион таълимот ва бошқалар)ни билиш шу қонуниятлар асосида инсонга психологик хизмат кўрсатиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

XXI аср замонавий техника билан иш қўрадиган инсон психикасига жуда катта талаблар қўймоқда. Жумладан, жуда қиска вақт ичида ўта масъулиятли ечим (карор) лар қабул қилиш зарурати билан юз берадиган асабий-психик танглик шароитида (кўп жиҳатдан замонавий товушдан тез учар авиация учун, йирик энергетика тизимларининг диспетчер-операторлари иши учун хос бўлган вазиятларда ва ҳоказоларда) шахсда фаолиятни жиддий камчилик ва бузилишларга йўл қўймасдан амалга ошириш имконини берадиган айрим фазилатларнинг мавжудлиги ғоят муҳимдир. Бу каби фазилатларнинг етишмаслиги эса жиддий тўқнашувларга олиб келади. Меҳнат фаолиятининг мураккаб турлари киши олдиға қўяётган талаблари муносабати билан кишининг психологик имкониятларини ўрганиш бугунги психологик хизмат учун муҳим роль ўйнаётганлигини билдиради. «Инсон-машина» муаммосини ўрганиш билан шуғулланадиган инженерлик психологияси умуман меҳнат психологияси каби техниканинг кўпгина бўлимлари билан одам ва ЭҲМ нинг ўзаро муносабатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда шахсга психологик хизмат кўрсатишнинг алоҳида йўналишлари белгиланади. Ҳозирги пайтда психология билан **педагогика** ўртасидаги алоқалар ҳам ўзгача тус олмоқда. Бу алоқалар қатор йиллар

мобайнида аслида кўп ҳолларда психологиянинг педагогикага ташқи мослашуви ва педагогика томонидан психологиянинг тайёр маълумотларини ташқи томондан ҳисобга олиниши билан чекланиб келди. Масалан, кўпинча аллақачон таркиб топган ва мустаҳкам ўрин олган педагогик усуллар ва қоидаларни «психологик жиҳатдан асослаб беришларини, уларнинг яхшиланишини ва такомиллаштирилишини психологиянинг вазифаси деб ҳисоблаб келинар, педагогика эса айрим, амалда догматик тарзда тушунилган «психологик формулалар» (кичик ёшдаги ўқувчининг тафаккури гўё мавҳумликдан маҳрум ва шу сабабли у фақат мутлақо конкретдир, деган даъволар) га таянар эди. Эндиликда фан-техника тараққиётининг анча жадаллаштирилганлиги шароитида шахсни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ва конкрет психологик тадқиқотларни ривожлантириши соҳасида бугунги эришилган ютуқлар ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш жараёнида психологиянинг имкониялари ва унинг иштирокига янгича мазмун бахш этмоқда. Илғор психологлар психология фани олдида турган педагогик вазифаларни аниқ ифодалаб бермоқдалар.

Кейинги йилларда педагогика фанида эришилган ютуқлар, айниқса, таълим-тарбия жараёнида инсон омилидан унумли фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар ўқувчи шахсига психологик хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. А.В.Запорожец, Л.В.Заньков, В.В.Давидов, П.Я.Гальперин, Н.А.Менчинская, Д.Б.Эльконин, Ш.А.Амонашвили ва бошқаларнинг педагогик психология соҳасидаги тадқиқотлари айнан ана шундай характерга эгадир. Бизда жадал суръатлар билан ривожлантирилаётган ижтимоий-иқтисодий имкониятлар тизими психология фани олдида қўйган долзарб вазифаларни: психиканинг онтогенезда ривожланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш, ҳар бир ёш босқичида кишининг фаолияти ва шахсининг психологик тавсифини бериш, киши томонидан фан асосларида, маънавиятда, идеологияда бир тарзда тизимлаштирилган ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг психологик механизмларини аниқлаш, инсоннинг тарбияси ва психик жиҳатдан ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиқ берган ҳолда таълим ва тарбия жараёнида унинг шахсини

шакллантиришнинг психологик асосларини кўрсатиб бериш; одамларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш; айрим одамларнинг психикаси ривожланишида умумий ривожланиш жараёнига нисбатан фарқлар юз беришининг психологик сабабларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор методларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни қўйди. Қўйилган ушбу вазифалар бевосита таълимда психологик хизматни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида айтилганларнинг барчаси ҳозирги замон психологик хизмат фани бир қанча фанлар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. У бир томондан философия фанлари, иккинчи томондан табиий фанлар, учинчи томондан социал фанлар ўртасида жойлашган оралиқ мавқеига эга бўлган фандир. Унинг бу фанларга яқинлиги ва ҳатто улардан баъзилари билан биргаликда тадқиқ қиладиган соҳаларнинг мавжудлиги ҳам унинг мустақиллигига ҳеч бир путур етказа олмайди. Психология ўзининг барча соҳаларида ўз тадқиқот предметини, ўз назарий тамойилларини, ўша предметни ўрганишнинг ўз йўлларини сақлаб келмоқда. Фақат психология учун эмас, балки у билан турдош фанлар учун шу қадар аҳамиятга эга бўлган психологик муаммоларнинг кўп қирралиги психологик хизматнинг диққат марказида ҳамиша жаҳон тараққиётининг бош ижрочиси ҳисобланмиш Одам унинг ижтимоий табиати, фаолияти ва ўзига хос фаоллиги турганлиги билан изоҳланади. Бугунги замонавий психология ўзига хос услубдаги “кибернетикалашириш” ва математикалаштириш жараёнлари билан узвий боғланган. Аммо бу ҳар икки жараён ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ёндошишни талаб этади. Бу ёндошиш объектив ва субъектив ҳодисаларни умумийлаштирувчи психиканинг ўзига хос хусусиятларини тушунишга таянади. Жумладан, **кибернетика** фани мураккаб динамик тизимга эга бўлган оптимал бошқариш ҳақидаги фан бўлиб, у ўз табиатига кўра ниҳоятда тез ҳаракатланувчи ҳисоблаш машиналаридан тортиб то мураккаб жонли организмгача барча ишларнинг асосида ётувчи бошқариш ва алоқанинг умумий тамойилларини ўрганади.

Психология ва кибернетика алоқалари қуйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

1.Бошқариш босқичларини белгилаш, жумладан, бошқарувчи қисмларини аниқлаш.

2.Бир тизимдаги алоқаларнинг ифромацион жараёнларини бошқалари билан (тўғри ва тесқари алоқа) кузатиб бориш.

3.Ҳаракатлар тартибини, яъни бошқарилувчи ва бошқарувчи системанинг ахборот ва командаларининг изчиллигини аниқлаш.

4.Бошқариш жараёнларини оптималлаштириш.

5.Ҳозирги замон фан ютуқарини ҳисобга олган ҳолда махсус психологик мақсадларга қаратилган нанотехнологиялар мавжуд имкониятларидан фойдаланиш.

Бугунги психологик хизматнинг меҳнат психологияси фани билан бевосита боғлиқлигини кузатиш мумкин. Унда киши меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш (МИТ) нинг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш кўзда тутилади. Кишининг касбий хусусиятларини, меҳнат малакалари ривожланишининг қонуниятларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқаришдаги вазиятнинг, асбоб-ускуналар ва станокларнинг, бошқарув воситаларининг конструкциялари ва жойлаштирилиши ҳамда шу кабиларнинг меҳнат аҳлига таъсирини аниқлаш меҳнат психологиясининг вазифалари жумласига киради. Меҳнат психологияси қатор бўлимларга эга бўлиб, бу бўлимлар гарчи бир-бири билан ва психологиянинг бошқа соҳалари билан бевосита боғланган бўлса ҳам, айна чоғда мустақил ҳисобланади. Жумладан, асосан автоматлаштирилган бошқарув тизимлари операторининг фаолиятини ўрганадиган, одам билан машина ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда шу каби бошқа муаммоларни ҳал этадиган инженерлик психологияси; кишининг учини ўрганиш ва учини жараёнидаги фаолиятининг психологик қонуниятларини тадқиқ қиладиган авиация психологияси; вазнсизлик ва бандликда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмга жуда кўп ортиқча таассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган асаб зўриқиши билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қиладиган космик психологик хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутди.

Тиббиёт психологияси врач фаолиятининг ва бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади. У психик ҳодиса билан миядаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган нейтропсихологияга, доривор моддаларнинг кишининг психик фаолиятига таъсирини ўрганадиган психофармокологияга, беморни даволаш учун психик таъсир воситаларини ўрганувчи ва қўлланувчи психотерапияга, одамларнинг психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чоратадбирлари тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи психопрофилактика ва психогигиенага бўлинади. Бу каби ҳолатлар инсонга тиббий психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Юридик психология ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари билан боғлиқ психологик масалаларни ўрганади. У жиноий жараён иштирокчилари хулқ-атворининг психик хусусиятларини (гувоҳлик кўрсатмаларининг психологияси, айбланувчи хулқ-атворининг хусусиятлари, терговга қўйиладиган психологик талаблар ва шу кабиларни) тадқиқ қилувчи суд психологиясига; жиноятчининг хулқ-атвори. шахснинг шаклланишига доир психологик муаммолар, жиноятнинг мотивлари ва шу кабилар билан шуғулланувчи криминал психологияга; ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида тарбияланаётганларнинг психологик ҳолатларини ўрганишга ва шу каби суд психологик экспертиза талаблари асосида шахсни талқин қилишга йўналтирилган жараёнларни тадқиқ қилади.

Спорт психологияси спортчилар шахси ва фаолиятининг психологик хусусиятларини, уларни психологик жиҳатдан тайёрлашнинг шарт-шароитлари ва воситаларини, спортчининг машқий чиниққанлиги ва сафарбарликка тайёрлигининг психологик мезонларини, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ психологик омилларни ўрганади. Бу жараён спортчиларга психологик хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Психологик хизмат шахобчаларини тасниф қилишда шахс ривожланишининг, психологик жиҳатлари асос қилиб олинадиган бўлса, у ҳолда биз унинг методологик тамойиллари амал қиладиган қатор соҳаларига дуч келамиз. Жумладан, **ёш психологияси** турли хилдаги психик

жараёнларнинг онтогенезини ва ривожланаётган киши шахсининг психологик фазилатларини ўрганади. У болалар психологиясига, ўсмирлар психологиясига, ёшлик психологиясига, катта ёшдаги одам психологиясига, геронтопсихологиясига бўлинади. Ёш психологияси психик жараёнларнинг ёшга оид хусусиятларини, билимларни ўзлаштиришнинг ёшга боғлиқ имкониятларини, шахс камолотининг психологик омилларини тадқиқ қилади. Бу жараёнда психологик хизмат фани эса ақлий камолотнинг ишончли мезонларини қидириб топиш ва ўқитиш жараёнида ақлий ривожланиш самарадорлигига эришиш имконини берадиган шарт-шароитларни аниқлаш билан шуғулланади. Шунингдек, психологик хизмат фани аномал (нотўғри) тараққиёт психологияси ёки «**махсус психология**» объекти бўлмиш, миядаги айрим касалликларнинг турли хилдаги кечиши жараёнида психиканинг тамомила издан чиқиши каби ҳолларни ўрганадиган патопсихологияга, психик ривожланишнинг миядаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси туғрисидаги фан бўлган олигофренопсихологияга, қулоқ эшитишининг бутунлай қар бўлиб қолишга қадар жиддий камчиликлари бўлган болани вояга етказиш психологияси бўлмиш сурдопсихологияга, яхши кўрмайдиганлар ва кўзи ожизлар ривожланиши психологияси тифлопсихологияга ҳам асосланади.

Агар психологиянинг шахобчаларини шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатлари нуқтаи назаридан тасниф қилинадиган бўлса, у ҳолда психологик хизмат фанининг ижтимоий психология тушунчаси замирида бирлашадиган жиҳатларини яққол кузатиш мумкин. Қолаверса, **ижтимоий психология** одамларнинг турли хилдаги уюшган ва уюшмаган ижтимоий гуруҳлардаги ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида вужудга келадиган психик ҳодисаларни ўрганади. Жумладан, психологик хизмат жараёнида шахслараро муносабатларни тадқиқ қилишга қаратилган муаммоларнинг ўрганилиши куйидаги 3 гуруҳга бўлинган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Демак, катта гуруҳларда (макромуҳитда)ги ижтимоий-психологик ҳодисаларга оммавий коммуникация воситаларининг одамларнинг турли хилдаги жамоаларига таъсир

қилиш механизмлари ва самарадорлиги, умумий қабул қилинган анъаналар, расм-русмлар, сохта фикрлар, ижтимоий кайфиятларнинг тарқалиш қонуниятлари, синфлар ва миллатлар психологияси муаммолари, дин психологияси кабилар киради. Кичик гуруҳлардаги социал, психологик ҳодисалар тор доира гуруҳлардаги психологик сиғишувчанлик, гуруҳлардаги шахслараро муносабат, гуруҳ вазияти, гуруҳда лидер ва етакчилар мавқеи, гуруҳ турлари (ассоциация, корпорация, жамоалар) муаммолари расмий ва норасмий гуруҳларнинг нисбати, кичик гуруҳларнинг миқдорий чегараланганлиги, гуруҳлар жипслиги даражаси ва сабаблари, гуруҳда кишиларнинг бир-бирини тушуна билиши, гуруҳдаги қадриятлар ва шу каби кўпгина масалалар киради. Шахсга социал психологик хизмат қилиш муаммолари жумласига шахснинг бирор мақсад сари интилганлигини, унинг ўзига-ўзи берадиган баҳони, кайфияти ва ўзини ҳурмат қилишини, шахснинг барқарорлиги ва панд-насиҳатга кўнишини, жамоатчилик ва шахсиятпарастликка муносабатини ўрганиш билан, шахснинг дастурларини, уларнинг ўзгарувчанлиги суръатларини, шахснинг келажаги бор-йўқлигини ўрганиш билан боғлиқ масалаларни киритиш мумкин. Айни пайтда, ижтимоий психологик хизмат орқали бугунги шахсларнинг шахслараро муносабатларидаги ўрни, мавқеи ва ўзига хос психологик истиқболларига адекват баҳо бериш мумкин бўлади.

Демак, психологик хизмат фани бугунги кунда барча ижтимоий, гуманитар, табиатшунослик ва аниқ фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўз истиқболларини белгилайди. Бу эса инсон омилидан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар:

1. Психологик хизмат фанининг долзарблиги нимада ва бу фан нима учун ўқитилади?
2. Психологик хизмат фанининг тарихий илдизларига баҳо беринг?

3. Психологик хизмат фани шаклланишининг назарий-методологик асосларига изоҳ беринг?
4. Психологик хизматнинг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
5. Психологик хизматнинг бугунги асосий йўналишларига баҳо беринг.
6. Психологик хизматнинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини асослаб беринг?
7. Психологик хизматнинг бугунги истиқболлари ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш мавзулари

8. Психологик хизмат фани шаклланишининг тарихий босқичлари.
9. Психологик хизматнинг назарий-илмий ва амалий-методик йўналишлари.
10. Психологик хизматнинг шахс ижтимоий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.

Асосий адабиётлар:

1. Баротов Ш.Р. Психологик хизматнинг назарий ва амалий муаммолари. Бухоро, 2008.
2. Дубровина И.В. Школьная психологическая служба. М., 1991.
3. Немов Р.С. Психология. В 3-х книгах Психологическая служба в образовании. Кн.2. - С.506-527.
4. Нишонова З.Т., Алимбаева Ш.Т., Сулаймонов.М. Психологик хизмат. – Т.:Фан ва технология марказининг босмахонаси, 2014.
5. Основы психологии. Большая энциклопедия психологии. Все тайны поведения человека /Деннис Кун. - СПб.: Прайм - ЕВРОЗНАК, 2007.
6. Практическая психология образования /Под ред. И.В.Дубровиной. М., 1998.
7. Психология эмоции / авт.-сост.В.Вилюнас, - Хрестоматия М.: 2007.
8. Слюсарева Е.С., Козловская Г.Ю. Методы психологическое коорекцион учебно-методическое пособие. – Ставрополь, 2008.
9. Ғозиев Э.Ғ. Психология методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ношир, 2013.

10. Щербатых Ю.В. Психология стресса и методы коррекции. М.; 2008.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Абрамова Г.С.Практическая психология. – М; 2000.
- 2.Баротов Ш.Р Социально-психологические и научно-практические основы создание психологической службы в Узбекистане. Автореферат дисс.докт.психол.наук. – Т.,1998. – 37 с.
- 3.Баротов Ш.Р и др. Психологическая служба образования: от теории к практике.(Учебно - методическое пособие). – Бухара: Дурдона, 2017. – 172 с.
- 4.Бондаренко А.Ф.Психологическая помощь: теория и практика. – М.:Изд-во “Института психотерапия”, 2000. – 368 с.
- 5.Charlesworth E.A.,Ph.D., Nathan R.G.,Ph.D. – Stress management. A Comprehensive Guide to Welless, 1986.
6. Усманова Э.З. К вопросы о психологических путях борьбы со стрессом – В сб: Психология фани XXI асрда. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2-3 октабр, 2002 йил). – Тошкент, 2002.
- 7.Шевандрин И.И. Психодиагностика, коррекция и развитие личности. – М.: Гуманит. изд. центр. ВЛАДОС, 1998. – 512 с.

Интернет ресурслари:

www.psixologiya.uz

www.psychologies.ru

<https://ru.wikipedia>

www.psysovet.ru

www.scienceproblems.ru/

II БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

2.1. Психологик хизмат методлари.

2.2. Микдорий маълумотларни математик таҳлил қилиш.

2.3. Контент – таҳлил услуги.

2.1. Психологик хизмат методлари

Психологик хизмат амалиёти бугунги замонавий психология фани ютуқларига асосланган дунёвий методларнинг мавжудлиги ва кенг қамровда қўлланилиб келинаётганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки ҳар бир методнинг қўлланилиши у ёки бу психологик ҳодисанинг намоён этилишини аниқлашга ва шу асосда муайян психокоррекцион ишларни амалга оширишга хизмат қилади. Қолаверса, психологик хизмат методлари шахс ва унинг ўзига хос психологик имкониятлари доирасида маълум даражадаги хулосалар қилиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Психологик хизмат амалиётида қўлланувчи методларнинг мақсади инсон психикаси ва хулқ-атворининг қонуниятларини очишга хизмат қилади. Амалиётчи психологдан ҳар бир методнинг афзаллиги ва камчиликлари ҳақида даставвал ёрқин тасаввур ҳосил қилиш талаб қилинади.

Методология (юнонча “методес” – “билиш, тадқиқ қилиш, изланиш йўли”, “логос” – “тушунча, таълимот”) амалий фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари, усуллари тизими ҳамда ушбу тизим ҳақидаги таълимотдир. Методлар - психологияни ўрганиш усуллари ва йўллари йиғиндиси, "Метод" бу билиш, англаш йўли бўлиб, бу усул орқали фаннинг предмети аниқланади. (С.Л.Рубинштейн).

Умуман, фаннинг методологияси ва методикалари орасидаги боғлиқликни қуйидагича тадқиқ қилиш мумкин:

1. Психология предметини илмий тушуниш. Фан методологияси.

2.Методик тамойилларга жавоб берувчи психиканинг намоён бўлишига доир ҳодисаларни тўғри талқин қилиш.

3.Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда аниқметодик кўрсатмаларнинг иерархик тизимини ишлаб чиқиш.

4.Материалларни қайта ишлаш.

5.Хулоса ва тавсиялар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, психологик тадқиқотларнинг ташкил этилишига ва ўтказилишига маълум бир талаблар қўйилади. Улар қуйидагилардир:

- ❖ Психологик тадқиқотларни режалаштириш.
- ❖ Метод ва методикаларни танлаш ва уларни синаб кўриш.
- ❖ Психологик тадқиқотнинг объектини белгилаш.
- ❖ Психологик тадқиқотни техник жиҳозлаш.
- ❖ Психологик тадқиқ шаклини белгилаш.
- ❖ Психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш.

Интерпретация.

Психологик тадқиқот босқичларини қуйидагича белгилаш мумкин:

IV	Илмий фаразлар исботи. Умумий хулосаларни шакллантириш. Амалий тавсияларни тақдим этиш.
III	Тадқиқот натижаларини миқдорий ва статистик жиҳатдан таҳлил қилиш. Интерпретацион таҳлил.
II	Бирламчи эмпирик маълумотлар базасини яратиш.
I	Тайёрлов босқичи – илгари сурилган вазифаларни ўрганиш, фарқларни аниқлаш. Тадқиқот вазифалари ва илмий фаразини белгилаш, тадқиқот методикаларини саралаш.

Муайян илмий адабиётларда асосий ва ёрдамчи методлар фарқланади. Кузатиш илмий, амалий ва лонгитюд ва эксперимент методлари асосий методларга киритилса, бошқа бир методлар (эксперт баҳолаш, суҳбат, анкета, ўз-ўзини кузатиш, тест ва шунинг кабилар) ёрдамчи методларга киритилади.

Эмпирик далилларни (тажриба орқали қўлга киритилган маълумотларни) тушунтириб бериш учун уларни бир-бири

билан солиштириш асосида умумлаштириш ҳамда улар бўйсунадиган қонуниятни топиш керак. Бунинг учун алоҳида методлар даркордир. Бундай методларни, одатда, қўлга киритилган эмпирик (тажрибадан олинган) маълумотларни қайта ишлаш методлари деб юритилади. «маълумотларни қайта ишлаш» деганда одатда нима тушунилади? Бу ерда гап далилларни мантиқий ишлаш ҳақида, яъни уларни тадқиқот олдига қўйилган вазифалар билан мослаштириш тўғрисида боради. Бироқ, эмпирик маълумотларни мантиқий таққослашга киришишдан олдин шундай таққослаш имконини берадиган шаклга келтириш керак. Қолаверса, юзлаб ва минглаб алоҳида далилларни шунчаки таққослаш бемаънилик бўлар эди. Ўрганилаётган жараён ёки хусусиятларнинг марказий тенденциясини аниқлаш учун бу далилларни гуруҳларга бирлаштириш лозим. Бунда ўлчов, рақам орқали ифодаланган якка ўлчаш ёки якка эксперт баҳосининг натижасига жиддий эътибор бериш талаб қилинади.

Жараён ёки хусусиятларнинг марказий тенденциясини аниқлашнинг энг содда шакли — ўртача арифметик қийматни топишдан ёки **математик башоратлашни** тўғри топишдан иборатдир. Ўртача арифметик қиймат кўп ёки оз даражада ишончли (репрезентатив) бўлиши мумкин, аммо у ҳамisha якка ўлчовдан ишончлироқ бўлади. Унинг илмий салмоғи ҳам шунда. Зеро, ҳар бир фан тараққиётининг асосий шароитларидан бири унинг маълум даражада, мумкин қадар, обектив, аниқ, ишончли усулларга эга эканлигидир. Умуман, психологияда инсон психикасини тадқиқ қилишда методларнинг турли таснифи мавжуддир. Тадқиқот методларини илмий жиҳатдан таҳлил қилган рус психологи Б.Г.Ананев мазкур методларни хусусиятларига қараб таснифлаган.

Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва маълумотлар тўплаш учун махсус усуллардан ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг методлари деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг ишончилиги ва валидлилигига боғлиқ бўлади.

Жумладан, Б.Г.Ананев психикани ўрганиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратади:

I. Ташкилий гуруҳ – қиёслаш, лонгитюд, кўпёқлама.

II. Эмпирик гуруҳ – кузатиш, эксперимент, суҳбат, сўровнома, тест, фаолият маҳсулини ўрганиш, биография, социометрия.

III. Натижаларни қайта ишлаш ёки статистик методлар гуруҳи (SPSS дастури асосида).

IV. Шарҳлаш гуруҳи – генетик ва доналаш методлари, интерпретацион таҳлил.

Б.Г.Ананев томонидан таклиф этилган мазкур таснифга кўра, тадқиқот ишларида фойдаланиладиган асосий методлар эмпирик гуруҳ методлари ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бошқа гуруҳ методларига ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. Тадқиқот методларининг биринчи ташкилий гуруҳи ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталадиган турларни қамраб олади.

Қиёслаш методидан умумий психология, ижтимоий психологияда катта ёки кичик гуруҳларни ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш учун, тиббиёт психологиясида – соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш мақсадида, спорт психологиясида спортчиларнинг ҳолати, уқувлилигини ва ишчанлигини ўзаро таққослаш мақсадида фойдаланилади.

Қиёслаш методи, турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларни ўзлаштириш, ақлий қобилияти, салоҳияти, ривожланиш динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослигини ўрганишда қўлланилади. Психологлардан Л.С.Виготский, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананев, Д.Б.Элконин, П.Р.Галперин ва уларнинг шогирдлари олиб борган тадқиқотларда (чақалоқлик, гўдақлик, илк болалик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик ёш даврларини ўзаро солиштириш) шу методдан фойдаланиб амалга оширилган.

Лонгитюд методининг бошқа методлардан фарқи: бир ёки бир нечта синалувчилар узок муддат, ҳатто ўн йиллаб текшириладилар. Лонгитюд методидан немис психологи В.Штерн, француз психологи Р.Заззо, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина каби

олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг қўламда фойдаланилган.

Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зухра ёки аралаш жинсли Ҳасан-Зухра, Фотима-Ҳусан) эгизаклар кузатилган. Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигини объектив шарт-шароитлари ва ижтимоий муҳитнинг синалувчига таъсири ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўхшашлиги ва тафовути, таъсирланиши, ҳистуйғуни ўзгариши кишилар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий асаб фаолияти тизими ва ҳоказо) бўйича маълумотлар олиш лонгитюд методи орқали амалга оширилади. (Рашид Шербо усули)

Кўпёқламалик методи ёрдамида ўрганилган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текшириладиган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантиқий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш, унинг психологик, физиологик, мантиқий жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Илмий тадқиқот методларининг учинчи гуруҳи олинган эмпирик маълумотларни қайта ишлаш бўлиб, улар статистик (миқдор) ва психологик (сифат) таҳлил турларига бўлинади.

Илмий тадқиқот методларини шарҳлаш гуруҳи генетик ва доналаш методларидан иборатдир.

Генетик метод билан тадқиқот давомида тугалланган маълумотлар яхлит ҳолда, мақсадга мувофиқ тарзда шарҳланади. Бу методдан фойдаланишнинг асосий мақсади синалувчида вужудга келаётган ички, жамики образларнинг ривожланиши, фаолият ва билиш жараёнларининг ўзгаришига тажриба натижасига суяниб таъриф ва тавсиф беришдир. Шунингдек, бунда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври сифатида ҳамда баъзи машаққатли дақиқаларга, ҳолатларга қўшимча шарҳлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб психик ўзгаришлар билан ривожланиш босқичларининг бевосита боғлиқлигини белгиловчи омиллар аниқланади.

Доналаш методи тадқиқот объектига кирган шахс психикасидаги барча ўзгаришлардаги ўзига хослик, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир ва уйғунликнинг ўзаро боғланишлари ўрганилади. Жумладан, инсон хулқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир пайтда, биргаликда тадқиқ қилиниши бунга ёрқин мисолдир. Бунда ҳар бир билиш жараёнининг усули ифодаланади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилади.

Эмпирик методлар гуруҳи ўз навбатида иккига, яъни **асосий** ва **ёрдамчи** методларга бўлинади. Асосий методларга кузатиш ва эксперимент методлари кирса, ёрдамчи методларга *суҳбат, сўровнома, тест, социометрия ва фаолият маҳсулдорлигини таҳлил қилиш* каби методларни киритиш мумкин.

2.1. 1-жадвалда асосий психологик методлар ва уларни қўллаш шакллари келтирилган. Жадвалда келтирилган методлар ёрдамида тадқиқотчи ёки қизиққан шахс у ёки бу психик жараён, ҳолат ёки шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотларни тўплайди ва ўрнатилган тартибда таҳлил қилади.

Психологиянинг асосий методлари 2.1.1-жадвал.

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг вариантлари
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гуруҳ ичида кузатиш Гуруҳ ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (суҳбат) Стандартлаштирилган Умумий сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест – сўров Тест - топшириқ Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти

МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантикий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш
----------------------	---

Энди ҳар бир метод ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Кузатиш. Бу методнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, кузатиш табиий шароитда ўтказилади, кузатиш кузатилаётган шахсларнинг одатдаги хулқ-атворларини ўзгартирмайди. Кузатишни битта одам устида ҳам ва бир группа шахслар устида ҳам олиб бориш мумкин. Бу метод болалар боғчаси группасидаги ёки мактаб синфидаги болаларни ўрганиш учун қулайдир. Кузатиш методининг камчилиги унинг анчагина меҳнат талаб қилишидир. Тадқиқотчи психологни хулқ-атворнинг исталган қиёфада эмас, балки конкрет тадқиқот вазифалари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлишигина қизиқтиради. Шунинг учун кузатувчи шахс хусусиятлари ва психик ҳолатларининг ўзига керакли тарзда намоён бўлишини кутиб туриши керак. Бундан ташқари, психик хусусиятларнинг якка ҳолда намоён бўлишини кузатиш ва қайд қилиш етарли эмас. Тадқиқотчи у ёки бу хусусиятларнинг характерлилигига, типиклигига ишонч ҳосил қилиши керак. Кузатиш методи табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув моҳиятан кузатиловчи хулқ-атворини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз-ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидаги босқичлар амалга оширилади:

- ❖ кузатишнинг мақсади ва вазифасини белгилаш;
- ❖ кузатилаётган объектни танлаш;
- ❖ тадқиқот ўтказиш вақтини режалаштириш;
- ❖ кузатиш қанча давом этишини қатъийлаштириш;
- ❖ кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўқиш, ўйин, меҳнат, спорт) амалга оширилишини аниқлаш;
- ❖ кузатиш шаклини (якка, гуруҳ, жамоа) танлаш;
- ❖ кузатувчи қайдларини (кундалик суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, видеомагнитофон) ҳисобга олиш.

Кузатиш орқали турли ёшдаги одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, асаб тизимининг ташқи ифодалари, имо-ишоралари, сезгирлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти кабилар ўрганилади. Аммо ўта мураккаб ички кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантиқий хотира ва ақл-заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етмайди.

Масалан, ўспирин ёшларнинг спорт фаолиятини кузатиш орқали уларнинг иродаси, ишчанлиги, ҳис-туйғусининг ўзгариш хусусиятлари, талабга интилиш, ўз ҳаракатини идора қила олиш юзасидан материалларни йиғиш мумкин.

Ташқи кузатишда баъзан тафаккур бўйича ҳам маълумотлар олиш мумкин. Иш устидаги кайфиятни, меъёр даражасидаги ташвиш ва изтиробни, синчковлик каби руҳий ҳолатларни кузатиб, тафаккурдаги ўзгаришни аниқлаш мумкин. Бундан ташқари кўлнинг титраши, асабийлашиш, нутқнинг бузилиши ҳам инсоннинг руҳиятидаги ўзгаришлар бўйича маълумотлар беради. Психологияда ўз-ўзини кузатиш, яъни интереспексия методидан ҳам фойдаланилади, лекин бу психологиянинг илмий бўлмаган методи ҳисобланади. Эркин кузатув, кўпинча, бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараёнини ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг кайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади. Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр-қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун бироз ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

Суҳбат методи. Бу метод тадқиқотнинг турли

босқичларида қўлланилади: масалан, дастлабки танишиш босқичида ҳам бошқа методлар, айниқса, кузатиш методи орқали қўлга киритилган хулосаларни аниқлашда қўлланилади. Суҳбат методидан моҳирлик билан фойдаланиш жуда қимматли натижаларга эришишга ёрдам бериши мумкин.

Сўров методи. Психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида хисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач, сўроқ ўтказди. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Интервью методи. Психологик хизмат фанидаги бу метод социологияда қўлланиладиган анкета методидан фарқ қилади. Худди суҳбат методи каби интервью методи ҳам сўроқ-жавоб методига тегишлидир. Кўпинча интервью учун саволларни социологик анкеталар типига ўхшатиб, яъни кўп масалалар юзасидан кўплаб жавоблар олишни кўзлаб тузилади. Интервью методига бундай тарзда ёндашиш тадқиқотнинг фақат биринчи босқичига, муаммо билан дастлабки танишиш босқичига тўғри келади. Мазкур метод ёрдамида шахснинг ботиний психологик имкониятлари ҳақида муайян маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Эксперт баҳолаш методи. Бу метод шахс психологиясида кенг қўлланилади. Экспертлар сифатида текширилаётган кишиларни яхши биладиган шахслар — болалар боғчаси ва мактаб-интернатларининг тарбиячилари, синф раҳбарлари, ишлаб чиқариш-техника билим юртларининг ходимлари, ишлаб чиқаришдаги ходимлар, илмий жамоа раҳбарлари, ҳарбий ходимлар, спорт мураббийлари қатнашишлари мумкин. Эксперт баҳолаш кўпроқ хусусиятларнинг сифат жиҳатидан намоён бўлишларини

тасвирлаш тарзида эмас (буни экспертлар билан қилинадиган кейинги суҳбатларда ўтказилса анча фойдалироқ бўлади), балки ўрганилаётган хусусиятларнинг ифодаланишини миқдорий баҳолаш тарзида, яъни у ёки бу хусусият ёки хулқ-атвор элементлари даражаларини баҳолаш тарзида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Экспертлар умумлаштириш билан боғлиқ бўлмаган хулқ-атвор элементларининг анча-мунча майда қисмлари ифодаланганлигини қайд қилиши лозим. Умумлаштириш экспертнинг эмас, балки тадқиқотчининг ишидир.

Ўзини ўзи кузатиш методи. XVIII-XIX асрлар эмпирик психологияси томонидан камситилган бу метод сўнгги йилларда яна аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Чунончи, суҳбат ва сўроқ-жавоб методларини ўзини-ўзи кузатиш методи орқали олинган маълумотларсиз қўллаб бўлмайди. Буни суҳбат ва шахсий савол-жавоб ўтказиш учун саволлар тузишда ҳисобга олиш зарур. Лекин ўзини-ўзи кузатиш гарчи психологик тадқиқотларнинг асосий методи бўлмаса-да, мустақил метод аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Ўзини ўзи кузатиш методи психик ҳолатларни, яъни тетик кайфиятни, аччиқланишни, ишчанликни, касб билан боғлиқ бўлган сермахсул ишларни ўрганишда, айниқса, фойдали бўлиши мумкин.

Ўзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва равион тилда жавоб берувчиларнинг тушуниш даражасига мос тузилган бўлса, шубҳасиз, бирламчи маълумотлар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Тестлар методи. Тестлар методи маълум талаблар асосида стандартлаштирилган (бир хиллаштирилган) шахс хусусиятларини қисқа муддатли синаш методларидан бири ҳисобланади. Яхши асосланган тест бу олдиндан ўтказилган катта экспериментлар натижасидир. Назарий жиҳатдан асосланган ва

экспериментал жиҳатдан муҳокама қилинган тестлар тадқиқотчи, учун илмий ва амалий аҳамият касб этиши мумкин. Тестлар охирги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ҳодиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта-қайта синаш ва маълумотларни корреляцион таҳлил қилиш орқали маълумотлар ишончилигини текшириш мумкин бўлади. Кўпинча, тестга қўйилган талаблар ўзгармайди, ҳаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни ўлчаш, Кеттел ва Айзенкнинг шахслиликни аниқлашга мўлжалланган тестлари шулар жумласидандир. Тест-сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия-экстрроверсияни ўлчайди, саволларга “ҳа” ёки “йўқ” тарзида жавоб бериш сўралади. Тест-топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутаяди. Масалан, шахс тафаккуридаги креативлиликни аниқлаш учун, кўпинча, бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади ва вақт ҳамда тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермас, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги — баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, натижалар сохталаниши мумкин.

Тестлар ичида *проектив тестлар* деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ бериладик, текширилувчи топшириқни бажараётиб, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг “сиёҳ доғлари” тести ёки

ТАТ(тематик апперцепцион тест), тугалланмаган ҳикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гўёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда кашф этилган “сиёҳ доғлари” ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни фақат профессионал психологгина қўллаши ва натижаларни моҳирона таҳлил қилиши талаб қилинади.

Бине-Симон тестлари. Тестлар ёшга мувофиқ келади. Ақлий ривожланиш ёки ақлий ёш паспортдаги ёшга нисбатан процент ҳисобида ҳал қилинган масалалар сонига қараб белгиланади. Ҳар бир масалани ечишдан олинган баллар жамланади ва фоиз ҳисобидаги ўртача ёш кўрсаткичи чиқарилади, 70%дан камроқ кўрсаткич олигофрения мавжуд-лигини билдиради.

Тестнинг нуқсони шундан иборатки, ривожланиш муҳити ва шарт-шароити ҳисобга олинмайди.

Векслер тестлари. Бу метод синалаётган кишининг ақли ва шахсий сифатлари ҳақида тасаввур беради. Бир тизимдаги сўзлар билан ифодаланадиган 6 та тест ва амалий, ҳаракатга доир 5 та тест киради.

Дастлабки 6 та тест қуйидагиларни:

- 1) хабардорликни;
- 2) умумий зийракликни;
- 3) сонларни қайта такрорлаш қобилиятини;
- 4) арифметика масалаларини ечишни;
- 5) ўхшашликни аниқлашни;
- 6) 42 та сўзни аниқлашни текширишга ёрдам беради.

Ҳаракатга доир бешта тест:

- 1) объектларни ва уларнинг етишмовчи қисмларини аниқлашга;
- 2) суратларнинг кетма-кетлигини аниқлашга;
- 3) расмларни қисмлардан йиғишга;
- 4) намунага қараб қисмлардан (9 тадан 16 тагача) геометрик шакллар ясашга;

5) 90 сония ичида кодга биноан сонларни мувофиқлаштиришга доир масалалардан ташкил топган.

Тестлаштириш натижалари бўйича жадвал тузилади ва интеллектуал (ақлий) коэффициент чиқарилади. Бироқ бу коэффициентда текширилаётган кишининг маданий, умумий таълим савияси, шунингдек унинг тадқиқотга муносабати ҳисобга олиниши шарт.

Роршах методи. Бу методнинг моҳияти кўргазмада ўзига хос тарзда жойлашган рангли сиёҳ ва қора доғларнинг маъносини топишда иборат. Роршах методи текширилувчининг психик ривожланиш даражасини текшириш мақсадида қўлланилади.

Психологик методлар (тестлар) шахсий психологик хусусиятларга баҳо беришда асосий методлар ҳисобланмайди. Улар фақат беморни клиникада текширишга доир маълумотларни тўлдиради (анамнезни пухта тўплаш, суҳбатлашиш, кузатиш, клиника-лаборатория тадқиқотлари натижалари).

Тиббиётда даволашнинг самарадорлигига баҳо бериш, ремиссия сифати, беморга таъсир қиладиган воситаларнинг характерини аниқлаш, суд экспертизаси масалаларини ҳал қилиш, меҳнат қобилиятининг йўқотилиш даражаси ва вужудга келадиган нуқсонларнинг ўрнини тўлдириш масалалари кенг камровда кўрилади.

Турли психик бузилишлар (соматогениялар) аниқланган терапевтик, хирургик, урологик ва бошқа профилдаги беморлар сони, шунингдек, оғир асабий кечинмалар (психогениялар) билан боғлиқ функционал соматик кўнгли ғаш беморлар сони кўплиги муносабати билан йирик соматик комплекслар штатларига психотерапевт-врач лавозимини киритиш, бир қатор ҳолларда эса психотерапевтик фаолиятга жиддий эътибор қаратишга тўғри келади.

Эксперимент. Эксперимент методининг бошқа методлардан фарқи ва афзаллиги шундан иборатки, бунда тадқиқотчи ўз хоҳиши билан қандайдир психик процесс ёки хусусиятни юзага келтириб психик ҳодисанинг ташқи шароитга боғлиқлигини текшириб кўриши мумкин. Эксперимент методининг ана шу афзаллиги унинг психологияда кенг қўлланилиши билан тушунтирилади. **Эмпирик**, яъни тажриба йўли билан қўлга

киритилган далилларнинг кўпчилиги психологияда экспериментал йўл билан олингандир. Бироқ ҳар қандай тадқиқот, вазифаларини бажаришда экспериментни қўллаб бўлмайди.

Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, ёзги таътилда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб-ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки “Ландольт халқачалари” деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоки, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ҳодисаларини текшириш учун гуруҳий интеграторлар ва гомеостат деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ҳодисалар ўлчанган.

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модел асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантиқий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ҳодисага машҳур тадқиқотчилар Вебер-Фехнерларнинг сезгирликнинг қуйи ва юқори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар таҳлилинини мисол қилиш мумкин. Мантиқий моделлар ёрдамида, кўпинча, инсон ақли ва тафаккури жараёнлари ҳамда қонунларини ҳисоблаш машиналари иш тамайиллари билан қиёслаш орқали тузилган ғоялар, белгилар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭХМ даги

математик программалаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади. Ҳозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам программалаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосда қисқа фурсатда кўпгина сифатларни кўплаб мезонлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланилмоқда. Аниқ бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан ЭҲМ ларнинг ишлаш тамойиллари ўртасида уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу-заковати чегарасини янада кенгайтириш истиқболини беради.

Мазкур методикаларнинг тўлиқ тафсилоти В.Каримова ва Н.Холйигитоваларнинг “Психология” номли ўқув қўлланмаларида батафсил баён этилган, (Тошкент 2014).

Методларни қўллашга қўйилган талаблар фаннинг ўзига хос бўлган амалий-татбиқий соҳалари билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги замон илм-фанининг қадр ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, татбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охириги йиллардаги тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади. Психологик хизмат фанининг марказида турувчи амалий ҳамда татбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари, аввало, шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга татбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”ни оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Таъкидлаш зарурки, татбиқий психологиядаги “самара”ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бироз фарқ қилади. Яъни, бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин:

а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, токи ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги заҳиралардан омилкорона фойдаланишнинг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар;

б) профессионал психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў-эътиборнинг амалий соҳаларида ишлай олиш қобилиятларига боғлиқ эканлигини тушуниб етмоқдалар;

в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга уқувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, қўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқда.

Саноат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида татбиқий ишлар биринчи навбатда конкрет ташкилотда кадрлар заҳирасини тўғри ва оқилона ташкиллашдан тортиб, ходимлар иш шароитлари ва меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар комплексини илмий равишда ўрганиб, ҳаётда натижа олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ушбу йўналишдаги татбиқий ишларнинг икки соҳасини ажратиш мумкин:

- маркетинг хизматлари;
- ходимлар (персонал) билан ишлаш.

Биринчиси энг замонавий ва муҳим иш бўлиб, бу ерда психологнинг вазифаси “Нимани?” ва “Ким?” харид қилиб олишга эҳтиёжи борлигини ўрганишга кўмаклашишдир. Чунки талаб билан эҳтиёж бевосита шахсга ва унинг психологик муносабатлари тизимига алоқадор категориялар бўлиб, бозор ва рақобат шароитида корхона ёки ташкилотларнинг самарали ишлаб кетиши, энг аввало, харидоргир товар маҳсулотларни ажратиб, уларнинг одамлар талаб-эҳтиёжига қанчалик мослигини аниқ таҳлил қилишдан бошланади. Маркетинг муносабатлари аслида одамлар ўртасидаги соф психологик муносабатлар бўлиб, унинг негизида одамлар ўртасидаги жонли мулоқот, таъб ва дидлар тарбияси ётади. Шунинг учун биз бугун одамларда тўғри маркетинг тафаккурини шакллантириш воситаларини қидири-

шимиз ва талаб-таклиф муносабатларини реал ишлаб чиқариш имкониятлари билан мувофиқлаштиришда инсон психологияси хусусиятларини инобатга олиб ишлашга ўрганишимиз керак.

Иккинчи соҳа – кадрлар ва улар билан бевосита ишлаш соҳаси. Бу кадрларни ишга жалб этишда билиш зарур бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатлардан тортиб, уларни тўғри йўналтириш, ўз жойига қўйиш, ташкилот доирасида гуруҳларни шакллантириш, ходимларга маълумотларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ кадрлар сиёсатини олиб боришга алоқадор хизматдир. Психолог бу ўринда асосан маслаҳатчи-консультант ва эксперт сифатида роль ўйнайди.

Хар бир давр ўз кишилари онгида беихтиёр сиёсий онгни шакллантиради ва одамлар унинг тамойилларига бўйсундилар. Сиёсат борасидаги психологик масалаларга психолог аралашувининг зарурати ҳар доим бўлмаса-да, айрим пайтларда йирик ислоҳотлар бошланиши арафасида, сайлов олди компанияларда, янги сиёсий лидерларнинг халқ томонидан қабул қилиниши жараёнлари, кўпчилик аудиторияга зарур маълумотларни етказиш, ижтимоий установакаларни ўзгартириш, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларида психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш, маслаҳатлар бериш ва айрим гуруҳлар эътиқодига таъсир этиш керак бўлади.

Психологик хизмат методлари бугунги тиббий амалиётда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, психотерапиянинг ривожига туфайли гуруҳий жараёнларга бўлган қизиқишнинг ортиши, “психодрама гуруҳи”, “гештальт гуруҳ”, “Т-гуруҳлар”, “арт-терапия” каби амалиётнинг ва тушунчаларнинг ҳаётга дадил кириб келиши ҳар бир муолажада гуруҳ омилини инобатга олиш лозимлигига кишилар ва мутахассисларни ишонтирди. Чунки беморларнинг касаллик тарихида ҳам мулоқотда ўзидан қониқмаслик, ёлғизликни афзал кўриш, ўзгаларнинг уни тушунмаётганликлари, ишончсизлик, хавотирланиш ҳисси юқорилиги, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги, жанжалкашлик, кишилар билан нормал мулоқотга кириша олмасликдан нолишлар, хафа бўлиш, қуюнчаклик кабилар кўпайиб кетди. Бу ҳолат касалликка қарши самарали курашишда тиббиётчилар

билан психологлар ҳамкорлигини тақозо этди.

Айрим тиббиёт муассасаларида, айниқса, болалар касалхоналарида фаолият юритаётган психолог биринчи навбатда юқоридаги каби нолишларнинг олдини олиш, психологиянинг самарали методлари ёрдамида беморни жамиятга қайтариш, кўнглини хотиржам қилиш чораларини кўрадилар. Масалан, касалхонадаги психолог, аввало, **ассертив тренингни**, яъни беморда ўзига бўлган ишончни шакллантиришга қаратилган муолажалар ва машғулотларни йўлга қўйиши лозим. Чунки ассертив тренинг “ижтимоий қўрқув”дан шахсни халос этиш, агрессив хулқни коррекция қилиш орқали ўзгаларга нисбатан жоҳиллик, ёқтирмаслик каби салбий установкаларни бартараф этишда анчагина самара беради.

Ассертив тренингдан сал фарқ килувчи яна бир ижтимоий психологик муолажа борки, унинг номи **“учрашувлар гуруҳи”** деб юритилади. Бу гуруҳнинг мақсади шуки, ушбу гуруҳга келганлар, аввало, ўзларида ишонч ҳосил қилишдан ташқари, ўзгаларга караб, ўзини қайтадан кашф эта бошлайди, инсондаги иккиланишларга чек қўяди, шахслараро муносабатлар муҳитида ўзини қандай тутишга ўргатиб, ўзига бўлган баҳонинг яхшиланишига хизмат қилади. Айтиш лозимки, бундай тренингларни ижтимоий психологик амалиёт тажрибаси бор, ижтимоий психологиядан хабардор бўлган мутахассис ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

Тиббиёт психологияси нисбатан ёш фан ҳисобланади, лекин у ҳозирги вақтда кўпгина янги маълумотлар тўплади, эски маълумотларни анча бойитди ва конкретлаштирди. Бу фан асосан назарий даражадаги фандан амалий аҳамиятга эга бўлган фанга айланиб бормоқда, чунки у кўпгина соматик касалликларда бўлиши мумкин бўлган психик бузилишларнинг олдини олишга имкон беради.

Тиббиёт психологияси ва психиатрия бир-бирига яқин фанлар деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Лекин бу унчалик тўғри эмас. Мазкур фанлар шу жиҳати билан ўхшашки, улар беморларни текшириш жараёнида психологик методлардан фойдаланади. Психология билан психиатрия чегарасида психик касалликлар ҳақидаги умумий таълимот — психопатология

(умумий психиатрия) вужудга келди. Психопатологиянинг вазифаси психик фаолият бузилишларининг намоён бўлиши ва кечишига доир умумий қонуниятларни ўрганишдир.

Умумий психиатрия билан психология чегарасида патопсихология пайдо бўлди, у турли соматик касалликларда психик бузилишларнинг (идрок, хотира, тафаккур, эмоция, ирода, турли шахсий деформациялар) қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Патопсихология тиббиёт психологиясининг асосий бўлими ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тиббиёт психологиясининг янги йўналиши бўлган нейропсихология ривожланмоқда, у бош миянинг локал шикастланишларидаги психик жараёнларнинг ўзгаришларини ўрганади.

Тиббиёт психологиясида бемор билан суҳбатлашиш ва унинг хатти-ҳаракатини кузатишдан ташқари, бир қатор тестлар (усуллар)дан фойдаланилади.

Юқорида эътироф этилган психологиянинг татбиқий соҳалари учун умумий нарса шуки, бу соҳаларда ишлаганлар, аввало, амалий психолог, яъни психология методларини ўз ўрнида самарали ишлатишни билиши ва яхшигина психотерапевт ва психокорректор, яъни аниқланган муаммони бартараф эта олувчи моҳир касб устаси бўлиши кераклигини тақозо этади.

Умуман, психологик хизмат методлари жуда кўп ва хилма-хилдир. Ҳар бир методнинг қўлланилиши эса амалиётчи психологдан жуда кўплаб билим ва малакаларни талаб қилади. Айниқса, психологик хизмат методларини қўллашга қўйилган барча талабларга аниқ ва қатъий риоя қилиш керак бўлади.

2.2.Миқдорий маълумотларни математик таҳлил қилиш

Юқорида қайд этилган барча методларнинг мақсади инсон психикаси ва хулқ-атворининг қонуниятларини очишга қаратилган бўлишидан қатъи назар, ҳар бир метод бу ишни ўзига хос хусусиятларга мос равишда амалга оширади. Ҳар бир методнинг афзаллиги ва камчиликлари ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Миқдорий маълумотларни математик статистик таҳлил қилиш методи. Психик жараёнлар, психик ҳолатлар онг

ва хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос сифат хусусиятларидан иборатдир. Масалан, идрок тафаккурдан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Тетиклик ҳолати толиқиш ҳолатидан, ҳаққонийлик шухратпарастликдан фарқ қилади. Лекин ҳар бир ҳолат ёки хусусиятлар шунинг билан бирга миқдорий белгиларга ҳам эгадир. Ҳар бир психик жараён маълум муддат давом этади, ҳар бир психик ҳолат жадалликка, ҳар бир психик хусусият эса маълум даражада ифодаланишга эгадир.

Психик жараёнларнинг содир бўлиб ўтиши ҳақида миқдорий маълумотлар олиш мумкин. Масалан, биз идрокнинг қанча вақт давом этишини бевосита ўлчамимиз мумкин. Психик хусусиятларнинг ифодаланиш даражасини аниқлаш анча қийинроқ. Ўқувчининг ўқув предметига бўлган қобилият даражасини аниқлаш учун бу предметни ўзлаштириш муваффақияти билан зўр бериб сарф қилинган меҳнатни солиштириб кўриш керак.

Миқдорий шаклда лаборатория ва табиий эксперимент маълумотларини, шунингдек, анкета маълумотлари, хусусан жадвалларга солинган анкеталарнинг маълумотларини қайд қилиш мумкин.

Текширилувчининг ўлчанадиган ташқи ҳаракат белгилари, уларнинг мулоҳазалари ва яширин физиологик акс таъсирлари тадқиқотнинг кўрсаткичлари деб юритилади. Баъзан кўрсаткичлар психик жараёнларни ёки ҳолатларни бевосита характерлаб берадилар. Масалан, биз идрокнинг ёки тафаккур жараёнининг давом этишини ўлчамимиз мумкин. Бунда ҳар қандай кўрсаткич психик жараённи фақат бир томондан характерлаб беради, шу сабабли мазкур жараённинг қонуниятини очиш учун ҳар турли кўрсаткичларни ўзаро таққослаб кўриш керак бўлади. Агар кўрсаткичларнинг ҳар бири алоҳида равишда психик жараён ёки психик ҳолатни бевосита эмас, балки бавосита характерлаб берадиган бўлса, хусусан, ана шундай пайтда уларни таққослаб кўриш муҳимдир. Масалан, биз темперамент хусусиятларини яширин физиологик акс таъсир кўрсаткичлари орқали очишга ҳаракат қилганимизда худди шундай ҳолат юз беради.

Онг ва хулқ-атворни тадқиқ қилиш жуда катта қийинчиликлар билан боғлиқ. Биринчидан, психологик қонуниятлар кўп миқдордаги омилларнинг таъсири билан аниқланади, иккинчидан сабаб-натижа алоқалари хилма-хил тасодифий муносабатлар билан мураккаблашади. Худди мана шунинг учун психологик тадқиқотларда миқдорий кўрсаткичларнинг статистик таҳлили катта аҳамиятга эгадир. Зеро, статистик методлар у ёки бу ҳодисанинг, ундай ёки бундай ҳодисаларга хос бўлган ўзаро муносабатлар билан боғлиқ тасодифийлик даражасини баҳолаш имконини беради.

Маълумотларни қайта ишлаш бўйича SPSS дастури

Бугунги амалиётчи психологлар, магистрлар маълумотларни муайян эмпирик талаблар асосида қайта ишлаш малакасига эга бўлишлари шарт. Бу ўринда барча статистик методлар каби SPSS дастурини ҳам қўллай билишлари керак бўлади.

Бинобарин, замонавий психодиагностикада компьютерлар кўзғатувчи материални (тест, анкета, саволнома ва ҳ.к.) кўрсатиш (тақдим қилиш), натижаларни йиғиш, сақлаш, уларни математик қайта ишлаш, математик ва график усулларда таҳлил қилиш мақсадида қўлланилади.

Психодиагностика, айниқса, замонавий психодиагностика олинган экспериментал материалларни умумлаштириш ва кўп томонли, мураккаб математик статистика методлари ёрдамида қайта ҳисоблашга асосланган. Бундай мураккаб ва сермашаққат ишларни амалга ошириш учун махсус компьютер дастурлари, мажмуалар ишлаб чиқилган. Бу тизимлар олинган экспериментал материалларни тез, аниқ қайта ишлаш, улардан иложи борича кўп маълумот олиш ва олинган натижаларини аниқ, кўрғазмали ва ишлатишга қулай ҳолга келтириш имконини беришга мўлжалланган. Кейинги йилларда экспериментал натижаларни қайта ишлаш учун бир қанча махсус статистик пакетлар яратилган. Улар орасида кенг тарқалган BMDP, SAS, SPSS, шунингдек социологик ва психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш учун қўлланиладиган — OSIRIS пакетларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, эксперимент ўтказиш ва уларнинг натижаларни қайта ишлаш учун SuperCalc, Lotus 1-2-3, QuadraPro, Microsoft Office таркибига кирувчи дастурлардан фойдаланиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан, АҚШда психолог талабаларни ҳисоблаш техникаси ва дастурлаштириш асослари бўйича ўқитиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган. Ҳозирги вақтда компьютерлар университетларнинг психология факультети битирувчилари учун оддий ва зарурий воситага айланган. Улар дастурлаштириш тиллари, дастурий таъминот яратишнинг замонавий технологиясини биладилар ва турли амалий пакетлар, шу жумладан математик статистика, билан ишлаш кўникмаларига эгадир.

Мамлакатимиздаги психологлар тайёрловчи олий ўқув юртларида психологик маълумотларни қайта ишлашда компьютер дастурларидан фойдаланиш билан боғлиқ ўқув предметларининг ўқув режаларига киритилиши бу борада катта қадам бўлди. Бўлажак мутахассислар турли экспериментал натижаларни қайта ишлашда Microsoft Office таркибига кирувчи дастурлардан (масалан Excel) ва махсус дастурлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари лозим. Шундай махсус дастурлардан бири SPSS дастуридир.

Бугунги кунда социологик ва психологик натижаларни қайта ишлашда SPSS дастуридан кенг фойдаланишга ўтилган. SPSS дастури қулай интерфейсга эга ва нисбатан оддий бўлганлиги учун ҳар бир киши SPSS дастуридан фойдаланиб статистик амалларни бажариши мумкин, деб ҳисобланади. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, математик статистикадан ҳеч бўлмаганда бошланғич тушунчага эга бўлмаган киши SPSS дастуридан фойдаланиб ҳам оддий вазифалари мустақил равишда ечиш ва хулоса чиқариш имкониятига эга бўлмайди.

Компьютерни билишга бўлган талаб эса оддий. Кўпчилик соҳа мутахассислари SPSSда ишлаш учун компьютерни ёқиш ва ўчиришни, клавиатура ва сичқонча билан ишлашни билиш етарли деб ҳисоблайдилар. Дастур билан ишлашга доир бошқа амалларни ўрганиш мумкин.

Компьютерда эса SPSS for Windows дастурининг имкон қадар янги версияси (мавжуд версияларнинг охирилари SPSS for

Windows 20 ва SPSS for Windows 21) ўрнатилган бўлиши тавсия қилинади.

SPSS дастурининг юқорида кўрсатилган версиялари рус тилида батафсил маълумотлар тизимига эга ва олдинги вариантларидан фарқли равишда унинг иш тартиби ва кўпчилик амаллари рус тилига таржима қилинган. SPSS дастурининг олдинги версиялари билан ишлаганлар учун шуни кўрсатиш лозимки, янги версиядаги баъзи номлар, амаллар таржимаси олдингилардан фарқ қилади. Аммо бундай фарқ дастур билан ишлашда ҳеч қандай қўшимча мураккаблик келтириб чиқармайди.

SPSS дастурининг рус тилидаги маълумотлар тизими ҳажми 3000 бетдан иборат. Уни ўзлаштириш ва амалда қўллаш кўп вақт, айти дама маълум даражада малака талаб қилади. Шу сабабли дастурнинг психолог учун зарур, энг кўп қўлланиладиган амалларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Маълумотларни компьютер ёрдамида таҳлил қилиш ўз ичига бир неча босқичларни олади.

1. Маълумотларнинг тузилишини (структурасини) аниқлаш.

2. Маълумотларни унинг тузилиши ва дастур талабига мос равишда компьютерга киритиш.

3. Тадқиқот вазифасидан келиб чиққан ҳолда маълумотларни қайта ишлашнинг компьютердаги мавжуд методини танлаш.

4. Маълумотларни қайта ишлаш натижаларини олиш.

5. Қайта ишлаш натижаларини шарҳлаш.

Биринчи (тайёргарлик) ва бешинчи (якуний) босқич (қадам)ларни бирорта ҳам компьютер дастури амалга оширишга кодир эмас, уларни тадқиқотчининг ўзи бажаради. Компьютернинг ёрдами узундан-узоқ ва мураккаб амалларни камайтиришдан иборат.

Иккинчи босқичда, компьютерга киритилган маълумотлар аралаш, англамаган ва шарҳлаш қийин маълумотлардир.

Психолог тўртинчи босқичдан кейин оддийлашган, камайган, англаш осон маълумотларга эга бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, асосланган, пишиқ хулоса олиш учун маълумотларни кўп марта, турли усуллар билан қайта ишлашга ҳам тўғри келиши мумкин.

SPSS дастури асосчилари сиёсатшунослик соҳасида таълим олаётган икки талаба, Норман Най (Norman Nie) и Дейл Вент (Dale Vent)лардир. Улар Сан-Франсискодаги Стенфорд университетиде статистик маълумотларни таҳлил қилиш имконини берувчи компьютер дастурларни топишга ҳаракат қилганлар. Тез орада уларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Уларнинг мақсадига мос мавжуд дастурлар қисман талабга жавоб берар эди. Дастурларнинг баъзилари муваффақиятсиз тузилган, бошқалари эса қайта ишлаш натижаларини кўргазмали тақдим қилиш имконини бермасди. Шунингдек, дастурларнинг ишлаш тамойиллари ҳам бир дастурдан бошқасига ўтганда ўзгарар эди. Натижада улар ўз концепцияси ва бир хил синтаксисга эга бўлган ўзларининг дастурини яратишди. Дастурлаш тили ФОРТРАН. У даврда дастурлар перфокарталар пакетидан иборат бўлар эди. Шундан келиб чиқиб дастурга SPSS номи берилди. Бу ном ижтимоий фанлар учун статистик пакетнинг қисқартмаси (Statistical Package for the Social Science) тарзида ифода этилади.

Компьютер ва дастурлаш тилларининг ривожланиши таъсирида SPSS дастури ҳам такомиллашиб борди. Унинг тарихига тўлиқ тўхталмаймиз. Бу маълумотлар SPSS дастурига бағишланган китобларда батафсил ёритилган. Шуни кўрсатиш лозимки, 1983 йилда MS-DOS муҳитида ишлайдиган PC-версия SPSS\PC+ ишлаб чиқилди. Бу дастур Европа мамлакатларида кенг қўлланилиб бошланди. Унинг номига ҳам ўзгартириш киритилди. Қисқартма ҳолда SPSS номи сақланиб қолинди, лекин унинг мазмуни ўзгартирилди – Superior Performance Software System (юқори самарали дастурий таъминот тизими) деб юритила бошланди.

Дастурнинг Windows тизими учун (SPSS for Windows) версиясининг ишлаб чиқилиши бу борада катта муваффақиятли қадам бўлди. Дастурнинг Windows тизими учун ишлаб чиқилган биринчи варианты 5-чи тартиб рақами билан белгиланди. Ҳозирги вақтда эса дастурнинг 20 ва 21 версиялари амалда қўлланилмоқда.

Психологик хизмат жараёнида SPSS дастури ёрдамида статистик амалларни бажариш

SPSS дастурида тавсифий статистика – бу ўзгарувчиларнинг қийматларининг тақсимланишини характерловчи турли кўрсаткичларни ҳисоблашдир. Бу кўрсаткичларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – марказий тенденция ўлчамлари бўлиб, уларга ўртача арифметик қиймат, медиана ва модалар киради.

Иккинчи гуруҳ – ўзгарувчиларнинг қийматларининг ўртачага нисбатан ўзгарувчанлигини акс эттирувчи маълумотлар. Уларга стандарт чекланиш ва дисперсия киради. Ўзгарувчанлик диапазони минимум, максимум ва кенглиги билан характерланади. Шунингдек, маълумотларнинг меъёрдаги тақсимланишдан фарқи асимметрия ва эксцесс сифатида характерланади. Шунингдек, статистик хатоларни кўрсатувчи ўртача стандарт хато каби меъёрлар мавжуд.

Марказий тенденциялар.

Юқорида кўрсатганимиздек асосий марказий тенденцияни кўрсатувчи учта миқдор мавжуд.

Ўртача қиймат – барча қийматлар йиғиндисининг улар сонига бўлинганига тенг. $[3,5,7,5,6,8,9]$ тўплам (сонлар қатори) учун ўртача қиймат $(3 + 5 + 7 + 5 + 6 + 8 + 9)/7 = 6,14$ га тенг.

Медиана – барча қийматлар ўсиб бориш тарзида тартиблангандан кейин барча қийматлар қаторининг ўртасида бўлган қийматдир. $[3, 5, 7, 5, 6, 8, 9]$ қатор учун медиана 6 га тенг, чунки у $[3,5,5,6,7,8,9]$ сонлар қаторининг ўртасида турибди.

Демак, вариацион қатор элементларининг сони тоқ бўлса, вариацион қаторнинг ўртасида жойлашган ҳад медиана дейилади ва у Me символ билан белгиланади. Медиана вариацион қаторни ҳадлар сони бўйича иккита тенг қисмга ажратади. Масалан, ушбу 16, 19, 21, 26, 27, 31, 32, 35, 39, 41, 45, 47, 48 вариацион қатор учун 32 қиймат медиана бўлади, чунки 32 дан чапда 32 дан кичик 6 та қиймат ва ўнгда 32 дан катта 6 та қиймат жойлашган.

Энди вариацион қатор элементларининг сони жуфт бўлсин, масалан, 21, 25, 28, 32, 34, 35, 39, 42, 46, 54, 58, у вақтда таърифга кўра 37 бўлади, яъни иккита ўртада турган сонлар (35, 39)нинг ўртачаси медиана бўлади. Мода. Берилган вариацион қаторда

(танланмада) ўрганилаётган белгининг энг кўп такрорланадиган қиймати мода дейилади ва у M_0 симболи билан белгиланади. Масалан, 11 нафар боланинг бўйи ўлчанганда қуйидаги натижалар олинган бўлсин (см. ҳисобида): 127, 127, 128, 128, 128, 129, 130, 131, 132, 134, 136. Бу қаторда мода 128 қиймат бўлади, чунки у бу ерда энг кўп такрорланмоқда.

Ўзгарувчанлик кўрсаткичлари. Ўртачага қийматга нисбатан чекланиш ёки ўзгарувчанлик кўрсаткичлари қуйидагилар:

Дисперсия – ҳар бир қийматнинг ўртачадан фарқи квадратларининг, танланма 30 ва ундан ортиқ элементга эга бўлганда N , 30 тадан кам бўлганда $N - 1$ га бўлинганига тенг. N – тўпلامдаги (маълумотлар қаторидаги) қийматлар сони. $[3,5,7,5,6,8,9]$ қатори учун дисперсия $((3 - 6,14)^2 + (5 - 6,14)^2 + (7 - 6,4)^2 + 5 - 6,4)^2 + (6 - 6,14)^2 + (8 - 6,4)^2 + (9 - 6,14)^2)/6 = 4,1429$ га тенг. Стандарт чекланиш дисперсияларнинг квадрат илдизига тенг. $[3,5,7,5,6,8,9]$ қатори учун 2,0354 га тенг. Ушбу ҳолат психологик хизмат жараёнида SPSS дастурида маълумотларнинг тавсифий имкониятларини ўрганиш учун асос бўлади.

Маълумотлар орасидаги боғланишлар – корреляцияни ҳисоблаш

Корреляция ёки корреляция коэффиценти миқдор шкалада ўлчанган икки ўзгарувчи орасидаги эҳтимолли алоқанинг статистик кўрсаткичидир. Корреляцияда бир ўзгарувчининг битта қиймати бошқа ўзгарувчининг бир неча қиймати билан эҳтимоллик боғлиқлигига эга деб қаралади. Масалан, кишиларнинг бўйи ва оғирлиги ўрганилган бўлса бир хил бўйга эга кишилар бир неча хил оғирликка ва аксинча, бир хил оғирликдаги кишиларнинг бўйлари турли бўлиши мумкин.

Корреляция -1 дан $+1$ гача ораликда ётувчи, r билан белгиланувчи кўрсаткич бўлиб, -1 боғлиқлик тескари, $+1$ ижобий, 0 – боғлиқликнинг йўқлигидан далолат беради. $r=1$, бир ўзгарувчи қийматларининг ўзгариши иккинчи ўзгарувчининг қиймати билан тўлиқ белгилаб берилади, яъни $r=1$ бўлса, бир ўзгарувчи қийматларининг ўсиши иккинчи ўзгарувчи қийматининг ҳам ўсишига олиб келади. $r = -1$ бўлганда эса, аксинча. Кишининг бўйи билан унинг оғирлиги орасидаги

корреляция ижобий, бўй ўсиши билан тана оғирлиги ҳам ошиб боради.

Боғлиқлик ёки корреляция тўғри чизиқли бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Пирсон корреляция коэффиценти тўғри чизиқли корреляцияни баҳолайди. Тўғри чизиқли боғланишда иккита ўзгарувчининг қийматларини график тарзида акс эттирсак, қийматлар бир тўғри чизиқ бўйлаб жойлашади. Ҳаётда бундай боғланиш кам учрайди. Агар параметрлар орасидаги боғланиш тўғри чизиқли бўлмаса, Спирмен ва Кендал корреляциялари қўлланилади. Шунинг унутмаслик лозимки, баъзан корреляция коэффицентининг кичиклиги боғланишнинг йўқлигидан далолат бермайди. Масалан, имтиҳонни яхши топшириш ва асабнинг қўзғалиши (асабийлашиш) орасидаги боғлиқликни кўрайлик. Тажрибаларда, қаттиқ ҳаяжонланган ва жуда кам ҳаяжонланган талабаларнинг натижалари меъёрида ҳаяжонланганларникидан паст эканлиги аниқланди. Натижаларни график тарзида кўрсак, у $I \cap II$ шаклида бўлади. Албатта бу ҳолда корреляция коэффиценти кичик бўлиб чиқади ва боғлиқликнинг мавжудлигини бошқа усул билан текшириш талаб қилинади.

SPSS дастурида корреляция иш тартибининг «Анализ» қисмининг «Корреляции» бўлимида амалга оширилади. Корреляция турларидан асосийси Пирсон корреляция коэффиценти бўлиб, у меъёрий тақсимланишга эга, метрик шкалада ўлчанган иккита ўзгарувчи орасидаги боғланишни баҳолашда қўлланилади. Лекин ўзгарувчилар меъёрий тақсимотга эга бўлмаган ҳолларда ҳам бу формула етарли даражада аниқ натижа бериши аниқланган.

Нормал тақсимланишга эга бўлмаган ҳолларда Спирман (ранг корреляция) ёки Кендел коэффицентини ишлатиш мақсадга мувофиқ.

SPSS дастурининг «Анализ→Корреляции» амали юқоридаги барча коэффицентларни бир вақтда аниқлаш имконини беради.

Демак, SPSS дастури асосида маълумотларни қайта ишлашнинг ўзига хос психологик хусусиятларини кўриб чиқиш давомида ушбу дастур ёрдамида психологик экспериментларнинг натижаларини қайта ишлаш билан боғлиқ жуда кўплаб, мураккаб

статистик амалларни бажариш мумкин экан. Бу эса психологик хизмат самарадорлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

2.3.Контент – таҳлил усули

“Контент” сўзи алоқа ва муносабатлар объекти ҳисобланган сўзларга, мазмунга, расмга, белгиларга, тушунчаларга, мавзу, сарлавҳа ва бошқа маълумотларга алоқадор. “Матн” бу – муносабатлар доирасидаги баён, кўриниш ёки ёзув тарзида акс эттирилган сўзлар мажмуасидир. Бу муносабатлар доираси ўз ичига китоблар, рўзномалар, журналлар ёки мақолалар, янгиликлар ва эълонларни, расмий ҳужжатлар, бадий ва видео фильмлар, кўшиқлар, фотосуратларни ҳамда санъат асарлари ва бошқаларни қамраб олади.

Контент-таҳлил матннинг тузилишини таҳлил қилган ҳолда маълумотларни тўплаш ва йиғиш методидир. Унинг асосий тамойилларини америкалик мутахассислар Х.Лассуел ва Б.Берилсонлар ишлаб чиқишган. Контент-таҳлил жараёнларини тадқиқот қилишда Россия ва Эстония психологлари, асосан, А.Н.Алексеев, Ю.Вооглайд, П.Вихалем, Б.А.Грушин, Т.М.Дридзе, М.Лауристинлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, контент-таҳлил усули қуйидаги йўналишлар асосида тадқиқ қилинади. Бу йўналишлар кўпроқ социологик таҳлиллар учун аҳамиятлидир. Контент-таҳлилнинг асосий жараёнлари, унинг мазмун бирликларини аниқлаш қуйидаги тарзда белгиланади:

1.Алоҳида атамаларда ифодаланган тушунчалар. Бу тушунчалар иқтисодий соҳада бўлиши мумкин: хусусий мулк шакллари, хусусийлаштириш, молиявий тизим, пул муносабатлари, техник тараққиёт, хўжалик усуллари, бошқарувни оптималлаштириш ва бошқалар; сиёсий мазмундаги атамалар: муҳолифат ва бошқарув доиралари, миллатчилик ва байналминалчилик, авторитаризм, демократия, халқаро ҳамкорлик, консенсус, манфаатлар қарама-қаршилиги, ахлоқий ёки ҳуқуқий рамзлар, инсон ҳуқуқи, гуманизм, фаоллик, ташаббускорлик, қонун бузилиши, жиноятчилик, коррупция;

илмий мазмунда: модел, тизим, космик бўшлиқ ва ҳоказоларда намоён бўладики, матн таҳлили ўз мазмунига кўра кўплаб муҳим ижтимоий маълумотларни акс эттиради. Масалан: фан ва техникага оид илмий-техникавий янгиликлар маълумотлар манбаи тушунчаларни қўллаш даражаси, тезлиги билан боғлиқ.

2. Мақолаларда, матн парчаларида акс эттирилган тўлиқ мазмунлар, радиоэшиттиришлар ва бошқаларда ифодаланган мавзулар.

Ҳужжат мазмунини унинг мавзуси асосида янада тўлароқ англаш мумкин. Ташаббускорлик ва серғайратлилик, бюрократизим ва марказлашувга қарши кураш, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонунчиликка риоя қилиш, фуқаролик жамиятида ижтимоий адолат ва тенг ҳуқуқлилик мавзулари ёки давлатни мустаҳкамлаш, марказлашув, интизом ва ҳар қандай душман билан курашиш моҳияти оммавий ахборот воситаларида долзарб муаммолар сифатида сиёсий-ғоявий ҳолатлар ёритилаяпти. Бундай ҳолатлар шахсий ҳужжатларда, ўзи ва яқинлари ҳақида, ишлаб чиқариш, сиёсат ҳамда санъатда ҳам намоён бўлади.

3.Ташкилот ва муассасалар, ижтимоий институтлар, партия ва ижтимоий ҳаракатлар лидерлари, ишлаб чиқариш ташкилотчилари, таниқли фан ва санъат арбоблари, сиёсатчилар, тарихий шахслар номлари. Гуруҳлар, жамоа бирлашмалари, алоҳида шахслар ёки ижтимоий институтлар жамоатчилик фикрига ушбу хусусиятлар асосида таъсир этиши мумкин. Ижтимоий ҳаракат ва унинг фаоллари тез-тез тилга олинishi ёки аксинча, олинмаслигидан ушбу ҳаракат, унинг лидери фаолияти ҳақида осонгина хулоса чиқариш имкониятини беради.

4.Таҳлил бирлиги сифатида яхлит ижтимоий ҳодисаларни, расмий ҳужжатларни, далиллар ва воқеалардаги ҳолатларни қабул қилиш мумкин. Ижтимоий воқеалар ёки давлат қарорларининг узок давр мобайнида ёдда сақланиши жамиятга зарурлигидан гувоҳлик беради.

5.Реклама маҳсулотидан фойдаланувчи, сиёсий ёки бошқа бир ҳаракат тарафдори бўлган фуқаро манзилига қаратилган шикоятни юборишдан мақсад, тижорат рекламаларида Эстониялик психолог М.Лауристин оммавий муносабатларни

ўрганишдан контент-таҳлилнинг объекти ва предмети сифатида қуйидаги 4 та вазифани қўллаш мумкинлигини таъкидлайди.

1. Ҳақиқатнинг муаммоли томонлари.

2. Ижтимоий институтни намоиш этувчи ва мақсадли алоқаларни амалга оширувчи соҳа.

3. Аудиториянинг оммавий алоқага бўлган эҳтиёжини қондириш соҳаси.

4. Муносабатлар ва аудиториянинг ўзаро таъсирлашув худудини аниқлаш.

Сўнгра санаб ўтилган ҳар бир йўналиш тўғри келадиган белгилар тизими очиб чиқилади. Масалан, биринчи йўналишда реалликни акс эттириши учун қуйидаги вазифалар қўйилади:

а) воқеа ва ҳодисаларни тиклаб қайта қуриш;

б) оммавий алоқа воситаларининг веќеиликни акс эттирадиган қонуниятини ўрнатиш.

Матндаги белги ва хусусиятларни контент-таҳлил орқали уларнинг миқдорий тузилмасини тизимли ва объектив ҳисоб-китоб қилиш усули ёрдамида маълумотлар олинади. Маркоффа, Шапиро ва Вейтманларнинг фикрларига кўра, контент-таҳлилни “кодлаштирилган матн” деб аташ тўғрироқ бўлади. Контент-таҳлилнинг сифатли ва интерпретацион йўналишлари мавжуд бўлиб, аммо матн мазмунидаги миқдорий маълумотлар асосий ўрин касб этади.

Сифатли контент-таҳлил баъзи олимлар томонидан унчалик юқори баҳоланмайди. Бу йўналиш фиминистик ва танқидий ёндашув тадқиқотчилари томонидан эса етарлича қўллаб-қувватланган. Миқдорий йўналиш тарафдорлари гоҳида сифатли контент-таҳлил усулидан фойдаланиб тадқиқотнинг ишончлилигини таъминлайдилар.

Контент-таҳлил сўровсиз тадқиқот усули бўлиб, ундаги белгиларни, сўзларни киритиш жараёнида тадқиқотчининг субъектив таъсирсиз маълумотларни ўрганувчи ва қабул қилувчилар ўртасида алоқани таъминлайди.

Контент-таҳлилда матнни оддий ўқиб чиқишдан фарқли ўлароқ уни тизимли тарзда мунтазам тартибда ўтказишга ва мазмун-моҳиятига етишга чорлайди. Бундан ташқари матндаги яширин маънога эга сўзларни, маълумотларни аниқлаш мумкин.

Контент-таҳлил ўзида тасодифий танловни, аниқ баҳолашни ва мавҳумлашган экспериментал ҳаракатларни бир вақтда мужассамлаштирган. Кодлаштириш – миқдорий кўрсаткичларни, матндаги хусусиятларни белги ёки сонлар билан алмаштириб белгилаб қўйишдир.

Муаммони ифодалаш кўплаб тадқиқотлар каби контент-таҳлил методи ҳам муаммони ифода этишидан бошланади. У ўз навбатида рамзлар ёки ахборотларда ўз аксини топган ўзгарувчанликда қўл келади. Мисол тариқасида газеталарда сиёсий компанияларнинг сайловолди ҳолатини қай тарзда ёритилишини ўрганайлик. Бунда тузилаётган “ёритиш” қурилмаси ўз ичига характер таъсир даражаси ва бир номзоднинг бошқа бир номзоддан афзаллик томонларининг мавжудлигини мужассам этади.

Таҳлил бирликлари. Тадқиқотчининг таҳлил бирликларини қабул қилиш: масалан, сайлов компанияларнинг кундалик сони қабул қилиниши мумкин.

Танлов. Контент-таҳлилда тадқиқотчилар танлов усулларидан тез-тез фойдаланиб турадилар. Авваламбор, улар танлов элементлари ва уларнинг оммалашувини аниқлайдилар. Оммалашув сифатида барча сўз, гаплар, абзацлар ёки мақолаларни кўрсатишимиз мумкин. Оммалаштириш шунинг билан бирга ўз ичига бир вақт мобайнидаги телевизион кўрсатувларда намоиш этадиган, суҳбат, воқеа, саҳифа ва эпизодларни олиши мумкин.

Кодлаш. тушунчаларнинг тузилмаси ва ўзгарувчанлигини мисол тариқасида лидер ролига тўғри келадиган у ёки бу образни яратиш керак. Манфентли кодлаштиришдан фойдаланганда сифат ва журналлар йиғиндисини тузамиз. Масалан, ижрочининг характерловчи ижобий терминлар бўлими “аъло” ёки “малакасиз” каби жумлалар бўлиши мумкин. Латент кодлаштиришда эса мулоҳаза юритиш учун тартиб-қоида тузамиз. Масалан, ижобий ва салбий жумлаларга таянган ҳолда инқирозли ҳолатларни келтириб чиқараётган дипломатлар тарихини класификациялаш ўз фирмасининг фойдасини ташкил эта олмаётган хизматчи ёки бўлмаса суд жараёнларида ютуққа эришаётган адвокатларни класификациялашимиз мумкин.

Умуман контент-таҳлил матнни тузган инсоннинг мақсадини аниқлай олмайди. У фақат матнда мужассам бўлган мазмунни аниқлайди. Масалан, контент-таҳлил болалар китобларида ҳар хил гендер меъёрлар мавжудлигини кўрсатади. Бу бола шу гендер меъёрлари билан тарбияланади, дегани эмас, бундай хулоса чиқариш учун мустақил тадқиқот асосида бола психологиясини чуқур ўрганиш лозим.

Контент таҳлилга асосланган статистик ҳужжатлар ва иккиламчи таҳлил. Тадқиқотчи ихтиёрида кўплаб турдаги ижтимоий ахборотлар мавжуд. Шундай ахборотлар борки, улар сон кўринишида бўлиб, статистик ҳужжатларда (китобларда, ҳисоботларда) мавжуд. Ахборотларни кутубхона ёки компютерда жойлашган нашриётлардан олиш мумкин. Статистик тадқиқотларнинг жуда ҳам хилма-хил усуллари қўлланилади. Тадқиқотга агар назорат керак бўлса, тажриба бу энг яхши метод ҳисобланади ва томонлар бир мақсадга келишади. Бинобарин, контент таҳлилга асосланган сўров тадқиқотчининг ўзида саволлар ва жараён ҳақида мулоҳаза ва баҳолар туғилганда пайдо бўлади.

Статистик тадқиқот у ёки бу турдаги ташкилотлар ҳақида ахборот ва маълумотлар тўплаш учун керак бўлади. Жамоат ёки шахсий ташкилотлар систематик жиҳатдан кўп типдаги ахборотни тўплашади. Бу ахборотлар сиёсий ёки жамоат хизматчилардаги саволларни ечишда керак бўлади. Шу орқали статистикадаги таҳлил сиёсий-иқтисодий ҳисоботлардаги гипотезани аниқлашда ишлатилади. Бундай ахборотлар узок вақт давомида тўпланиб боради.

Демак, юқоридаги талаблар асосида қўлланиладиган контент-таҳлил услуги психологик хизмат жараёнида муайян даражадаги ўзига хос ижтимоий психологик қонуниятларни ва маълум мақсадга қаратилган методика талаби бўйича кўп марта қайтариладиган жавоблар таҳлилидан келиб чиқиб социологик хулосалар чиқариш учун кенг имкониятлар яратади.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар

1. Психологик хизмат методлари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
2. Психологик хизмат методлари қандай турларга бўлинади?
3. Психология методлари бошқа фанларнинг методларидан қандай фарқ қилади?
4. Ўрганувчи, ривожлантирувчи, диагностик ва коррекцион методлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Миқдорий маълумотлар нима?
6. Математик таҳлил мезонлари нималардан иборат?
7. SPSS дастури ҳақида нималарни биласиз?
8. Валидлик, репрезентативлик нима?
9. Контент – таҳлил усулига мисоллар келтиринг?

Мустақил иш мавзулари

1. Психологик хизмат жараёнида эмпирик методикаларни қўллаш ва уларга қўйилган талаблар.
2. Контент-таҳлил усулининг моҳияти ва аҳамияти.
3. Маълумотларни математик статистик таҳлил қилиш мезонлари.
4. Психологик хизмат жараёнида SPSS дастури имкониятларидан фойдаланиш услуби.

Асосий адабиётлар:

1. Баротов Ш.Р ва бошқ. Экспериментал психология. – Магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Фан нашриёти, 2008. - 108 б.
2. Гамезо А. «Атлас по психологии» Москва: Просвещение, 2001. – 301 с.
3. Ибодуллаев З. Гиббиёт психологияси. Дарслик. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009. – 294 б.
4. Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Тошкент: “Университет”, 2009.
5. Каримова В.М., Холйигитова Н.Х. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. – 175 б.
6. Рабочая книга школьного психолога И.Б.Дубровина и др. - М.: Просвещение, 1991. – 303 с.

7. Слюсарева Е.С., Козловская Г.Ю. Методы психологического коорекцион учебно-методическое пособие. – Ставрополь, 2008.
8. Хайдаров Ф.И., Халилова Н.И., Психология фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма – Т.; 2007.
9. Хухлаева О.В. Основы психологического консультирования и психологической коррекции. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абрамова Г.С. Практическая психология. – М. 2000.
2. Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахси ва синф жамоасини психологик таҳлил қилиш усуллари. – Бухоро, 1993. – 29 б.
3. Василюк Ф.Е. От психологической практики к психотехнической теории. Московский Психотерапевтический журнал, 1992. № 1. – С. 15-32.
4. Изард К. Эмоции человека. – М., 2003
5. Мейер В., Чессер Э. Методы поведенческой терапии. СПб, 2001
6. Немов Р.С. Психология. В 3 кн. - ВЛАДОС, 1995.
7. Наследов А.Д. SPSS: Компьютерный анализ данных в психологии и социальных науках. — СПб.: Питер, 2005. – 416 с.

Интернет ресурслари:

<http://www.mediasphera.ru/journals/practik/1/253/>

<http://www.psystudy.ru>

<https://psychologiya.com>

<https://ru.wikipedia>

www.scienceproblems.ru

www.psysovet.ru

III БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ТАРИХИ, БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Хорижда психологик хизмат амалиёти.

3.2. Россияда психологик хизмат амалиёти.

3.3. Ўзбекистонда психологик хизмат тарихи, бугунги ҳолати ва асосий йўналишлари.

3.1. Хорижда психологик хизмат амалиёти

Психологик хизмат масаласи турли давлатларда ўзига хос йўналишларда ташкил этилганлиги ва ҳар бир йўналишининг муайян мақсадларга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда Хорижда психологик хизмат фани алоҳида фан ва йўналиш сифатида Давлат таълим департаменти томонидан алоҳида назоратга олинмоқда. Чунки ҳар бир давлатнинг ривожланиши бевосита шахс ва унинг ички салоҳиятига хос психологик имкониятлардан тўғри фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ушбу долзарбликни нисбатан теранроқ ҳамда тезроқ англаган америкаликлар психологик хизмат бўйича аллақачон дастлабки дадил қадамларни қўйган эдилар. Хорижда психологик хизмат тарихига назар соладиган бўлсак, американинг дастлабки амалиётчи психологлари ўзини ўзи тарбиялаш жараёнини ўрганувчи экспериментал психолог сифатида ўз фаолиятларини бошлашган. Кейинчалик эса улар мактабда психологик хизматни йўлга қўйишган. Бунда улар турли интеллектуал тестларни қўллаш орқали болаларнинг ақлий тараққиёти билан боғлиқ интеллект коэффиценти (IQ) ни аниқлашни тавсия этганлар. Бу эса кейинчалик Америкадаги “Гайденс” мактаби хизматининг шаклланишига асос бўлган. XX аср бошларида болаларнинг касбий йўналганлигини аниқлашга қаратилган махсус хизмат мактаби жорий қилинади. Жумладан, даставвал Френк Парсон томонидан 1908 йил Американинг Бостон шаҳрида ёшларни касбий йўналганлигини мониторинг қилувчи Расмий Уюшма ташкил этилиб, бу Уюшма фаолияти “Гайденс”чилар фаолияти мисолида ривожлантирилади.

Американинг ҳар бир штатида “Гайденс” мактабининг мутахассислари кенг кўламда иш олиб бордилар. Улар психологик хизмат билан боғлиқ барча масалаларга атрофлича ёндашилишини бошқариб борадилар. “Гайденс” мактаби ҳар бир ҳудуд учун алоҳида дастур ишлаб чиқди ва бу дастурда ҳар бир ўқувчининг алоҳида имкониятларига ташхис қўйилди. Бунинг учун эса мактабларда алоҳида кўмиталар тузилиб, бу кўмита таркибига директор ўринбосари, хизматнинг бош мутахассис-каунслер (маслаҳатчи) ва болалар учун энг обрўли бўлган педагоглар киритилди. Демак, ҳар бир масъул ходимга ўз вазифасини бажариш билан бирга “Гайденс” хизматининг самарадорлиги учун алоҳида жавобгарлик юклатилди. Шу тариқа Каунслинг хизмати жорий этилди. Каунслерга эса алоҳида масъулият юклатилиб, у Олий таълим дипломига эга бўлиши билан бирга икки йиллик “Гайденс” мутахассислиги бўйича алоҳида курсни ҳам тугатган бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди.

“Гайденс” курсларига қабул қилиниши учун мактабда камида икки йиллик педагогик иш стажи, педагогика бўйича магистрлик дипломи, ақлий қобилият тести бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлиши, ҳамда иш жойида ижобий тавсияномаси бўлиши талаб қилинади.

“Гайденс” хизмати қуйидаги 4 та хизмат тармоғини ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир:

1. Ташхислаш хизмати – унинг асосий вазифаси бола ҳақидаги барча маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, баҳолаш ва ўрнатилган тартибда таҳлил қилиш.

2. Ахборот хизмати – барча йўналишлар бўйича мавжуд ахборотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тегишли тартибдаги мониторинг ишларини юритиш.

3. Каунслинг хизмати – ўқувчи ва каунслер (маслаҳатчи) ўртасида ўзига хос психологик омиллар ва шахс хулқ-атворидаги қонуниятлар ҳамда ўзгаришлар бўйича тавсияларни шакиллантириш.

4. Йўналтириш хизмати – ўқувчиларни у ёки бу ўқув юртига ёки меҳнат ташкилотига ўз қобилиятига қараб йўналтириш.

Умумий назорат хизмати – “Гайденс” дастури натижалари бўйича мактаб битирувчиларининг кейинги тақдири ва улар ҳаракатининг коррекцион хусусиятлари билан шуғулланувчи махсус тузилма.

Умуман, Америкадаги “Гайденс” хизмати ҳар бир ўқувчи шахси унинг психологик имкониятлари ва тараққиётига дахлдор барча жабҳаларни ўз ичига қамраб олганлиги билан алоҳида характерланади. Гап шундаки, кейинчалик бу мактаб тажрибаси Англия, Норвегия, Швеция, Швецария, Германия каби қатор мамлакатларда ҳам кенг тарқалди. Айниқса, 1977 йилдаёқ ЮНЕСКО ташаббуси билан Халқаро анжуман ташкил қилинди ва бу анжуманда йирик психологлар иштирок этиб, улар томонидан хорижда психологик хизматга оид алоҳида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. XX асрнинг 80-йилларида Америка қўшма штатларида мактаб психологларининг Миллий Ассоциацияси ташкил этилди. Бу Ассоциация ўзининг алоҳида “Низоми”ни ишлаб чиқди.

Америкалик психологлар Бардон ва Беннет (Bardon J.L.Bennett D.G.School Psychology.-N.Y.,1974) психологик хизматнинг қуйидаги функционал даражаларини белгилаб берадилар:

- ❖ Ўқувчиларни турли хил гуруҳларга бўлиб, муайян мақсадга йўналтирилган тестлардан ўтказиш;
- ❖ Ўқув ва хулқ-атворидаги нуқсонларни коррекция қилиш;
- ❖ Психик ривожланишни тўлақонли назорат қилиш бўйича психологик ёрдам кўрсатиш.

Албатта, ушбу даражаларни белгилаш орқали Бардон ва Беннетлар Америка таълим муассасаларидаги мактаб психологининг профессионал функцияларини асослаб беришга ҳаракат қиладилар. Америкадаги мактаб психологик хизмат амалиётининг истиқболли йўналишлари К.Р.Рейнолдс ва Т.Б.Гуткинлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам ўз ифодасини топган. (Reynolds C.K., Gutkin T.B. School Psychology: Essentials of theory and Practice – IV.V.,1984) Муаллифлар раҳбарлигида Америкада қуйидаги психологик хизмат йўналишлари амалга оширилади:

- ❖ Болалар ва ўсмирларнинг мактаб таълимига лаёқатини айнан психологик ва педагогик талаблар асосида аниқлаш;
- ❖ Болаларнинг когнитив, аффектив (эмоционал) ва социал ривожланишини таъминлашда психологнинг фаол аралашувини таъминлаш;
- ❖ Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини психологик жиҳатдан тўғри ташкил этиш;
- ❖ Касбий ва шахсий психологик муаммоларни ечишда профессионал психологлар ролини ошириш.
- ❖ Мазкур йўналишлар Америка мактабларида бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамият касб этиб тобора ривожланиб бормоқда.

Чехословакияда психологик хизмат

Кўпчилик Шарқий Европа мамлакатларида мактаб психологик хизмати туман ёки вилоят психологик–педагогик марказлари шаклида ташкил этилган. Масалан, 1980 йилда Чехословакияда тарбия масалалари бўйича алоҳида хужжатлар мактаб тўғрисидаги қонунга киритилди. Психологик хизматнинг асосий мазмуни – соғлом шахснинг ўсишини тaminлаш, шахс ривожланишидаги турли қийинчиликларни коррекция қилиш, касб танлаш муаммолари билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилади.

Чехославкиядаги психолог маслаҳатчининг асосий вазифаси мактабдаги психодиагностик фаолиятни тўғри йўлга қўйиш билан белгиланади ва баҳоланади.

Кейинги йилларда Чехословакияда ҳам психологик хизматга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу давлатда айниқса психодиагностик ва психокоррекцион ишларга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда мазкур давлатда 1000 дан ортиқ психологлар фаолият юритади. Жумладан, Чехословакия амалиётчи психологларнинг таъкидлашича, тахминан 16% мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар психик жиҳатдан ҳали мактабга тайёр эмас, шу боисдан Чехословакия мактаб психологининг рухсатисиз болалар мактаб таълимига жалб этилмайди. Бу эса Чехославкияда таълим тизимида

психологик хизматнинг мавқеига жуда катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Франция психологик хизмат мактаби

Франция психологик хизмат тажрибаси ҳам ўзининг қатор илмий-амалий ҳамда экспериментал тажрибалари билан бутун дунёда алоҳида ўрин тутди. Жумладан, француз мактаб психологиясининг йирик намоёнчаси, мактаб психологиясининг отаси Альфред Бине ҳисобланади. У бу соҳада 1894 йилдан иш бошлаган. 1905 йилда Франция таълим вазирлиги Бинегга умумий дастур бўйича ўқий олмайдиган болаларни текшириш муаммоси билан мурожаат қилади ва шу тариқа ақлий тараққиётдан орқада қолган болалар учун Бине-Симон тести яратилган эди.

1909 йилда биринчилардан бўлиб, Францияда малакали мактаб психологик хизмати тизими ташкил этилади. 1947 йилда Анри Валлон раҳбарлигида ташкил этилган Францияда психологик-педагогик ёрдам гуруҳлари психологик хизматнинг асосий қисмини ташкил этади. Бундай гуруҳлар таълим психологияси ва психомотор ривожланиш бўйича алоҳида мутахассисларни ўз ичига олади. Бундай гуруҳлар 800-1000 ўқувчига хизмат қилади ва улар бир мактабда жойлашиб, бир нечта мактабга хизмат қилиши мумкин.

1985 йилда Франция давлат департаменти томонидан Таълим тизимида хизмат юритувчи педагог-психологларнинг алоҳида вазифалари аниқлаб берилди. Бунда ҳар бир педагог-психолог шахсининг ҳар томонлама ривожланиши учун кўлидан келган барча ишларни қилиши керак, бу ишларга у ўқитувчиларни ва ота-оналарни ҳам жалб этиши мумкин.

Шунингдек, Францияда бир қанча психология мактаблари мавжуд бўлиб, бу мактаблар нафақат таълим тизимида, балки барча хизмат тармоқларида ҳам муваффақиятли фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хитойда психологик хизмат

Хитойда психологик хизмат амалиёти билан асосан йигирманчи асрнинг 80 йилларидан бошлаб шуғулланила бошланди. Унда дастлаб таълим тизимида ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан соғломлигига асосий урғу берилди.

Хитойдаги ҳар бир умумтаълим мактабида психолог асосан шифокорлар ва ўқитувчилар билан бирга ишлаш амалиётига амал қилади. Шунингдек, бугунги кунда Хитойда психологик хизмат, асосан, иккита концепция асосида амалга оширилмоқда. Биринчи концепция – ўқувчиларга психологик ёрдам бериш сифатида психотерапевтик имкониятлар кўлаמידан фойдаланиш (шифокорлар билан бирга) бўлса, иккинчи концепция, бу ахлоқий, эстетик, хулқий жиҳатдан муайян меъёрларга амал қилган ҳолда психологик ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Демак, бугунги кунда Хитой умумтаълим мактабларида психологик хизмат амалиёти кенг кўламда ҳаётга кириб келаётганлиги билан аҳамиятлидир. Хитойда психологик хизмат муаммоси бўйича докторлик диссертациясини 2002 йилда ёзган олим Люсаомин бўлиб, у ўзининг “Мактабда психологик хизмат ва ўқувчиларнинг психик соғломлиги” (Хитой халқ республикаси материаллари асосида), деб номланган тадқиқот ишида Хитойдаги психологик хизматнинг ташкил этилиш тарихи, бугунги ҳолати ва келажакдаги истиқболларини назарий-илмий ва амалий-тадқиқий жиҳатдан батафсил асослаб беради.

Умуман, Хориждаги барча давлатларда психологик хизмат амалиётининг ташкил этилишида маълум даражадаги умумийлик мавжудлиги боис ҳар бир давлатдаги психологик хизмат амалиёти ҳақида батафсил тўхталиш шарт эмас. Қолаверса, барча мамлакатларда шахс ва ижтимоий муҳит, шахс ва касб, шахс ва стресс ҳолати, шахс ва ривожланиш масалаларини ўрганиш муайян психологик қоидалар асосида амалга оширилиши тайин.

3.2.Россияда психологик хизмат амалиёти

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир давлатда психологик хизмат масаласи ўзига хос тарзда ва муайян талаблар асосида ташкил этилганлиги билан характерлидир. Қолаверса, психологик хизматнинг ташкил этилиши бир томондан мамлакатлардаги психологик билимларнинг бевосита тарғиботи билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан эса ўша давлатдаги ҳар бир шахс таълим-тарбияси ва ижтимоий-психологик тараққиётига дахлдор сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва маданий қатламларнинг шаклланишига яратилган имкониятлар кўламига ҳам боғлиқлигини кузатиш мумкин.

Россияда таълим-тарбия жараёнига психологик амалиётнинг кириб келиши XIX-XX асрларда юзага келган педалогия фани билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, даставвал И.А.Арямов ва М.Я.Басовлар томонидан шахснинг ижтимоий-биологик жиҳатларини индивидуал тарзда ўрганишга асосланган амалий-психологик тавсиялар ишлаб чиқилади (Кала У.В, Раудик. В.В Психологическая служба в школе –М.: Знание, 1986).

XX асрнинг охирларига келиб психологик хизмат куйидаги икки йўналиш бўйича амалга оширилиши белгиланди:

Биринчидан, психологик хизмат турли хил ижтимоий тузилмаларга, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, ишлаб чиқариш жамоалари (ва ҳоказо) га психологик ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилди. Бу тизим амалий психологияга оид барча топшириқларни – психологик экспертиза, психодиагностика, психопрофилактика, психокоррекция кабиларни ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир.

Иккинчидан, турли хил йўналишлардаги жамоаларда фаолият юритувчи шахсларга зарур бўлган юқори савияли психологик ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди. Бу тизим айти пайтда меҳнат жамоаларидан ҳамда аҳолининг турли қатламларидан тушган талаблар асосида иш кўриши белгилаб қўйилди.

Албатта, бу даврда олимларнинг илмий психологик асарлари дастлабки психологик хизмат амалиёти учун муайян даражада асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, П.П.Блонский Л.С.Выготский ва уларнинг шогирдлари томонидан илк бор болалар психологияси ва психик тараққиётини белгилаш ва шу асосда уларга индивидуал ёндашиш усуллари амалиётда қўлланилди. Ўша даврдаги психологик ёндашувларни бунга яққол мисол қилиб олишимиз мумкин. Бунда асосий урғу мактабларда таҳсил олувчи болалар психик тараққиёти билан боғлиқ жараёнларга қаратилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.(Кала.У.В. Раудик.В.В Психологическое служба в школе. –М.: Знание, 1986). 1960 йилга келиб Россияда мактаб фаолиятида психологларнинг амалий ишлари янада жонлана бошлади.

Бинобарин, Россия таълим тизимида психологик хизмат кўрсатилиши илк бор Эстониядан бошланди (Х.И.Леймест ва Сиэрдлар раҳбарлигида) Бу эса Россиянинг бошқа хуудларига

ҳам ўзига хос методик ёндашувлар асосида кенг миқёсда тарқала бошланишига сабаб бўлди (Рабочие книга школьного психолога /Под. Ред. И.В.Дубровиной. – М.: Просвещение, 1991).

И.В.Дубровина раҳбарлигида эксперимент тариқасида Москвадаги №91 умумтаълим мактабида комплекс тарзда психологик хизмат амалиёти махсус дастур асосида олиб борилди (1982-1987). Бу жараёнда асосан психологик хизматнинг назарий ва ташкилий масалалари ҳамда психологик хизматни мактаб амалиётида қўллашга жиддий эътибор қаратилди. Экспериментда Москвада Педагогика фанлар академияси ҳузуридаги Умумий ва педагогик психология илмий-тадқиқот институти олимлари фаол иштирок этишди. Улар бевосита мактабда ишлаётган амалиётчи психологларга, туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудларидаги психологик хизмат марказларига тегишли кўрсатмаларни тақдим этиб бордилар.

1988 йилда эса Россиядаги Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб амалиётчи психологларининг ҳуқуқий-услубий ва ижтимоий мавқеи ҳамда мажбуриятларига дахлдор ҳужжатлар расмийлаштирилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, **Россия таълим тизимида психологик хизмат амалиёти қўйидаги 5 та модел асосида ташкил этилди.**

Биринчи модел: психолог ўз хонаси доирасида ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар билан иш олиб боради. Уларнинг бевосита мурожаатларини ўрганади ва ўқув жараёни доирасида болаларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб боради.

Иккинчи модел: олдинги моделга қўшимча равишда таълим муассасаси раҳбарининг талабига мувофиқ равишда турли хил мактаб ёшидаги болаларнинг педагогик-психологик имкониятларига баҳо бериб борилади. Шунингдек, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари ва унинг ўқув малакаларини ўзлаштиришдаги салоҳиятини ўрганиш билан боғлиқ педагогик-психологик консилиумлар ташкил қилиб тегишли тавсияларни ишлаб чиқади.

Учинчи модел: ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан мунтазам равишда семинарлар ва тренинглар олиб борилишини таъминлайди. Психолог ўқувчилар хулқ-атворидаги стереотипларни ва айрим нуқсонларни коррекциялаш (тузатиш) вазифасини ўз зиммасига олади. Шунингдек, дарс жараёнида ўқувчилардаги ижтимоий малакалар ва қизиқишларни ҳисобга

олиб уларни психологик ҳимоя механизмлари билан куроллантиради.

Тўртинчи модел: мазкур модел педагогнинг касбий фаолиятини психологик жиҳатдан такомиллаштиришни ўз ичига олади. Мазкур моделнинг мақсади ўқитувчилар педагогик қобилиятларини ривожлантириш асосида ўқув жараёнига психологик ёндашув тизимини олиб кириш ва уни амалиётда такомиллаштириб боришга хизмат қилади. Бунда психолог ўзининг юқори даражадаги психологик маҳоратини намоён этган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти, таълим жараёни ҳамда шахсни ривожлантиришга қаратилган мунтазам тизимга эга бўлган психологик билимларни амалиётда қўллайди.

Бешинчи модел: юқоридаги барча моделлар бўйича олиб бориладиган ишларни умумлаштирган ҳолда психологдан мустақил тарзда илмий-услубий ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш талаб қилинади. Шунингдек, ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчи билан экспериментал ишлар, тажрибалар олиб борилиб, ушбу тажрибаларнинг натижалари таҳлил қилинади. Мазкур таҳлиллар асосида муайян даражадаги хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилади.

Умуман, юқорида қайд этилган ҳар бир модел Россия таълим тизимидаги психологик хизмат мазмуни, моҳияти, тарихи, бугуни ва келажagini белгилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Россияда психологик хизматнинг муваффақиятли ташкил этилишига дахлдор психология фанининг фундаментал асосларини яратган олимлардан С.Л.Рубинштейн, П.П.Блонский, Л.С.Выготский, Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович, И.В.Дубровина, В.В.Давыдов, Н.С.Лейтес, А.Э.Личко, Д.Б.Эльконин, В.А.Крутецкий, Л.М.Фридман, Г.М.Андреева, Р.С.Немов кабиларнинг бево-сита назарий ва эмпирик жиҳатдан берган илмий-амалий тавсиялари билан боғлиқдир. Ушбу тавсиялар асосида Россия таълим тизимида ва кўплаб меҳнат жамоаларида, корхона, консерн, ташкилот ва акционерлик уюшмаларида психологик хизмат амалиётининг кенг қўламда татбиқ этилиши инсоннинг психологик табиати, тараққиёти ва ўзига хос имкониятларини очиб беришга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Россияда психологик хизмат амалиётининг тобора кенг қўламда ривожланиб бораётгани бу мамлакатдаги психология

илмий мактабларининг ўрни билан ҳам бевосита боғлиқдир. Жумладан, И.В.Дубровина ва унинг шогирдлари томонидан Москвадаги №91 экспериментал мактаб мисолида психологик хизматнинг ўзига хос назарий ва эмпирик асослари яратилиб муайян тажрибалар тўпланганлиги, Л.С.Выготский ва унинг шогирдлари томонидан психик тараққиёт ва таълим уйғунлигининг илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилганлиги, Л.М.Фридман, В.А.Крутеций, А.К.Маркова ва уларнинг шогирдлари тадқиқотларида психологик хизмат амалиётига дахлдор психодиагностик ва психокоррекцион ишланмаларнинг тақдим этилганлиги, Д.И.Фельдштейн томонидан онтогенезда ўсмирларга амалий-психологик ёрдам кўрсатиш концепциясининг яратиб берилганлиги, Е.А.Климов ва унинг шогирдлари томонидан психологик хизмат амалиётида шахснинг касбий йўналганлигига илмий ташхис қўйиш муаммосининг ҳал қилинганлиги бугунги дунё психологик амалиёти учун ўзига хос янги йўналишларни очиб беришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Россия ва бошқа барча Марказий Ҳамдўстлик давлатларида психологик хизмат амалиёти бўйича тўпланган барча илмий-амалий тажрибалар бугунги кундаги психологик хизмат фани тараққиётини белгилашга хизмат қилади.

3.3.Ўзбекистонда психологик хизмат тарихи, бугунги ҳолати ва асосий йўналишлари

Барча ривожланган мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам психологик хизмат муаммосининг қай тарика ва қандай илмий-ташкилий асосларда бартараф этилаётганлигини ўрганиш, таҳлил ва талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Республикада психологик хизматга оид олиб борилаётган назарий-илмий ва амалий-услубий ишлар кўламига маълум тартибда баҳо бермай туриб, Ўзбекистонда психологик хизматни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Ўзбекистонда психологик хизмат таркиб топишининг дастлабки илдизлари ва интиҳоси асримизнинг 30-йилларидаги педалогия фани ва педалогик хизмат фаолиятларига бориб

тақалади. Архивдан олинган маълумотларга қараганда, мазкур йилларда таълим жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ психологик омилларга асосланган ва бу талайгина яхши натижалар ҳам берган. Бироқ, афсуски, ўша даврдаги Собиқ иттифоқ мафкураси ва Халқ таълими ўртасида пайдо бўлган айрим объектив ва субъектив зиддиятлар оқими умумтаълим мактаблари учун муҳим аҳамият касб этган педологик хизмат илдизига болта урди ва уни расмий тарзда йўққа чиқарди (Батафсил маълумотларни Ўзбекистон Архивида сақланувчи ҳужжатлардан олиш мумкин). Натижада, педагогик психология йўли билан бажариладиган барча ишлар мактабда фақат педагогик ёндашувлар асосидагина амалга оширилди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги умумтаълим тизими билан боғлиқ изланишлар ва психологик тадқиқотлар тўхтаб қолгани йўқ. Айниқса, П.И.Иванов, В.Э.Чудновский, М.Г.Давлетшин, М.Воҳидовлар томонидан ишлаб чиқилган қатор илмий ва методик тавсиялар мактабда психологик хизмат татбиқини яратиш учун маълум даражада асос бўлиб келди. Бинобарин, 70-80-йилларда Тошкент Давлат Университети психология кафедраси олимлари томонидан психологик тадқиқотларнинг ҳаётга татбиқини амалга ошириш мақсадида талайгина меҳнат жамоаларида психологик хизмат тизими жорий қилинди ва Республикамизда илк бор қатор меҳнат ва ишлаб чиқариш жамоаларида инсон ва меҳнат фаолияти, шахс ва шахслараро муносабатлар, раҳбар ва жамоа психологияси билан боғлиқ илмий-амалий ишлар олиб борилди. Масалан: "Тошкентигрушка" фабрикасида 165/86 рақамли хўжалик шартномаси асосида олиб борилган ижтимоий психологик иқлимни таҳлил қилиш, ўрганиш ва яхшилашга қаратилган ишлар кўлами, "Ўзбекгазпром" тизими ташкилотларида инсон омилларини ўрганиш ва ундан ишлаб чиқаришда унумли фойдалана олиш йўллари ижтимоий психологик жиҳатдан асослаб бериш борасида олиб борилган илмий-амалий ишлар кўлами (мазкур ишлар: 154.4 мавжуд цифри ва 01840083351 рақамли Давлат қайдномаси асосида расмийлаштирилган), Муборак газни кайта ишлаш заводи меҳнат жамоаларидаги ижтимоий психологик хизматнинг ташкил этилиши (УДК 152.2

Давлат рўйхати рақами 000702604) ўрта Осиё илмий текшириш ирригация институти (САНИРИ-165/83 рақамли шартнома ва УДҚ-154.4 Давлат рақами 01840085628 асосида расмийлаштирилган) да бажарилган комплекс ижтимоий психологик ишлар кўлами шулар жумласидандир. Кафедра олимлари З.Р.Душабоев, Э.Ғ.Ғозиев ва В.А.Токаревлар раҳбарлигида олиб борилган мазкур ишлар кўлами ниҳоятда кенг қамровли илмий-амалий ва ижтимоий-психологик тадқиқотлар татбиқи учун муҳим аҳамиятли эканлиги билан алоҳида ажралиб туради (Мазкур ишлар ҳақидаги батафсил ҳисобот берувчи маълумотларни Тошкент Давлат Университети психология кафедрасида сақланувчи ҳужжатлар архивидан олиш мумкин).

Шунингдек, 60-70 йилларда Ўзбекистон Педагогик Фанлар Илмий текшириш институти ходимлари П.П.Зимин, В.А.Токарева, М.Ш.Расулева, М.Дадажоновлар томонидан мактабда психологик хизмат татбиқини ўрганишга оид қатор изланишлар, амалий тадбирлар олиб борилди. Айниқса, 1966 йилда Чирчиқ шаҳрида ахлоқий тарбияга оид, 1973 йилда Андижонда оилавий тарбияга оид, Самарқандда таниқли психолог Н.А.Менчинская иштирокида ақлий тараққиёт муаммоларига оид олиб борилган изланишларни алоҳида қайд этиш мумкин (бу ҳақдаги батафсил маълумотларни ЎзПФИТИ Архивида сақланувчи шу йиллардаги ҳисоботлар ҳужжатида олиш мумкин).

Бинобарин, мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг самарали бўлишини таъминлаш, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида инсон омилидан фойдаланиш, ҳар бир шахс имкониятларини тўла-тўқис юзага чиқариш масаласи Ўзбекистон психологлари олдида психологик хизмат билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни амалга ошириш масъулиятини юклайди:

–аҳоли ўртасида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирларни белгилаш ва уни амалга ошириш;

–ҳар бир шахс имкониятини жамоадаги ижтимоий-психологик иқлимни Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва этнопсихологик тамойилларига мослаштирилган энг илғор тестлар, методикалар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу борада тегишли хулосалар чиқариш;

–ходимларни танлаш ва психологик имкониятлари асосида турли соҳаларга йўналтиришда маъмурий ташкилотларга кўмаклашиш, шунингдек барча бўғиндаги раҳбар ходимларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талабига мос психологик саводхонлигини ошириш мақсадида қисқа муддатли "ижтимоий психология" курсларини ташкил этиш;

–фуқароларнинг касбий йўналишларини аниқлаш ва меҳнат биржалари фаолиятини режалаштиришда фаол ёрдам кўрсатиш;

–қатор йўналишларда аҳолига социал-психологик хизмат кўрсатилишини таъминлаш: Жумладан;

- ❖ индивидуал психологик хизмат;
- ❖ ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоаларига психологик хизмат;
- ❖ оилавий ҳаёт тизимида психологик хизмат;
- ❖ халқ таълими тизимида психологик хизмат;
- ❖ ички ишлар тизимида психологик хизмат;
- ❖ спорт ва соғломлаштириш тизимларида психологик хизмат;
- ❖ тиббиёт тизимида психологик хизмат;
- ❖ транспорт тизимида психологик хизмат.

Шунингдек, мазкур соҳаларда психологик хизматни муваффақиятли амалга ошириш учун "социолог-психологлар", "амалиётчи - психологлар" тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиш бугунги кунда энг долзарб муаммо эканлиги янада сезилмоқда. Юкоридаги вазифаларни амалга ошириш борасида олимлар томонидан талайгина назарий-илмий ва амалий-услубий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетининг етакчи мутахассислари раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи, Ўзбекистон Миллий университетининг Э.Ғозиев раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи, А.Авлоний номидаги Республика педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтининг етакчи олимлар гуруҳи, Республика иқтидорли болаларни танлашга хизмат қилувчи олимлар гуруҳи, вилоятлардаги психология кафедрасида фаолият юритаётган олимлар гуруҳи томонидан олиб борилган ва олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқот ишлари у ёки бу соҳада психологиянинг амалий татбиқини яққол ва равшан намоён этмоқдаким, бу хайрли ишлар Ўзбекистонда ташкил этилган умумий психологик хизмат

тизимининг дастлабки илмий-ташкилий асосини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1998-йилда илк бор профессор Ш.Баротов томонидан “Ўзбекистонда Психологик хизмат ташкил этилишининг илмий-амалий ва ижтимоий психологик асослари” мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди ва мазкур йўналиш бўйича Ш.Баротов раҳбарлигида қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Масала моҳиятидан келиб чиқиб, психологик хизматнинг айнан илмий ташкилий мазмуни ва психологик хизмат татбиқининг амалиётдаги фаолият йўналишлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга ва мазкур фикр-мулоҳазаларни Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан талқин қилишга тўғри келади.

Бинобарин, ўтган асрнинг 90-йилларида ташкил этилган психологик хизматнинг умумий мазмунини қуйидаги 2 йўналиш асосида тасаввур қилиш мумкин:

1. Психологик хизматнинг илмий-амалий асослари.
2. Психологик хизматнинг ташкилий фаолият асослари.

Психологик хизматнинг илмий-амалий асосларига илғор психология фанидаги назарий-илмий, методологик йўлланмалар, тамойиллар, мезонлар ва хулосаларнинг амалиётдаги татбиқи киради. Бу татбиқ эса илмий-амалий иш жараёнининг психологик, психопрофилактика, психодиагностика, психокоррекция, психологик маслаҳатлар каби йўналишларида ўз ифодасини топади. Психологик хизматнинг ташкилий фаолият асослари, деганда қайси соҳада психологик хизматнинг ташкил этилишига қараб ўша соҳа йўналишидаги юқори ташкилот (Вазирлик) қарори ва шу қарорга мувофиқ ташкилот, корхона муассасаларида психологик хизмат тизимининг ҳудудий психологик хизмат марказлари фаолияти ёки бевосита амалиётчи-психологлар фаолияти орқали татбиқ этилиши тушунилади.

Юқоридаги 2 йўналиш асосида психологик хизмат татбиқининг тарихий ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар ҳолда бу борада муайян ишлар бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, Республика Темир йўл вазирлигининг 1991 йил 13

август 41/42 буйруғига биноан Республика Халқ таълими вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрь № 313 рақамли буйруғи асосида, Ўзбекистон Автомобил транспорти давлат-акционерлик корпорациясининг 1995 йил 25-ноябрь 07-3/139 рақамли махсус хати асосида жойларда психологик хизмат татбиқи жорий қилинди. Мазкур кўрсатмаларга мувофиқ Тошкент ва Бухоро темир йўл бўлинмаларида психологик хизмат жорий қилинди. Бўлинмадаги ҳар бир ишчи-ходимнинг ўзига хос психологик имкониятлари ва касбий лаёқати таркиб топганлигининг психологик омиллари асосида иш фаолиятини ташкил этишга оид талайгина ишлар амалга оширилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Жумладан, темир йўл тизими бўйича анча муваффақиятли татбиқ этилаётган психологик хизматнинг характери ва аҳамиятини таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳар бир "машинист" фаолиятида, ходимларни психологик танлов асосида ўз ўрнига қўйишда, жамоадаги шахслараро муносабат муомаласини юқори савияга кўтаришда ҳар бир ходимнинг ижтимоий "МЕН" лигини тўғри ва адекват тарзда англашда анча ижобий силжишлар рўй берган (Мазкур жойлардаги психологик хизмат ютуқлари билан боғлиқ батафсил маълумотларни ушбу муассасаларда астойдил фаолият кўрсатаётган амалиётчи-психологларнинг 1993, 1994, 1995, 1996 йиллар мобайнидаги иш фаолиятини ифода этувчи йиллик ҳисобот материалларидан олиш мумкин). Ўзбекистонда психологик хизматнинг ташкил этилиши ва такомиллаштирилиши маълум маънода республика Халқ таълими вазирлигининг қатор кўрсатмалари асосида имконияти бор умумтаълим мактабларида психологик хизматнинг жорий қилиниши билан ҳам бевосита боғлиқ.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, республика Халқ таълими тизимида психологик хизмат татбиқининг бугунги ҳолатини 2 босқич асосида талқин қилиш мумкин.

1-босқич мактабларда бевосита психологлар томонидан психологик хизматнинг ташкил этилиши, албатта, мазкур йўналиш бўйича аллақачон, аниқроғи, 80-йиллардаёқ Тошкент шаҳрининг талайгина мактабларида иш бошланган ва ўша пайтларнинг ўзидаёқ психологик хизматнинг қулай ва шахс

камолоти учун ниҳоятда аҳамиятли томонлари барчага маъқул ва манзур бўлган эди. Лекин психологик хизматнинг кенг тарғибот қилиниши учун етарли эмас эди. Шукурлар бўлсинки, 90-йилларга келиб мустақиллик, эрк, ўзликни англаш ҳислари ҳукмрон бўлган Ўзбекистон шароитида инсон ва жамият камолотини кўзловчи барча ижтимоий соҳалар сингари психологик хизмат татбиқининг кенг қулоч ёйиши учун ҳам ўзига хос замин ҳозирланди. Бу эса Ўзбекистон учун характерли бўлган психологик хизмат ривожлантирилишининг навбатдаги амалиётчи-психологлар тайёрлаш босқичига ўтишни муқаррар қилиб қўйди. Чунки мактабдаги ижтимоий психологик иқлимни таҳлил қила олувчи малакали амалиётчи-психологлар тайёрламай туриб Ўзбекистонда психологик хизмат татбиқини муваффақиятли амалга ошириб бўлмас эди. Шунга мувофиқ, даставвал Тошкентда, сўнгра Бухорода, кейинчалик Навоий, Андижон, Самарқанд ва бошқа вилоятларда умумтаълим мактаблари учун "амалиётчи-психологлар" мутахассислиги бўйича қайта тайёрлов курслари очилди ва бу курсларни муваффақиятли тугатганлар Республикамизнинг талайгина мактабларида психологик хизмат ташкилотчиси, тарғиботчиси ва татбиқотчиси сифатида самарали иш олиб бордилар (Бу ҳақдаги батафсил маълумотларни Тошкент, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Андижон вилоятлари Халқ таълими бошқармаси ва педагогик ходимлар малакасини ошириш институтларига топширилган амалиётчи-психологлар ҳисоботидан олиш мумкин).

Қолаверса, умумтаълим мактабларида психологик хизматни ташкил этишда ва такомиллаштириш борасида 1987, 1993, 1994, 1995-йилларда Бухорода, 1990 йил Тошкентда ташкил этилган Республика илмий-амалий анжуманида қилинган барча маърузалар, кўтарилган муаммолар Ўзбекистондаги психологик хизмат татбиқининг туб моҳиятини тушуниш, таҳлил қилиш ва бу борада олиб борилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаш учун муҳим аҳамият касб этади. (Бу ҳақдаги батафсил маълумотларни мазкур йилларда Тошкент ва Бухорода чоп этилган илмий-амалий анжуман материалларидан олиш мумкин.)

Ўзбекистонда психологик хизматнинг бугунги илмий-ташкилий ҳолатини таҳлил қилар эканмиз, албатта, Республика

миқёсида психологик хизмат кўламини кенгайтириш учун муҳим аҳамият касб этадиган амалиётчи-психологлар тайёрлаш услуги, тамойиллари ва ўзига хос характерли хусусиятлари ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Бинобарин, психологик хизматнинг ташкил этилиш тарихига яна бир бор назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда психологик хизматни ривожлантириш учун малакали ва етук мутахассислар камлигини ҳисобга олиб, дастлабки қадам мактабнинг энг илғор ва иқтидорли ўқитувчилари орасидан амалиётчи психологлар тайёрлаш ташаббуси билан бошланди. Бу борада ўринли бир савол туғилади: Нима учун "амалиётчи-психологлар" курсига айнан тажрибали ўқитувчиларгина жалб қилинди? Дарҳақиқат, курсга фақат юқори малакали педагогларнинг жалб қилиниши бежиз эмас эди. Чунки мактабда психолог бўлиш учун, аввало, ўқувчи шахсини, ўқув жараёнини таълим-тарбия мезонларини чуқур ва тўғри таҳлил қила олиш малакаси ва тажрибаси бўлиши шарт, деб ўйлаймиз. Шунингдек, масаланинг ижтимоий-ташкилий томонлари ҳам мавжуд. Масалан, мактабда ишлаб тажрибага эга бўлмаган шахслар курсга қабул қилинса, 4-5 ойгина муддат ичида мактабдаги педагогик-психологик жараённи тўғри ва муваффақиятли таҳлил қила олиш малакасига эга бўла олмайдилар. Бошқа томондан эса, агарда, университетлар ва педагогика институтларида "амалиётчи-педагог-психолог" мутахассислиги бўйича факультетлар ташкил қилинганда, камида 5-10 йил, балки ундан ҳам кўпроқ кутишга тўғри келади. Мабодо факультетни тугатган тақдирда ҳам педагогик тажриба бўлмаса, барибир педагогик жараённи психологик таҳлил қилиш ишида бир мунча мушкуллик туғдиради.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган фармойишлар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ташаббуслари билан ташкил этилган "амалиётчи-психолог" курсларининг иш фаолияти бугунги кунда Ўзбекистондаги психологик хизматни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, бугунги кунда, Республика миқёсида 1000 дан ортик умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда амалиётчи-психологлар томонидан

психологик хизмат жараёнининг ташкил этилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1994 йилда тузилган "Ўзбекистон Республикаси халқ таълимида психологик хизмат, халқ таълими тизимида ишлайдиган психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақида Низом"нинг Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиши (1996 йил 5 апрель) амалиётчи-психологларнинг фаолиятини янада кенгроқ кўламда ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим расмий асос бўлиб хизмат қилди. "Амалиётчи-психологлар" тайёрлаш масаласи баён этилар экан, бу ўринда Ўзбекистонда "амалиётчи-психологлар" тайёрлашнинг энг биринчи ташаббускори бўлган ўша даврдаги Низомий номидаги Педагогика институти психологлари томонидан ташкил этилган "амалиётчи-психологлар" факультети фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки бу факультетни (2-мутахассислик бўйича) муваффақиятли тугатган юзлаб амалиётчи психологлар бугунги кунда психология фанининг илмий-амалий татбиқи билан шуғулланиб, Республика миқёсида психологик хизматнинг кенг қулоч ёйишида ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар (Республикада психологик хизматни ривожлантиришнинг дастлабки илмий-ташкилий асоси сифатида иш олиб борган ва бораётган "амалиётчи-психологлар" тайёрлаш факультетининг фаолият натижалари ҳақидаги батафсил маълумотларни ўтган асрнинг 90-йилларидаги ҳисобот ҳужжатлари архивидан олиш мумкин). Юқорида келтирилган мисоллар, таҳлиллар ва хулосалардан кўринадики, Ўзбекистонда психологик хизматни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, бу – амалиётчи психологлар тайёрлаш механизмини ҳар томонлама пухта ва муваффақиятли тарзда ишлаб чиқишдир. Чунки барча соҳаларда малакали мутахассислардан сараланган ва пухта тайёрланган психологлар сафини ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан кенгайтирмай туриб, психологик хизмат тизимининг амалий фаолиятдаги татбиқини Республика миқёсида кенг кўламда амалга ошириб бўлмас эди.

Дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда амалиётчи-психологлар тайёрлаш муаммоси жуда кенг ва кўп

камровли муаммо бўлиб, бугунги кунда ушбу муаммо тўлиқ ва мукаммал тарзда ҳал қилинмаган, шунингдек, масаланинг бошқа илмий-ташкилий томонларида ҳам муайян кемтикликлар мавжуд. Масалан, амалиётчи-психологлар тайёрлаш жараёни билан боғлиқ қатор тажрибалар шуни кўрсатдики, мазкур курсга тингловчилар қабул қилишнинг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва шу Давлат таълим стандартлари асосидагина "амалиётчи-психолог" курсига қабул қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунда, асосан, иш (педагогик фаолият) тажрибасининг камида 5 йил бўлиши; педагогик билим (педагогик жараёни таҳлил қила олиш) савиясининг ўртачадан юқори даражада бўлиши; умумий психологик билим ва тасаввурнинг ўртачадан юқори даражада бўлиши; касбга қизиқиши, иқтидори ва хоҳишининг ўртачадан паст бўлмаслиги; ёшнинг чегараланиши (27-40-45 ёшгача); шахсий сифатларнинг талаб даражасида бўлиши каби мезонларга риоя қилиниши лозим.

Қолаверса, тингловчиларни мазкур мезонлар асосида қабул қилиш биринчидан касбга ва курсга нисбатан масъулиятни оширса, иккинчидан эса мўлжалланган ўқув дастурини тезроқ ва самаралироқ ўзлаштириш имконини беради. Чунки, жуда қисқа вақт (5-7-9 ой) мобайнида жуда кўп психологик билимларга эга бўлиш талаб қилинади. Фундаментал билим, тажриба ва малакага эга бўлмаган тингловчи эса бунинг уддасидан чиқа олмайди, аниқроғи, "игна билан қудуқ қазади".

Ўзбекистонда психологик хизматнинг бугунги ҳолатига тавсиф беришга оид юқорида баён этилган барча таҳлилларимиз хотимаси Ўзбекистонда психологик хизмат тизимини яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ асосий йўналишларни белгилашни тақозо этади. Чунки психологик хизмат тизимининг Республика миқёсидаги кенг камровли илмий-амалий йўналишларини белгиламай туриб Республика ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик ижтимоий-психологик муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Шунга мувофиқ, барча соҳалардаги ҳозирги замон илғор психологик адабиётларга ва тадқиқотларга таяниб, психологик хизматнинг асосий амалий йўналишлари ва унинг илмий-ташкилий иш жиҳатларини

ўрганиш борасида изланишлар олиб борилди. Шунингдек, барча йўналишлар учун умумий ва жузъий бўлган ижтимоий психологик ҳолатлар, вазифалар ва тадқиқотлар кўлами ва уларни амалга ошириш йўллари белгиланди. Бугунги кунда қатор соҳаларда психологик хизмат тизимининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши учун ижтимоий эҳтиёжларнинг ниҳоятда ортиб бораётганлиги ва бу эҳтиёжларни қондиришга нисбатан юқори ташкилотлардан тегишли қарорлар қабул қилинаётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Масалан, халқ таълими тизимида (муассасаларида) психологик хизматни жорий этиш ва ривожлантириш борасидаги (1991, 1992, 1995, 1998, 2000, 2002, 2006 йил); ички ишлар тизимида психологлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича (1990, 1992, 1994, 2002, 2006, 2010); темирйўл транспорти тизимида психологик хизматни жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича (1992-94, 2002, 2006й); автотранспорт муассасаларида ижтимоий психологик хизматни жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича (1994-95,2002 й); тиббиёт ва соғлиқни сақлаш муассасаларида психологик фаолиятни такомиллаштириш борасида(1994-95,2002,2010й); спорт ва соғломлаштириш тизимларида ҳар бир спортчининг индивидуал-психологик ҳолати ва имкониятларини ўрганиш бўйича (1993-95, 2002,2012, 2016); оилавий ҳаётни ташкил этиш тизимларидаги айрим муассасалар (Тошкент, Ангрен, Бухоро) да психологик хизматни такомиллаштириш бўйича (1989-90-93, 2000, 2002, 2006, 2010); йирик ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоаларида психологик хизматни такомиллаштириш бўйича (Тошкент, 1989-90-92, 2002,2010) чиқарилган қарорлар ва белгиланган тадбирлар шулар жумласидандир.

Демак, бугунги кунда мазкур 7 йўналиш бўйича шахс психологияси ва жамият уйғунлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий психологик тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса энг биринчи навбатда мазкур йўналишларда фаолият кўрсатаётган шахсларнинг ўзини ўзи англаш, билиш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-психологик муҳофаза имкониятлардан кенг кўламда фойдалана олишларига, яъни уларнинг фаолиятида камроқ муваффақиятсизликка учрашларига ва кўпроқ самарали меҳнат қила олишларига бевосита ёрдам беради.

Ўзбекистонда халқ таълими тизимидаги ўтган асрнинг 90-йилларида психологик хизмат татбиқи борасида нисбатан яхши натижаларга эришган Бухоро тумани Халқ таълими бўлимининг иш тажрибасини алоҳида қайд этиш мумкин. Шуниси аҳамиятлики, тумандаги талайгина мактабларда ўша даврдаги туман Халқ таълими бўлимининг мудирининг З.Абдуллаевнинг ташаббуси билан 1991 йилдаёқ психологик хизмат жорий қилинган эди ва шундан буён жуда кўп изланишлар натижасида бир мунча тажрибалар тўпланди ва Республика миқёсида оммалаштирилди. (Бухоро туманидаги олиб борилган психологик хизматнинг илмий-ташқилый фаолияти, намунали тажрибалари эришилган ютуқлар бўйича батафсил маълумотларни ўша даврдаги туман Халқ таълими бўлимининг мудирининг З.Абдуллаевнинг 1990-96 йиллар давомида қилган йиллик яқуний ҳисоботлари сақланадиган ҳужжатлар архивидан олиш мумкин).

Психологик хизматнинг бугунги ҳолати таҳлилида юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Автотранспорт Давлат акционерлик корпорациясига қарашли қатор корхоналарда психологик хизмат жорий қилинганлигини ҳам алоҳида қайд этишга тўғри келади. Бунда, асосан, ҳудудий психологик хизмат марказларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам бошқа соҳалар каби автотранспорт тизимида ҳам психологик хизматга бўлган зарурат ниҳоятда ортиб бормоқда. Масалан, корхона муваффақиятли фаолияти учун муҳим бўлган ҳар бир ҳайдовчининг ўзига хос индивидуал хусусиятларини билиш, уни айрим "стресс" ҳолатларига тушмасликдан сақлаб қолиш, (муҳофаза қилиш) корхонадаги шахслараро муносабатларда намоён бўлиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш, ҳар бир ишчи-ходим имкониятларидан касбий фаолият учун тўла-тўқис фойдаланиш каби барча ишларни психологик хизмат татбиқисиз бажариш анча мушкуллик туғдириши аён бўлиб қолмоқда. Зеро, Республикамиз Автотранспорт тизимидаги корхоналарда олиб борилган психологик хизмат натижаларининг таҳлили шуни кўрсатаётганики, ҳар бир ишчи-ходимнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини пухта ўрганмай туриб шахс фаолияти ва корхона муваффақияти ўртасидаги ижтимоий

уйғунликни таъминлаб бўлмайди. Уйғунлик бўлмаган жойда эса иш ҳам, ютуқ ҳам бўлмайди. (Автокорхоналарда олиб борилган психологик хизмат натижалари ҳақидаги батафсил маълумотларни Бухоро психологик хизмат марказида сақланувчи материалларидан олиш мумкин).

Яна шуни қайд этиш керакки, ўтган асрнинг 90-йилларида Республика автотранспорт вазирлиги қошида, Республика тиббиёт ва ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда автокорхоналарда ишловчи ҳар бир ҳайдовчининг асаб ва "стресс" ҳолатлари билан боғлиқ ҳиссий зўриқиш ҳолатларни диагностика қилувчи Марказ ташкил этилган бўлиб, ушбу Марказнинг фаолияти маълум даражада психологик хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлиги аён бўлди. Чунки диагностик тестлар орқали ҳайдовчи руҳиятида қандайдир камчиликлар ёки ҳиссий зўриқишларнинг таркиб топаётганлиги аниқланса, ўша заҳоти мазкур ҳайдовчи вақтинча ишдан четлаштирилади. Бу эса айни пайтда ўша ходимнинг саломатлиги, психологик камолотини сақлаб қолишда турли кўнгилсизликлар (авария ва ҳоказолар) нинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча, ушбу диагностик Марказ (ушбу Марказнинг ташкил этилиши, тажрибалари ва барча фаолият натижалари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўша даврдаги Ўзбекистон автомобил транспорти давлат-акционерлик корпорациясининг йиллик ҳисобот ҳужжатлари сақланувчи архивдан олиш мумкин)ҳудудий психологик хизмат марказлари билан ҳамкорликда анчагина самарали ишларни олиб борган.

Психологик хизматнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинар экан, албатта, айрим йирик саноат корхоналарида ҳам психологик хизмат жорий қилинганлигини қайд этишга тўғри келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу заводларда энг малакали психологлар иш олиб борганлар ва уларнинг иш тажрибалари Ўзбекистонда психологик хизматни жорий қилишда муҳим ўрин тутуди.

Ўзбекистонда олиб борилган ва олиб борилаётган амалий психологик ишлар ичида "Оилага психологик хизмат кўрсатиш" бўлимларининг фаолияти алоҳида ўрин тутуди. Оилага

психологик хизмат кўрсатиш бўлимларининг фаолиятини куйидаги йўналишлар асосида қайд этиш мумкин:

1. Ўспиринларга оилавий ҳаёт тасаввурларини шакллантириш борасида психологик хизмат кўрсатиш.

2. Никоҳ олди психологик хизмат кўрсатиш. Бунда, асосан, ёш оила қурувчиларнинг оилавий муносабатларда намоён бўлиши мумкин бўлган индивидуал психологик хусусиятлари ўрганилади, севги, ишқ, муҳаббатнинг биологик, социологик ва психологик томонларини тушунтириш асосида тегишли тавсиялар берилади.

3. Оилага психологик хизмат кўрсатиш жараёнида эса турли ёшлардаги ва турли тоифалардаги оилаларга оилавий ҳаёт билан, оиладаги шахслараро муносабатлар билан, турли хил зиддиятлар билан боғлиқ барча вазиятларни таҳлил қилишда ва ижобий томонга йўналтиришда кўмаклашилади.

4. Оиласизларга психологик хизмат кўрсатиш йўналишида бўйдоқ эркаларга ва бева аёлларга ўз тенгдошини топиш ва оилани авайлаш ва умуман, оилавий ҳаёт тизимининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади ва муваффақиятли оила қуриш борасида тегишли тавсиялар бериб борилади.

5. Ишонч телефонлари орқали оилаларга ёки оиладаги шахсларга психологик хизмат кўрсатиш. Бунда, асосан, ишонч телефонидаги маълумотлар асосида ва барча далилларни сир тутган ҳолда маълумотнинг мазмунидан келиб чиқиб тегишли психологик тадбирлар олиб борилади.

Ушбу йўналишлар бўйича бир неча йиллар давомида Тошкент шаҳридаги "Семурғ" бахт уйи ва Ангрен шаҳар "Бахт" уйи қошидаги психологик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари томонидан олиб борилган ишлар, тажрибалар ва тадбирларни алоҳида қайд этиш мумкин (Бу ҳақдаги аниқ далиллар ва батафсил тафсилотларни Тошкент шаҳри "Семурғ" бахт уйи қошида ташкил этилган оилага психологик хизмат кўрсатиш маркази ва Ангрен шаҳар ҳокимияти қошидаги "Бахт" маркази архиви материалларидан олиш мумкин).

Оилавий ҳаёт тизимига бўлган психологик хизмат йўналишларининг бугунги ҳолатини таҳлил қилар эканмиз, бу

борада махсус илмий изланишлар асосида олиб борилаётган амалий тадбирларни алоҳида қайд этишга тўғри келади.

Чунончи, ўтган асрнинг 90-йилларида психология фанлари доктори, профессор Ғ.Б.Шоумаров, психология фанлари доктори В.М.Каримова, психология фанлари доктори, профессор Ш.Р.Баротов, психология фанлари номзоди, доцент Н.А.Соғиновлар раҳбарлигида ишлаб чиқилган методикалар, яқунланган диссертациялар, шулар асосида барча вилоятларда олиб борилаётган оилавий ҳаёт тизимини таҳлил қилиш билан боғлиқ психодиагностик, психокоррекцион ишлар кўламининг тобора кенгайиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир. Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги ҳолатида "Иқтидорли болаларни танлаш ва тарбиялаш" борасида олиб борилаётган илмий-амалий ишларнинг анча кенг қамровли ва ижтимоий аҳамиятли эканлигини ҳам алоҳида қайд этиш мумкин. Чунки илмий-психологик мезонлар асосида давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш талабларига мос энг зукко, энг иқтидорли ёшларни танлаш ва тарбиялаш ҳамма замонларда ва ҳамма давлатларда ҳам фақат ижтимоий ютуқлар келтирган. Шунга мувофиқ ўтган асрнинг 80-90-йилларида психология фанлари доктори, профессор Б.Р.Қодиров раҳбарлигида Республика миқёсида умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар ичидан энг зукко, энг иқтидорлиларини танлаб олиш бўйича олиб борилган илмий-амалий ишлар Ўзбекистонда психологик хизмат тизимини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. (Мазкур йўналишдаги махсус тажрибалар ва уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни ўша даврдаги Республика иқтидорли болаларни танлаш ва тарбиялаш марказининг ҳисобот-ҳужжатларидан олиш мумкин.)

Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги ҳолатига илмий-ташкилий нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Ўзбекистонда психологик хизматни жорий этиш, бошқариш, ривожлантириш учун ва етарли даражадаги ижтимоий, илмий-ташкилий асослар мавжуд. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида ишлайдиган

психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақидаги "Низом"нинг 5.04.1996 йилда расмий тарзда тасдиқланиши алоҳида тарихий ҳодисадир.

2."Низом" асосида олиб борилаётган назарий-илмий ва амалий услубий ишлар, тажрибалар кўламининг тобора кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

3.Иқтидорли болаларни танлаш ва тарбиялаш Марказининг ташкил этилганлиги ва унинг психологик мезонлар асосида муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

4.Оилага психологик хизмат кўрсатиш бўйича талайгина тажрибаларнинг тўпланган ва шу тажрибалар асосида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

5.Транспорт тизимида тажрибалар тўпланиб, муваффақиятли фаолият олиб борилмоқда.

6.Қатор олимлар гуруҳи томонидан таълим ва оила тизимларида психологик хизматни ривожлантиришга оид илмий изланишларнинг олиб борилаётганлиги ва шу изланиш натижаларини бугунги амалиётда қўлланиб келинаётганини алоҳида қайд этиш мумкин.

7.Республика ички ишлар тизимида, спорт ва соғломлаштириш тизимида ва айрим йирик ишлаб чиқариш корхоналарида маънавият ва маърифат билан бир қаторда психологик хизматга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Умуман, Ўзбекистонда психологик хизматнинг ташкил этилиши ва унинг илмий-амалий асосларининг яратилиши бугунги замонавий психологиянинг татбиқий истиқболларини янада кенгроқ кўламда очиб беришга хизмат қилмоқда.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар

1.Хорижда дастлабки психологик хизмат амалиёти қачон ва қаерда бошланган?

2.Америкадаги "Гайденс" мактаби тажрибалари ҳақида нималарни биласиз? Каунслинг хизмати нима?

3.Франция психологик хизмат мактаби тажрибалари ҳақида гапириб беринг.

4. Чехославокида психологик хизмат амалиётининг мазмуни ҳақида биласизми?

5. Хитойда психологик хизмат қай тарзда ташкил этилган ва қайси олим бу ҳақда илмий тадқиқот олиб борган?

6. Россияда ва Болтиқ бўйи давлатларида илк бор психологик хизматнинг ташкил этилиши ҳақида нималарни биласиз?

7. И.В. Дубровинанинг илмий тадқиқотлари моҳияти нимада?

8. Ўзбекистонда илк бор психологик хизмат амалиётининг жорий этилишини қандай маълумотлар билан изоҳлайсиз?

9. Ватанимизда психологик хизмат низомининг ишлаб чиқилиши ва психологик хизматнинг асосий йўналишлари ҳақида нималарни биласиз?

10. Ўзбекистонда психологик хизмат муаммоси бўйича илк бор докторлик диссертациясини ёзган олим ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Хорижда психологик хизматнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари.

2. Россияда психологик хизмат концепциялари.

3. Ўзбекистонда психологик хизматнинг ташкил этилиши ва бугунги истиқболлари.

Асосий адабиётлар:

1. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник. – М., 1999.

2. Баротов Ш.Р. ва бошқалар. Экспериментал психология. Тошкент: Фан нашриёти 2008.

3. Баротов Ш.Р. Психологическая служба образования: от теории к практике. (Учебно - методическое пособие). - Бухара: Дурдона, 2017 – 172с.

4. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создание психологической службы в Узбекистане. Автореферат дисс. докт. психол. наук. – Т., 1998. – 37 с.

5. Бондаренко А.Ф. Психологическая помощь: теория и практика. – М.: Изд-во “Института психотерапия”, 2000. – 368 с.

6. Бодалев А.А., Ломов Б.Ф., Лучков В.В. Психологическую науку на службу практике. ВП, 1979. № 4. - С. 17-23.

7.Винер Дж., Майзен Р., Дакхем Дж Супервизия супервизора:практика в поиске теории. – М.:Когито-Центр, 2006.

8.Немов Р.С. Психология. В 3-х книгах Психологическая служба в образованни. Кн.2. – С. 506-527.

9.Нишонова З.Т., Алимбаева Ш.Т., Сулаймонов М. Психологик хизмат. – Т.: Фан ва технология марказининг босмахонаси, 2014.

Қўшимча адабиётлар:

1.Абрамова Г.С. Практическая психология. – М.: 2000

2.Жутикова Н.Б Учителю о практике психологической помощи: Кн.для учителя. - М.:Просвещение, 1988. – 176 с.

3.Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Тошкент: “Университет”, 2009.

4.Овчарова Р. Практическая психология образования. – М.: 2003.

5.Оила психологияси Ғ.Б.Шоумаров тахр. остида. – Т.: Шарк, 2001.

6.Практическая психология образования/Под ред. И. В. Дубровиной. – М., 1998.

7.Ғозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси. – Т.: 2010.

Интернет ресурслари:

<http://www.psychol-ok.ru/library/html>

<http://www.koob.ru>

www.psixologiya.uz

<https://psychologiya.com>

<https://ru.wikipedia>

www.psysovet.ru

www.scienceproblems.ru

IV БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

4.1. Таълим муассасаларида психологик хизмат амалиётига қўйилган талаблар.

4.2. Умумтаълим мактабларида психологик хизмат амалиёти.

4.3. Олий таълимда психологик хизмат амалиёти.

4.1. Таълим муассасаларида психологик хизмат амалиётига қўйилган талаблар

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлод келажагини ҳар томонлама такомиллашган ва ижтимоий тараққиёт талабларига тўла-тўқис жавоб бера олувчи таълим тизимининг муваффақиятли татбиқисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Таълимнинг муваффақияти эса ташкил этилган ўқув фаолиятининг ҳар бир ўқувчи шахсига, унинг ижтимоий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Бу масъулиятли вазифани, айниқса, бугунги кунда психологик хизматсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, ўқув топшириқларини такомиллаштиришда, ўқувчиларни у ёки бу касбга йўналтиришдаги ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини ва қизиқишларини аниқлашда, уларнинг ўз-ўзини англашларида, ўқув жараёни, ўқувчилар жамоаси, ўқувчи-ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этиш йўллари излашдаги психолог олимларнинг бугунги ютуқлари ҳақида етарли далиллар мавжуд. Масалан, И.В.Дубровина тадқиқотларида мактабда психологик хизматни ташкил этишдаги назарий ва амалий жиҳатларнинг асосланиши, Л.И.Божовичнинг ўқувчи шахси ва унинг мактаб ёшидаги шаклланиш босқичларини психологик таснифловчи эмпирик маълумотлари, А.Г.Асмоловнинг ўқувчи фаолияти ва установка уйғунлигини изохлаб берувчи тадқиқотлари, Д.И.Фельдштейннинг онтогенезда ривожланувчи шахс ижтимоий тараққиётининг психологик қонуниятларини очиб беришга қаратилган катор илмий-тадқиқий кўрсатмалари, Е.А.Кли-

мовнинг ўқувчини касбга йўналтиришдаги индивидуал услубни ўзида мужассамлаштирган психологик ишланмалари, В.С.Мерлиннинг ўқувчи шахсидаги индивидуал ва социал типик хусусиятлар психологиясини изоҳлаб беришга қаратилган асарлари, Э.Ғ.Ғозиевнинг таълим муассасаларидаги психологик хизмат вазифаларини қайд этишга бағишланган кўрсатмалари, М.Г.Давлетшиннинг Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги ҳолати ва вазифаларини талқин қилишга қаратилган илмий-амалий фикр-мулоҳазалари, Ғ.Б.Шоумаровнинг Халқ таълими тизимида психологик хизматнинг жорий этилиши билан боғлиқ янгиликлар, муаммолар ва ечимларга бағишланган назарий-илмий ва ижтимоий-амалий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазалари, Ш.Р.Баротовнинг таълимда психологик хизмат амалиётига бағишланган илмий тадқиқот натижалари, Б.Р.Қодировнинг Ўзбекистондаги иқтидорли ва истеъдодли болаларни танлаш ва тарбиялашга қаратилган қатор назарий-илмий ва амалий-услубий асарлари шулар жумласидандир.

Айниқса, бугунги кунда ўзбекистонлик психологлар гуруҳи томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида психологик хизмат, халқ таълими тизимида ишлайдиган психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақидаги Низом”нинг ишлаб чиқилиши ва уни Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиши Ўзбекистондаги психологик хизмат тизимининг расмий тарзда “жонланиши” ва тараққий этиб бориши учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Табиийки, ушбу “Низом” таълим муассасаларида татбиқ этилажак психологик хизмат тизимининг асл мақсади, мазмуни, моҳияти, аҳамияти, вазифалари ва асосий йўналишлари ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш ва шу тасаввур асосида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун ўзига хос қўлланма ва йўлланма бўлиб хизмат қилади. Худди ана шу “йўлланма” асосида бугунги кунда Республикамиз миқёсида талайгина таълим муассасаларида психологик хизмат тизими ташкил этилган.

Дарҳақиқат, Республика халқ таълими тизимида психологик хизматнинг жорий этилиши, даставвал, ўқувчи шахсини ҳар томонлама тушуниб таҳлил қилиш ва ривожлантириш борасида ўзига хос юксак ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ҳамма

ривожланган давлатларда ва ҳамма замонларда ҳам инсон омилидан унумли фойдаланиш муаммоси энг долзарб муаммо ҳисобланган. Ушбу муаммони бартараф этиш эса энг биринчи навбатда ўқув масканларидаги ҳар бир ўқувчи шахсига, ўқувчилар жамоасига бўлган психологик ёндашувнинг мазмунига, моҳиятига ва савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Умумтаълим мактабларида ташкил этилган психологик хизмат тизими учун мўлжалланган “Психологик хизмат Низоми”га киритилган барча вазифаларни маълум маънода мактаб ўқувчисининг психологик ҳимояланишини шакллантиришга қаратилган вазифалар сифатида талқин қилиш мумкин. Чунки, психологик хизмат жараёнида ҳар бир ўқувчини ўзини ўзи англашга, ўзидан ўзи унумли фойдаланишга, ўз индивидуал имкониятларини намоён қилишга ва ривожлантиришга, фаолият жараёнида содир этилиши мумкин бўлган зиддиятларга ва айрим танглик ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган тадбирлар кўлами мунтазам равишда амалга оширилиб борилади. Буларнинг барчаси эса айти пайтда, психологик муҳофаза имкониятларини кенгайтиришга қаратилган услубий воситалар сифатида характерланади. Шунга мувофиқ, бугунги кунда мактаб амалиётчи психологлари ўқувчи фаолиятидаги ижтимоий-психологик муҳофазани такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширмоқдалар.

1. Ҳар бир синфдаги ижтимоий-психологик муҳитнинг ҳар бир ўқувчи шахсига ижобий таъсирини таркиб топтириш.

2. Ҳар бир ўқувчининг ўқув фаолиятига нисбатан ўз-ўзига адекват баҳо бера олишини таъминлаш.

3. Ҳар бир ўқувчининг ўз-ўзини билиши, англаш, идора қилиш ва ўз-ўзидан ижтимоий маънода муваффақиятли қониқиш ҳосил қилиши учун шарт-шароитларни ҳозирлаш.

4. Ҳар қандай ўқув фаолияти талабларини бажариш жараёнида ўқувчининг меъёрий-ҳиссий ҳолат чегарасидан чиқиб кетмаслиги учун барча тадбирларни қўллаш.

5. Ўқувчининг фаолият талабларига ва аксинча, фаолият талабларининг ўқувчи шахсига мослаша олишларини таъминлаш.

6.Ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқитувчи, ўқувчи-жамоа ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти учун муҳим муваффақиятли муносабатлар ўрнатила борилишини мунтазам назорат остига олиш.

7.Ўқув фаолияти талабларини муваффақиятли бажарилишини таъминлашга хизмат қилувчи ўқувчи шахси фаоллиги билан боғлиқ индивидуал услуб имкониятларини ўрганиш ва қарор топтира бориш.

8.Ҳар бир ўқувчини мактабга қабул қилишда у ёки бу фан бўйича чуқур ўзлаштирувчи синфларга жалб этиш орқали касб танлашга йўллашда тегишли илмий-амалий тавсиялар бериб бориш.

9.К.К.Платоновнинг “Шахс структураси” усули асосида ва унга Ш.Баротов томонидан айрим ўзгартиришлар киритилган ҳолда қайта ишлаб чиқилган “Шахс картаси” устида иш олиб бориш (ҳар бир ўқувчи билан, албатта).

10.Е.А.Климовнинг касбларни танлашга оид ишлаб чиққан методикасининг Ш.Баротов томонидан ўзбек тилига мослаштирилган вариантини қўллаш асосида ҳар бир ўқувчи учун тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш.

11.Э.Ғ.Ғозиев томонидан тавсия этилган “Таълим муассасалари психологининг вазифалари” асосида илмий-амалий иш фаолиятини режалаштириш.

12.Умумий психологик хизмат Низоми асосида психопрофилактик, психодиагностик ва психокоррекцион ишларни тизимли равишда амалга ошириш.

Мактаб амалиётчи психологлари фаолияти муайян талаб асосида ишлаб чиқилган тегишли йўл-йўриқлар, кўрсатмалар ва илмий-амалий тавсиялар асосида ташкил этилади.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири ҳақида қисқача изоҳ бериш мумкин:

I.Илмий-назарий фаолият йўналишлари бўйича амалиётчи психологнинг қуйидаги вазифаларни бажариши талаб қилинади:

■ психологик хизматнинг методологик асослари ҳақида билим, тушунча ва тассавурга эга бўлиш;

■ ўқувчи шахсига психологик ёндашув учун самарали фойда бера олувчи психологик усуллар, тамойиллар ва методикаларни ажрата олиш;

■ умумий психология, ёш ва педагогик психология, тиббий психология фанлари бўйича тегишли билимларни ўзлаштириш;

■ Ўзбекистондаги психологик хизмат концепцияси ҳақида ахборотга эга бўлиш;

■ ўз-ўзини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик иш режаларини тузиш ва бажариш.

II. Илмий-ташкилий фаолият йўналишлари куйидаги вазифаларни бажаришни ўз ичига олади:

■ ҳар кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик тақвимий иш режаси тузиш, уни ҳудудий психологик хизмат маркази томонидан тасдиқлатиш;

■ психологик хизмат хонасини керакли жиҳозлар, кўрғазмалар ва бошқа барча материаллар билан тўлдириш;

■ Мактабдаги ҳар бир ўқувчи учун “Шахс психологик картаси”ни тузиш ва шу маълумотлар (кўрсаткичлар) асосида тегишли психологик тадбирларни белгилаш;

■ ота-оналар, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилри ва мактаб раҳбарлари билан бажариладиган ишлар режасини тузиш;

■ ҳар бир синфдаги ўқувчилар гуруҳи, алоҳида референт, расмий ва норасмий гуруҳлар, лидерлар ва айрим “ажралиб қолган” ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш режасини тузиш;

■ ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ва касбга йўллаш билан боғлиқ психологик ишлар кўламини белгилаш;

III. Илмий-тадқиқий йўналишлари бўйича куйидаги вазифаларнинг бажарилиши назорат қилинади:

■ мактаб амалиёти учун зарур психологик усулларни қўллаш ва олинган маълумотларни қайта ишлаш асосида тегишли илмий хулосалар чиқара олиш;

■ психологик қонуниятларни билиш ва шу асосда намоён бўлувчи ёш хусусиятлари, индивидуал хусусиятлар ва ўқув

мотивларига хос жиҳатларни мунтазам ўрганиб бориш, тадқиқ қилиш, фикр-мулоҳазалар юритиш;

■ ўқувчи фаоллигига, ўз-ўзини англаш ва ривожлантириш орқали ўз-ўзини ҳимоя қилишга нисбатан ижобий ёки салбий таъсир этувчи омилларни обдон ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тадбирларни белгилаш;

■ ўқув фаолияти самарадорлигини аниқлашга таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш;

■ психологик ёндашув самарадорлигини аниқлашга хизмат қилувчи мавзулар, кузатишлар асосида изланишлар олиб бориш , у ёки бу ўқувчида юз бераётган ўзгаришлар сабабини ўрганиб бориш;

■ ўз кузатишлари ва амалий фаолият натижалари бўйича илмий-амалий анжуманлар учун маърузалар тайёрлаш.

IV. Илмий-услубий йўналиш вазифаларини қуйидаги тартибда белгилаш кўзда тутилади:

■ психология фанида тан олинган ва муайян талаблар асосида модификация қилинган усулларни қўллай олиш ва улардан илмий мақсадлар йўлида умумий фойдаланишни таъминлаш;

■ ҳар бир ўқувчи шахсининг ўзига хос индивидуал-психологик имкониятларига мос ёндашув йўллари тўғри белгилай олиш;

■ шахс ва шахслараро муносабатлар қарор топиши билан боғлиқ ижтимоий психологик муҳитни тўғри ташкил қилиш ва йўналтира олиш;

■ психодиагностик, психопрофилактик ва психокоррекцион ишлар кўламини илмий жиҳатдан пухта ва самарали тарзда режалаштириш.

■ қўлланилган ва қўлланилиши лозим бўлган усуллар самарадорлигини мунтазам назорат қилиш;

V. Илмий-амалий йўналишдаги вазифалар кўламини қуйидагиларни ўз ичига олади:

■ болаларни мактабга қабул қилишда фаол иштирок этиш;

■ ҳар бир бола иқтидорини аниқлаш ва унга мос таълим тарбия йўналишларини белгилаш;

■ ўқувчининг касбга йўналишини белгилаш ва мақсадли психологик ёндашув асосида уни ривожлантириш.

■ ҳар бир синфдаги шахслараро муносабатларни таҳлил қилиш ва тегишли тавсиялар бериш.

■ ҳар бир боланинг ёш, индивидуал-психологик, ҳиссий-иродавий хусусиятларини аниқлаш асосида тегишли тадбирлар белгилаш ва уни амалга ошириш;

■ дифференциал (табақалашган) таълимга, тўғарақларга жалб қилинувчи ўқувчиларни белгилашда фаол иштирок этиш;

■ дарснинг психологик таҳлили асосида айрим ўқувчиларга, синф раҳбарларига ва фан ўқитувчиларига тегишли маслаҳатлар бериш;

■ ота-оналарнинг психологик саводхонлигини оширишда фаол иштирок этиш;

■ ақлий ва нутқий тараққиётида нуқсони бор болалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;

■ мактаб томонидан қабул қилинган қўшимча ўқув дастурларини тузишда фаол иштирок этиш;

■ ҳар бир ўқувчининг ўз-ўзини англаши асосида ташкил этилган ўқув фаолиятини муваффақиятли бажаришга нисбатан намоён бўлувчи индивидуал иш услубини ўрганиш ва ривожлантира бориш;

■ ўқув фаолияти жараёнида намоён бўлувчи ҳар бир ўқувчидаги меъёрий ҳиссий ҳолатнинг яратилишини таъминлаш ва уни назорат қила бориш;

■ ўқувчининг ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятнинг ижтимоий қимматига нисбатан муваффақиятли муносабатларининг ўрнатилишини назорат қила бориш;

■ субъектив ижтимоий эҳтиёжларнинг англаниши ва қондирилишини назорат қила бориш;

■ ҳар бир ўқувчидаги фаолият ва индивидуал имкониятлар мутаносиблигининг таъминланишини кузатиб бориш;

■ фаоллик ва ижтимоий установка адекватлигининг таъминланишини назорат қила бориш.

Хуллас, юқоридаги йўналишларнинг барчаси мактабда психологик хизмат тизимини амалга оширувчи амалиётчи психологлар фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Айни

пайтда, ушбу йўналишдаги вазифаларнинг бажарилиш жараёни “Низом” да белгиланган умумий амалий вазифалар – психодиагностик, психологик маориф, психопрофилактик, психокоррекция ва психологик маслаҳат каби амалий ишлар кўламининг юқори савияда олиб борилишини ҳам тақозо этади. Бу вазифаларнинг тўлиқ мазмуни ва матни “Низом” да батафсил баён этилган. Ушбу “Низом” даги вазифаларга қўшимча равишда “психологик ҳимояланишни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ айрим ишларни ҳам киритиш тавсия этилади. (Ш.Баротов - 1997)

Масалан: Психодиагностик ишлар кўлами бўйича “Низом” да кўрсатилган 18 та вазифага (“Низом” нинг 6-9 бетларига қаранг) қўшимча қилиб, яна қуйидаги 3 та вазифа (яъни 19-20 ва 21 вазифаларни)ни бажариш амалиётчи психологларга юклатилади: ўқув фаолиятининг ташкил этилиши ва ўқувчининг индивидуал имкониятлари ўртасидаги ўзаро адекватликнинг қай даражада қарор топтирадилигини аниқлаш (1-қўшимча топширик). Ҳар бир ўқувчининг ўқув фаолиятини муваффақиятли бажариш билан боғлиқ индивидуал услубини аниқлаш (2-қўшимча топширик). Ўқув фаолияти жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўз-ўзини муваффақиятли идора қилишининг таъминланиши билан боғлиқ меъёрий ҳиссий фаоллик кўрсаткичларини аниқлаш. (3-қўшимча топширик).

“Низом” даги психологик маориф ишлар (3-4-бетларга қаранг) қаторига эса қўшимча 2 та вазифани киритдик. Яъни “Низом” да жами 7 та вазифа қайд этилган бўлса, 8-вазифа қилиб ота-оналар, фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларига психологик муҳофаза имкониятлари ва истиқболлари хусусида махсус маърузалар ташкил қилиш; 9-вазифа қилиб эса мактаб деворий рўзномасида “Ўз-ўзини ўрганиш” рукни остида мунтазам равишда турли тавсиялар бериб бориш топшириғи юклатилади.

“Низом” да қайд этилган 17 йўналишдан иборат психопрофилактик ишлар (4-5-бетлар) қаторига 18-қилиб “Психологик ҳимояланиш кўрсаткичи ниҳоятда паст ўқувчиларнинг ўзлари, ота-онаси, синф ва фан ўқитувчиларига алоҳида кўрсатмалар бериш; 19-вазифа қилиб эса “ҳар бир ўқувчига бериладиган ўқув топшириқларининг, ўқув юкламаларининг, дастур ва дарсликлардаги кўрсатмаларнинг

ўқувчини ҳиссий зўриқишларга (стресс ҳолатларига) олиб келмаслик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, керак бўлса тавсиялар, йўлланмалар бериш” каби махсус йўналтирилган топшириқлар киритилади.

IV “Низом”да белгилаб берилган “Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар” (9-11-бетлар) қаторига эса 9-иш сифатида “Ҳар бир ўқувчи учун характерли бўлган фаолиятдан ижтимоий қониқишга нисбатан психологик муҳофаза меъёрлари асосида таркиб топтириш лозим бўлган ривожлантирувчи ва коррекцион тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш” вазифаси киритилади.

“Низом” даги V психологнинг консултив (психологик маслаҳат) ишлари (11-12-бетлар) қаторига 9-10 иш қилиб, “Ҳар бир ўқувчи фаолиятида намоён этилган психологик муҳофаза кўрсаткичларидан келиб чиқиб, мунтазам равишда тегишли индивидуал маслаҳатлар бериб бориш ва ўқитувчиларга ўқувчи индивидуал услубини (ўқув фаолиятига нисбатан, албатта) тушуниш, таҳлил қилиш ва ривожлантириб боришга қаратилган тавсиялар бериб бориш” вазифасини юклатиш мумкин.

Демак, таълим муассасаларида юқоридаги вазифаларни мунтазам равишда бажариб бориш учун қўйилган талаблардан келиб чиқиб амалиётчи психологлар тегишли даражада психологик билим ва тажрибаларга эга бўлишлари шарт ва зарурдир.

4.2. Умумтаълим мактабларида психологик хизмат амалиёти

Бугунги глобаллашув жараёнида дунёнинг барча мамлакатларида ёшлар тарбиясига ва уларнинг ижтимоий тараққиётига жиддийроқ эътибор бериш масаласига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда, чунки кичик мактаб ёши ёки ўсмирлик даври ҳар бир боланинг бутун умри давомидаги ўзига хос ижтимоий фундамент вазифасини ўтайди. Ушбу “тамойил” нинг қанчалик мустаҳкамлиги боланинг индивидуал ва интеллектуал тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Бу жараённинг муваффақиятли тарзда амалга ошишини мактабдаги психологик хизмат амалиётисиз амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида такидланганидек, мактабга психологик хизмат амалиёти турли давлатларда турлича шаклда ташкил этилганлиги билан характерлидир. Чунончи, ҳар бир давлат ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб психологик хизмат амалиёти механизмини йўлга қўйганлигини кўрамыз. Шундай бўлса-да, мазмунан ушбу жараёнга ёндашув мезони бир хил эканлигини кузатиш мумкин. У ҳам бўлса ўқувчилар билан тизимли тарзда олиб бориладиган психопрофилактик, психодиагностик, психокоррекцион ва психоконсультатив ишлар кўламининг мавжудлигидир. Мактабда таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси билан олиб бориладиган ушбу йўналишларнинг барча, аввало, ўқувчи шахси тарбиясига ҳамда тараққиётига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Умумтаълим мактабларида психологик хизматнинг ташкил этилиши унинг мазмуни ва асосий вазифалари ҳақида Халқ таълими вазирлиги томонидан чоп этилган “Психологик хизмат Низоми”да батафсил кўрсатмалар берилган. Ушбу кўрсатма ва тавсиялар асосида бугунги кунда мактабда психологик хизмат амалиёти олиб борилмоқда (мазкур “Низом”га қаралсин).

Умумтаълим мактабларида психологик хизматнинг зарурлиги ҳар бир ўқувчининг ўзига хос “бетакрор олам”га адекват бўлган тарбия усулларини қўллай билиш, ҳар қандай вазиятда ўқувчи ва ўқитувчи муносабатларини тўғри йўналтира олиш, ўқувчини мактаб таълимига қабул қилишда ва уни касбга йўналганлигини белгилашда тўғри йўл тута билишда янада яққолроқ кўринади. Чунки гуруҳ раҳбари ёки фан ўқитувчиси ўқувчининг психологик табиати ва имконияти ҳақида тўлақонли билимга эга эмаслиги табиий. Бу ишни эса мукамал психологик билим ва малакаларга эга бўлган профессионал мутахассислар амалга ошириши мумкин. Қолаверса, шахс тақдири билан ҳазиллашиб бўлмайди. Биргина айтилган ноўрин сўз ёки нотўғри ҳаракат ўқувчининг бутун ҳаётини, хулқ-атворини ёхуд ҳаётга, одамларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Психолог умумтаълим мактабида хизмат кўрсатар экан, аввало ундан ҳар бир ёш даврига хос бўлган психологик қонуниятларни тўғри баҳолай олиши ва шу қонуниятларга таянган ҳолда ўқувчи фаолиятини бошқариши талаб қилинади.

Ҳар қандай психологик хизмат у ёки бу ўқувчидаги психологик захираларни ўрганиб, уни таълим ва тарбия самарадорлигини таъминлашга йўналтира олиши шарт. Шунингдек, психологик хизмат болалардаги иқтидор куртакларини олдиндан англаб, уни ривожлантириш йўллари кўрсатиб бера олиши керак бўлади.

Қолаверса, ҳар бир боланинг тақдири тўғри тарбияси ва ўзига хос психологик тараққиёти учун барча таълим муассасаси раҳбарлари қатори, энг аввало, мактаб психологига ҳам алоҳида масъулият юклатилганлигини эсдан чиқармаслик керак бўлади.

Демак, мактаб психологи ҳар бир ёш даври ва унинг ўзига хос психологик имкониятлари, қийинчиликлари, муаммолари ва истиқболлари ҳақида ҳам тўғри фикрлай олиши зарур.

Энди ушбу ёш даврларининг психологик моҳияти ва унга мос бўлган психологик хизмат ёндашувининг муайян имкониятлари ҳақида фикр юритамиз.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга психологик хизмат:

Дунё психологик хизмат амалиётида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни назарий-илмий ва амалий-услубий жиҳатдан ўрганиш ва шу асосида уларга психологик хизмат кўрсатиш борасида талайгина илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсияларни амалиётда қўллаш орқали таълим–тарбия тизимида маълум ютуқларга эришилмоқда. Энди бевосита кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психологик имкониятлари асосида психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритишга ўтамиз.

Маълумки, бола мактаб остонасига қадам қўйиши билан ундаги ўз-ўзига, ҳаётига ва одамларга бўлган муносабатларида бир мунча ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар, албатта, унинг фаолият доираси кенгайганлиги, ёш инқирозларининг таъсири ҳамда жисмоний ва интеллектуал жиҳатдан бир қатор юксалишларнинг намоён этилиши билан бевосита боғлиқ ҳолда намоён этилади.

Чунончи, эндигина мактабга қабул қилинган бола мактабдаги муайян қоидаларга амал қилиш учун ўзидаги барча иродавий тўсиқларни енгиб ўтишига тўғри келади. Лекин унинг ҳуққатворига хос бўлган ўйинқароқлик, серҳаракатлилик,

тақлидчанлик каби хусусиятларнинг батамом бартараф этилмаганлигини кўрамиз. Шунинг учун бу ёшдаги болага психологик хизмат кўрсатишда болалардаги фаоллик, тақлидчанлик, ўйинқароқлик, ўта қизиқувчанлик ва ўта ҳаракатчанлик каби сифатлар чеклаб қўйилган ҳолда иш тутиш керак бўлади.

Бу даврдаги болаларнинг мияси фақат ҳажм ва миқдор жиҳатдангина эмас, балки ички тузилиши, сифат жиҳатдан ҳам мураккаблашиб боради. Мактаб психологи шуни унутмаслиги керакки, кичик мактаб ёшидаги бола бош мияси пўсти қисмидаги кўп марказларни бир–бирига туташтирувчи асаб толалари миелин моддаси билан қопланган бўлиб, бу модда қўзғалишни асаб толаларидан тез ўтказиш имконини беради. Бу эса бола миясидаги дифференциация функциясининг анча такомиллашганлигидан далолат беради.

Психологик хизмат жараёнида боланинг мактаб таълимига ақлий жиҳатдан тайёргарлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, кўп ҳолларда ота-оналар томонидан ҳар қандай боланинг етти ёшга тўлиши билан мактабга ўқиши керак деган тушунчага урғу берилади ва улар нима бўлса ҳам етти ёшга тўлган боласини мактабга олиб келади ва “Бунини барибир ўқитасан”, деб мактаб раҳбариятига тайинлайдилар. Ҳолбуки ҳар бир ўқувчи шахсининг ўзига хос тарздаги индивидуал-психологик жиҳатлари бўладикки, бу жиҳатларни инобатга олиш жуда муҳимдир. Масалан, 7 ёшга тўлган боланинг жисмоний ёши еттига тўлган бўлсада, у ақлан ҳали беш, олти ёшлар доирасида қолиб кетган бўлиши мумкин. Агар уни шундай ҳолича мактабга қабул қилинса, у психологик жиҳатдан бир мунча тўсиқларга учрайди, яъни ўта инжик, керагидан ортиқ асабий, тунлари алаҳсираб чиқадиган, одамови, ўз кучига ишонмайдиган, жиззаки ва шу каби қатор салбий ҳислатларни ўзида шакллантириб боради. Бу салбий ҳислатлар психолог томонидан ўз вақтида бартараф қилинмас экан, албатта, келажакдаги бола тақдири муайян даражадаги психологик хавф остида қолиши шубҳасиздир. Бу хавф кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг кейинчалик “паст ўзлаштирувчи”, “хулқи оғир”, “мактабдан қочувчи” ва “дезадаптациялашган ўқувчи” каби

номлар билан турли тоифаларда “намоён” бўлишига сабабчи бўлади. Албатта, психолог томонидан олиб бориладиган коррекцион дастурлар амалиёти бунга йўл қўймаслиги керак. Психология фанида боланинг мактаб таълимига тайёргарлигини аниқловчи жуда кўплаб тестлар мавжуд. Масалан, мактаб психологик хизмат амалиётида кенг қўлланиб келинаётган Керн-Йироек тести шулар жумласидандир. 6-7 ёшга кирган болада ушбу тестни қўллаш орқали унинг мактаб таълимини олишга қабул қилиш учун интеллектуал жиҳатдан тайёр ёки тайёр эмаслиги ҳақида илмий асосланган маълумотга эга бўлиш мумкин. Умуман, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлашда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади:

I.Мактаб психологининг шахсан ўзи ўз билим ва кўникмаларига асосланиб, ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тарзда психодиагностик, психокоррекцион ва психопрофилактик ишларни олиб бориши, ҳамда бу борадаги муайян психотренинг дастурларини қўллаб бориши;

II.Мактаб психологининг ўқитувчилар, гуруҳ раҳбарлари, мактаб раҳбарлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориши;

III.Мактаб психологининг профилактика нозирлари, маҳалла фаоллари, туман халқ таълими бўлими ташхис маркази ходимлари, йирик мутахассислар, олимлар, тиббиёт ходимлари, диффектолог ва логопедлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши.

Демак, мактабдаги психологик хизмат амалиёти юқоридаги барча йўналишлар бўйича вазифаларни ўзида қамраб олган ҳолда ва бу вазифаларни комплекс тарзда амалга оширилиши билан характерланади. Ушбу йўналишлар бўйича олиб бориладиган барча ишларининг мазмун-моҳияти Ўзбекистондаги барча таълим муассасалари учун амалиётда қўлланиб келинаётган “Психологик хизмат низоми”да батафсил баён этилган.

Дарҳақиқат, бошланғич таълим жараёнининг психологик таҳлилига бағишланган кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятларини ташкил этишда ва бошқаришда бугунги кунда психологик хизмат тизими ҳал

қилиши ва бартараф этиши лозим бўлган қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Болаларни психологик ва интеллектуал тайёргарлиги асосида мактабга қабул қилиш муаммоси

Муайян психологик таҳлилларга асосланиб, айтиш мумкинки, етти ёшга кирган барча болаларни ёппасига мактабга қабул қилиш анъанага айланиб бормоқда. Психологлар эса ҳеч қачон бунга йўл қўймаган бўлар эдилар. Сабаби: ҳар бир бола ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзига хос индивидуал имкониятларга эга. Баъзи болалар олти, етти, ҳатто саккиз ёшга тўлсалар-да мактаб таълимини бошқа ўз тенгдошлари қатори ўзлаштиришга ҳали тайёр бўлмайдилар. Биз эса уларни мактаб режасига қараб, баъзан ота-онасининг ҳоҳишига қараб мактабга қабул қилаверамиз, таълимий машғулотларда эса болани мажбурлаб ўқитамиз. Натижада, бола психик жиҳатдан турли касалликларга йўлиқиб, кейинги ўқув фаолияти босқичларида муваффақиятсизликларга учраши мумкин. Бу эса боланинг ақлий ва интеллектуал жиҳатдан табиий ривожланиш илдизига атайлаб болта уриш демакдир. Бундай ҳолатларга зудлик билан барҳам бериш, яъни ҳар бир мактаб таълимига илк бор қадам қўйган болани махсус ва мукамал ишлаб чиқилган психологик тестлардан ўтказиш ва унинг натижалари асосидагина болани мактабга қабул қилиш ҳақида жиддийроқ ва ўта масъулият билан ўйлашга тўғри келади. Қолаверса, бундай тестлар ёрдамида аллақачон ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Япония, Германияда баъзи болалар 9 ёки 10 ёшдан, баъзилари эса ҳатто 4 ёки 5 ёшдан ҳам мактабга қабул қилинади ва тегишли шароитлар яратилгач, таълим жараёнида бундай болаларнинг барча шахсий ва руҳий имкониятларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун замин ҳозирланади.

2. Бошланғич таълимда куни узайтирилган гуруҳларни тўғри ташкил этиш муаммоси

Кўпгина мактабларда болалар, аксарият 1-2-синф ўқувчилари дарсдан сўнг яна 4 ёки 5 соатлаб мактабда куни узайтирилган гуруҳларда қолиб ўқиши керак. Бу билан биз 6-7

ёшли болани 7-8 соатлаб мактабда ушлаб турамыз. Савол берайлик-чи, бола шуни хоҳлайдими?. Аниқроғи, бола психикаси учун шу тадбир яхши самара бера оладими? Албатта, йўқ. Чунки, ҳатто биз катталар мунтазам равишда ҳар куни 7-8 соатлаб мактабда қолиб ўқиш имкониятига эга эмасмиз. Ахир боланинг эҳтиёжлари ҳали кўпроқ ўйинга ва ухлашга мослашган-ку. 7-8 соатлаб ўқиш жараёнида бола зерикади, психик жихатдан толикади, мактабдан безийди ва юксак даражада кўтарилиши мумкин бўлган ўқув қизиқишлари сўнади. Энг ачинарлиси, кўп ҳолларда мазкур болалар уйга бориб, ҳатто овқатини ҳам емай ухлаб қолади.

3. Баҳолашнинг психологик мезонига риоя қилиш муаммоси

Тегишли психологик-педагогик адабиётлардан маълумки, бошланғич синф ўқувчиси учун энг биринчи мотив бу яхши баҳо олиш ва баҳо орқали ўз “МЕН” лигини илк бор ҳис этиш, ўз онасининг ва катталарнинг ҳурматига сазовор бўлишдир. Шунинг учун ҳамма бошланғич синф ўқувчилари яхши баҳо олишга интиладилар. Лекин кўп ҳолларда, баҳолаш мезонининг бузилиши ўқувчи психикасига, айни пайтда, шахс сифатидаги тараққиётига салбий таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчиларидаги баҳолашнинг психологик мезонларини ҳам чуқурроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.

4. Бола шахсини тўғри тушуниш ва таҳлил қила олиш муаммоси

“Ҳар бир шахс қайтарилмас темпераментдир”, – деган эди буюк физиолог И.П.Павлов. Қолаверса, ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос имкониятлари мавжудлиги ва унга ҳамиша жиддий эътибор бериш зарурлиги ҳақида Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, Форобий ва Берунийлар ҳам ўз замонларида алоҳида қайд этиб ўтганлар.

Демак, таълим олаётган ҳар бир индивид ўзига хос бетакрор оламдир. Ўқитувчи эса ушбу шахсни тарбиялаш учун даставвал унинг “бетакрор оламига” кира олиши ва шунга мос келувчи тарбиявий тадбирлар режасини тузмоғи ҳамда қўлламоғи лозим.

Зеро, кўпгина мактабларда ҳар бир ўқувчининг бутун психологик қиёфасини ифодаловчи маълумотлар йўқ. Ҳолбуки, таълимнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бир бола учун хос бўлган иқтидор ва қизиқишларни диагностика қилувчи тестлар ишланмасининг зарурлигига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш учун эса республика миқёсида янада кўпроқ психолог-мутахассислар тайёрлаш муаммоси ҳал қилинмоғи даркор.

Умуман, психологик хизматга асосланган таълим жараёни ҳар бир ўқувчи камолотига, ундаги барча иқтидор қирраларини очишга ва ривожлантиришга хизмат қила олиши, Л.С.Выготский таъбири билан айтганда, тараққиётдан илгарилаб кетган таълимгина самара бериши мумкин. Бугун бола катталар ёрдамида амалга ошираётган ишни эртага ўзи бажариши керак. Бунга болани ҳар томонлама ривожлантирадиган, уни фикрлашга ўргатадиган, қобилиятининг аста-секин ўсиб боришига имкон яратадиган тафаккурнинг янги-янги қирраларини очадиган таълим ва тарбияда, педагогик усулларга, психологик хизмат тизимига эга бўлинган тақдирдагина эришиш мумкин.

Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос психофизиологик хусусиятлари.

Маълумки, ўсмирларда психологик хизмат кўрсатиш учун, энг аввало, ўсмирларнинг жисмоний жиҳатдан соғлиги билан боғлиқ бўлган физиологик ва психофизиологик билимларга эга бўлиш керак бўлади. Мактаб амалиётчи психологи эса ушбу билимларга таянган ҳолда ҳар бир ўсмир билан алоҳида ишлар олиб боради. Бинобарин, ўсмирлик даврида ўғил болаларнинг бўйи 25-30см, қиз болаларники 18-20см ўсади. Айни пайтда бўйига ўсиш найсимон суяклар ва умуртқа поғонасининг узайиши ҳисобига рўй беради. Бу даврда найсимон суякларнинг охириги таянч қисмлари ҳали етарли даражада суяклашмаган юмшоқ бўлади. Бу хусусиятларни назарда тутиш орқали ўсмирнинг спортнинг мураккаб, оғир турлари билан шуғулланишга йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда, боланинг умуртқа поғонаси қийшайиб, бўйи ўсмай қолиши мумкин. Бу жараён эса кейинчалик бола психикасига салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари юрак ва қон айланиш тизимининг ўсишидаги нисбат ўзига хос характерга эга. Ўсмирлик ёшининг биринчи давридаёқ юрак ўсиб боришининг ҳамма цикллари асосан тугалланган бўлади. Қон айланиш тизими юрак ўсишидан бирмунча орқада қолади. Натижада ўсмирларда, айниқса, қизларда юрак уриш тартиби бузилади, юрак ҳаракатида тўхталиш ва аритмия (ритмсизлик) рўй беради. Шу сабабли ўсмирлар бошлари оғриганидан тез-тез нолиб турадилар. Суяк, мускул, қон айланиш системаси ва юрак фаолиятидаги ўзига хос ана шундай хусусиятлар ўсмирлар билан олиб бориладиган барча ўқув, меҳнат ва спорт машғулотида доимо назарда тутилиши керак.

Мия ва асаб тизимининг ўсиши 16-18 ёшларда тугалланади. Ўсмирлик ёшининг иккинчи ярмида миянинг энг мураккаб психик жараёнлар содир бўладиган пешона қисмида асаб толалари миэлинизациялашиб бўлади. Бу ёшда хужайралар ичидаги мураккаб ўзгаришлар натижасида бош мия илон изи чизиқлари асосан шаклланиб бўлади. Бош мия пўстининг айрим қисмларини ва мия ярим шарларини бирлаштириб турувчи ассоциатив толалар ҳам ўсади (кўпаяди). Бу анатомик–физиологик ўзгаришлар ўсмирларнинг тез улғайиши ва уларнинг бутун психик ҳаётининг мураккаблашувида асос бўлади. Ўсмирлик ёшида кўзғалиш процесси тормозланишга нисбатан кучлироқ бўлади. Ўсмирларнинг ўзини идора қила олмаслиги, шиддатлилиги, таъсирланувчанлиги, қизиқиш ва ҳавасларининг беқарорлиги, актив фаолиятдан бирданига пассивликка тушишининг боиси ҳам кўп жиҳатдан ана шунда. Мактаб ва оилада таълим-тарбия ишлари тўғри йўлга қўйилмаса, ўсмирнинг ёш физиологик хусусиятлари ҳисобга олинмаса, унинг хулқ-атворидаги салбий сифатлар ортиб бориб, бола характерининг таркиб топишига салбий таъсир кўрсатиши ва кейинги ҳаёти давомида ҳам ўзгартириши қийин бўлган чуқур из қолдириши мумкин.

Ўсмирларда ҳиссиётлар алоҳида тарзда тараққий қилади. Ўсмир ҳиссиётлари жуда беқарор бўлиб, тез-тез алмашилиб туради. Ўсмирлар кайфияти кичик ёшдаги ўқувчилар кайфиятига нисбатан кескин ўзгаради. Ўсмирлар гоҳ тетик, шод,

ташаббускор ва ишчан, гоҳ ўйчан, пассив, хаёлга чўмган бўладилар. Баъзан улар бирданига ҳамма ишни бажармоқчи бўлиб, сурункасига ўқийдилар, бир қанча тўгаракка қатнашадилар, бир вақтда спортнинг бир неча турлари билан шуғулланадилар, коллекциялар тузадилар, гоҳо “совиб”, бу машғулотларни ташлаб қўядилар, ҳатто дангасалик қиладилар. Ўсмир кайфиятининг ўзгариб туриши маълум даражада жинсий балоғат билан ҳам боғлиқдир. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш жараёнида, кўпинча, улардаги қаттиқ ҳаяжонланиш-нафрат ва тажовузкорликни кўриш мумкин. Тажовузкорлик ўғил болаларда тегажоқлик ва уришқоқликка айланса, қизларда такаббурлик ва жиззакиликка айланади. Ўсмирлар, одатда, бундай хулқнинг ярамаслигини тушунадилар. Бироқ манманлик устун чиқиб, тан олишни хоҳламайдилар. Катталар бу тоифа ўсмирлар хулқини жиддий қойисалар, улар беадабликка ўтиб оладилар. Бу ҳолатда эса ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш муҳим ўрин тутади.

Нормал оилавий шароитда тарбияланган болаларнинг жуда кўпи меҳрибон, дилкаш ва итоатли бўладилар. Улар катталар илтимосини бажону дил бажарадилар.

Ўсмирлар интизомли ва итоаткор бўлиш зарурлигини яхши тушунадилар. Лекин кескин суратда буйруқ қилинганда ўзларини камситилган деб билиб, бор кучлари билан ўз мустақилликлари учун курашадилар.

Агар кўпгина ўғил болалар ва қизлар илгари ота-оналарининг илтимосини бажону дил бажарсалар, ўсмир бўлганларидан кейин катталарнинг илтимосини кескин ва кўпол равишда қайтаришлари мумкин. Катталарнинг ранжиганини кўриб, ноҳақ эканликларини англайдилар. Лекин кечирим сўраб, ўзларини «ерга урмаслик» учун, илтимосни бажаришга рози бўлиб: «Майли, келинг, қила қолай!» дейдилар. Ўсмирлар хулқининг бу хусусиятлари оила аъзоларининг «Ўғлимга (қизимга) нима бўлди? Тамоман бошқача бўлиб қолди», – деб нолишларига сабаб бўлади.

Шунингдек, ўсмирлар узундан-узоқ панд-насиҳатларни ҳам ёқтирмайдилар. Ўзларининг салбий муносабатларини «Оббо, роса чўзилди-ку!.. Оббо яна бошланди!. Яна эски гап!» – деб

ошкора баён қиладилар ёки ичда ўйлаб қўядилар. Улар панд-насихатларни сиртдан диққат билан тинглаб ўтиришлари ва ичларида эса қачон тамом бўлар экан, деб, зеркиб ўйлашлари мумкин.

Ўсмирларда ўзини-ўзи тарбиялашга интилиш

Ўсмирлик даврида онг ва ўз-ўзини англашнинг ўсиши ўсмирларда дастлаб характернинг қимматли хусусиятларини мустаҳкамлаш ва ўстириш керак, деган фикрни тўлдиради, кейинроқ бориб эса улар ўз-ўзларини тарбиялаш учун ҳаракат қиладилар. Ишда ўзини синаб кўриш, теварак-атрофдаги кишиларни кузатиш, ўз хусусиятларини бошқа кишиларнинг хусусиятлари билан солиштириб кўриш ҳам ўсмирларда ўз-ўзини тарбиялашга интилиш ҳиссини пайдо қилади. Бундай ажойиб хислатдан ўсмирларни тарбиялашда оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

Бундан ташқари, психологик хизмат жараёнида ўсмирларга индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Юқорида баъзан ўсмирлик даврини «қийин давр» деб юритилиши айтиб ўтилган эди. Ўсмирлар тарбиясида хатога йўл қўйиш, ёш ва ўзига хос психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик, индивидуал муносабатда бўлмаслик натижасида ўсмирларнинг «қийин» ўсмирларга айланиб қолиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган эди. Жуда кам ҳоллардагина ўсмирларни тарбиялашдаги қийинчилик нормал психик тараққиётнинг бузилиши, ноқулай невропатик ва психиопатик ўзгаришлар натижасида рўй беради.

Қийинчилик, кўпинча, ўсмир хулқидаги тутуруқсизликда, эътиқод ва хатти-ҳаракатларидаги кескин тафовутда, шўхлик, қайсарлик, кўполлик каби формаларда намоён бўлади. Ўсмирларга индивидуал муносабатда бўлишда шуни назарда тутиш керакки, улардаги хулқнинг бирор формасининг ўзи уларда кичик ёшдаги болаларникига нисбатан кўп қиррали ва мураккаб сабабларга эга бўлади. Таълим-тарбия тадбирларини ва уларнинг юз бериши мумкин бўлган натижаларини тўғри белгилаш учун хулқнинг муайян хусусиятларини келтириб чиқарадиган сабабларни ўрганиш керак. Ҳар бир ўсмирга психологик хизмат кўрсатилар экан, унинг ўзига хос қобилият ва

кизиқишларини ҳисобга олиш зарур. Бирор фаолиятдаги муваффақиятларга қарабгина киши қобилиятлари ҳақида гапириш мумкин. Агар ўсмир бирор фаолиятда катта ютуқларга эришса, у ҳолда унда муайян қобилиятлар бор, деса бўлади. Бу «мудраб ётган» табиий истеъдод маълум соҳада қобилиятга айланаётганини англатади.

Ўсмирларга индивидуал муносабатда бўлишда уларнинг темперамент хусусиятлари назарда тутилиши керак. Ўсмирларга қилинадиган битта муомаланинг ўзи уларнинг темперамент хусусиятларига қараб турлича натижа бериши мумкин: Ўқитувчининг кескин оҳангдаги муомаласи холерик типдаги ўсмирни кескин жавоб беришга олиб борса, меланхоликни эса руҳан тушкунликка солиб қўйиши мумкин. Психологик хизмат жараёнида эса буни унутмаслик керак бўлади.

Бугунги кунда амалиётчи психологлар учун жуда кўплаб методик тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Улардан айримлари ҳақида тегишли маълумотлар бериш мумкин. Жумладан, тақдим этилаётган услуб эса ўзининг самарадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур тест натижалари одатда илмий психологияда қабул қилинган "Экстраверсия", "Интроверсия" (ички), "Нейротизм" (асабий мувозанат) ҳолатларининг шаклланганлик даражаларига қараб талқин қилинади. Бу талқин эса ҳар бир шахс тарбияси ва тараққиётига баҳо бериш учун муайян даражада хулосалар қилиш имконини беради.

Тавсия этилаётган методика асосида турли муаллифлар (Кеттелл, Леонгард, Айзенк, Личко) томонидан бир хил мақсадга йўналтирилган методик ишланма маҳсули бўлиб, унинг асосида шахсдаги умумпсихологик сифатларининг намоён этилиши ётади.

Мазкур методика Г.Айзенкнинг 60 талик саволномаси (ўсмирлик варианты)га таянган ҳолда шахсда "Экстраверсия" ва "Нейротизм" ҳолати намоён этилиши ва унинг ўзаро нисбати (устунлиги) натижалари асосида ҳар бир ўсмир шахси учун характерли бўлган шартли вариантлар белгиланади ва шу вариантларга мансуб ўсмирлар характерини психологик жиҳатдан коррекциялаш учун олиб борилиши лозим бўлган

тавсиялар тақдим этилади. Мазкур методик имкониятни қуйидаги тартибда талқин қилиш мумкин.

Иш босқичлари:

1. Тестини ўтказиш.

2. Олинган маълумотларни (“ҳа”, “йўқ” тартибида) ҳисоблаш.

3. Натижаларни махсус жадвалга мос белгилаш.

4. “Ёлғон” шкаласига тушган маълумотларни аниқлаш (5 балдан юқори бўлса).

5. Тегишли хулосалар чиқариш.

Методик кўрсатма (амалий психолог учун): тақдим этилган саволноманинг ҳар бир саволига синалувчи кўп ўйламасдан “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериши керак.

Жавоб шакли саволнома варақасининг тегишли рақами олдида қўйилади.

Мазкур методика 12-17 ёшли ўқувчиларни ўрганиш учун мўлжалланган бўлиб, ундан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

1. Синф жамоасини танлашда. 2. Синфга янги келган ўсмир билан тарбиячини (ўқитувчини) таништиришда. 3. Турли хил касб танлаш ва унга йўналтиришда. 4. Ўсмирга индивидуал муносабатда бўлишда. 5. Педагогик амалиётдаги “ўқувчи-ўқитувчи”, “ўқувчи-синф” ўртасидаги шахслараро муносабатларни яхшилашда. 6. Ўсмир хулқ-атворини ўрганиш ва тарбиялашда ва ҳоказо.

Методика саволномаси (Айзенк усули бўйича)

1. Шовқинда югуриб-елишни ёқтирасизми?

2. Сизни ҳимоя қила олиши мумкин бўлган дўстларни тез-тез кўмсаб турасизми?

3. Ниманидир сўрасалар, тез жавоб қайтара оласизми?

4. Нимадандир ғазабланган вақтингиз бўладими?

5. Кайфиятингиз тез-тез ўзгариб турадими?

6. Одамлар билан мулоқот қилишга нисбатан китоб ўқиш осонроқми?

7. Турли хил уй ва фикрлар ухлашингиз учун тез-тез халақит бериб турадими?

8. Ҳамма вақт ҳам бирдек сизга айтилган ишни айнан бажарасизми?
9. Ким биландир ҳазил қилишни ёқтирасизми?
10. Жиддий сабаб бўлмаса ҳам ўзингизни бахтсиз ҳис этасизми?
11. Мен жуда ҳам қувноқ одамман деб ўзингизни айта оласизми?
12. Ўқишда ёки ишда бирор бир қондани бузганмисиз?
13. Нимадандир ғазабланганлигингиз аниқми?
14. Ҳамма ишни тезлик билан бажариш сизга ёқадими?
15. Ҳаммаси яхшилик билан тугаган бўлса-да қандайдир кўрқинчли ҳодисалар учун қайғурасизми?
16. Ҳар қандай сирни ҳам сизга ишониш мумкинми?
17. Алоҳида қийинчиликсиз баъзан зерикарли бўлган дўстлар даврасини тезда қиздира оласизми?
18. Ҳеч қандай сабабсиз (жисмоний куч сарфлашсиз) баъзан юрагингиз қаттиқ урадимми?
19. Ким биландир дўстлашмоқ учун, одатда, сиз биринчи бўлиб қадам қўя оласизми?
20. Бирор марта ёлғон гапирганмисиз?
21. Сиз ва сизнинг ёшингиз тўғрисида танқидий фикр айтилганда тез жаҳлингиз чиқадиими?
22. Ўз дўстларингизга турли хил тарихларни айтиб, тез-тез ҳазил қилиб турасизми?
23. Кўпинча ўзингизни толиққан ҳолда ҳис этасизми?
24. Сизнинг одатингизча олдин иш (ўқиш), кейин бошқаларими?
25. Сиз одатда қувноқ ва ҳамма нарсадан хурсандмисиз?
26. Сиз тез ранжийдиган (кўнгли жуда нозик) мисиз?
27. Ўзгалар билан мулоқот қилишни жуда яхши кўрасизми?
28. Ҳамма вақт бирдек уйдаги юмушларга, хўжалик ишларига кўмаклашасизми?
29. Бош айланиш ҳолати сизда учраб турадимми?
30. Сизнинг ҳаракатларингиз баъзан бошқаларни ноқулай ҳолатга туширганми?
31. Нимадир бадингизга урган ҳолатларни тез-тез ҳис этасизми?

32. Баъзан ўзгалар паноҳи (ёрдами)ни ёқтирасизми?
33. Бегона одамлар орасида бўлганда жимгина ўтирасизми?
34. Баъзан ўз жойингизга ўтирмаганингиз сизни ўй-ҳаяжонга соладими?
35. Одатда, сиз тез қарор қабул қиласизми?
36. Ўз жамоангизда бирор марта ҳам шовқин қилмаганмисиз?
37. Тез-тез кўрқинчли тушлар кўрасизми?
38. Дўстлар даврасида қувноқ бўлиш учун ўзингизга эрк бера оласизми?
39. Сизни хафа қилиш осонми?
40. Кимдир ҳақида ёлғон гапиришингизга тўғри келганми?
41. Ўйлаб ўтиришга кўп фурсат бермасдан, одатда, тез гапириш ва ҳаракат қилиш билан машғул бўла оласизми?
42. Агар ноқулай вазиятга тушиб қолсангиз, узоқ вақтгача уни унута олмайсизми?
43. Шовқинли ва қувноқ ўйинлар сизга жуда ёқадими?
44. Ҳамиша сизга нима узатилса, шуни тановул қилиб кетаверасизми?
45. Сиздан ниманидир сўрасалар “йўқ” деб жавоб беришга қийналасизми?
46. Меҳмондорчиликка тез-тез бориб туришни ёқтирасизми?
47. Яшашни хоҳламаган вақтларингиз бўладими?
48. Оилангиздагилар билан кўпол муносабатдаги вақтларингиз бўлганми?
49. Атрофдагилар сизни қувноқ ва хушчақчақ одам деб ҳисоблашадими?
50. Иш (ўқиш) вақтида, кўпинча, хаёлингиз бўлиниб турадими?
51. Умумий хурсандчиликка қатнашишдан кўра уни ортдан кузатиб туриш сизга маъқулми?
52. Турли хил фикрлар мавжуд бўлганлиги туфайли одатда ухлашга қийналасизми?
53. Бажаришингиз лозим бўлган ишларни амалга оширишга ўзингизга тўлиқ ишонасизми?
54. Ўзингизни танҳо ҳолатда ҳис этган аҳволда бўласизми?

55.Янги одамлар билан мулоқотда биринчи бўлиб гапиришга уяласизми?

56.Қилган хатойингизни тuzатиб бўлмаслигини пайқаб қолиш ҳоллари сизда тез-тез учраб турадими?

57.Сизга бақириб гапиришса сиз ҳам худди шу оҳангда жавоб берасизми?

58.Бирор жиддий сабаб бўлмаса ҳам ўзингизни қувноқ ёки ғамгин ҳис этган вақтларингиз бўладими?

59.Ўз тенгдошларингиз орасида ҳақиқий дам олиш қийин деб ҳисоблайсизми?

60.Ўйламасдан бажарган бирор-бир ишингиз учун қайғурган вақтларингиз тез-тез такрорланиб турадими?

Методика калити.

I.Экстраверсия (E)

"Ха":1,3,9,11,14,17,19,22,25,27,30,35,38,41,43,46,49,53,57

"Йўқ":6,33,51,55,59.

II.Нейротизм (N)

"Ха":2,5,7,10,13,15,18,21,23,26,29,31,34,37,39,42,45,47,
50,52,54,56,58,60.

III.Ёлғон

"Ха":8,16,24,28,36,44

"Йўқ":4,12,20,32,40,48

Ўсмирлар учун меъерий балл оралиғи

Экстраверсия: 11 - 14 ball

Нейротизм: 10 - 15 ball

Ёлғон: 4 - 5 ball

(Шахс характералогик хусусиятларини ифодаловчи диагностик усул калити Кетелл, Леонгард, Айзенк, Личко ва бошқа муаллифларнинг эмпирик меъёрлари асосида тузилган). Мазкур методикаларга дахлдор тавсияларнинг ўзбек тилидаги варианты профессор Ш.Р.Баротов томонидан модификация қилинган.

Жадвал 4.2.1

Методика калити

№ (вариант)	Экс-я балларда	Ней-м балларда	№ (вариант)	Экс-я балларда	Ней-м балларда
<i>1</i>	0-4	0-4	<i>17</i>	16-20	4-8
<i>2</i>	20-24	0-4	<i>18</i>	4-8	16-20
<i>3</i>	20-24	20-24	<i>19</i>	4-8	4-8
<i>4</i>	0-4	20-24	<i>20</i>	16-20	16-20
<i>5</i>	0-4	4-8	<i>21</i>	12-16	8-12
<i>6</i>	0-4	16-20	<i>22</i>	8-12	8-12
<i>7</i>	0-4	8-16	<i>23</i>	16-20	8-12
<i>8</i>	4-8	0-4	<i>24</i>	12-16	4-8
<i>9</i>	8-16	0-4	<i>25</i>	8-12	4-8
<i>10</i>	16-20	0-4	<i>26</i>	4-8	8-12
<i>11</i>	20-24	4-8	<i>27</i>	4-8	12-16
<i>12</i>	20-24	8-16	<i>28</i>	8-12	16-20
<i>13</i>	20-24	16-20	<i>29</i>	12-16	16-20
<i>14</i>	16-20	20-24	<i>30</i>	16-20	12-16
<i>15</i>	8-16	20-24	<i>31</i>	8-12	12-16
<i>16</i>	4-8	20-24	<i>32</i>	12-16	12-16

Ўқувчи шахсида намоён бўлувчи характерологик сифатларнинг намоён этилиши ва уни психологик жиҳатдан тарбиялаш (тузатиш) йўллари.

№1. Психологик таъхис Э: 0-4; Н: 0-4. Хотиржам, тинчликсевар, қаршилиқ кўрсатмайдиган. Меҳнат, ўқув жамоасида камтарин, дўстликка нисбатан ўртача муносабатда, ҳақиқат ўзи томондалигини англаса, уни амалга ошириш учун ниҳоятда қатъий, баъзан агрессив, сабр-тоқатли, баъзан совуққон.

1. Психологик коррекция: Янада муваффақиятли ишлаши, ўқиши учун, энг асосийси, жамоанинг ва раҳбариятнинг диққатини шу одамга кўпроқ қаратиб, унинг ўз-ўзини баҳолашга ва ўз имкониятларини ривожлантиришга йўл очиб бериш ва уни мунтазам назорат қилиб туриш талаб қилинади.

№2. Психологик ташхис: Э: 20-24; Н: 0-4. Қувноқ, мулоқотли, хушчақчақ, яхши таассурот қолдиришни ёқтиради. Оптимист, муваффақиятга ҳамиша ишонади. Баландпарвоз хафагарчиликни тез унитади, низоли вазиятларга бурилмайди. Янгиликка интилувчан, одамлар назарига тушишни ва уларнинг ҳурматини қозонишни ҳамиша маъқул кўради. Бироқ юзаки, бепарво, талабчан, жуда кўп ишларни бажариш учун астойдил киришади, лекин, кўпинча, охирига етказишга, сабр-тоқат, матонат етишмайди (ишга, ўқишга жўшқин киришади, лекин тез совийди.).

2. Психологик коррекция: Табиатидаги ишчанлик, ташаббускорлик, чаққонлик каби сифатлардан унумли фойдаланган ҳолда уни жамоа (синф) олдида рағбатлантириш ва ундан сабрлилик, масъуллик, астойдил меҳнат қилиш (ўқиш) каби фазилатларнинг намоён бўлишига алоҳида эътибор бериш тавсия қилинади. Шунингдек, мазкур шахсга иш кўламини ва вақтини тўғри ташкил қилиш учун алоҳида кўрсатма бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

№3. Психологик ташхис Э: 20-24; Н: 20-24. Фаол, иш жараёнида ниҳоятда тиришқоқ ва сермахсул, ҳар кимнинг фикрига кўшилиб кетавермайди. Барча билан бир хил муносабатни сақлашга интилади. Мустақил фикрга эга. Ўз фикрини исботлашга ҳаракат қилади, ўзига нисбатан лоқайд бўлишларини хоҳламайди ва бунга чидаб тура олмайди.

3. Психологик коррекция Психологик тузатиш йўли: яшаш тамойили ҳамиша ҳурмат-иззат ва эътиборда бўлиш. Ўзаро муносабатларга ишонтириш, ширинсўзлик ва хушмуомалалик асосида ташкил этишга интилади. Чунки аффектив ҳолатларга тез берилади. Бундай пайтда у билан муаммо устида тушунтириш, тортишиш ва изоҳлаш ярамайди. Мазкур шахс бир оз тинчлангандан сўнг ётиғи билан барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Бундай шахсларда кучли ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда меҳнат (ўқиш) жамоасида тегишли шароит яратиш ва

ундан ташкилот муваффақияти учун унумли фойдаланиш мумкин.

№4. Психологик ташхис: Э: 0-4; Н: 20-24. Безовта, сергак, баъзан ўз-ўзига ишончсиз. Ўзгалардан мурувват кутади. Камгап, муомалага киришиши жуда қийин. Тез ранжийди. Иш шароитига тез мослашиб кета олмайди, шу боис иш ҳаракатлари сустдек кўринади. Фаол, жўшқин ҳаёт ва ҳаракатлар билан унчалик қизиқмайди. Хаёлчан, аразчан иш жараёнида бировлардан тез ранжийди ва ўзини тутиб туриши қийин, яъни тез асабийлашади.

4. Психологик коррекция: Кўнглини кўтариб туриш, меҳрибонлик қилиш ва қўллаб-қувватлаб туриш талаб қилинади. Ижобий томонларига алоҳида эътибор бериш керак. Ушбу шахсга шундай жамоа ишини танлаш керакки, бунда у кўп мулоқотда бўлмасин, катталарнинг кичиклар устидан ҳукмронлиги ҳолатларига дуч келмасин, турли тоифадаги одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмасин, яъни, кўпинча, кўнгилчан, хушфеъл, сермулоҳаза, мулойим, юмшоқ ва нозик дидли одамлар билан ишлаш уни шахс сифатида ривожлантиришга ва ташкилот (ўқув) муваффақиятини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

№5. Психологик ташхис: Э: 0-4; Н: 4-8. Хаёлчан, хотиржам, реал ҳаётга паст даражада қизиқади, демак, муваффақиятлари ҳам ҳамиша яхши эмас. Ички дунёсидаги ўйлар, мустақил фикрлар асосида ҳаракатга ёки ҳаётга йўналтирилган. Ишда раҳбарлар (ўқитувчилар) топшириғига жуда яхши қулоқ солади, лекин кўп ҳолларда лоқайдлик билан жавоб қайтаради.

5. Психологик коррекция: Ўз-ўзини тўғри (адекват) баҳолашга ўргатиш лозим. Чунки шундай қилинса, ундаги баъзан учрайдиган лоқайдлик ва бефарқлик касали тузалади. Кўпинча, иш жараёнининг муваффақияти учун хизмат қилдириш керак бўлади, айти пайтда, уни ишга қизиқтириш асосий рол ўйнайди.

№6. Психологик ташхис: Э: 0-4; Н: 16-20. Тортинчок, журъатсиз, нозик табиатли, таъсирчан, нотаниш вазиятда ҳадиксировчи, ўз-ўзига ишониши қийин. Орзу-ўйларга берилувчан. Кўп фикр юритувчан, кўп одамлар даврасида ўзини ноқулай ҳис этувчан, муваффақиятларга эришишганига, кўпинча, шубҳа билан қарайди. Вазиятни чалкаштириш ёки ўзгартиришга қизиқмайди. Фантазияга берилувчан ва кўпинча қатъий эмас.

6. Психологик коррекция: Психологик тузатиш йўли: кўпчилик олдида уни қўллаш, ҳимоя қилиш ва яхши томонларини (масалан: кўнгилчанлиги, чаққонлиги, яхши инсон эканлигини ва ҳоказо) алоҳида қайд қилиш лозим. Мазкур шахсни иш жараёни ва ўз хоҳиши билан боғлиқ бирор нарсага қизиқтириш орқали ҳаётга ва муваффақиятларга ишонч билан қарай олишга ўргатиб бориш яхши натижа бериши мумкин ва бу ўз-ўзини оптимист сифатида баҳолаш имконини ҳам бериши мумкин. У бажараётган иш кўлами ва самарадорлиги шу жиҳатга кўпроқ боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

№7. Психологик ташхис: Э: 0-4; Н: 8-16. Камтарин, актив фақат ишга йўналтирилган шахс, одил, дўстга садоқатли, жуда яхши уддабурон ёрдамчи, бироқ, ташкилотчи эмас. Ўзини олиб қочувчан. Барча билан ўртача муносабатни сақлайди. Кўп дўстлар даврасига кирмайди. Фақат бир киши билан яхши дўст тутиниши мумкин. Ўзаро муносабатга алоҳида эътибор беради. Баъзан зерикарли ҳолатларга тушади.

7. Психологик коррекция: иш фаолиятида мустақилликка йўналтириш лозим. Рағбатлантириш ташаббускорлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Ўз имкониятларини ҳис этиши ва унинг ривожланишига ишонтириш лозим. Бировнинг авторитетига кўр-кўрона ишонишига ёки эргашишига йўл қўймаслик керак. Кўпинча итоаткорлик билан эмас мустақиллик билан ишлаш қоидасига одатлантириш тавсия қилинади.

№8. Психологик ташхис: Э: 4-8; Н: 0-4. Хотиржам шахс. Одамлар билан кўпроқ муомала қилишга мойил. Эстетик диди, кучли, фаолиятда, кўпинча, ўйчан ва хаёлчан, оғир, вазмин,

ютуқларга бeфapқ, ҳамма каби яшашни ёқтиради. Ўзаро муносабатларда доим бир хил, лекин чуқур қилиб билмайди. Низо, жанжалдан осон қутулади.

8. Психологик коррекция: бош вазифа – мазкур ишга ёки фаолиятга бўлган эҳтиёжни, маъсулиятни кучайтириш мазкур шахсни қизиқтирувчи усулларни ўйлаб топиш керак, кўпроқ одамлар билан мулоқотга жалб қилиш лозим. Ўта масъулиятли ва тезкорлик талаб қиладиган ишларга жалб қилмаслик керак. Шундай қилинса, аввало шахс саломатлиги ва корхона (ўқув) муваффақиятига путур етмайди.

№9. Психологик ташхис: Э: 8-16; Н: 0-4. Фаол, кувноқ. Одамшаванда. Муомалада камгап. Ижтимоий тўдаларга осон тушиб қолади, чунки тартиб-интизомни бузувчи шароитларга қаршилиги кам. Янгиликка интилувчи, қизиқувчан. Ижтимоий идрок қилиши кам ривожланган. Ҳақиқий баҳолари ва ўз-ўзини баҳолаш уқуви йўқ. Кўп ҳолларда қатъий қабул қилинган қарори йўқ. Серғайрат. Ишонувчан.

9. Психологик коррекция: Мазкур шахсга талаб бир оз қаттиқроқ қўйилиши ва ишни муваффақиятли бажариш учун бутунлай жалб қилинишини назорат қила бориш лозим. Унга нисбатан хушмуомала бўлиш ижобий натижа беради. Лекин, бунда унинг фаолияти мунтазам кузатилаётганлигини ҳис этиб туриши керак. Ғайрат-шижоатини фойдали ишларга жалб қилинишини таъминлаш зарур. Юксак ғояли ва ижтимоий қимматли ишларни бажариш учун махсус тузилган гуруҳларга жалб эта бориш ва унинг фаолиятини назорат қила бериш талаб қилинади. Кўп ҳолларда қатъийлик ва мустақиллик талаб қилган масъулиятли ишни топширмаслик керак.

№10. Психологик ташхис: Э: 16-20; Н: 0-4. Ташқи қиёфада санъаткорларча моҳирлик кўрсата олувчан. Томоша қўйишни яхши кўради. Етарлича сабот-матонатли эмас. Хушмуомала, лекин унчалик чуқур эмас, бир хил.

10. Психологик коррекция: Ўзи астойдил қизиққан мақсадларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш, кучайти-риш керак (бирор фойдали иш кўламини танлашга кучи

етади, лекин корхона учун фойдали бўлган ўша ишни амалга оширишда унда шиддатлик ва саботлилик етишмайди). Ташқи қиёфадаги фаоллигини (моҳирлигини) рағбатлантириш лозим, аммо бу моҳирликнинг иш жараёнида суистеъмол қилинишига йўл қўймаслик керак.

№11. Психологик ташхис: Э: 20-24; Н: 4-8. Фаол, сермуомала, олижаноб, иззатталаб хатарли ўйин-кулгига осон рози бўлади. Дўст танлашда, мақсадга етишиш усулларини танлашда аниқ эмас. Миннатдорчиликни билувчи, кўпинча, ўзбилармон. Ўзича мафтун қилувчи. Ташкилотчилик қобилияти бор.

11. Психологик коррекция: Ташкилотчилик қобилиятини рағбатлантириш ва ривожлантириб бориш билан бирга уни мунтазам назорат остига олиб бориш керак. Жамоада яхши сардор (лидер) бўлиши мумкин. Агар у лидер (сардор) бўлса, ўзидаги салбий хусусиятлар: дангасалик, интизомга қатъий риоя қилмаслик кабилар ўз-ўзидан бартараф этилади. Мазкур шахсни ривожлантириш учун жамоа ёки гуруҳ танқиди муҳим ўрин тутди.

№12. Психологик ташхис: Э: 20-24; Н: 8-16. Интизомга осон бўйсунди. Шахсий кадр-қиммат ҳисси, сезгиси мавжуд. Ташкилотчи. Санъатга, спортга лаёқатли. Фаол. Сермулоҳаза. Одамлар билан, воқеалар билан осон қизиқиб кетади. Таассуротларга берилувчан.

12. Психологик коррекция: Табиий вазиятда эмоционал жиҳатдан ҳам, иш олиб бориш жиҳатдан ҳам лидер (сардор). Унинг бу жиҳатини қўллаб-қувватлаш керак. Унга ҳамиша ҳам ишда, ҳам ҳаётда, ҳам шахсий йўналишда ёрдам бериб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

№13. Психологик ташхис: Э: 20-24; Н: 16-20. Мураккаб шахс. Шухратпараст. Серғайрат, кувноқ, серзавқ. Одатга кўра юқори маънавий интилишга эга эмас. Ҳаётини қувончларга кўмилган. Ҳаётда, энг аввало, маиший эҳтиёжларини қондиришни қўяди. Обрў-эътибор олдида тан беради. Бутун кучини муваффақиятга, ютуққа, фойдали ишларга сарфлашга

ҳаракат қилади. Омадсизларни ёмон кўради. Одамшаванда, намоишкорона. Ўзининг талабини қаттиқ кўяди.

13. Психологик коррекция: Иш жараёнида талабчанликни кучайтириш, маънавий ва инсонийлик сифатларини янада ривожлантириш учун имконият яратиш керак. Ташкилотчилик билан боғлиқ ишларга кўпроқ жалб қилиш керак. Лекин ўзгаларга муносабатда кўнгилчан ва нозик муомалада бўлишни унутмаслигини эслатиб туриш керак.

№14. Психологик ташхис: Э: 16-24; Н: 20-24. Ҳукм ўтказувчи, ваҳимачи, шубҳаланувчи, инжиқ. Доим биринчи бўлишга интилади. Майда гап, ҳамиша биринчи бўлишга интилади. Баъзан захарханда одам. Ўзидан кучсизлар устидан кулишга майли бор, баъзан қўпол, менсимас, зўравон. Толиқувчан.

14. Психологик коррекция: Мазкур шахсга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш ярамайди. Унга, кўпроқ, дўстларча ва юмшоқ, нозик муносабатда бўлиш керак, жамоада сардор бўлиш учун шароит яратиб бериш мумкин, лекин шундай вазифани унга топшириш керакки, бунда у бутун куч-ғайратини, диққат-эътиборини кўпроқ одамларга эмас, қоғоз-қаламга ва айрим ҳужжат ишларига ажратсин. Ҳужжатни юритиш ишларида эътиборни талаб қилади. Муносабатида асабийлашади. Ушбу асабийлашишни бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

№15 Психологик ташхис: Э: 8-16; Н: 20-24. Доим норози, вайсақи, камчилик қидирувчи, ўта талабчан, пасткашликка мойил эмас. Арзимаган ишга осон хафа бўлади. Кўпинча қовоғи солиқ, сержаҳл, ҳасадчи. Ишда дадил эмас. Муносабатларда тобе, бўйсунувчан. Қийинчиликлардан чўчийди. Жамоадан четлашиб юради. Гина сақловчи. Дўстлари деярли йўқ. Тенгдошларига буйруқ беради. Овози паст, дағал, кўрс.

15. Психологик коррекция: Мазкур шахснинг ишончли суҳбатига, қизиқувчанлигига, нозик табиатига қарабгина яхши ўзаро муносабат ўрнатиш мумкин. Ижтимоий топшириқ сифатида ҳужжат юритиш ишларини бажаришга жалб қилиш

мумкин. Бундай шахсни яхши ижрочилиги учун бутун коллектив олдида рағбатлантирилса, алоҳида меҳнат намуналарини кўрсатиш мумкин. Бу типдаги одамлар ҳамиша диққат эътиборни ва индивидуал (шахсий) ҳамкорликни талаб қиладилар. Мустақиллик, қатъийлик, таваккалчилик билан бажариладиган иш жараёнларига жалб этмаслик керак. Акс ҳолда самарасиз фаолият мазкур шахс саломатлигига ва мазкур ташкилот (ўқув) муваффақиятига салбий таъсир қилиш мумкин.

№16. Психологик ташхис: Э: 4-8; Н: 20-24. Атроф дунёни ўткир сезувчи, сершубҳа, яширин эҳтиросли, индамас, одамови, жиззаки. Ўзини яхши кўрадиган, мустақил, танқидий фикрловчи. Келажакка ишонмайдиган. Умумлаштиришни ёқтиради. Кўпинча, ўзига ишонмайди. Кўпинча асабий.

16. Психологик коррекция: Ёндошишда алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бўлар-бўлмасга ташаббус кўрсатишни талаб қилмаслик керак. Тўсатдан ёки фавқулоддаги ишларга жалб этмаслик керак, сабаби: тез асабийлашади, ҳаяжонланади ва ўзини йўқотиб қўяди. Соғлиги ва саломатлигини қатъий назорат остига олиш мақсадга мувофиқдир.

№17. Психологик ташхис: Э: 16-20; Н: 4-8. Жуда ҳиссиётли. Завқ-шавқли, қувноқ, одамшаванда, севувчи. Одамлар билан алоқа қилишда танлай олмайди, ҳаммага дўстона қарайди. Доимий эмас, ишонувчан, боладай мулойим. Бошқалар ёқтиради. Хаёлпараст. Етакчиликка ҳаракат қилмайди, ўзаро дўстона яқин алоқаларни устун кўради.

17. Психологик коррекция: Ижобий, яхши кайфиятини қўллаб-қувватлаш керак. Ҳар нарсага асабийлашавермаслиги, жуда яхши масъулиятли ишни топширганда уни назорат қилиб бориш шарт. Ташаббускор, ўзгалар ҳурматини қозона олувчан иродавий сифатларини ривожлантириш керак. Ички ҳамдардлик билдириш етишмайди. Ўзини ташқи жиҳатдан яхши тута олади. Ташаббускорлик, таваккалчилик коллективни (гурух ёки жамоани) бошқаришни талаб қиладиган ишларга жалб этиш мумкин.

№18. Психологик ташхис: Э: 4-8; Н: 16-20. Жуда раҳм-шафқатли, кучсизларни қўллашга мойил, яқин дўстона алоқаларни афзал кўради. Кайфияти, кўпинча, тинч, сокин. Камтар, уятчан. Ўзига ишончи йўқ. Фикрловчи. Ноқулай шароитларда тез ҳушёр ва шубҳачи бўлади.

18. Психологик коррекция: қийинчиликларга жуда кўп дуч келади, шунда қўллаб-қувватлаш лозим. Кўпчилик олдида камчиликларини айтиб танқид қилмаслик керак, акс ҳолда асабийлашади, иш самараси пасаяди, саломатлиги йўқолади. Сиртдан назорат қилиб боришни талаб қилади. Агар яхши рағбатлантирилса, ҳар қандай масъулиятли ишни юқори даражада ва кўнгилдагидек бажара олади. Ўз имкониятларини ривожлантиришни ва бунинг учун бировлар халақит бермаслигини хоҳлайди.

№19. Психологик ташхис: Э: 4-8; Н: 4-8. Хотиржам тип. Камгап, сермулоҳаза. Секин фаолиятли, жуда субутли мустақил, бўйсунмас, сердиққат. Беғараз, камтарин, паст ҳиссиётли, баъзан ҳақиқатдан чалғийди.

19. Психологик коррекция: Ишда кўпроқ унга кўрсатма бериб туриш талаб қилинади. Мусобақага чақириш орқали ишда активлигини (фаолликни) ошириш керак. Ўз вазифасини ва жавобгарлигини кўпроқ эслатиб турмаса иш фаолияти унумсиз бўлиб қолади. Фавқулоддаги вазиятларга, ўта масъулият билан бажараладиган ишларга жалб қилмаслик керак. Кўпроқ ташаббус кўрсатиб ишлашини талаб қилиб туриш лозим.

№20. Психологик ташхис: Э: 16-20; Н: 16-20. Жуда ўзини кўрсатувчи, бировнинг ғамига шерик бўла олмайди. Ҳиссиёти қашшоқ. Ўзини жамоага қарши қўйишни яхши кўради. Ўзи учун муҳим бўлган бойликларга эришишда тиришқоқ. Баобрў бўлмоқчи. Кўпинча алдамчи. Амалиётчи, ишбилармон.

20. Психологик коррекция: Ўзаро ҳаракатда салбий хусусиятларнинг яққол намоён бўлмаслигига қарши юмшоқ сабр-тоқатли ва бардошли бўлиш талаб қилинади. Спортда, техник ишларда 1-бўлишга қатъий интилади, куч сарфлайди, ишбилармонлик кўрсатади. Эҳтимол корхона (ёки ўқув)

фаолияти учун муҳим бўлган шундай ишларга уни кўпроқ жалб қилиш орқали ундан унумли фойдаланиш мумкинدير.

№21. Психологик ташхис: Э: 12-16; Н: 8-12. Жуда серғайрат, кувноқ. Коллектив (гурух ёки жамоа)нинг севимлиси, эркатойи. Бундай одамлар бахтиёр ҳисобланади. Ҳақиқатдан улар, кўпинча, истеъдодли, ишга мослашувчан, санъаткор, кам толиқувчан. Бироқ баъзан бу хислатлар ёмон натижа беради. Бундай кишилар ёшлиқдан осонликларга ўрганиб қолишади. Натижада мақсадга эришиш учун жиддий ишлашга ўрганмайдилар. Ҳамма нарсадан осон воз кечадилар, дўстликни осон бузадилар. Юзакилар. Деярли юқори ижтимоий интеллект, ақл ва иродавий устунликка эга бўлишлари қийин.

21. Психологик коррекция: Бундай кишилар ўзича нисбатан жиддий муомалада бўлишни талаб қиладилар. Коллективда (гурух ёки жамоа) лидерлик (сардорликни) тўлиқ уддалай олмайдилар. Яхшиси, уларга тез-тез ташкилотчилик билан боғлиқ топшириқларни бериш керак. Берилган топшириқнинг натижасини эса жиддий текшириш керак. Бу бир томондан уларнинг иш фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берса, иккинчи томондан аниқ ишлашга ўргатади.

№22. Психологик ташхис: Э: 8-12; Н: 8-12. Жуда бўшанг, бепарво. Ўзига ишонади. Бошқаларга муносабати кўпол, талабчан. Гина сақловчи. Беҳаракат, қайсарликни тез-тез кўрсатиб туради. Эс-хушли, совуққон. Бошқаларнинг фикрига бефарқ қарайди, қотиб қолган. Ўрганиб қолган ишларни бажаришни афзал кўради, турмушнинг бир хиллигини хоҳлайди. Нутқ оҳанги ифодали эмас, кам нафосатли.

22. Психологик коррекция: Мазкур шахсни унинг учун қизиқарли бўлган ишларга жалб этиш орқали, активлаштириш шарт. Ишдаги ҳар бир майда-чуйда нарсаларга жиддий эътибор беришга ўргатиш лозим. Сабр-тоқат билан шошмасдан бажариладиган ишларга жалб қилинса, иш фаолияти унумли бўлиши мумкин. Лекин тезлик, чакқонлик ва ўта ишчанлик талаб қилинадиган ишларни мазкур шахс муваффақиятли бажара олмайди. Бундай ишларни бажариш эса умумий иш

унумдорлигига ва ушбу шахснинг коллективдаги (гуруҳ ёки жамоа) обрў-эътиборига салбий таассурот қолдириши эҳтимолдан холи эмас.

№23. Психологик ташхис: Э: 16-20; Н: 8-12. Одамшаванда, фаол, ташаббускор, қизиқувчан. Ўзини идора қила билади. Белгиланган мақсадга эриша олади, кадр-қимматини билади. Етакчиликни яхши кўради ва ташкилотчилик қилиб билади. Бошқаларнинг ишончига ва ҳақиқий ҳурматига сазовор. Табиати энгил, нафис, бир хил жонланган.

23. Психологик коррекция: Ҳамкасблари орасида сардор ёки етакчи бўлиш қобилияти мавжуд. Бу қобилиятни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш лозим. Барча ишларида кўмаклашилса корхона (ўқув жараёни) учун яхши ва улкан муваффақиятлар келтириш мумкин. Иш кўламининг кенг ва мантиқли бўлишини таъминлаб ва кузатиб бориш тавсия қилинади.

№24. Психологик ташхис: Э: 12-16; Н: 4-8. Фаол, феъли яхши шахс. Серғайрат. Ўртача одамшаванда. Унчалик кўп бўлмаган дўстларга боғланиб қолган. Тартибли. Ўз олдига вазифани кўйишни ва қарорни бажаришни билади. Рақобатни ёмон кўради. Баъзан хафа бўлади, лекин асабийлашмайди.

24. Психологик коррекция: Теварак-атрофдагиларнинг тинч ишончли муносабатларини хуш кўради. Иш юзасидан яхши муомала ўрната олади. Ҳужжат юритиш ишларидан бошқа барча ишларга жалб қилиш мумкин. Коллективда (гуруҳ ёки жамоа) ўртача мавқе ва муваффақиятга мос ишларни бажаришга қодир.

№25. Психологик ташхис: Э: 8-12; Н: 4-8. Фаол, баъзан портловчи, баъзан бепарво, қувноқ. Кўпинча, хотиржам-бефарқ. Деярли ташаббус кўрсатмайди, кўрсатмаларга асосан ҳаракат қилади. Ижтимоий алоқаларда бўш. Чуқур ҳиссий кечинмаларга майли йўқ. Бир хил, сермеҳнат ишга ўрганган.

25. Психологик коррекция: Тинч ишчи муносабатда бўлишни кўпроқ маъқул кўради. Алоҳида ўзи бажарадиган

ишларда анча активлик кўрсата олади. Административ ишларни қойиллатиб бажариши мумкин.

№26. Психологик ташхис: Э: 8-12; Н: 8-12. Хотиржам, феъли яхши, чидамли, синчков-расмиятчи. Шухратпараст, мақсадга интиланган, қатъий нуқтаи назарларига эга. Вақт-вақти билан тез хафа бўлувчи.

26. Психологик коррекция: Ўзаро ишончли муносабатларни ва тинч фаолиятни ёқтиради. Яхши хислатлари: синчковлиги, бажарувчилиги, ишбилармонлиги учун вақтида рағбатлантириш лозим. Алоҳида топширилган ишни қиёмига етказиб бажара олади. Ўз-ўзини ривожлантириш учун шароит яратиш тавсия қилинади.

№27. Психологик ташхис: Э: 4-8; Н: 12-16. Феъли яхши, меланхолик майинкор. Ўткир сезгили, ҳисли. Меҳрибон, ишончли яқин муносабатларни қадрлайди, хотиржам. Кулгини қадрлайди, тушунади. Бутунлай келажакка ишонувчан. Баъзан тушкунликка, ваҳимага тушади. Бироқ кўп ҳолларда вазмин-сермулоҳазаликка ҳаракат қилади.

27. Психологик коррекция: Тинч-актив фаолият шароитини яратмоқ зурур. Қаттиқ, ўта ҳаяжонли ва фавқулоддаги иш режимига мутлоқо яқинлаштирамаслик керак. Бу унинг соғлигига, қолаверса, иш унумига салбий таъсир этади. Ҳужжат юритиш ишларида эстетик ва нозик дидни талаб қилувчи ишларда ютуққа эришиши мумкин.

№28. Психологик ташхис: Э: 8-12; Н: 16-20. Майинкор, шуҳратпараст, тиришқоқ, жиддий. Баъзан ташвишли кайфиятга тушади. Камроқ одамлар билан дўстлашади. Кек сақлайди, лекин баъзан бадгумон. Асосий саволларни ечишда мустақил, лекин ҳиссиётли, ҳаётида яқин кишиларга қарамдир.

28. Психологик коррекция: Ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини объектив баҳолашни ўргатиш бориш тавсия этилади. Ишда кўп асабийлашмасликка амал қилиш одатини шакллантириши зарур, акс ҳолда соғлигига путур етиши мумкин.

№29. Психологик ташхис: Э: 12-16; Н: 16-20. Атрофдагиларга қатъий талабчан, ўжар, гердайган, баъзан шухратпараст. Серғайрат, одамшаванда, кайфияти, кўпинча, жанговор. Муваффақиятсизликни яширади, кўзга кўринишни яхши кўради. Баъзан совуққон, лоқайд.

29. Психологик коррекция: Ўзаро муносабатлар, ўзаро ҳурмат ва юқори талабчанлик асосида қурилиши керак. Камчиликларни ўз вақтида тузатиб бориш талаб қилинади. Ҳамкасблари орасида яхши дўст, ишчан ходим ва сардор бўла олади. Масъулият ҳиссини ошириш йўллари излаш керак.

№30. Психологик ташхис: Э: 16-20; Н: 12-16. Мағрур, биринчиликка интилади, кек сақлайди. Ҳамма нарсада етакчилик қилишни истайди. Серғайрат, тиришқоқ. Хотиржам, ҳисоб-китоб билан ишлайдиган, таваккалчиликни яхши кўради, ютуқларда мустаҳкам. Санъаткорлик хислати ҳам йўқ эмас, лекин ўрта даражада.

30. Психологик коррекция: Ўзбилармонликка йўл қўймаслик керак. Яхши, ижобий хислатларидан иш жараёнида унумли фойдаланса бўлади. Ҳамкасбларига сардор бўлса бўлади, лекин буйруқ беришга асосланган ҳаракатларига йўл қўймаслик керак. Ижтимоий онг ва дунёқарашнинг ривожланиши учун шароит яратиш тавсия қилинади.

№31. Психологик ташхис: Э: 8-12; Н: 12-16. Уятчан, ҳасад қилмайди, мустақил бўлишга ҳаракат қилади. Кўнгли очиқ. Яқин кишиларга нисбатан эътиборли, ҳазилкаш. Муносабатларда тўла ишонишга мойил. Таваккал қилишдан, хавф-хатардан қочади. Берилган тезликка чидамайди. Муваффақиятсизликда фақат ўзини айблайди.

31. Психологик коррекция: Тинч-осойишта, мўътадил шароитни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Иш масаласида ҳамиша активликка ундаш талаб қилинади. Тахминий, таваккалчи ва ташаббускорликни талаб қилувчи фавқулоддаги ишларни тўлиқ муваффақият билан бажара олмаслиги мумкин.

Кўпинча ҳамкорликда бажариладиган ишлар унга маъқул ва муваффақиятли.

№32. Психологик ташхис: Э: 12-16; Н: 12-16. Бир оз шуҳратпараст. Ишдаги муваффақиятсизлик ўзига бўлган ишончга ҳеч қандай таъсир қилмайди. қатъий, шижоатли, ҳеч нарсани эсдан чиқармайдиган. Низоли вазиятларда курашувчан. Баъзан, ноҳақ бўлса-да, ён беришни хоҳламайди. Муомалада ўз фикрини ўтказувчан. Ташқи фаолликни яхши баҳолайди. Ҳар нарсага ҳиссий жиҳатдан берилавермайди.

32. Психологик коррекция: Келишмовчилик пайтида уни ҳимоя қилиш шарт эмас. Раҳбарлик лавозимида ишлаш ва одамлар билан яхши муомала ўрнатиш қийин. Лекин яхшигина ижодий ва илмий ходим бўлиши мумкин. Алоҳида ташаббус ва жонбозлик кўрсатиб бажариладиган ишларга жалб этилса, мазкур шахсинг ўз обрў-эътибори, соғлиги учун ҳам, меҳнат (ўқув) жамоаси равнақи учун ҳам фойдали эканлиги қайд этилади.

Тарбияси қийин ўсмирларга психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Бу жараён ўсмирлик даврига хос пубертат кризис ва унинг типларини белгилаш билан баҳоланади. Умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўсмирлар фаолиятида бир қатор хулқ-атвор бузилишларини “пубертат кризисларни” кузатиш мумкин. Бу жараёнда мактаб психологидан ҳар бир тарбияси қийин ўсмир учун алоҳида тарбиявий дастур асосида фаолият кўрсатиб бориши талаб қилинади.

Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, мазкур ҳолат иккига: кризис (инқироз) ва стабил (муқим)га ажратилади. Инқироз ҳолати ўткинчи хусусиятга эга бўлиб, бундай «ёрқинликларни» тўртта; 1 ёш, 3 ёш, 7 ёш ва 13 ёшда кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшидаги кризиснинг кескин ўтиш даври 12-16 ёш деб белгиланиб, унинг икки фазаси: негатив (13-14 ёш) ва позитив (15-16 ёш) деб аталади. Умуман, ўсмир шахсида жуда қисқа вақт оралиғида шиддатли баъзан, ҳаттоки, фожеали тарздаги ўзгаришлар сезилади. Инқироз эски ва янги психологик

ўзгаришларнинг тўқнашуви оқибати бўлиб, яхлит ҳолда қараганда, позитив қайта қурилишлар характерини касб этади.

Айрим хориж психологлари ўсмирлик даври кризисининг илдизларини, жумладан, З.Фрейд томонидан ўзини ўзи севиш, Э.Эриксон томонидан айнийлик инқирози, Э.Дойч томонидан ижтимоий омил инқирози, деб баҳоланади. Кейинги маълумотларда мактаб психологлари томонидан ўсмирлардаги депрессив ҳолатларни келтириб чиқарувчи қуйидаги ҳолатларга жиддий эътибор берилиши талаб қилинмоқда:

а) оиланинг орзу-умидларига эътибор бермаслик (аъло баҳоларда ўқимаслик, спортда юқори натижа кўрсатмаслик ва ҳоказолар);

б) оиланинг бошқа аъзоларидан ўзини устун қўйишга интилиш;

в) эгоистик “мен”ликнинг намоён этилиши;

г) ўқув юкламасини ўзлаштира олмаслик;

д) педагог ва ота-онанинг адоватли муносабати;

е) оиладан йироқлашиш, яшаш жойини ўзгартириш;

ё) соғлик учун хавфли вазият (соматик касалликлар);

ж) «пешонага ёзилган» деб тахмин қилинган касаллик.

Дезадаптация ҳолатининг вужудга келишига тахмин қилинадиган юқори таваккалчилик вазиятларини ҳам шу тарзда тасвирлаш мумкин.

Одатда ота-оналарнинг ушбу ўзгаришларни психик ёки психомотор деб эмас, соматик симптомлар тарзида тушунишлари мазкур вазиятни янада қийинлаштиради, холос. Фақатгина клиник текширишларгина ўсмирлардаги мавжуд психик ўзгаришлар ва психологик таҳлил уларнинг муҳим жиҳатларини очишда яхши натижалар беради.

Мактабдаги тарбияси қийин ўсмирларда кўп учрайдиган дезадаптация ҳолатларининг клиник кўринишлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

- аффектив лабиллик, эмоционал суствлик;
- аффектив портлаш;
- мурасасизлик, яъни камситиш, рухий эзилиш, «хуноблик»;
- дистимия, яъни ғамгинлик, хавотирлилик, нотинчлик;

- кундузги ва тунги кўрқув (хавфсираш);
- ёлғизликка интилиш, яккаланиб қолиш, одамовилик, писмиқлик;
- руҳий тушкунлик (ипохондрия), «ўз соғлиғи» устида ортиқча қайғуриш;
- тормозланиб қолиш;
- қайғули фикрлаш, яъни айбдорликни ҳис қилиш, нотўқислик комплекси, масъуллиқ;
- суицидиал фикрлар ва у билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар;
- ижтимоий мослашувнинг бузилиши;
- майхўрлик, кайф берувчи дори моддаларга берилиш;
- уйдан бош олиб кетиш, дайдилиқ;
- сабабсиз дарс қолдириш, ўзлаштиришнинг кескин пасайиши;
- аффектив ўйинларда иштирок этиш, лаёқатсизлик;
- тажовузкорлик, бузғунчилик ҳаракатлари;
- ўзига ўзи тажовузкорлик (ўз манфаатларидан воз кечишга мойиллик);
- мутизм ва бошқа нутқ бузилишлари;
- чалғишлиқ ва безовталанишлиқ;
- хулқ-атвор ва тартиб-интизомнинг бузилиши;
- уйқунинг бузилиши;
- энурез, энкопрез;
- бош оғриғи;
- лабини, тилини, бармоғини сўриш;
- онихофагия, трихотилломания;
- мастурбация;
- ошқозон-ичак синмптомлари (анорекция, қориннинг дам бўлиши, колика);
- юрак сипмтомлари

Қайд қилинган барча ҳолатларга мисол келтириш, уларни англаш бир мунча қийинчилиги боис бироз ноқулайлик туғдиради. Ушбу ҳаётий қийин вазиятларнинг ёрқин ифодаланишининг драматик воситаси сифатида ўз жонига қасд қилиш ҳолатини кўриб чиқамиз. Масалан, эндигина 10-12 ёшга кирган ўсмир учун «ўзини-ўзи ўлдираман» дейиш муваққат хусусият

касб этади. Бу ҳолат унда «намойишкорона» амалга оширилади ва бундан асосий мақсади «уни хафа қилганларни» кўрқитиш, холос. Суицидал ҳолатнинг ҳақиқий сабабини топиш эса анчайин қийин. Чунки одатда суицидентларда бир эмас, балки бир нечта ҳиссий кечинмалар намоён бўлиши мумкин.

Булар оилавий муносабатлардаги номутаносибликлар, жамоадаги, гуруҳдаги эмоционал вазиятнинг ҳамда психологик муҳитнинг ёмонлиги ёки нуфузли киши томонидан «ноўрин» танқид, ёқтирган одами билан уришиб, аразлашиб қолишлар ва хоказолар.

Лекин кузатувларнинг натижаларига кўра, баъзан ёлғизликдан азобланиш ва уни ноадекват идрок этишлари боис «ота-онам мени ёмон кўради», деб ўйлаш, ота-онадан бирининг ташлаб кетиши, ғашлик, масхараланиш, жазодан кўрқиш, камситилиш, эътироз, умидсизлик ва бошқалар ўсмирлар учун психоген омилларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Мактаб психологи эса шунга мос коррекцион усулларни қўллай олиш технологиясини билиши шарт.

Бундан ташқари, ўсмирлардаги хулқ, «оғишларнинг» психологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий адаптация билан боғлиқ, муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу даврнинг умумий хусусиятлари сифатида жиловланиши қийин бўлган қувноқликдан хафаликка ва хафаликдан қувноқликка ўтиш ҳамда бошқа турли ҳолатларнинг узлуксиз ўзгариб туришини кўрсатиб ўтиш жоиз. Шу нуқтаи назардан, ўсмирлик шахс характерининг шаклланишида ўзига ҳос мураккаб давр ҳисобланади.

Мактаб психологи эса ўсмирлик даврига ҳос бундай хулқ «оғиш»ларига жиддий эътибор қаратиши лозим бўлади. Қолаверса, тарбияси «қийин» ўсмирларнинг патохарактерологик хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларимизни ойдинлаштириш учун ҳам мазкур жараён ҳақидаги айрим олимларнинг фикрларини билиш муҳимдир. Жумладан, В.В.Ковалев (1977) нинг «ўсмирлардаги патохарактерологик акс таъсирлар психик фаолиятнинг муваққат ўзгаришларидир», деган фикрини кейинчалик А.Е.Личко ҳам таъкидлайди (1983). Патохарактерологик ҳолатларга одатда характер хусусиятлари билан

боғлиқ ўзгаришлар, кескин ҳаракатлар, ижтимоий-психологик дезадаптацияга олиб келувчи хулқ-атвор ўзгаришлари киритилади. Баъзан бу бузилишлар невротик ва соматик-вегетатив ўзгаришлар билан кечади. Патохарактерологик реакциялар бир неча ҳафта, ой, баъзи ҳолатларда эса бир неча йилгача чўзилиши мумкин.

Демак, ҳар бир психолог ўсмирдаги бундай хусусиятларни мунтазам равишда инобатга олиши шарт.

Умуман, амалиётчи психологлар томонидан ишлар олиб борилганда ҳар бир боланинг ўзига хос бўлган ёш хусусиятларидаги психологик қонуниятларни тўлиқ ва аниқ билиши шарт. Бундан ташқари, мактаб психологи ўзининг инсон хулқ атвори ва психик фаолияти, психик тараққиётнинг ёш қонуниятлари ҳақидаги касбий билимларига, уларнинг ўқувчилар ва катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабат хусусиятларига, ўқув–тарбия жараёнини ташкил этишга боғлиқлигига таяниб, болага индивидуал ёндашув имкониятларини таъминлайди, унинг қобилиятларини аниқлайди, меъёрдан четлашишларнинг бўлиши мумкин бўлган сабабларини психологик-педагогик коррекция қилиш йўллари аниқлайди. Бундай психологик хизмат жараёни мактабда ўқув тарбия ишининг маҳсулдорлигини оширишга, ижодий фаол шахсни шакллантиришга имкон беради.

Психолог барча муаммоларни ҳал қилишда болани ҳар томонлама қизиқишларига таяниб иш тутаяди. Амалиётчи психолог ўз фаолиятини педагогик жамоа ва ота-оналар билан яқин алоқада амалга оширади. Психологик хизмат ўз фаолиятида тиббий, дефектологик ва бошқа хизмат турлари билан, бола тарбиясида ёрдам кўрсатувчи жамоачилик ходимлари билан яқин алоқада иш олиб боради.

Мактабда психологик хизматнинг мазмуни расмий тарзда муайян йўналишлар асосида олиб борилади. Бу борада Ўзбекистонда дастлабки 1996 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус “Низом” қабул қилинган. Мазкур психологик хизмат ҳақидаги “Низом” 6 бўлимдан иборат бўлиб, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

I. Умумий қоидалар.

- II. Психопрофилактик ишлар.
- III. Психодиагностик ишлар
- IV. Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар.
- V. Психологнинг маслаҳат бериш ишлари.
- VI. Психологик хизмат ходимларининг масъулияти.

Энди мазкур “Низом” бўйича ҳар бир бўлимдаги вазифаларга қисқача шарҳ берамиз.

I. Умумий қоидалар қуйидаги бандларни ўз ичига олган.

1. Психологик хизмат халқ таълими ва олий ўрта махсус таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.
2. Психологик хизмат мутахассислари барча муаммоларни ҳал қилишда ҳар қайси шахснинг (педагог, ўқувчи, талаба, ота-она) манфаати ва унинг ҳар томонлама гармоник ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ёндашади.
3. Психологик хизмат мутахассислари ўз фаолиятларини тиббиёт ходимлари, дефектологик хизмат, муҳофаза қилиш ташкилотлари, муайян комиссиялар, балоғатга етмаган ўсмирлар инспекцияси, ота-оналар кўмитаси, ишлаб чиқариш жамоаси, жамоатчилик билан узвий алоқада амалга оширадилар.

II. Психологнинг психопрофилактик ишлари

Психологик хизмат жараёнида диагностик-ривожлантирувчи йўналишлар ўзаро уйғунликда олиб борилади. Таниқли психолог олим Д.Б.Эльконин таъбири билан айтганда, болаларни танлаш учун, аниқланган четлашишларни тузатиш мақсадида психик тараққиётни назорат қилишга йўналтирилган махсус ташхис зарур бўлади. Амалиётчи психолог фақатгина ташхис қўйиш билан чекланмасдан кейинги ривожланиш дастурини ишлаб чиқади, ўзи берган тавсияларнинг бажарилишини назорат қилади, коррекцион ва ривожлантирувчи ишлар кўламини белгилайди.

Психопрофилактикада уч босқич алоҳида ажратиб кўрсатилади:

Биринчи босқич дастлабки профилактика, деб аталади. Бу босқичда психолог соғ болалар билан ишлайди ёки мактабдаги барча ўқувчиларни қамраб олади.

Иккинчи босқич профилактика муаммолари мавжуд болаларга қаратилади. Унинг мақсади ўқишдаги ва хулқ-

атвордаги қийинчиликларни иложи борича эрта аниқлаб, уларни йўқотишдан иборатдир. Иккинчи босқичда ота-оналар ва ўқитувчиларга тегишли психологик маслаҳатлар берилади.

Учинчи босқич. Психолог ўқишдаги ва хулқ-атвордаги яққол кўриниб турадиган муаммолари бор болаларга ўз диққатини қаратади. Профилактиканинг дастлабки мақсади жиддий психологик қийинчиликларни, муаммоларни йўқотиш ва тузатишдан иборат. Психолог олдига келган бола билан алоҳида ишлайди. Мактаб психологининг асосий кучи учинчи босқичга, яъни «тарбияси қийин» болаларга қаратилади.

Психопрофилактик ишларнинг усулларида бири педагогик-психологик консилиумни ташкил этишдир. Ю.К.Бабанскийнинг таъкидлашича, ўқувчиларни ўрганишни яхши йўлга қўйиш учун, тўлиқ ёзма тавсифномалар ёзишдан кўра синф ўқитувчиларининг ўқувчилар ҳақидаги фикрларини жамоа бўлиб муҳокама қилиш, синфга ва ўқувчиларга индивидуал ёндашув чораларини ишлаб чиқиш яхши натижалар беради. Бундай жамоа бўлиб муҳокама қилишларни шартли равишда педагогик-психологик консилиум деб аталади. Психологик-педагогик консилиум ўқишда орқада қолиш сабабларини ёки хулқ-атвордаги камчилик натижаларини муҳокама қилишга йўналтирилган бўлади.

Педагогик консилиумда психологнинг вазифаси ўқувчи интеллектуал тараққиётини баҳолашда ўқитувчиларга методик ёрдам беришни талаб қилади. Педагогик консилиум имкониятларни баҳолашда субъектив холи бўлиш, уларни объектив баҳолаш имконини беради.

Психолог ушбу консилиумда иштирок этиб қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Педагогик жамоа кузатиш, суҳбат, психодиагностика натижаларига асосланиб, ўқувчи муаммоларининг келиб чиқиши ҳақида исботланган фаразларга аниқликлар киритади.
2. Ҳар бир ўқитувчида ўқувчига нисбатан ўз установақасини адекват тарзда ўзгартириш талаб қилинади. Бу жуда қийин вазифа бўлиб, уни эҳтиёткорлик билан ҳал қилиш зарур, консилиум ўтказгунча бу жараённи секин-аста бошлаш керак. Кўпинча, ўқитувчи ўқувчига нисбатан фикрини ўзгартиргиси келмайди. Ўқитувчи бунда

психолог нима ҳақида гапираётганини тушунмаганлиги учун эмас, балки онгли равишда ўз ҳаётини мураккаблаштиргиси келмаганлиги учун шундай қилади. 3. Барча ўқитувчиларнинг ўқувчи муаммоларини ва унинг шахсий хислатларини жамоа бўлиб тушуниш ҳамда талқин қилиш учун психологик замин хозирланади.

Шундай қилиб, психологик-педагогик консилиум психопрофилактик ишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Юқори даражада тайёрланган консилиум ўқувчиларнинг, ўқитувчиларнинг ва бутун жамоанинг ривожланишига ёрдам беради.

III. Психодиагностик ишлар қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилади

1. Диагностика учун маълумотларни олиш. Бунда бола психик ҳолати ва шахси хусусиятлари баъзи белгиларининг кўринишларини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотда олинган маълумотлар ёрдамчи характерга эга бўлиб ундан бола хулқ-атворининг ҳақиқий кузатилган хусусиятлари, унинг психик функциялари, тараққиёт даражаси билан таққослашда фойдаланилади. Масалан, дарсда ўқувчи диққатининг барқарор эмаслиги, диққатини бир жойга тўплашга қийналиши, ақлий иш қобилиятининг пастлиги, тез чалғиши ва бошқалар билан ажралиб туради. Лекин хулқ-атворнинг кўрсатилган белгилари бола хулқ-атвори эҳтиёжлари ва мотивлари иерархиясининг (босқичма-босқич) ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам у ёки бу ўқувчи ўзлаштириши ва интизомнинг пасайиши ташқаридан сезилса-да, психодиагностик тадқиқот-ларда ўрганилаётган ўзгаришлар манбаалари, ривожланиши ва келгусида қандай бўлиши, психологик ҳолат белгилари ҳам ўрганилади.

Психодиагностик тадқиқотлар бола психик функциялари ривожланиш даражасининг, ақлий тараққиёт даражаси билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотлар болада қизиқишлар, амалий малакалар ва касб танлаш пайти келганда жуда муҳимдир.

2. Психик тараққиёт ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотларни тўplash. Агар «кўндаланг кесим» методлари орқали психодиагностик тадқиқот босқичида бола психик

тараққиёти даражасини, яъни психик функциялар ривожланишга дахлдор долзарб ҳудуд аниқланадиган бўлса, «узунасига кесим» (лонгитюд) психодиагностик тадқиқотларда бола психик ҳаёти тараққиёти хусусиятлари ривожланишида, яъни таълим ва тарбия жараёнида ўрганилади.

3. Ақлий заифлик даражасини ёки бошдан кечирган касаллик туфайли психик камчиликларни аниқлашга қаратилган психодиагностик тадқиқотлар махсус ёки ёрдамчи мактабда ўқиши ҳақида масала ҳал бўлаётганда тиббий педагогик ҳайъат (комиссия) томонидан фойдаланиши мумкин.

4. Болада пайдо бўлган етарлича ўрганилмаган янги психик ҳолатларни таҳлил қилиш учун илмий мақсадда психологик тадқиқот ўтказиш. Вазифа бундай қўйилганда тадқиқотчиларни қизиқтирган масала бўйича катта гуруҳларда тадқиқотлар ўтказилади. У ерда олинган натижаларнинг статистик ишончлилиги муҳим аҳамият касб этади.

IV. Психологнинг ривожлантирувчи ва коррекцион ишлари

Психологик хизматнинг ушбу йўналиши психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жарёнида фаол иштирок этишни тақозо қилади. Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда улардаги жадал ривожланишни ҳисобга олувчи, улар психикасининг барча жабҳаларини қамраб олувчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик хусусиятлар муҳитида камолотга интилувчи шахсни таркиб топтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, у ўқувчиларнинг психик тараққиётидаги, ҳуқ-атвор муомаласидаги нуқсонлар ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш, коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқади ва уни амалиётга татбиқ этади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар ўтказади, ижодий қобилиятларни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради. Бунда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гуруҳининг кадриятга йўналганлиги, этно-психологик ва этномаданий хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

V. Психологнинг маслаҳат бериш фаолияти

Психолог маслаҳати жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Ўқувчи таълим-тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан, маъмурият, ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар, ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари, ходимларига тегишли психологик билимлар доирасида маслаҳатлар бериш.

2. Таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар ва вояга етмаганлар муносабати, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гуруҳий, жамоавий тарзда маслаҳатлар уюштириш.

3. Маъмуриятга болаларнинг психик ўсиши хусусиятларига оид маълумотлар бериши, ўғил ва қизларни асраб олиш, оналик ва оталикдан маҳрум қилиш, ташкилотларни ғамхўрлик ва васийлик тўғрисидаги қабул қилган қарорларига муносабат билдириш.

4. Ота-оналарга боланинг психик ривожланиши хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, ўзаро муносабат мақомлари, бунда фарзандларнинг ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий-амалий маслаҳатлар бериш.

5. Ота-оналар билан ўқувчини мактабга қабул қилиш ва касб танлаш масалалари бўйича индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар уюштириш ва уларга тегишли маслаҳатлар бериш.

Демак, мактаб амалиёти психологлари ўқувчилар билан бевосита алоқада уларда вужудга келган муаммоларни ҳал қиладилар. Бу “тўғридан тўғри маслаҳат бериш” деб аталади. Баъзан ўқувчиларга ва ота-оналарга ўқитувчиларнинг у ёки бу муаммолари бўйича маслаҳат беради, бу бавосита маслаҳат беришдир, бунда қоидаларга амал қилишга тўғри келади. Маслаҳат бериш марказида ҳар доим психолог ва маслаҳат берилаётган шахснинг ўзаро таъсир жараёни, улар орасида ишончли ўзаро муносабатни ўрнатиш ётади. Бунда психолог – маслаҳат берувчи, ўқитувчи, ота-она – маслаҳат берилувчи, ўқувчи мижоз ролида бўлади.

Психолог аниқ йўналтирилган маслаҳат жараёнида бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда психик ривож-

ланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностикани амалга оширади. Нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди. Ассоциал хулқ-атвор сабабларини ва шаклларини белгилайди. Гиёҳвандлик ва таксикоманлик, алкоголизм, ўғрилиқ, дайдилиқнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади, омилларни таҳлил қилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда умумтаълим мактабларида олиб борилаётган психологик хизмат амалиёти ўз мазмуни ва илмий аҳамияти жиҳатдан тобора ривожланиб бормоқда. Бу ҳар бир умумтаълим мактабида фаолият юритувчи амалиётчи психологлар зиммасига янада юксакроқ масъулиятларни юклайди.

4.3.Олий таълимда психологик хизмат амалиёти

Ҳозирги даврда психологик хизматни ташкил қилишнинг турли шакл ва воситалари ижтимоий турмушга татбиқ қилинмоқда: мактаб психологик фаолияти, руҳий касалликлар шифохоналари ва неврологик марказлар ходимлари хизмати, оила психотерапияси, ижтимоий психологик вазифалари, психологик экспертиза, оммавий даволаниш масканларида психологик ёрдам, суд жараёнидаги психологик ҳолатни кузатиш, меҳнат тузатиш колониялари ва ёрдамчи мактабларда психологик хизматни амалга ошириш ва бошқалар. Ана шулар қаторида олий мактабда психологик хизматни жорий этиш ва уни бошқариш алоҳида аҳамият касб этади. Олий мактабда психологик хизматни уюштириш бўйича Қозон, Санкт-Петербург, Болтиқ бўйи мамлакатлари университетларида айрим тажрибалар тўпланган. Республикамизда эса таниқли психолог-олим Э.Ғ.Ғозиев томонидан олий таълим муассасаларида психологик хизмат амалиёти билан боғлиқ талайгина илмий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва тегишли кўрсатмалар берилган. Ушбу ишланмалардан айримларини қайд этамиз:

I. Маъмурият қошидаги психологик хизмат:

- 1) раҳбар кадрларнинг касбга яроғлилигини илмий асосда текшириш ва аниқ тавсия бериш;

- 2) буйрук, хужжат ва иш юритиш фаолиятини таҳлилдан ўтказиш, мақсадга мувофиқлиги ёки номуносиблигини далиллаб муайян қарорга келиш;
- 3) ўқитувчилар ва ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш бўйича илмий-амалий психологик тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- 4) ёш ходимларнинг адаптация (синов) муддатини ўрганиш ва амалий кўрсатмалар бериш;
- 5) университет жамоасидаги шахслараро муносабат ва психологик муҳитни тадқиқ этиш ҳамда олинган натижаларни умумлаштириш;
- 6) сайлов, танловолди компаниялари бўйича прогноз қилиш, илмий фараз яратиш, олдиндан башорат қилиб, психологик ҳолатдан маъмуриятни огоҳ этиш;
- 7) олий мактабда фаолият кўрсатаётган барча ходимларни (техникдан тортиб, то профессор тизимигача) аттестациядан ўтказишда фаол иштирок қилиш;
- 8) абитуриентларни қабул қилиш мавсумида бевосита иштирок қилиш, синов материалларини психологик нуқтаи назардан таҳлил этиш, талабга жавоб бера олишлиги ёки бера олмаслигини олдинроқ қабул ҳайъати аъзолорига, предмет комиссияси раисига етказиш;
- 9) таянч докторантура ва мустақил илмий тадқиқотчилик тизимида фаолият юритаётган илмий ходимларнинг интеллектуал имконияти, савия, тайёргарлик даражасини аниқлашда иштирок қилиб, оқилона қарорга келишда раҳбарларга ёрдам бериш;
- 10) профессор ўқитувчилар ва талабарни чет эл сафарига танловида қатнашиш ва уларнинг етуклик даражасини илмий асосда далиллаб кўрсатиш;
- 11) ёш мутухассислар билан алоқа ўрнатиш ва уларни бевосита назорат остига олишга кўмаклашиш;
- 12) ижтимоий талаб ва буюртмалар юзасидан социал психологнинг ахборот тўплаши ва уларни қайта ишлаш;
- 13) олий мактаб тўғрисидаги таассурот ва миш-мишларга оид материаллар тўплаш ва уларни тартибга келтириб, бу ҳолатдан маъмуриятни огоҳ қилиш;
- 14) чет эллик ходимлар ва талабалар билан ишлаш фаолияти билан танишиш, узлуксиз амалий тавсиялар бериб бориш,

- 15) олий мактаб илмий салоҳиятини ўрганиш ва улардан мақсадга мувофиқ, тўғри фойдаланиш бўйича ректоратга тавсиянома бериш,
- 16) таълим-тарбия самарадорлигини ошириш муаммолари билан шуғулланиш;
- 17) кадрлар малакасини ошириш муаммосини ҳал қилишда иштирок этиш ва аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- 18) илм-фан ривожини таъминлаш фаолияти ва жараёнида маслаҳатчи сифатида қатнашиш;
- 19) ўқув қўлланмалари юзасидан китобхонлар қарашларини ўрганиш ва уларнинг билим сифатини ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш;
- 20) китобхонлик, мустақил фаолият, кутубхона ўртасидаги узвий боғлиқликни текшириш;
- 21) олий мактаб ходимлари, ўқитувчилари ва талабалари билан халқ мулкани асраш ва ундан фойдаланишни ўрганишда ҳамкорликда бўлиш;
- 22) ётоқхоналарда ёшлар билан ишлашнинг социал-психологик хусусиятларини ўрганиш ва уларни талаб, эҳтиёж, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда муаян тадбир-чоралар ишлаб чиқиш;
- 23) олий мактаб аъзоларида экологик билим даражасини текшириш ва бойитиш;
- 24) мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватан мудофаасига тайёргарлик даражсини аниқлаш, юксак ҳис-туйғуларни шакллантиришга зарур шарт-шароитлар яратишда фаол иштирок қилиш.

II. Эмоционал зўриқишнинг олдини олиш ва уни коррекциялаш хонасини жиҳозлаш

- 1) психологик хона жаҳон стандартлари талабига жавоб бериши шарт (катталиги 4x4, бўйи 3,5 м, ёриткичлари ён томонда, деворнинг ранги нафис, эшик ва дераза пардалари девор рангига мувофиқлиги, қизил ва яшил чироқлар кечки ёриткич сифатида қўлланилиши);
- 2) хонада бошқарув маркази (пулти), экран ва экран воситалари жойлаштирилиши лозим;
- 3) таъсир ўтказиш воситалари;
 - а) хонадаги табиий муҳит;
 - б) хонага жалб қилинганлар сони 10 тадан ошмаслиги керак;

в) экранда гўзал табиат лавҳалари намоиш қилиниши зарур;
г) магнитофондан кўшиқ, куй, қушлар сайраши таралмоғи шарт;

д) хонага эмоционал зўриқишга мойил одамлар методикалар асосида танлаб олинади ва аниқ графика асосида сеанслар ўтказилади;

III. Таълим ва тарбияни такомиллаштириш фаолиятида иштирок қилиш

- Анъанавий таълим ва тарбия методларининг ютуқ ва камчиликларини тадқиқ қилишда қатнашиш.
- Ўқув жараёнида фаол ва инновацион методларини синаб кўришда иштирок қилиш, олинган материалларни қайтадан ишлаб чиқиш.
- Ўқув предметларига нисбатан талабалар муносабатини аниқлаш ва талабалар қизиқиш, интилишларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимини жорий қилиш тўғрисида, шунингдек, ўқитишда тингловчиларга индивидуал ва дифференциал муносабатни амалга оширишни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиги — таълим самарадорлигининг муҳим омили

Олий мактабда ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши, унинг ижтимоий-психологик жиҳатини ташкил қилиш, ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларини ўрганиш сўнгги ўн йилларда амалга оширила бошланди.

Б.Ф.Ломов шахс фаолиятини таҳлил этишнинг умумий психологияда қабул қилинган тузилмасини кўриб чиқиб, бу фаолиятни бажарувчи шахснииг бошқа шахслар билан ҳамкорлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлаб ўтади. Якка шахс фаолиятининг психологик таҳлили фаолият субъектиинг бошқа одамлар билан алоқасини мавҳумлаштиради. «Лекин бу мавҳумлаштириш» ниҳоятда муҳимлигидан қатъи назар, ўрганилаётган ҳодисаларни бир томонлама ёритиш имконини беради.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир тадқиқотларда, асосий эътибор ўзаро муносабатнинг

ривожланишини ўрганишга қаратилади, ўқитишни гуруҳли ташкил қилиш жараёни баён қилинади.

А.В.Петровский жамоадаги шахслараро муносабатлар фаолиятдан келиб чиқишини ўрганиб, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларни мулоқотга эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам воситаси эканлигини таъкидлаган эди.

Бу муаммога бошқача ёндашган А.А.Бодалёв ўқитувчи билан ўқувчининг муносабати, уларнинг самарали ҳамкорлигини вужудга келтириш учун қулайлик яратишни зарур деб ҳисоблайди. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахс сифатидаги хусусиятларини, мақсад ва эҳтиёжларини ҳисобга олишлари шартдир.

Юқоридаги фикрларга қарамай ўзлаштиришнинг турли босқичларида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг турлича ҳамкорлиги қандай уюштирилиши масаласи ҳал бўлган эмас. Бинобарин, ўқитувчида ўқув фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил қилиш кўникмалари йўқлиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолиятни психологик жиҳатдан ўрганишни В.Я.Ляудис раҳбарлигидаги психологлар гуруҳи амалга оширди. Унинг асосий мақсади янги психик фазилатларнинг шаклланишида ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигининг ролини ифодалаш эди.

Ушбу назарияга биноан ўқув фаолиятининг шаклланиши фан асосларини ўзлаштиришнинг негизи эмас, балки шахснинг ижтимоий маданий қадриятларини эгаллаш жараёнидир. Мазкур назария асосида ўқув вазиятини талаба шахсининг ривожланишидаги «яқин камолот зонаси»нигина эмас, балки «Перцептив ривожланиш зонаси»ни ҳам яратадиган йўсинда лойиҳалаш мумкин.

В.Я.Ляудис ўқув вазияти тартибидаги 4 та ўзгарувчи ҳолатни кўрсатади: а) ташкилий ўқув жараёнининг мазмуни (унинг хусусияти, ўқувчи ўзлаштирадиган фаолият дастури, эгалланадиган билиш фаолиятининг турлари); б) таълим мазмуни ва ўқув фаолияти усулларини ўзлаштириш: бир

босқичдан бошқасига ўтиш тартиби; в) талаба билан ўқитувчининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлик тизими; г) таълимдаги ўзгарувчан омилларнинг ўзаро алоқасининг такомиллашуви.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим омили ва талабаларнинг ўзаро муносабати хусусиятини белгиловчи асос ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигининг шакллари дир. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти ўқитувчи ва талаба муносабатларининг ва биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларининг алоҳида туридирки, у ўзлаштириш объектини, билиш фаолиятининг барча қисмларини қайта кўришни таъминлайди.

Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг мақсади ўзлаштириладиган фаолият ва биргаликдаги ҳаракатлар, муносабат ва мулоқотнинг бошқариш механизмини яратишдир. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули талабалар мустақил ҳолда илгари сурган янги ғоялар ва ўзлаштирилаётган фаолиятнинг моҳиятига боғлиқ мақсадлар ва шерикликда шахс позициясини бошқариш истакларининг юзага келишидир. Ҳамкорликдаги фаолият усули деганда, ўқитувчи билан талабанинг биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларининг системасини тушуниш керак. Бундай ҳатти-ҳаракатлар ўқитувчининг талабага кўрсатадиган ёрдамидан бошланади; талабаларнинг фаоллиги аста-секин ўсиб бориб, бутунлай уларнинг ўзи бошқарадиган амалий ва ақлий ҳаракатига айланади: ўқитувчи билан талаба ўртасидаги муносабат эса шериклик позицияси хусусиятига эга бўлади.

Психология фанида ҳамкорликнинг саккизта шакли мавжуд, улар қуйидагилардан иборатдир: 1) фаолиятга кириш; 2) мустақил ҳаракатлар (ўқитувчи билан талаба ҳамкорликда бажарадилар); 3) ўқитувчи ҳаракатни бошлаб беради ва унга талабани жалб этади; 4) тақлид ҳаракатлари (ўқитувчидан ибрат олган талаба ана шу намуна асосида ҳаракат қилади); 5) мадад ҳаракатлари (ўқитувчи талабага оралиқ мақсадни ва унга эришиш усуллари танлашда ёрдам беради ҳамда охириги натижани назорат қилади); 6) ўзини ўзи бошқариш ҳаракатлари (ўқитувчи умумий мақсадни кўрсатишда ва охириги натижани баҳолашда иштирок этади); 7) ўзини ўзи ўзгартирувчи ҳаракатлар; 8) ўзини уюштирувчи ҳаракатлар.

Ҳамкорликдаги фаолият усуллари биргаликдаги хатти-ҳаракатлар шаклида намоён бўлиб, унга мулоқот даврлари сингари мазкур фаолиятнинг оддий бирликлари деб қараш мумкин. Биргаликдаги ҳаракат даври қўйиладиган ушбу алмашувни ўз ичига олади: ўқитувчи ҳаракат бошлайди, талаба уни давом эттиради ёки тугаллайди.

Олий мактабларда ҳамкорликдаги фаолиятнинг хусусиятларини ўрганиш ва тажрибаларда синаб кўришнинг асосий мақсади талабаларнинг билимларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларининг сабабларини ва манбаларини тадқиқ этиш ҳамда таълим жараёнида ёки ҳамкорликдаги фаолият билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларини аниқлашдан иборатдир. Ушбу мулоҳазалар Э.Ғозиев асарларида ўз ифодасини топган. В.Я.Ляудис ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолияти ўрганилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тадқиқотларда ҳамкорлик фаолияти учта ўзаро боғлиқ фазадан иборат эканлиги кўрсатилган, жумладан, биринчи фаза — «фаолиятни эгаллаш» деб номланган бўлиб, у ўз ичига ушбу ҳамкорлик шакллари камраб олгандир: 1) ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги биргаликда амалга ошадиган ҳаракатларни туркумларга ажратувчи тизим; 2) талабаларнинг ўқитувчи фаолиятига тақлид қилишга асосланган ҳаракатлари йиғиндиси; 3) талабалар томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳаракатлар мажмуаси; ҳамкорлик фаолиятининг иккинчи фазаси — талабаларнинг ўқитувчи фаолиятига мувофиқлаштирилган ҳамкорлик ҳаракатлари мажмуаси; 4) талабанинг ўз-ўзини бошқарувчи ҳаракатлари тизими; 5) талабаларнинг ўз-ўзини қўзғатувчи хатти-ҳаракатлари (ҳаракатга ундовчи омиллар) ва бошқалар. Ҳамкорлик фаолиятининг учинчи фазаси — ҳамкорлик фаолиятидан янги бир тараққиёт босқичига кўтарилиш, такомиллашишда, шунингдек, ўқитувчи билан талаба ҳамкорлиги шериклик даражасига ўсиб ўтишида ўз ифодасини топади. Э.Ғозиев томонидан берилган талқинларда жуда кам тадқиқ этилган фаза — бу учинчи фаза ҳисобланади. Лекин айрим тадқиқотларда шерикликни амалга ошириш тўғрисида мулоҳаза юритилган

бўлса-да, бироқ унинг туб моҳияти ўзига хос хусусиятлари, босқичлари, манбалари, психологик механизмлари тўғрисида тугал фикрлар билдирилмаган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, қуйида гипотетик хусусиятга эга бўлган муаммоли ҳолатларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, яна бир бор Э.Ғозиевнинг таъкидлашича, учта фазанинг охиригиси тахминан мана бундай ҳаракатлар тариқасида кўринишга эга бўлиши мумкин: 1) тенг ҳуқуқлилиқ асосига қурилган умумий ҳамкорликдаги ўқитувчи билан талабанинг фаолиятга мадад берувчи (ўзаро таъсир ўтказиш негизида ижодий изланишлар намоён этилса) ҳаракатлар; 2) маънавий ҳаракатлар (ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлик заминида қурилган ҳаракатлари муайян маъно, моҳият, интеллектуал ҳаракат, англашилган туртки, мақсадга йўналтирилган восита, ўзаро моҳиятни ойдинлаштирувчи муносабат кабилар); 3) интерактив ҳаракатлар (ўзаро фикр алмашишга, ўзаро фикрларни тўлдиришга, гоҳ новербал, гоҳо вербал таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси); 4) предметли рефлексив ҳаракатлар (бу ерда мана бундай ҳолат ётиши эҳтимолдан холи эмас; биринчидан, ҳар қандай ҳамкорлик муайян нарсага қаратилган содда ва лўнда интеллектуал ҳаракатлардан тузилиши; иккинчидан, аниқ муаммолар ёки ўқув предметлари моҳияти боғлиқ ҳаракатлар занжирига йўналган бўлиши мумкин, лекин ҳар бир интеллектуал ҳаракат англашилган, ўз-ўзини бошқаришга бўйсундирилганлиги билан ажралиб туриши лозим); 5) интерактив ҳаракатлар (ўзаро таъсир асосига қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир, туртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланиши мумкин); 6) маъновий рефлексив ҳаракатлар (“рефлексив” тушунчаси англаганлик даражасини билдирган маънода қўлланилади, шунинг учун бу ўринда мантиқий изчилликдаги ҳаракатлар, ақлни пешлаш машқлари тарзида иштирок этиб, муайян ақлий юкламани ўзида акс эттириши лозим, бу ерда ҳаракатлар ортикча оператив белгилардан халос бўлиши шарт). Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки,

юқоридаги фикрларни эмпирик материаллар асосида чуқурроқ ўрганиш орқали олий таълимда психологик хизматнинг муайян истиқболларини белгилаш мумкин.

Ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш ва уни қайта қуриш жараёни бир қатор қонуният тарзидаги ва ўзига хос психологик хусусиятлар тариқасидаги ҳолатлар, механизмлар, алоқалар шаклида намоён бўлиши мумкин. Жумладан, ўқитувчининг ҳамкорлик фаолиятини юксак даражада бошқариш пайтида талабаларда фан асосларини эгаллаш, амалий кўникмаларни ўзлаштириш бирмунча енгил кўчади. Шунингдек, ўқув фаолиятининг операционал предметли жабҳасини уюштириш, идора қилиш, уни қайта қуриш қуйидаги тартибда намоён бўлиши мумкин: а) шахслилик ҳаракатлари; б) фаолиятга йўналтирилган қидирув ҳаракатлари; в) билишга оид ориентир ҳаракатлар, ҳаракатнинг назорат коррекцион тизими кабилар муайян давргача талабаларни ҳамкорлик фаолиятининг маъновий, ташкилий жараёнига тааллуқли ҳамкорликнинг таркибий қисмларини бошқариш функциясини бажариб туради. Бу борада ҳаракатнинг ижтимоий-ташкилий, мотивацион-маъновий, предметли ташкилий қисмлари фаол иштирок қилади ҳамда ҳамкорлик фаолиятининг маҳсулдор бўлишига таъсир ўтказди. Иккинчидан, ўқитувчининг талабаларга тавсия қилинган, мўлжалланган, гоҳо синаб кўрилган ҳамкорлик ўқув фаолияти шаклларида аста-секин ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида ўз-ўзини бошқаришга, яъни рефлексив фаолият даражасига ўсиб ўтиш жараёни юзага келади.

Ҳамкорликдаги фаолият натижасида унинг иштирокчилари, субъектлари шахсий позициясини илгари суришда, ҳамкорлик қатнашчиси тариқасида ўз ўрнини топиш учун интилишда динамик ҳолат кўзга ташланиши мумкин. Қатнашувчилар ҳамкорлик фаолиятини шунчаки диалогик иштирокчиси ролидан унинг тенг ҳуқуқли, реал позицияга эга бўлган муомала, муносабат, фаолият субъектига айланади. Ҳамкорлик фаолиятида талаба билан ўқитувчининг ўзаро таъсирини (интерактивлик) баҳолашнинг дивергентлик негизидан конвергентлик позициясига ўтиши кузатилади. Ҳамкорлик фаолиятини такомил босқичига ўтиш жараёнида ўзаро ўтказиш ҳаракатини

баҳолашдан ўз-ўзини баҳолаш даражасига кўтарилиши содир бўлади. Ушбу жараён ҳамкорлик динамикасидан далолат берадиган энг муҳим омиллардан бири вазифасини ўтайди.

Тажрибада олинган натижаларни психологик сифат жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамкорлик фаолиятини бошқариш (ўқитувчи, ўқитувчи билан талабалар, талабаларнинг ўзаро бошқаруви) босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, иштирокчиларни идора қилиш имкониятлари, уларни бошқариш улуши турлича эканлигини тасдиқладик. Мазкур ўзгаришлар қуйидаги изчилликда намоён бўлиши мумкин: 1) предметли монологик ижро этиш даражаси; 2) маънавий ёки ҳаракатларни ўзаро алмашиш кўрсаткичи; 3) интерактив ҳаракатлар алмашиш даражаси; 4) маъновий ҳаракат маъносини диалогик тарзда алмашиш босқичи; 5) интраситуатив интеграцияси, ёинки бошқача сўз билан айтганда, фаолият вазиятнинг яхлитлиги эътиборга олинган ҳамкорлик фаолияти ҳаракатлари ва бошқалар.

Айни пайтда, олий таълимдаги психологик хизмат жараёнида Люшер, Спилбергер-Ханин шкалалари, Фидлер методикаси, В.Я.Ляудис ва бошқаларнинг диагностик методикалари ёрдамида олинган натижалар гуруҳларни тузиш, улар ўртасида ҳамкорлик жорий қилишда талабаларда безовталаниш, ўз-ўзини бошқариш, гуруҳдаги психологик муҳит ва шахслараро муносабат хусусиятлари, хоссалари, негизлари механизмлари, ҳамкорлик субъектларига таъсир ўтказувчи объектив ва субъектив омилларни очиб беришга хизмат қилади.

Олий мактаб таълими самарадорлигини оширишда, ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишда талабаларнинг ақлий имкониятлари, захиралари, умумий савияси, билимларни ўзлаштириш даражаси, ўқишга муносабати, ўз-ўзини бошқариш даражасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Талабаларда учрайдиган ижтимоий-психологик, билишга оид касбий қийинчиликларнинг олдини олиш учун таъкидлаб ўтилган мезонларни аниқлаш кўзлаган мақсадни амалга ошириш сари етаклайди. Чунки ўқитувчи билан талабаларнинг ҳамкорлик фаолияти кўлами қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунчалик юқори, ўз-ўзини бошқариш эса пухта эгалланган бўлади. Ўзаро

таъсир ўтказиш доираси қанчалик кенг бўлса, муаммоларни ҳал қилиш жараёни шунчалик тез амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги олий таълимда психологик хизмат амалиёти талаба ва ўқитувчи, ўқитувчи ва ўқитувчи, ўқитувчи ва раҳбарият ўртасидаги ижобий психологик иқлимни яратишга, шунингдек, олий таълимда фаолият юритувчи ҳар бир шахснинг фаолият самарадорлигини таъминлашга таъсир қилувчи ўзига хос ижтимоий психологик омилларни тадқиқ қилиб мунтазам равишда тегишли психологик тавсияларни тақдим этиб боришга хизмат қилади.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар

1. Умумтаълим муассасаларида психологик хизматнинг асосий йўналишларига баҳо беринг?

2. Таълим муассасалари учун психологик хизмат Низоми ҳақида нималарни биласиз?

3. Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида психологик хизмат амалиёти илк бор қайси вилоятларда жорий этилди?

4. Таълим муассасаларида психодиагностик ва психопрофилактик ишлар мазмунига изоҳ беринг?

5. Мактабда психокоррекцион ишлар ва психотренинг ўтказиш тартиблари ҳақида нималарни биласиз?

6. Ўрта-махсус таълим муассасалари учун психологик хизмат Низоми қачон қабул қилинган?

7. Ўқувчиларни касбий йўналтиришнинг психологик тамойиллари ва усуллари ҳақида нималарни биласиз?

8. Олий таълим тизимида психологик хизматнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

9. Э.Ғозиевнинг Олий мактаб психологияси китобининг мазмун-моҳияти ҳақида нималарни биласиз?

10. Ш.Баротовнинг “Таълимда психологик хизмат асослари” номли монографияси ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Психологик хизмат “Низоми” нинг моҳияти ва аҳамияти.

2. Таълим муассасаси психологининг асосий вазифалари, бурчлари ва ҳуқуқлари.

3. Ўқувчи шахсига психологик ёндашув усуллари.

Асосий адабиётлар

1. Ғозиев Э. Олий таълимда психологик хизмат – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 95 б.
2. Овчарова Р. Практическая психология образования. М., 2003.
3. Немов Р.С. Психология. В 3-х книгах Психологическая служба в образовании. Кн.2. – С . 506-527
4. Дубровина И.В. Школьная психологическая служба. – М., 1991.
5. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. – Тошкент, 1998. – 94 б.
6. Нишонова З.Т. Психологик хизмат (ўқув кўлланма) –Т.; 2006. – 156 б.

Кўшимча адабиётлар

1. Баротов Ш.Р Ўқувчи шахси ва синф жамоасини психологик таҳлил қилиш усуллари. – Бухоро, 1993. – 29 б.
2. Баротов Ш.Р ва бошқ. Экспериментал психология.- Магистрлар учун ўқув кўлланма. – Т.: - Фан, 2008. – 108 б.
3. Нишонова З.Т., Алимбаева Ш.Т., Сулаймонов М. Психологик хизмат. – Т.:Фан ва технология марказининг босмахонаси, 2014.
4. Немов Р.С. Психология. В 3 кн.-ВЛАДОС, 1995.

Интернет ресурслари

<http://www.psychol-ok.ru/library/html>

<http://www.koob.ru>

www.psixologiya.uz

<https://psychologiya.com>

<https://ru.wikipedia>

V БОБ. МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ АМАЛИЁТИ

5.1. Меҳнат психологиясининг назарий асослари ва вазифалари.

5.2. Меҳнат жамоаларида психологик хизматнинг ташкил этилиши.

5.3. Меҳнат жамоаларида шахслараро муносабат таҳлили ва унинг психологик имкониятлари.

5.1. Меҳнат психологиясининг назарий асослари ва вазифалари

Меҳнат – бу маълум бир ижтимоий фойдали (ёки ҳеч бўлмаганда жамият томонидан истеъмол қилинадиган) моддий ёки маънавий маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган инсоннинг фаолиятидир.

Киши меҳнат жараёнида бажариладиган ҳаракатлар биологик эҳтиёж билан эмас, балки илгари сурилган ишлаб чиқариш мақсади ва бу мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида унинг бошқа одамларга нисбатан муносабатлари билан белгиланади. Бу хилдаги ҳаракатларни бажариш ва бошқариш учун ахборотни қайта ишлашнинг олий жараёнларидан фойдаланиш ва аввало, тасаввур ва тафаккурни ишга солиш зарурдир.

Меҳнат психологияси шахснинг мақсадга йўналтирилганлигини, ижтимоий тажрибаси, характери, қобилияти, психик ҳолатлари, диққати, тасаввурлари, хотираси, фикрлашдаги, эмоционаллиги, ирода кучи ва психомоторикаси каби сифатлари билан бевосита боғлиқдир.

У ёки бу меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс меҳнат ҳақида кўпгина психологик билимларни эгаллайди ва муайян тизимга келтиради. Бу тизим шахснинг ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият унумдорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу маънода психологик хизмат жараёнида меҳнат фаолиятига алоҳида эътиборни қаратиш талаб қилинади.

Меҳнатнинг психологик вазифалари

Меҳнат психологиясининг **биринчи вазифаси** — касб

танлашга йўналтириш, консультация бериш, касбга лаёқатли ёшларни танлаш ҳамда ёшларда касбий қобилият ва қизиқишни шакллантиришни ўрганиш ва тавсифлашдир. Бу вазифа меҳнат психологияси бўлимларидан бири бўлган психологик профессиограмма талаблари асосида ҳал қилинади.

Иккинчи вазифа — у ёки бу касбда ишлашни мўлжаллаётган ёки ишлаётган, лекин ҳали уни тўла эгалламаган кишиларнинг ёки юқори даражада касбий қобилиятнинг намоён бўлишдаги имкониятларини ўрганишидир. Касбни эгалламаган кишиларнинг меҳнат малакаларини ишлаб чиқариш талабларига мос келишини аниқлаш ҳамда фаолиятининг мазкур тури учун етарли даражада ривожланмаган қобилиятларини ривожлантиришга доир чораларини излаш ёхуд уни қобилиятига мос бошқа касбга кўчирилишини таъминлаш. Бу вазифа мутахассис психологлар ва врачлар кузатуви асосида ҳамда меҳнат экспертизаси (хусусан, касбий консультация) ёрдамида ҳал қилинади.

Касбий қобилият касбий таълим ва ўзлаштирилаётган ихтисос бўйича амалий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида шаклланади. Зарур билим, малака ва кўникмани муваффақиятли шакллантирмай туриб касбни эгаллаш ва касбий қобилиятни ривожлантириш мумкин эмас. Демак, меҳнат психологиясининг **учинчи вазифаси** — касбий билим, малака ва кўникманинг шаклланиш жараёни билан боғлиқ психологик қонуниятларини аниқлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Меҳнат психологиясининг бу вазифаси асосан психологларнинг маслаҳатлари билан ҳал қилинади.

Меҳнат психологиясининг **тўртинчи вазифаси** — хато ҳаракатларни ўрганиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш орқали меҳнат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Хато ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш касбий таълим методикасини такомиллаштиришда, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятидаги нуқсонларнинг олдини олишда ўзига хос муҳим психологик аҳамият касб этади.

Касбий қобилиятни муваффақиятли ривожлантириш, бинобарин, иш ҳаракати сифатини янада ошириш кўп жиҳатдан ишчиларнинг психик ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам меҳнат

психологиясининг **бешинчи вазифаси** — психик ҳолатларни бошқаришнинг энг қулай методларини ишлаб чиқиш мақсадида ишчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнидаги психик ҳолат ва кайфиятларини ўрганишдан иборатдир.

Меҳнат психологиясининг **олтинчи вазифаси** — шахслар ўртасидаги муносабат ҳамда ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнидаги социал-психологик муносабатларни ўрганиш ва шахснинг фаолияти ва меҳнат унумдорлигини оширишга самарали таъсирини кучайтириш буйича тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Меҳнат психологиясининг **еттинчи вазифаси** — меҳнат лаёқатини сақлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида чарчаш ва толиқишнинг олдини олиш чораларини излашдан иборат.

Меҳнат психологиясининг **саккизинчи вазифаси** ишлаб чиқариш техника воситаларини инсон омилига мослаштиришдан иборат бўлиб, бу вазифа меҳнат психологиясининг яқинда вужудга келган, бироқ тез ривожланаётган бўлими — инженерлик психологияси томонидан ҳал қилинади.

Меҳнат психологиясининг **тўққизинчи вазифаси** қилиб меҳнат экспертизаси тизимида бажариладиган ишлар кўламини олиш мумкин.

Демак, меҳнат экспертизаси — бу мутахассислар томонидан инсоннинг аниқ касбга яроқлилигини аниқлашдир.

Меҳнатнинг у ёки бу турига яроқлилик (касбга яроқлилик) куйидагилар билан белгиланади: кишининг ёши, соғлиғи, тайёрлик даражаси; зарур билим, малака ва кўникмага эгаллиги; керакли касбий лаёқатлар йиғиндиси сифатидаги талант ва мазкур касб бўйича ишлаш истаги ва ҳоказолар.

Меҳнат экспертизаси куйидаги умумий масалаларни бажаради:

1. Мазкур киши муайян ишни бошлай оладими? 2. У ўзи эгаллаган вазифа лавозимида ишлаб кета оладими; 3. Мазкур кишидан қайси ишда фойдаланса яхшироқ бўлади? 4. Агар бахтсиз ҳодиса юз берса, у ишчининг хусусиятига қай даражада боғлиқ бўлган ҳамда хусусан, уни ишга кўйилганда хато қилинмаганми?

Ушбу масалалар меҳнат экспертизасининг мазкур касб

вазифаларини ўрганишга ва тадқиқ қилишга йўналтирилган психологик хизмат кўрсатиш тизими асосида амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги амалиётчи психологлардан меҳнат психологиясининг ўзига хос назарий, амалий ва илмий-тадқиқий жиҳатлари ҳақида муайян билим ва малакаларни пухта эгаллаш талаб қилинади. Чунки меҳнат фаолияти ва шахсининг ўзига хос психологик табиати ўртасидаги уйғунликни таъминламай туриб юксак муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

5.2. Меҳнат жамоаларида психологик хизматнинг ташкил этилиши

Меҳнат жамоаларида ижтимоий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни ривожлантириш муаммосига бағишланган ишлар мазмуни ҳақида батафсил мулоҳаза юритадиган бўлсак, меҳнат жамоаларида ташкил этилиши лозим бўлган психологик хизматнинг ижтимоий қиммати ва ундан келиб чиқувчи асосий йўналишлари ҳақида, шунингдек, айрим меҳнат жамоаларида олиб борилган психологик хизмат натижалари хусусида тўхталишга тўғри келади

Шунга мувофиқ, меҳнат жамоаларида ташкил этилган психологик хизматнинг айрим йўналишларига ижтимоий-психологик ва илмий-амалий жиҳатдан эътибор қаратиш ўринлидир.

Психологик хизмат тизими тадқиқ этилишининг илмий-ташкилий йўналиши турли мамлакатларда турли тартибдаги мазмунга эга эканлиги билан характерлидир. Масалан, аксарият ғарб мамлакатларида психологик хизмат кўрсатиш тизими махсус тайёргарликдан ўтган психологлар ёки психология маркази аъзолари томонидан амалга оширилади. Бинобарин, АҚШда психология иттифоқларининг 15000 дан ортиқ, Нидерландияда 3150 дан ортиқ, Италияда 2500 дан ортиқ, Буюк Британияда 1972 дан ортиқ расмий аъзолари аҳолига психологик хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш ишига жалб этилганлар.

Марказий Ҳамдўстлик давлатларида эса психологик хизматнинг илмий- ташкилий йўналиши 2 турдаги модел асосида амалга оширилиб келинди.

1.Худудий психологик хизмат марказлари томонидан (махсус келишилган вақтинчалик шартнома асосида).

2.Йирик саноат ва ишлаб чиқариш муассасаларида махсус билим, малака ва тажрибага эга бўлган доимий ишловчи амалиётчи социолог-психологлар томонидан.

Таъкидлаш жоизки, бу борада Болтиқ- бўйи давлатлари жуда бой тажрибага эга. Мустақиллик шарофати туфайли кундан-кунга ривожланиб бораётган Ўзбекистон давлатида ҳам психологик хизматнинг илмий-ташкилий фаолиятида оз бўлсада, маълум ижобий силжишлар намоён бўлмоқда. Бу эса Ўзбекистонда расмий тарзда кенг қулоқ ёзаётган психологик хизматнинг кўламини янада такомиллаштириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги психологик билимларнинг амалиётда (меҳнат жамоаларида) татбиқ этилишини яққол ифода этувчи психологик хизматнинг илмий-ташкилий мазмунини куйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1-модел.Меҳнат жамоаларига махсус шартнома асосида психологик хизмат кўрсатиш. Бунда йирик ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоалари маъмурияти билан белгиланган тартибда шартнома тузилиб, жамоадаги барча социологик-психологик хусусиятлар ва имкониятлар чуқур ўрганилади, таҳлил қилинади ва тегишли тавсиялар берилади. Бу борада Республикамизда талайгина тажрибалар тўпланган. Масалан, Тошкент Давлат Университети психология кафедраси аъзолари томонидан Э.Ғозиев ва З.Душабоевлар раҳбарлигида 1974-1996 йиллар давомида ўнлаб йирик корхоналарда ижтимоий психологик хизмат жорий қилинди ва анча муваффақиятли фаолият кўрсатилди. Шунинг-дек, Бухоро давлат университети “Психологик хизмат маркази” ходимлари томонидан республикадаги ўнлаб меҳнат жамоа-ларида ижтимоий-психологик хизмат кўрсатилди ва кўрсатил-моқда.

Айни пайтда, бугунги кунда мамлакатимиздаги илғор психологлар ва психология лабораториялари, кафедралари

томонидан катор меҳнат жамоаларига у ёки бу даражада психологик хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда.

2-модел. Бевосита муассасанинг ўзида мутахассис томонидан психологик хизмат кўрсатиш. **I.** Мазкур модел ўзининг қулайлик ва самарадорлиги жиҳатидан ниҳоятда кенг қўламли эканлиги билан характерлидир. Чунки меҳнат жамоасида юз бераётган ҳар бир вазият бевосита психологнинг кўз ўнгида содир бўлади. Шунингдек, жамоадаги ҳар бир шахснинг ўзига хос психологик тузилишини (шахснинг билиш жараёнлари, ҳиссий-иродавий сифатлари, индивидуал-психологик хусусиятлари) ва унинг касбига мос психологик имкониятларини мунтазам ўрганиб бориш учун муҳим замин ҳозирланди. Бу эса, табиийки, жамоадаги ижтимоий-психологик иқлимни янада яхшилашга, ҳар бир ишчи-ходимнинг психологик имкониятларидан унумли фойдаланишга ва шулар асосида жамоадаги меҳнат рентабеллигини оширишга хизмат қилади.

Республикамизда мазкур модел асосида психологик хизмат тизими ташкил этилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (масалан: Тошкент Авиация заводи, “Малика” иппиғирув бирлашмаси, “Юлдуз” бирлашмаси, Тошкент ва Бухоро-1 темирўл локомотив депоси ва в.х) фаолияти ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, психологик хизматнинг ташкилий томонларини корхона раҳбари ўз зиммасига олган. Бу эса барча ишчи-ходимларнинг “психологик кўрикдан” ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, Бухоро-1 локомотив депосида ҳар бир ишчи ходим учун ишга қабул қилинишдан олдин маъмурий тарзда тиббий кўрикдан ташқари алоҳида “психологик кўрикдан” ўтиш ва маълум ижтимоий-психологик кўрсатмалар асосида ўз иш фаолиятини ташкил этиши қатъий тадбир сифатида қабул қилинган ва бунга тўла-тўқис амал қилинади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу тадбир бир томондан психолог масъулиятини оширса, иккинчи томондан эса жамоадаги психологик хизмат тизими жорий қилинишининг илмий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва истиқболини белгилашга ёрдам беради.

Албатта, мазкур модел асосида психологик хизмат ташкил этилишининг самарадорлиги бекиёсдир. Лекин республика миқёсида олинадиган бўлса, мутахассисларнинг ниҳоятда тақчиллиги мазкур модел асосида психологик хизматни ёппасига жорий этишда жиддий мушкуллик туғдирмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда талайгина меҳнат жамоаларида худудий психологик хизмат кўрсатиш марказлари орқали махсус шартномалар асосида иш олиб борилмоқда.

Демак, Ўзбекистондаги меҳнат жамоаларида психологик хизмат ташкил этишнинг илмий-ташкилий йўналишлари юқорида қайд этилган иккала модел асосида таркиб топганлиги билан характерланади

II. Психологик хизматнинг илмий-услубий йўналиши.

Кўпгина ижтимоий-психологик адабиётларда психологик хизматнинг илмий ва методик йўналишлари борасида турли хил фикрлар билдирилади, қайсики меҳнат жамоаларида психологик хизматни ташкил этишда ва унинг илмий-услубий йўналишларини белгилашда уларга асосланиш мумкин. Масалан, В.Г.Лоос ўз тадқиқотларида саноатдаги психологик хизматнинг илмий йўналиши “шахс ва меҳнат”, “Шахс ва касб”, “Шахс ва жамоа”, “Шахс ва психик хусусиятлар” ўртасидаги психологик боғлиқликни ўрганишга ва таҳлил қилишга қаратилиши лозимлигини асослаб беради. Шунингдек, у психологик хизматнинг услубий йўналишини “меҳнат мотивацияси”, шахсларнинг профессионал (касбий) сифатлари, турли хил кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, корхонадаги ижтимоий психологик кайфиятни кўтариш каби ҳолатларни ривожлантириш билан боғлиқ усулларни муваффақиятли қўллай олиш асосида талқин қилади.

Тадқиқотчилар А.В.Филиппов, В.К.Линский, В.Н.Князевлар эса ижтимоий психологик хизматнинг илмий ва услубий йўналишини қуйидаги тўрт асосий вазифани, яъни: 1)-меҳнат фаоллигини ошириш, 2)-рахбар ва ишчи-ходим ўртасидаги муносабатлар тизимида жиддий, эътибор бериш; 3)-меҳнат малакаларини ривожлантириш; 4)-меҳнат жамоасидаги тарбиявий ишлар кўламини ҳар томонлама муваффақиятли

бажаришдан иборат, деб тушунадилар ва бу борада ўзларининг қатор назарий-илмий тавсияларини тақдим этадилар.

Москва давлат университети профессори, меҳнат психологияси бўйича таниқли олим Е.А.Климов ўз тадқиқотларида меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги тўрт белгисини кўрсатиб ўтади:

1-меҳнат фаолиятининг ижтимоий қимматини англаш;

2-ижтимоий мақсадни англаш;

3-фаолиятда ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини англаш;

4-ишлаб чиқариш муносабатлари ва шахслараро муносабатлар билан боғлиқ меҳнат фаоллигини намоён қилиш.

Е.А.Климов томонидан мазкур белгиларнинг тўлиқ ва мукамал бажарилишини таъминлаш ижтимоий психология ва меҳнат психологиясининг асосий илмий-услубий вазифаси эканлиги уқтирилади.

Таниқли психолог В.С.Магун психологик хизматнинг барча илмий-услубий вазифаларини фаолият маҳсулдорлиги ва шахс эҳтиёжлари уйғунлигини қондириш диапазонида тадқиқ қилади ва тегишли эмпирик маълумотлар беради.

Ғарб ижтимоий психологиясида ҳам 60-70-йилларда Л.Портьер, Э.Лоулер, Д.Шваб, Л.Каммингис, Э.Локк каби олимлар томонидан фаолият маҳсулдорлиги ва ижтимоий қониқиш уйғунлигини таъминлаш муаммоси меҳнат жамоасидаги илмий-услубий йўналиш сифатида эътироф этилиб, бу жараёнда асосан ташқи (extrinsic) ва ички (intinsic) омилларнинг ижтимоий психологик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш тавсия этилади.

Демак, меҳнат жамоаларидаги ижтимоий психологик хизматнинг илмий-услубий йўналишлари ҳар бир ишчи ходимнинг ўз меҳнат фаолиятдан ижтимоий қониқишга ва уни тўла-тўқис таъминловчи омилларга қаратилиши лозим эканлиги ва бу ижтимоий психологик муҳофаза имкониятларини такомиллаштириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш вазифаси билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади.

Бинобарин, психологик хизматнинг илмий-услубий йўналишини корхонадаги ижтимоий, ишлаб чиқарув ва бошқарув тизимида ижобий таъсири асосида ҳам тасаввур қилиш лозим,

деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотчи Н.И.Лапин ишлаб чиқариш жамоаларида қуйидаги 3 йўналишда илмий-услубий вазифалар мажмуаси мавжудлигини эътироф этади:

1.Ишлаб чиқарув – иқтисодий йўналишнинг ҳар бир корхона ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

2.Ижтимоий-интегротив йўналиш вазифаси – жамият ва ишлаб чиқариш жамоаси аъзоларининг қизиқишларини таъминлаш. Умумий мақсад асосида бирлашиш, ҳамжиҳатликка эришиш учун тегишли тадбирларни белгилаш;

3.Бошқарув-тарбиявий йўналишдаги вазифа – жамоа аъзоларида масъулиятлилик, ташаббускорлик, меҳнатга онгли ижодий ёндашув, юқори ижтимоий ва ишлаб чиқарув фаоллигини таркиб топтира бориш.

Демак, ҳар бир меҳнат жамоасидаги психологик хизмат ташкил этилишининг илмий-услубий вазифалари шу жамоадаги ижтимоий-иқтисодий самарадорликни юксалтиришга қаратилади.

Ижтимоий психологияда маълум бўлган юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ҳар бир меҳнат жамоасида ташкил этилган психологик хизматнинг илмий-услубий йўналишини қуйидаги вазифалар асосида белгилаш мумкин.

1.Корхонадаги ҳар бир шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини (темперамент, характер, қобилиятлар) аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган усуллар мажмуасини танлай ва қўллаш билиш;

2.Ҳар бир шахснинг ҳиссий-иродавий сифатларига тўғри баҳо бера олиш, айрим стресс ҳолатларни бартараф этувчи усуллар ҳақида тегишли билим ва маълумотларга эга бўлиш;

3.Жамоадаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ ижтимоий-психологик иқлимнинг барча жиҳатлари ҳақида етарли назарий ва методик маълумотларга эга бўлиш;

4.Шахсий ва касбий сифатлар адекватлигини таъминлашга оид маълумотлар, усуллар ва методик тавсияларни ишлаб чиқиш;

5.Жамоадаги умумий меҳнат рентабеллигига ижобий ва салбий таъсир этувчи психологик омиллар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш;

6. Меҳнат фаоллигини шахснинг ижтимоий психологик фаоллиги сифатида тушуниш ва қарор топтиришга қаратилган барча назарий-илмий ва услубий маълумотларга эга бўлиш;

7. Жамоадаги ижтимоий-психологик меҳнат экспертизаси дастурини тузиш;

8. Меҳнат жараёнига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишда тиббий, экологик, педагогик, иқтисодий ва бошқа соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

9. Меҳнат жамоаси ва ҳар бир ишчи-ходимнинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш ва тегишли тадбирларни белгилаш;

10. Шахс-фаолият-жамият уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи иш дастурини тузиш ва унинг амалга оширилишини режалаштириш.

Бундан ташқари барча меҳнат жамоаларида ташкил этилган психологик хизматнинг психологик ҳимоя воситаси сифатида қуйидаги умумий амалий вазифаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим:

1. Жамоада ташкил этилган меҳнат жараёнининг ижтимоий психологик ютуқларини, камчиликларини ва имкониятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли тадбирлар белгилаш;

2. Ҳар бир шахс (ишчи-ходим)нинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятлари кўламига ҳар томонлама тўғри-адекват баҳо бера олиш;

3. Ҳар бир шахснинг ўзига хос хиссий-иродавий хусусиятлари ва имкониятлари кўламига илмий жиҳатдан адекват баҳо бера олиш;

4. Жамоадаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ мавжуд зиддиятларни муваффақиятли бартараф этиш ва намоён этилиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш учун ҳамкорлик фаолияти талабларини томонлар томонидан не чоғлик бажарилаётганлигини ёки назорат қилиб бориш орқали ҳамкорлик фаолиятига жалб этилган томонлар ҳаракатидаги ижтимоий-психологик мутаносибликни аниқлаш ва уни фаолият талабига мувофиқлаштириш;

5. Ҳар бир ходимдаги ўз меҳнат фаолиятидан ижтимоий маънода қониқаётганлик ва қоникмаётганлик жиҳатларини тўғри белгилай олиш;

6. Касб ва шахс имкониятлари мутаносиблигини белгилай олиш;

7. Ҳар бир шахсда намоён бўлаётган меъерий-ҳиссий фаоллик жиҳатларини (ўз-ўзидан қониқиш, ўз-ўзини фаолиятга мослаштириш, ўз-ўзини муваффақиятли идора қилиш) пухта ўрганиш ва шу асосда тегишли тадбирлар (индивидуал-психологик) маслаҳатлар, психотренинглар, турли машғулотлар, аутотренинглар ва ҳоказолар) олиб бориш;

8. Ҳар бир ишчи-ходим фаолиятидаги ўз-ўзини ва ўзгаларни тўғри англай олиши билан боғлиқ фаол-ижобий муносабатларнинг қарор топтирилиши учун маълум тадбирларни белгилаш ва уни мунтазам равишда амалга ошира бориш;

9. Ҳар бир ходимнинг ўз-ўзидан унумли фойдалана олиш имкониятларини очиб берувчи психологик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;

10. Ҳар бир ходимга фаолият ва индивидуал имкониятлар мутаносиблиги, айти пайтда, ўз ижтимоий эҳтиёжларининг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолият талабларини бажаришдаги ўз индивидуал услубини танлашда ва муваффақиятли татбиқ этишида мунтазам равишда амалий ёрдам бериб бориш. Чунончи, барча меҳнат жамоаларида психологик хизматни ташкил этиш ва унинг ижтимоий психологик муҳофаза имкониятларини камол топтиришдаги илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ қилишда К.К.Платонов ва Г.Г.Голубевлар томонидан ишлаб чиқилган “Меҳнат экспертизаси психологияси”га оид тавсиялар ва “Меҳнатни ташкил қилиш психологияси”га оид кўрсатмалар ҳамда Ш.Р.Баротов томонидан ишлаб чиқилган муайян тавсияларни асос қилиб олиш мумкин. Бундан ташқари ижтимоий-психологик муҳофаза учун муҳим бўлган юқоридаги қўлланмаларга мувофиқ қуйидагиларга эътибор қаратилиши шарт:

Меҳнат жамоаларида ташкил этилган “Меҳнат экспертизаси” ҳар бир ишчи-ходимнинг психологик муҳофазасини таъминлашга қаратилган қуйидаги умумий масалаларни бажаради: 1) мазкур

киши муайян ишни бошлай оладими; 2) у ўзи эгаллаган вазифа лавозимида ишлаб кета оладими; 3) мазкур кишидан қайси ишда фойдаланса яхшироқ бўлади; 4) агар бахтсиз ҳодиса юз берса, у ишчининг хусусиятига қай даражада боғлиқ бўлган ҳолда, хусусан, уни ишга қўйилганда хато қилинмаганми каби масалалар меҳнат экспертизасининг мазкур касб вазифалари ҳамда уларни ҳал қилиш усулларини белгилайди.

Меҳнат фаолиятининг барча турларида ташкил этилган ижтимоий-психологик меҳнат экспертизасининг асосий вазифалари:

1. Ёши, соғлиги, маълумоти психологик ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра ноқобил бўлган киши ишга киришининг олдини олиш.

2. Мазкур касбга лаёқатли, ихтисос бўйича иш вазифасини ўз соғлиги ва тегишли меҳнат унумдорлигига зарар етказмай бажара оладиган кишиларни танлаш.

3. Бажараётган меҳнат турига негадир лаёқатсиз бўлиб қолган шахсни ўз вақтида ишдан четлаштириш, дам бериш, даволаш ёки бошқа кучи етадиган ишга ўтказиш.

4. У ёки бу ишчи ходимнинг корхонадаги қайси меҳнат турига лаёқатли эканини аниқлаш ва унга касбий маслаҳат тарзида у ёки бу меҳнат турини тавсия қилиш. Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиш тартиби 1-расмда ўз ифодасини топган.

Табиийки, ҳар бир шахснинг фаолиятга нисбатан ижтимоий психологик муҳофазасини таъминлаш учун ташқи муҳитнинг зарарли таъсирини йўқотиш ёки пасайтириш муҳим аҳамият касб этади. Масалан:

1. Меҳнатни нотўғри ташкил этиш билан боғлиқ бўлган зарарлар:

- 1) ишнинг ҳаддан ташқари узок давом этиши;
- 2) ишнинг ҳаддан ташқари мураккаблиги;
- 3) қоматнинг узок муддат мажбуран бир ҳолатда бўлиши;
- 4) меҳнатнинг номуъамалий режими;
- 5) нафас олиш органлари, марказий асаб тизими ва сезги аъзоларининг зўриқиши.

2. Ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ зарарлар:

А. табиий омиллар:

1) ноқулай об-ҳаво шароити; нурланиш иссиқлиги, ҳаво намлигининг ҳаддан кўп ёки кам бўлиши, ва ҳаво ҳаракатининг ноқулай алмашилиши;

2) қисқа тўлқинли ва очиқ нурланиш, ультрабинафша, рентген, радиоактив; нурнинг ҳаддан ташқари очиқ манбаи;

3) меъёрий ҳаво босими;

4) шовқин ва титраш;

В. ҳимиявий ва физик-ҳимиявий омиллар:

1) ишлаб чиқаришда хом ашё ёки унга бехосдан қўшилиб қолган аралашма сифатида, шунингдек, ишлаб чиқарилган ўрталик ёки охириги маҳсулотда учрайдиган заҳарли моддалар;

2) ишлаб чиқариш чанги;

3) биологик омиллар;

а) инфекция ва инвазия (микроблар, глисталар ва ҳоказо);

б) касал ҳайвонлар ва тишлаш, чақиб олиш хавфи бўлган бошқа жониворлар.

3. Иш жойида умумий санитария шароитидаги нуқсонлар билан боғлиқ зарарлар:

1) зарур ҳимоя асбобларининг етишмаслиги;

2) хизмат хонасидаги нуқсонлар;

3) иш жойини ёритишдаги нуқсонлар;

4) иш биносининг тузилиши ва сақланишидаги нуқсонлар;

5) очиқ ҳавода ишлаганда об-ҳаво шароитининг ноқулай таъсири.

б) айти пайтда, психологик хизмат ташкил этилган жамоаларда меҳнат сифатига ҳам ижтимоий-психологик жиҳатдан жиддий эътибор бериш кўзда тутилади. Зеро, меҳнат сифати дейилганда унинг умумий хавфсизлиги, бенуқсонлиги ҳамда ишчи ходимни қаноатлантириш бирлиги тушунилади. Бунинг учун ҳар бир ишчи ходимдаги ўз-ўзини ижтимоий-психологик муҳофазасига салбий таъсир этувчи “хато”, “нотўғри” ҳаракатларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тузатиб бориш талаб қилинади. Хато ҳаракатлар аста-секин мураккаблашиб борувчи турларга бўлинади (яъни тасодифий хато ҳаракатларни, одатдаги хато ҳаракатлар, вақтинча хато ҳаракатлар, даврий хато ҳаракатлар в.х), ҳар бир ишчи ходимда

содир этилиши мумкин бўлган ушбу хато ҳаракатлар ижтимоий-психологик ёндашув орқали бартараф этилмас экан, корхонада сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, бахтсиз ҳодисалар рўй бериши ва инсон саломатлигига путур етиши шак-шубҳасиздир.

Меҳнат экспертизасининг объекти – инсон (шахсни психологик меҳнат экспертизасидан ўтказиш учун) ва меҳнатнинг ўзаро муносабатларидир. Меҳнат экспертизаси, жумладан, психологик экспертиза ҳам прогностик, ҳам ретроспектив бўлиши мумкин.


Прогностик-психологик меҳнат экспертизаси психодиагностика асосида текширилувчининг бундан кейинги фаолияти хусусиятларини олдиндан кўра олиш масалаларини ҳал қилади. У ўрта мактабдаёқ ўсмирларни касбга йўналтиришдан бошланади, у ердаги ўқиш жараёнида давом этиб, ишлаб чиқаришда яқунланади. Ўсмирларнинг ўқув ҳамда ишлаб чиқариш меҳнатидаги ютуқ ва камчиликларни олдиндан кўра билиш, яъни психопрогностика билан шуғулланиш ғоят муҳим ва фавқулодда мураккаб вазифадир. Ўзлаштирилаётган касбни ўсмирнинг шахсий фазилатларига талабларини, унда ўқиш ва меҳнатга бўлган зарур қобилиятларнинг мавжудлигини, ундаги умумий ва касбий қобилият қандай ривожланаётганини, ўқиш ва меҳнатнинг мазкур турига қандай муносабатда бўлаётганини билиш билан боғлиқ психологик вазифалар амалга оширилади.

Ретроспектив меҳнат экспертизаси текширилаётган шахснинг ўтган ўқув ёки меҳнат фаолиятини баҳолайди ҳамда унинг фаолият сифати пасайшининг ҳар хил шакллари (яроқсиз, жароҳат, авария)га олиб келган хато ҳаракатларнинг шахс хусусиятлари билан алоқасини кўрсатади. Бу ишни нафақат педагоглар, балки ишлаб чиқариш инженерлари ҳам, шунингдек эксперт врачлар ва психологлар ҳам амалга оширишлари мумкин. Ретроспектив меҳнат экспертизаси учун ўрганилаётган ҳаракат сифатига талабни, психик хусусият ҳамда текширилувчининг таҳлил қилинаётган хатоси ва ҳодисалар содир бўлган пайтдаги ҳолатини билиш муҳимдир.

Бунда психогигиена, психология, гигиена ва психиатрия фанларининг ўзаро уйғунлиги ва интеграциясига таяниб психологик хизмат жараёни ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат психологияси талабларига асосланган меҳнат экспертизасининг вазифалари

5.1.1-расм



Меҳнат жараёнига психологик хизмат кўрсатишда
ходимларнинг чарчаш жараёнига ҳам алоҳида эътибор бериш

керак бўлади. Зеро, чарчаш фаолият натижасида меҳнат қобилияти вақтинчалик пасайишининг қонуний жараёнидир. Кўпинча, чарчашни толиқишнинг енгил даражаси ҳисоблаб, уларни аралаштириб юборадилар. Бирок чарчаш – психик ҳодиса, толиқиш келтириб чиқарадиган кечинма, ўз табиатига кўра оғрик, очлик, чанқаш кечинмаларига яқин туради. Фаолиятнинг ижобий ёки салбий эмоционал фонида чарчаш ва толиқиш даражаси мос келмаслиги мумкин, бироқ чарчаш бошланаётган толиқиш ҳақида муайян даражадаги огоҳлантирувчидир. Бинобарин, психологик хизмат жараёнида ҳар бир ходимнинг у ёки бу ишга лаёқатлилигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ишга лаёқатлилиқ тушунчаси – психологик тушунча; фаолиятнинг аниқ турини хатосиз бажариш мумкинлигини белгилайди. Ишга иқтидорлилиқ – биологик тушунча бўлиб, у физиология томонидан инсон ва ҳайвондаги бир хил кўрсаткич асосида ўрганилади. Меҳнатга яроқлилиқ – социал тушунча бўлиб, мазкур инсон тўғрисидаги барча маълумотларга қараб меҳнат экспертизаси томонидан баҳоланади.

Ирода кучи, ҳаяжон, бажараётган ишга қизиқиш бошланаётган физиологик кўрсаткичлар объектив исботланган толиқишни ниқоблаши, унинг ўрнини босиши мумкин: биринчи ҳолатда ишга лаёқат пасаймайди, иккинчисида пасаяди, лекин чарчоқ сезилмайди. Бу ўринда ишга қизиқиш ташаббус кўрсатишга, топшириқни бажаришнинг янги усулларини излашга даъват этади. Бунда ишга лаёқатлилиқ баъзан пасаймайди, балки анча ортади. Бунда чарчоқ бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аксинча, ишга қизиқиш бўлмаса астеник эмоция кескин ифодаланган чарчоқнинг пайдо бўлишига ҳамда ишга лаёқатсизлиқнинг толиқишини характерлайдиган физиологик силжиш бошланишидан олдин пасайишига ёрдам беради. Психологик хизмат жараёнида ходимлардаги толиқиш ҳолатига психологик муносабатда бўлиш талаб қилинади. Зеро, толиқиш билан дам олиш ўртасидаги номувофиқлик оқибатида толиқишнинг ортиши инсонни янги сифат ҳолатига – ўта толиқишга олиб келади. Меҳнат психологиясида психологик тадбирлар ишлаб чиқиш учун толиқиш ўта толиқиш бошланишининг асосий, қўшимча ва ёрдамчи омилларини

фарқлаш муҳимдир. Толиқиш ва ўта толиқишнинг асосий сабаби меҳнат фаолиятининг ўзидир. Бироқ ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган толиқиш ўз-ўзича толиқишни келтириб чиқарадиган кўшимча омиллар туфайли анча мураккаблашиши мумкин. Ишга боришда ноқулай транспорт, ишнинг ёмон ташкил қилинганлиги ва бошқа камчиликлар, кечки кўшимча иш, спорт билан ҳаддан ташқари шуғулланиш ва ҳоказолар бунга мисол бўлади. Бундан ташқари, ўз-ўзича толиқишни келтириб чиқармайдиган, бироқ унинг пайдо бўлишига кўмаклаша бориб, уни оғирлаштирадиган ёрдамчи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бунга айрим сурункали касалликлар ҳамда жисмоний ривожланмаганлик, овқатланиш режимини бузиш, чекиш ва алкоголь, муҳитнинг ноқулайлиги ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Меҳнат жараёнига психологик хизмат кўрсатишда эса толиқиш ва ўта толиқишни енгиллаштиришга қаратилган кўшимча ва ёрдамчи тадбирлар турли хил психотренинглар олиб бориш керак бўлади. Чунончи, толиқиш уч хил кўринишда намоён этилиши мумкин: жисмоний (ўтин ёриш, ер ишлари ва ҳоказо), ақлий (педагогик ёки интеллектуал), эмоционал (хавфли шароитларда ишлаш). Бу эса толиқишнинг психологик аломатлари ниҳоятда ранг-баранг ва беқарорлигидан дарак беради. Жумладан, миёда толиқиш таъсири остида турли хил анализаторларнинг сезгирлиги пасаяди. Ҳаракат соҳасида сенсомоторли мувофиқлаштириш ёмонлашади. Ортикча ҳаракатлар пайдо бўлади, оддий ва мураккаб сезгирлик тезлиги ҳамда мураккаб сезгирликнинг аниқлиги пасаяди, ақлий қобилият ва диққат интенсивлиги ҳам сусаяди: хотирадан тушиб қолиш ва эслашнинг қийинлашуви пайдо бўлади, диққатни тақсимлаш ва бошқа объектга қаратиш (ўзгартириш) қийинлашади. Толиқиш кундузги уйқучанлик ва кечалари уйқунинг бузилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда барча ходимларга муайян мақсадга қаратилган психокоррекцион тренинглар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса психологик хизмат жараёнида меҳнат фаолиятига самарали психологик таъсир қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5.3. Меҳнат жамоаларида шахслараро муносабат таҳлили ва унинг психологик имкониятлари

Психологик хизматнинг асосий вазифалари сирасига ўзига хос услубда шаклланган социал психологик хизмат кўрсатиш мазмунини ҳам киритиш мумкин. Бунда асосан умумпсихологик хизмат кўрсатишнинг таркибий қисми ҳисобланмиш саноатда социал психологик фаолиятни ташкил этиш ишлаб чиқариш корхоналари, давлат ҳамда хусусий муассасалари учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур хизмат тури ўз ичига бир неча туркумдаги, ўзига хос ишларни қамраб олади ва муайян соҳа ихтисослигига асосланиб уюштирилади.

Социал психологик хизматни уюштиришда жаҳон психологларининг бой тажрибасига асосланган ҳолда миллий, ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиш талаб қилинади. Бу борада мамлакатимизнинг кўп йиллик тажрибаси мавжуд ва бу тажриба маълум самаралар бермоқда.

Жаҳон тажрибасига асосланиб социал психологик хизматни қуйидаги туркумларга ажратиб, сўнг уларнинг шакли, мазмуни ва фаолият кўрсатиш усуллари юзасидан маълумот бериш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоаларига психологик хизмат;
2. Илмий жамоаларда социал психологик хизмат;
3. Оилага психологик хизмат;
4. Уюшган ва уюшмаган ёшларга психологик хизмат;
5. Махсус муассасаларга психологик хизмат;

Меҳнат жамоаларига психологик хизмат кўрсатишда психологнинг вазифалари:

1. Корхона ходимлари, хизматчилари таркиби ва унинг психологик имкониятлари билан танишув.

2. Корхоналарнинг атрибутлари, анъаналари, авлодлар ворислиги юзасидан илмий-амалий хусусиятли маълумотлар тўплаш.

3. Корхоналараро, шахслараро, раҳбариятлараро психологик муҳит ва унинг ўзига хос жабҳалари юзасидан маълумотлар йиғиш.

4. Раҳбарият иерархияси ва унинг мақсадга мувофиқлигига тааллуқли муаммолар моҳиятини аниқлаш.

5.Раҳбарнинг психологик қобилиятлари ва уларнинг шаклланганлик даражаларини ўрганиш.

6.Раҳбарнинг шахсий фазилатлари ва унинг меҳнат жамоаси тараққиётига таъсири (ижобий, салбий).

7.Раҳбарнинг эмоционал иродавий ва когнитив хусусиятларини ўрганиш.

8.Раҳбарнинг иш услублари ва унинг психологик самарадорлигини ўрганиш.

9.Раҳбарнинг умумжамоага ва айрим психологик ҳолатларига нисбатан муносабати талқини.

10.Раҳбарнинг муомала маданияти ва унинг психологик механизмларга мутаносиблиги.

11.Раҳбар ва унинг қўл остидаги кишилар ўртасидаги шахслараро муносабат мазмуни билан танишув.

12.Ходимлар, хизматчилар фаоллигини оширишнинг психологик асослари, омиллари ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири ва умумий меҳнат рентабеллигига таъсирини ўрганиш.

13.Ходимлар ва хизматчиларнинг этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиш, унга қатъий риоя қилинишига баҳо бериш.

14.Миллий анъаналар, маросимлар, урф-одатлар кабиларнинг ишлаб чиқаришига таъсирини тадқиқ этиш.

15.Шахслараро муносабат жараёнида қатнашчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятларига эътибор қилиш.

16.Аёллар жамоаси ва уларнинг бошқарувга таъсирини белгилаш.

17.Муомала маромлари, сеҳрлари, улардан амалий фаолиятда фойдаланишнинг ютуқлари ва нуқсонларига эътибор-ни қаратиш.

18.Моддий ва маънавий рағбатлантиришда психологик қоидаларга риоя қилишни таъминлаш.

19.Ишлаб чиқариш корхоналарининг норасмий лидерлари ва уларнинг психологик хусусиятлари, устувор томонларини тадқиқ этиш.

20.Жамоаларда низоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари манбааларини ўрганиш ва бу борада тегишли методикаларни қўллаш.

21.Жамоалардан низоли вазиятлар даражаларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш йўллари қидириш, тавсиялар яратиш.

22. Оилавий низо масаласи ечимини ҳал қилиш жараёнида раҳбарият иштирокини амалий жиҳатдан текшириш.

23. Бошқарув тизимининг барча бўғинлари билан ўзаро алоқасини психологик жиҳатдан тадқиқ қилиш.

24. Бошқарувнинг ўзига хос усуллари психологик жиҳатдан текшириш ва мавжуд бўлган оқиллик жиҳатларини умумлаштириш.

25. Эмоционал зўриқиши мавжуд, стресс, аффект ҳолатидаги ходимлар, хизматчилар ва уларга психологик ёрдам уюштириш.

26. Маданий эҳтиёжга нисбатан ходимлар, хизматчилар талабини ўрганиш ва мулоҳазаларини муайян психологик талаблар асосида тизимлаштириш.

27. Корхоналарда ходимлар ва хизматчилар қўнимсизлиги муаммоси ва унинг сабабларини аниқлаш юзасидан кенг қўламдаги тадқиқот ишларини олиб бориш.

28. Расмий гуруҳларнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш.

29. Норасмий гуруҳларнинг психологик хусусиятлари билан изчил равишда босқичма-босқич танишиш.

30. Гуруҳлар ва жамоаларнинг демографик таркибига биноан, уларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш.

31. Жамоа ва гуруҳларнинг алоҳида аъзоларининг индивидуал-типологик хусусиятларини тажрибада текшириш.

32. Ходимлар ва хизматчилар малакасини оширишнинг психологик жабҳаларини текшириш.

33. Мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ихтисослик бўйича тақсимлаш фаолиятида бевосита қатнашиш ва бу жараёнда психологик талабларнинг бажарилишини таъминлаш.

34. Жамоа аъзолари иштирокида маълум коррекцион мақсадга қаратилган социал-психологик тренингларни йўлга қўйиш.

35. Жамоа ичидаги ёлғон, уйдурма, сохта хабарлар ва унинг кишиларга таъсир даражасининг талқини билан шуғулланиш.

36. Ходимлар ва хизматчиларга оммавий таъсир этиш шакллари қўллаш.

37. Психолог хонасини жиҳозлашда ўзига хос психологик механизмларга ва қоидаларга риоя қилиш.

38.Жамоада суҳбатлар ва тренинглари ташкил қилиш ва уларни инсон шахсини шакллантиришдаги ролини белгилаш.

39.Жамоа аъзоларидаги касбий компитентлик намоён этилишининг психологик асосларини ўрганиш ва шу асосда ҳар бир ходим учун тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш.

40.Ўз компитентлиги доирасида ҳар бир ходим учун шахс харитасини тузиш ва шу асосда у билан индивидуал психологик ва коррекцион ишлар олиб бориш кўламини белгилаш.

41. Жамоадаги у ёки бу шахсни стрессга олиб бориши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатни олдиндан кўра билиш ва уни бартараф этиш учун аниқ йўналтирилган тадбирлар кўламини белгилаб бориш.

Меҳнат жамоасидаги психолог томонидан ушбу вазифаларнинг бажарилиши жамоага психологик хизмат кўрсатишнинг юқори савияда бўлишини таъминлайди.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар:

- 1.Меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг психологик моҳияти нималардан иборат?
- 2.Касбий қобилият ва малакаларга психологик таъриф беринг?
- 3.Меҳнат психологиясининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- 4.Меҳнат экспертизаси ва унинг психологик моҳиятига таъриф беринг?
- 5.Ҳамдўстлик давлатларида ташкил этилган психологик хизматнинг икки турдаги модели ҳақида сўзлаб беринг?
- 6.Ўзбекистондаги меҳнат муассасаларида ташкил этилган психологик хизмат модели ва унинг амалий-татбиқий йўналишларига мисоллар келтиринг?
- 7.Меҳнат жамоаларида ташкил этилган психологик хизматнинг илмий-услубий йўналишлари ҳақида батафсил маълумотлар беринг?
8. Меҳнат жараёнини муваффақиятли ташкил этишга таъсир этувчи ижобий ва салбий психологик омилларни тушунтириб беринг?

9. Меҳнат жамоаларида шахслараро муносабатнинг психологик таҳлили ҳақида гапириб беринг?

10. Меҳнат рентабеллиги ва унинг психологик имкониятлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларингизни билдиригиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Меҳнат жамоаларида психологик хизмат ташкил этилишининг назарий асослари ва амалий-татбиқий вазифалари.

2. Меҳнат экспертизаси ва унинг психологик моҳияти.

3. Меҳнат жамоаларида шахслараро муносабатни тўғри ташкил этишининг психологик тамойиллари.

4. Меҳнат жамоаларидаги психологик хизматнинг илмий-услубий ва илмий-ташкилий асослари.

Асосий адабиётлар:

1. Баротов Ш.Р Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане. Автореферат дисс. докт. психол. наук. – Т., 1998. – 37 с.

2. Винер Дж., Майзен Р., Дакхем Дж, Супервизия супервизора: практика в поиске теории. – М.: Когито-Центр, 2006.

3. Изард К. Эмоции человека. М., 2003.

4. Майерс Д. Социальная психология. – М.: Прогресс, 1998.

5. Немов.Р.С. Психология: Учебник для студ. выс. пед. учеб. заведений: В 3 к.-3-е изд. – М.: Асискт Пресс, 2008. – 448 с.

6. Психологическая служба: учебно-методическое пособие В.Матвеева. – Киров: Изд-во ВятГГУ, 2007.

7. Хухлаева, О.В. Основы психологического консультирования и психологической коррекции. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. - 208 с.

8. Ғозиев Э.Ғ Менежмент психологияси. – Т.; 2001.

9. Щербатых Ю.В. Психология стресса и методы коррекции – М.: 2008.

Қўшимча адабиётлар:

1. Баротов Ш.Р ва бошқ. Экспериментал психология. – Магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: – Фан, 2008. – 108 б.

- 2.Бодалев А.А., Ломов Б.Ф., Лучков В.В. Психологическую науку на службу практике. ВП, 1979. – №4. - С. 17-23.
- 3.Жалилова С.Ҳ.,Ҳайдаров Ф.И.Касб психологияси., – Т.: ТДПУ, 2010. – 127 б.
- 4.Каримова В. Ижтимоий психология асослари. – Т.: Ўқитувчи. 1994.
- 5.Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Тошкент: “Университет”, 2009.
- 6.Каримова В.М., Холйигитова Н.Х. Психология: Ўқув кўлланма. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. – 175 б.
- 7.Лазарус Р.С.Эмоциональный стресс. – М., 1970.
- 8.Меерсон Ф.З. Адаптация, стресс и профилактика. – М.,1981.
- 9.Мохоников А.Н.Телефонное консультирования. – М.,1999.
- 10.Основы психологии: Большая энциклопедия психологии. Все тайны поведения человека /Деннис Кун. – СПб.: Прайм – ЕВРОЗНАК, 2007. – 720 с.
- 11.Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии: Учеб.пособие./В.Балин,В.К.Гайда, В.К.Горбачевский и др. Под общей ред.А.А.Крылова, С.А.Маничева. Питер, 2000. – 560 с.

Интернет ресурслари:

- <http://www.koob.ru>
- <http://www.psychology-online.net>
- <http://www.psychol-ok.ru/library/html>
- <http://www.koob.ru>
- www.psixologiya.uz
- <https://psychologiya.com>

VI БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- 6.1. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат амалиёти.
- 6.2. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида психологик хизмат.
- 6.3. Ички-ишлар тизимида психологик хизмат амалиёти.
- 6.4. Транспорт тизимида психологик хизмат амалиёти.
- 6.5. Оилавий ҳаётни ташкил этиш тизимларида психологик хизмат амалиёти.

Маълумки, бугунги кунда психологик хизмат кўрсатиш амалиёти жамиятнинг барча соҳаларига кириб бормоқда. Чунки, ҳар бир соҳанинг ўзига хос томонлари бўлса-да, мазкур соҳаларда фаолият юритувчи ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал ва интеллектуал хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, барча тизим жамоаларида шахс ва унинг имкониятларини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилишга йўналтирилган амалий психологлар фаолияти ҳақида тегишли тасаввурларга эга бўлиш керак бўлади. Чунончи, ҳар бир тизимдаги психологнинг вазифалари, бурчлари, ҳуқуқлари давлат томонидан назорат қилинади. Амалиётчи психологлардан эса ўз соҳасини чуқур билиш ва ҳар қандай вазиятда психологик нуқтаи назардан тўғри йўл тута билиш талаб қилинади.

6.1. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат амалиёти

Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат кўрсатиш амалиёти ўзининг бой тарихига эга. Мазкур хизмат ўз навбатида қуйидаги йўналишлар асосида амалга оширилиб келинмоқда:

1. Бошқарув тизимида кадрларни танлаш ва ишга жойлаштириш, уларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларини аниқлаш ҳамда лавозимларига тавсия қилиш ёки лаёқат даражасига биноан эгаллаган мансабидан озод этишга оид маълумотлар тўплаш.

- 2.Вазирлик ва соғлиқни сақлаш маъмуриятларида шахслараро муносабат, барқарор ишлаш муҳитини яратиш учун изланишлар олиб бориш, иллатларни бартараф қилиш, вужудга келаётган хавф-хатарнинг олдини олиш билан шуғулланиш.
- 3.Ходимлар ўртасида касбий малака ва маҳорат бўйича диагностик ишларни узлуксиз равишда ташкил этиш.
- 4.Тиббиёт маорифи, маърифатининг фуқароларга таъсир доирасини ўрганиш.
- 5.Малака ошириш институтлари ва курсларида уларни психологик тайёргарлик даражасининг юксалишига ёрдам бериш.
- 6.Муассасаларда вужудга келиши эҳтимоли бўлган психологик муаммоларни тадқиқ қилиш.
- 7.Жамоаларда соғлом психологик муҳитни шакллантириш учун муайян тадбирлар ишлаб чиқиш.
- 8.Поликлиника ва амбулаторияларда психотерапевтик машғулотлар уюштириш ва аутоген тренировка методларини қўллаш.
- 9.Кўп тармоқли соҳага оид маҳаллий матбуотда психогигиена, психопрофилактика, психодиагностика бўйича мақолалар босиб чиқариш.
- 10.Музикатерапия, функционал музика ҳақида эшиттиришлар ташкил қилиш.
- 11.Психологик хизмат хонасини ташкил қилиш ва уни техникавий жиҳозлаш, мижозларни махсус методикалар орқали саралаш.
- 12.Касаллик турига қараб мижозлар билан махсус психологик тадбирлар ўтказиш.
- 13.Операцияларга беморларни психологик жиҳатдан тайёрлаш, кўрқинч ҳисларини йўқотиш.
- 14.Мижоз ва врач ўртасида муомала маромининг мақсадга мувофиқ амалга ошишини таъминлаш, ўзаро ишонч ҳиссини уйғотиш.
- 15.Безовталаниш, ҳадиксираш, ҳаяжонланиш сингари ҳис-туйғуларнинг олдини олиш учун махсус методларни қўллаш.
- 16.Беморларни ўзига-ўзи буйруқ беришга, ўзини-ўзи тетиклаштиришга, оптимистик туйғу билан қуролланишга узлуксиз равишда тайёрлаш.

17.Беморларга таъсир ўтказиш ва гипноз ёрдамида уларни инқирозли ҳолатдан чиқариш, касаллик генезисини аниқлаш.

18.Даволашда ҳаракат, мимика, вербал, новербал ва бошқа технология самарадорлигини белгилаш.

19.Гуруҳий даволашда ўзаро мослик босқичларига эътиборни қаратиш.

20.Психотерапия билан беморларни даволаш имкониятини текшириш, индивидуал ва гуруҳий таъсир ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш:

а)ғайритабiiй жараёнларни шакллантириш: ҳар бир шахсда хотиржамлик, роҳатланиш, мароқланиш, ўзига ишонч туғилиши, фаоллик пайдо бўлиши, доимо ўзини камол топтириш туйғусининг уйғониши.

б)ўзига хос махсус хусусиятларнинг шаклланиши: ўзини-ўзи назорат қилиш; мутолаа, қироат, машқ қилишга интилиш, низоли вазиятларни ечишга хайрихоҳлик ва бошқалар.

21.Беморларни даволашда қуйидаги психотерапевтик механизмларни диққат марказида тутиш:

а)катарсис, махфiiй кечинмаларга нисбатан эмоционал акс таъсир механизми;

б)гуруҳдаги “эмоционал юқиш”, эмоционал консонанс механизми;

в)суҳбатнинг эмоционал бўлақларга бойлиги, ҳамдардлик, хайрихоҳлик туйғуларига мойиллиги бўйича механизми;

г)беморнинг врачга нисбатан шахсий эмоционал муносабатини ижобiiй омиллар асосида шакллантириш механизми ва бошқалар;

Ушбу йўналишларда психологик хизматнинг олиб борилиши соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятларни таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда, психологик хизмат амалиёти энг аввало, инсонга, унинг саломатлигига ёрдам бера олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки соғлом руҳият устиворлик қилган одамда ҳамиша ўз касбига, ҳаётга ва ўз тараққиётига бўлган ижобiiй муносабатлар бевосита намоён этилади. Натижада инсоннинг ўз ҳаётидан мамнунлиги таъминланади. Бу эса уни янада кўпроқ муваффақиятларга чорлайверади. Шу маънода барча тиббиёт муассасаларида муайян психологик қоида ва

талабларга риоя қилиниши жуда муҳимдир. Қолаверса, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг муайян психологик кўникма ва малакалар асосида олиб борилиши, бу тизимда инсон омилидан янада унумлироқ фойдаланиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Бутун жаҳон амалиётидаги таҳлилларга таяниб, шуни айтиш мумкинки, мазкур тизимдаги психологик хизмат амалиёти бир-бирини тўлдириб турувчи 3 та йўналиш асосида ташкил этилганлиги билан ҳарактерланади.

1.Тиббиёт ходимларининг психологик компитентлигини ривожлантиришга қаратилган амалиёт.

2.Беморларга муайян психологик усуллар орқали бевосита ва бавосита таъсир этиш амалиёти.

3.Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий тадқиқотларни шакллантириш амалиёти.

Биринчи йўналишда ҳар бир тиббиёт ходимининг психологик кўникма ва билимларини ривожлантириш учун муайян ишлар олиб борилади. Шунингдек, ходимларга психологиянинг назарий ва амалий йўналишлари бўйича тушунчалар бериб борилади. Айниқса, ҳар бир тиббиёт ходимининг психологик компитентлигини оширишга хизмат қилувчи тизимли ва мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб борилади. Қолаверса, вақти-вақти билан ҳар бир ходимни янги замонавий психологик методикалар ва уларни амалиётда қўллаш тартиблари билан таништириб борилади.

Иккинчи йўналишда беморларнинг индивидуал-психологик имкониятларини ўрганиш ва уни коррекциялаш амалиётини қўллаш орқали уларга психологик хизмат кўрсатилади. Бунда ҳар бир беморга алоҳида таъсир этишнинг оптимал йўллари кўрсатиб борилади.

Учинчи йўналишда эса бугунги тиббиёт психологиясининг энг янги ютуқларидан фойдаланган ҳолда психологик хизмат амалиёти учун зарур бўлган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Бу йўналишга кўпроқ магистрлар, клиник ордина-торлар, илмий ходимлар ҳамда барча мутахассисликлардаги докторантлар бевосита иштирок этишлари ва ўзларининг амалий – татбиқий ишларини олиб боришлари мумкин. Бугунги тиббиёт

муассасалари учун мазкур йўналишлар бўйича талайгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида психодиагностика маҳоратини оширишга қаратилган қўлланмалар ҳам чоп этилмоқда. Бу борада психолог олим, врач Э.М.Мухторовнинг “Врач касбий маҳорати ва психодиагностика самарадорлиги” номли монографиясида (Тошкент, 2016 йил) қайд этилган кўрсатмаларга таяниш мумкин. Унга кўра, психодиагностика маҳорати ўрганилаётган объект – беморнинг хасталиги этиологияси, кечиши, терапияси ва профилактикаси билан боғлиқ психик жараён ва ҳодисалар тўғрисида врач етарли билим ва кўникмаларига эга бўлиши тақозо қилинади.

Врачлик амалиётида психодиагностиканнинг объектлари шахсда касаллик келтириб чиқариши мумкин бўлган, касалликнинг келиб чиқишига кўмаклашадиган касалликнинг кечишини оғирлаштирадиган, касалликнинг сурункали шаклга ўтишига сабаб бўладиган психологик хусусиятлар ҳамда хулқ-атвордаги ўзига хосликлар ҳисобга олинади.

Ҳозирги замон медицинаси инсон хасталиklarининг кўпчилиги психосоматик хусусиятга эга экани тўғрисида етарли далилларга эга бўлди. Касалликларнинг психосоматик хусусиятга эга экани инсоннинг саломатлиги ўз қўлида эканини, хасталиklar учун, асосан, ўзи масъул эканини англатади. Инсоннинг касалланиши ҳам, соғайиши ҳам кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ экани аён бўла бошлади.

Инсон характеридаги қайси хусусиятлар ва қайси эмоционал ҳолатлар қандай касалликларни келтириб чиқариши мумкин экани тўғрисида кўп врачлар, айни дамда, психологлар бош қотиришди, ҳозир ҳам бош қотиришмоқда. Мазкур йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар юрак қон-томир касалликларининг инсон характери билан боғлиқлигини аниқлаш имконини берди. Бу касалликлар баджаҳл, жиззаки, хавотирланувчи ва эмоционал жиҳатдан ёпик одамларда кўпроқ юзага келиши аниқланди.

Ўз зиммасига ҳаддан ташқари катта масъулият оладиган ва тинимсиз меҳнат қилишга тайёр бўлган, атрофдагиларнинг эътирофига лойиқ бўлишга интиладиган одамларда гипертония касаллиги кўпроқ вужудга келар экан. Буйрак касалликлари

ҳамма нарсага танқидий кўз билан қарайдиган ва ҳаётдаги муҳим нарсалардан кўнгли совиган одамларда кўпроқ учрар экан. Бундай одамлар бошқалар уларни алдаяпти, ҳуқуқларини чекляпти, деб ўйлашар экан. Шу ва шунга ўхшаш салбий ҳис-туйғулар инсон танасидаги муайян салбий кимёвий жараёнлар юз беришига олиб келиши ва шу орқали хасталикларни келтириб чиқариши ҳам аён бўлди.

Ошқозон касалликлари (колит, энтерит, қабзият,) кўпинча, диққат-эътибори ўтмишга йўналтирилган, ўтмишда юз берган кечинмалардан воз кеча олмаётган, замонга янгича кўз билан қарай олмаётган одамларда кўпроқ юз бериши маълум бўлди. Агрессия, нафрат, ҳасад ва қўрқинч шундай туйғуларки, уларнинг мунтазам тарзда намоён этилиши ошқозон бузилишларига олиб келади. Инсонда шундай эмоциялар ҳам мавжудки, уларни фақат босиш эмас, балки намоён қилишга ҳам ҳаракат қилиш лозим. Узоқ муддат давомида салбий кечинмаларни бошдан кечириш, стресс ҳолатида бўлиш гастритга олиб келиши аниқланди.

Уйқусизлик сингари кўнглисиз ҳодисага ҳам инсоннинг ўзи масъул. Инсон атрофдаги воқеликдан яширинишга ҳаракат қилса, ҳаётдаги ижобий томонларни кўришни истамаса ҳам, унинг ҳаётдан кўнгли совиши, уйқусизлик каби ҳодисалар вужудга келиши мумкин.

Инсон танасида юз берадиган саратон сингари оғир хасталикларнинг келиб чиқиши ҳам маълум даражада инсон руҳиятига, сурункали стресслар ва депрессияга боғлиқ экани аниқланди. Психосоматик касалликларнинг деярли барчаси кўп жиҳатдан инсон характери, ундаги акцентуациялар, одатларга боғлиқ экани маълум бўлди. Шу муносабат билан инсон характери, унинг акцентуациялари, одатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва моҳиятини аниқлашга қаратилган психологик хизмат амалиёти юзага келди.

Бугунги кунда врачнинг ташхис қўйиш жараёнига унинг шахсий сифатлари, характери, темпераменти, билимлари ва шу билимларни амалиётда қўллаш уқувлари ва малакалари сезиларли таъсир ўтказди. Ташхис жараёнига таъсир ўтказиши мумкин бўлган хусусиятлардан бири врачнинг коммуникатив

компетентлиги ҳисобланади. Демак, психологик хизмат жараёнида коммуникативликнинг психологик жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади.

Коммуникатив компетентлик врачлар учун касбий жиҳатдан муҳим сифатдир. Чунки врачлик касби беморлар, уларнинг қариндошлари, тиббий персонал билан доимо интенсив мулоқотда бўлишни тақозо этади. Беморлар билан ўзаро муносабатларга киришиш маҳорати кўп жиҳатдан врачнинг касбий муваффақиятини таъминлайди. Қолаверса, психологик хизмат жараёнида ҳар бир бемор билан яхши психологик мулоқотга киришиш анамнезни аниқроқ тўплаш, бемор ва касаллик тўғрисида тўла ва чуқурроқ тасаввур яратиш имконини беради. Коммуникатив компетентлик бемор билан муносабатларда ўзаро ишончни, даволаш жараёнининг муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Агар бемор даволовчи врачига тўла ишонса, унинг қўйган ташхиси ва даволаш жараёни тўғрилигига шубҳа қилмаса, белгиланган барча дориларни ўз вақтида истеъмол қилади, диагностик ва терапевтик амалларнинг барчасини ўз вақтида бажаради. Врачга ишонч бўлмаса, бемор унинг тавсия ва даволарини тўла бажармаслиги, бошқа врачлардан маслаҳат сўраши ёки ўзини-ўзи даволаш билан шуғулланиши, табиблар ва фолбинларга мурожаат қилиш эҳтимоли кучаяди.

Бинобарин, ташкил этилган психологик хизмат жараёнида коммуникатив компетентлик врачнинг фақатгина муайян психологик билимларга эгаллигини эмас, шунингдек, унда муайян кўникмалар: мулоқотга осон киришиш, тинглаш, беморларнинг новербал белгиларини тушуниш, саволларни аниқ ва тўғри қўя олиш каби кўникмаларга эгаллигини ҳам тақозо қилади. Айни пайтда, врачнинг ўз ҳис-туйғуларини жиловлай билиши, ўзига ишончи, ўз хулқ-атворини ва эмоцияларини назорат қила билиши ҳам бемор билан мулоқот жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бемор ҳар қандай руҳий ҳолатда бўлса ҳам, (жаҳл, ғам, хавотирлик, умидсизлик, дахшат кабилар) врач у билан мулоқотга киришиш йўлини топа олиши ва касбий вазифаларини бажаришга кириша олиши зарур.

Врачнинг беморлар билан мулоқотга киришишида юкори

самарадорликни таъминлаши мумкин бўлган сифатлардан бири эмпатия ҳисобланади. Психологияга оид адабиётларда бу сифат туйғудошлик, ҳамдардлик, беморнинг туйғуларига шериклик сифатида изоҳланади. Тиббий психологияда эмпатиянинг бир қатор турлари фаркланади: когнитив эмпатия (интеллектуал жараёнлар - қиёслаш ва аналогияга асосланади), эмоционал эмпатия (айнанлаштириш (идентификация) механизмига асосланади), предикатив эмпатия (интуицияга асосланиб, бемор тўғрисида башорат қила олишга асосланади). Эмоционал туйғудошлик бемор билан мустаҳкам психологик алоқа ўрнатишга хизмат қилади ва у ҳақда, ҳолати, кайфияти тўғрисида тўларок маълумот олиш имкониятини, шу туфайли врачнинг компетентлигига ўтказилаётган терапиянинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун ёрдам беради.

Бемор билан мулоқот самарадор бўлиши учун врач унинг ижобий сифатларини билишдан ташқари мулоқотга ҳалақит берадиган сифатларни таҳлил қилиши ҳам лозим.

Ана шундай сифатлардан бири хавотирлиликдир. Врач беморнинг ҳолатига нисбатан хавотирга тушса ва буни яшира олмаса, беморнинг ахволи янада оғирлашиши, кайфияти тушиб кетиши каби салбий ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Хавотирликнинг даражалари турлича бўлади. Енгил хавотирлик шахснинг ноаниқ вазиятга нисбатан акс таъсирси бўлиб, вужудга келиши мумкин бўлган хавфли вазиятга нисбатан пайдо бўлади ва у адаптив функцияни бажаради. Мазкур туйғу таъсирида шахснинг компенсатор ва химоя функциялари фаоллашади. Психологик хизмат жараёнида ҳар бир бемордаги хавотирлик даражаларини ўрганиш ва тўғри талқин қилиш учун Спилбергер-Ханин; Кандаш ва Рикс-Уессман методикаларининг имкониятларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Юкорида санаб ўтилган амалларни тўғри ва аниқ бажариш учун психологнинг тафаккур жараёни, тасаввурлари, таҳлил қилиш қобилияти юкори даражада ривожланган бўлиши керак. Буларнинг бари ташхис қўйиш босқичидаги психолог тафаккурининг жараёнларга мослиги ёки компетентлигини белгилайди.

Ташхис қўйиш жараёнида врач-психологнинг психологик компетентлиги фақатгина касбий билим ва кўникмаларни эмас,

юкори маданият, такт, беморнинг аҳволини тушуниш уқуви, бемор бошдан кечираётган мураккаб психологик жараёнларни англаш ва тўғри тушуниш, шунингдек, туйғудошлик, беморга эътибор, ҳамдардлик каби ахлоқий сифатлар мавжудлигини ҳам талаб қилади.

Врач-психологнинг касалликка ташхис қўйишдаги психологик компетентлиги қуйидаги таркибий қисмлардан таркиб топади: когнитив компетентлик (касалликлар ва уларнинг намоён бўлиши ҳақида махсус билимлар; тиббий ташхис қўйишда зарур бўлган кўникма ва ўқувларнинг мавжудлиги; клиник диагностикага оид билимларни мунтазам янгилаб туриш); перцептив компетентлик (кузатувчанлик, зийраклик, билиш жараёнидаги тафаккур, идрок ва тасаввурларнинг ўзига хос хусусиятлари); тафаккур компетентлиги (ташхис қўйишдаги қоида ва қонуниятларни билиш); аклий амалларни (ҳукм, хулоса) ва аклий операцияларни (қиёслаш, умумлаштириш, тасниф қилиш ва таҳлил қилиш) кабиларни анамнез тўплаш, уни ўрганиш ва ташхис қўйиш жараёнида тўғри қўллаш; махсус компетентлик (клиник ташхисни психологик ташхис билан уйғунлаштира олиш, бемор психологиясига тез ва чуқур кира олиш, тана патологиясига оид билимларни шахс психологиясига оид билимлар билан уйғунлаштира олиш, беморнинг ҳолати ва хусусиятларини тўғри англаш, ўзининг психикаси ва бемор психикасини самарали бошқариш бўйича билим, ўқув ва кўникмаларнинг мавжудлиги); дифференциал диагностик компетентлик (асосий белгиларни аниқлаш кўникмаси, олинган натижаларга асосланиб дифференциал ташхис қўйиш қобилияти); коммуникатив компетентлик (беморни мулоқотга жалб қила олиш ва мулоқот жараёнида касаллик сабабларини аниқлаш ва бемор ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш ва ҳоказо. Муайян психологик хизмат жараёнида ушбу вазифаларнинг мунтазам равишда бажарилиб бориши тиббиёт муассасаларида психологик хизмат самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тиббиёт муассасаларида ташкил этилган психологик хизмат жараёнида шахсдаги соматеген касалликлари билан боғлиқ бўлган касаллик

аломатларига ҳам жиддий эътибор қаратишга тўғри келади. Бинобарин, соматоген жиҳатдан тақозо этилган психик бузилишлар, кўпинча, хавотирли, ваҳимали беморларда пайдо бўлади, уларнинг ҳолатида иохондрик аломатлар ҳам сезилади. Уларнинг шикоятларида асосий касаллик туфайли пайдо бўлган кўпгина неврозсимон касалликлар ҳам бўлади: улар заифлик, мужмаллик, тезда чарчаб қолиш, бош оғрири, уйқу режимининг бузилиши, ўз аҳволидан чўчиш, ҳаддан ташқари терлаш, юрак уришининг тезлашуви ва ҳоказолардан шикоят қиладилар. Бундай беморларда вақти-вақти билан пайдо бўлиб турадиган хавотирланиш ва турли даражадаги юрак сиқилиши тарзидаги ҳар хил аффектив бузилишлар қайд этилади. Бундай бузилишларни, кўпинча, гипертония, юракнинг ишемик касаллиги билан оғриган беморларда, меъда ва ўн икки бармоқли ичакда яра касаллиги бўлган шахсларда кузатиш мумкин.

Соматоген психик бузилишларга дучор бўлган беморлар психологик жиҳатдан алоҳида диққат-эътибор беришни талаб қиладилар. Бундай беморларни иккиламчи неврозсимон ёки психосоматик касалликлар сабабли ҳам даволаш зарур бўлади. Шунинг эса тутиш керакки, бу беморлар психиатрдан консултация олиш ҳақидаги таклифга ҳам жуда оғриниб жавоб берадилар, баъзилар эса бу таклифни камситувчи таклиф деб ҳисоблайдилар. Беморларнинг кўп сонли шикоятлари ва илтимосларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш, психотерапевтик йўл тутиш керак, бу улар учун шифобахш таъсир кўрсатишнинг энг муҳим методларидан бири ҳисобланади.

Амалиётчи психолог беморлар билан мулоқотда бўлганда шу нарсани билиши лозимки, невротик аломатлар, айниқса, асабийлик яққол сезилиб турадиган беморларда ғайри-табиий равишда, баъзан хасталик белгилари ҳаддан ташқари ифодаланган тарзда намоён бўлиши мумкин. Бундай беморларда, кўпинча, ятрогения ёки соррогения кўзга ташланиши мумкин.

Психолог хилма-хил психогениялар, ташвишланиш фақат мавжуд невротик аломатларнигина эмас, шу билан бирга яширин кечадиган соматик патологик жараёнларни ҳам кучайтириши мумкинлигини билиши лозим. Касалликларнинг ривожланиш

механизмида инсон организмининг яхлит бир ҳолати бўлган психик ва соматик жараёнларнинг ўзаро мустаҳкам алоқасини ҳамиша эсда тутиш зарур.

Турли даражада ифодаланган депрессив бузилишлар — енгилгина кўзга ташланган ғамгинлик-маъюслик кайфиятидан аниқ ифодаланган депрессиягача бўлган бузилишлар, айниқса, диққатни тортади. Ана шундай ҳолатлар чоғида, кўпинча, суицидал фикрлар ва уринишлар пайдо бўлади. Беморларда бундай бузилишлар рўй берганда психолог дарҳол бу ҳақда даволовчи врачга маълум қилиши ва бу борада тегишли коррекцион муолажалар дастурини тузиши керак бўлади.

Хирургик касалликлар клиникасида амалий психологнинг вазифалари

Хирурглар, операция ва палата ҳамшираларининг барча фикрлари ва диққат-эътиборлари асосий иш — жарроҳлик аралашувига қаратилади. Операция вақтида тиббиёт ходимлари билан бемор ўртасидаги бевосита алоқа амалда тўхтатилади ва хирург-врачлар, анестезиологлар, операция хонасига хизмат қилувчи медицина ходимлари ўртасидаги ўзаро ҳамжихат-лик кескин кучаяди.

Беморлардаги операция олдидан кўрқиш ҳиссининг намоён этилиши психологик тарздаги муаммоларга киради. Шунинг учун психолог ушбу вазиятни юмшатишга қаратилган психотерапевтик тренинглари олиб боради. Бемор операциянинг ўзидан, у билан боғлиқ бўлган азоблар, оғриқ, операциянинг оқибатидан кўрқиши, унинг муваффақиятли бўлишига шубҳа билан қараши мумкин ва ҳоказо. Беморнинг хавотирланишини унинг сўзларидан, хонадаги кўшнилари билан суҳбатларидан билиш мумкин. Бу ҳақда турли вегетатив белгиларга: беморнинг терлаши, юрак уришининг тезлашуви, ичи кетиши, бот-бот пешоб қилиши, уйқусизлиги ва бошқаларга қараб хулоса чиқариш ҳам мумкин. Беморнинг кўрқиши, кўпинча, илгарироқ операция қилинган беморларнинг берган «ахборот»ларидан кучайиши мумкин, бу беморлар одатда ўзлари билан бўлган барча воқеаларни бўрттириб гапирадилар. Шундай пайтларда унга психологик таъсир қила олиш муҳим аҳамият касб этади.

Беморлар айрим абзоларини олиб ташлаш (меъда резекцияси, сут безини олиб ташлаш, оёқ ёки кўлини кесиб ташлаш ва ҳоказо) операцияларга жуда оғир акс таъсир кўрсатадилар. Бундай беморларда социал ва психологик характердаги реал қийин-чиликлар пайдо бўлади. Психопатик хусусиятларни намоён қилувчи шахслар ўзларининг жисмоний нуқсонларини «бундан кейинги хаётнинг ҳалокати» деб қарайдилар, уларда суицидал фикрлар ва тенденцияларга эга бўлган депрессиялар авж олади. Медицина ходимлари бундай беморларни доимо назорат қилиб боришлари лозим.

Бундан ташқари,-миядан кетмайдиган фикрларни бартараф этишда ҳам тиббий – психологик таъсир усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, миядан кетмайдиган фикрлар неврознинг бир тури бўлиб, унда психастеник белгилар эмоционал, яъни доимий шубҳалар, кўркув, мияга азоб берувчи ғоялар, турли ҳаракатлар ва интилишлар намоён этилади. Бемор бу фикрларнинг барчасидан қутулишга ҳаракат қилади, интилади, даво чораларини излайди, лекин бу уринишлар, кўпинча, зое кетади, уни мияга ўрнашиб қолган фикрлар қийнайверади. Миядан кетмайдиган фикрларнинг доимийлиги, такрорланувчанлиги ва улардан қутулишнинг ўта қийинлиги беморни қийин аҳволга солиб кўяди. Бу ҳолатларга бемор танкидий нуқтаи назар билан қарайди, уларнинг асосли эмаслигини, ғалати эканлигини тушунади, уларга бардош беришга интилади, лекин азоб берувчи фикрлар унинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлаверади. Бемор уларни мустақил равишда енга олмайди.

Психолог беморлар билан мулоқот қилар экан уларнинг бутун онгини ва ҳиссиётларини қамраб олган фикрлар коррекциясига жиддий эътибор қаратиши керак бўлади. Жумладан, миядан кетмайдиган фикрларнинг яққол клиник кўринишлари, булар **кўркув (фобиялар)** ва мияга ўрнашган **турли ғоялардир**. Бундан ташқари психолог турли хилдаги фобияларни билиши керак. **Фобия** – бу хаёлдан кетмайдиган кўркув. Унинг қуйидаги турлари фарқ қилинади: **канцерофобия** – саратонга чалиниб қолишдан кўркиш, **кардиофобия** – тузатиб

бўлмайдиган юрак касаллигига чалинишдан кўрқиш, **лисофобия** – рухий хасталикка чалинишдан кўрқиш, **клаустрофобия** – ёпик жойдан кўрқиш (масалан, лифт хонаси, кичик хона), **агарофобия** – аксинча, очик жойлардан кўрқиш ва ҳоказо. Баландлик, метрода юриш, бирор касаллик юқиб қолиши, ифлос бўлиш ва одамлар олдида сўзга чиқишдан кўрқиш каби симптомлар ҳам **фобиялар** учун хос. Психолог ушбу ҳолатларнинг оқибатлари ҳақида тегишли билимларга бўлиши керак.

Дастлабки кўрқув муайян вазиятларда пайдо бўлади ва у мияга ўрнашиб қолади. Масалан, бемор ҳаммаёқни кўриш учун томга чиқади ва пастга қараган захоти кўрқиб кетади, боши айланади, гуё пастга қараб, қулаб тушаётгандек хавфсирайди. Бунинг оқибатида баландликдан кўрқиш ҳисси миясига ўрнашиб қолади ва кейинчалик у бошқа вазиятларда ҳам пайдо бўлаверади. Дастлаб кўрқув баландликка кўтарилиш керак бўлганда, сўнг эса баландликка кўтарилиш эҳтимоли пайдо бўлганда, сўнгра ана шу баландликка кўтарилиш керак, деган хаёлга борганда пайдо бўлади. Беморда баландликдан кўрқадиган вазиятлар борган сари кўпаяди. Эндиликда у лифтда юриш ва деразадан қарашдан кўрқади, хатто баландлик унча катта бўлмаганда ҳам чўчиб тушади. Фобиялар пайдо бўлганда вегетатив симптомлар ҳам вужудга келади, яъни беморнинг юзи қизаради ёки ранги ўчади, оғзи қурийди, юраги тез-тез уради, артериал босим ошиб кетади, тер босади, кўз қорачиқлари кенгаяди ва ҳоказо.

Жумладан, беморларда психологик хизмат жараёнида турли хил тана аъзолари билан боғлиқ кўрқувлар кузатилади. Ички аъзоларнинг оғир касаллиги пайдо бўлишидан кўрқиш, одатда, психосоматик симптомлар билан бирга кечади, яъни бемор ўз саломатлигига ҳаддан зиёд эътибор қаратади. Масалан, бемор кардиофобияда юрак уришини эшитиб туради, томир уришини санайди ёки қон босимини ўлчайверади, ҳар сафар юраги нотўғри ишлаётганидан гумонсираб, терапевтдан ЭКГ қилиш ва пухта текширув ўтказишини илтимос қилади.

Касаллик хуружи кўзгаб қолишидан кўрқиб, бемор йўлда одамлар бор жойдан юради, тиббиёт муассасаларига яқин бўлган йўлни танлайди, йўл-йўлакай дорихонага кириб туради, у ерда

юрак дорилари ва тиббий ходимлар борлигини кўриб тинчланади. Демак, психологик хизмат жараёнида амалий психолог фобиялар коррекциясига алоҳида эътиборини қаратиши шарт.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида ҳомиладор аёлларни ўрганиш ва уларга психологик хизмат кўрсатиш бўйича талайгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ҳомиладор аёлларга психологик хизмат кўрсатиш амалиётида илмий тадқиқотчи Акмал Луқмонов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги тиббий–психологик хулосаларга келинган:

1. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида бўлган аёлларнинг эмоционал ҳолатининг ўзига хос «маркази» таранглик ҳолати ҳисобланади. Бу кўрсаткич эмоционал асабийлик, ўзини ҳис қилиш, агрессивлик ва невротизация даражаси билан ўзаро боғлиқликда эканлиги аниқланган. Бунда ўзини ҳис қилиш ҳолати кайфият билан алоқадор бўлиб, невротизация даражаси қанчалик юқори бўлса, ҳомиладорларнинг хавотирланиш даражаси шунчалик юқори кўрсаткичларни ифодалашини кўрсатди.

2. Ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида эмоционал ҳолатларнинг ўзгариш даражаси биринчи триместрдагидек ёрқин ифодаланмаган ва кечинмалардаги ўзгаришлар «юмшаган» характерга эга бўлади. Кўп жихатдан ушбу ўзгаришлар ижобий характерга эга бўлиб, ҳомиладорларнинг ўзини ҳис қилиши яхшиланади, фаоллиги ўсади, хавотирланиш, эмоционал асабийлашув, депрессия ва невротизм даражаси пасаяди.

3. Ҳомиладорларнинг учинчи триместрдаги эмоционал ҳолатларининг «ўзаги»ни невротизация ва таранглик ҳолати ташкил этиб, улар ўзаро боғлиқликка ҳам эга. Бунда таранглик даражаси қанчалик юқори бўлса, невротизация, хавотирланиш шунчалик юқори бўлиб, ўзини ҳис қилиши ёмонлашади. Хусусан, бу ҳолатда ўзини ҳис қилиш фаоллик билан, хавотирланиш эса невротизация ва агрессивлик билан алоқадордир.

4. Ҳомиладорлик кечишининг бутун даври мобайнида ҳомиладорларнинг эмоционал ҳолатларида нафақат миқдорий, балки сифат хусусиятлари ўринга эгадир. Биринчи триместрда

аёллар эмоционал ҳолатлари тизимининг дезинтеграцияси юз бериб, унинг сифат жиҳатдан «кайта қурилиши» амалга ошади. Сўнгра боғлиқликлар миқдори ва уларнинг ишончилиги кўрсаткичи иккинчи триместрда аҳамиятли, учинчисда эса аҳамиятсиз тарзда ўсади. Биринчи триместр ҳомиладор аёллар эмоционал кечинмалари соҳасида кескинликка эга бўлиб, аёллар, айниқса, бу даврда махсус ёрдамга эҳтиёж сезишади. Ҳомиладор бўлмаган ва ҳомиладорликнинг биринчи триместрида бўлган аёлларнинг эмоционал ҳолатлари қиёсий таҳлили ҳомиладорлик аёллар ҳаётидаги етарлича кескин вазият ҳисобланишини кўрсатади.

Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ўзини ҳис қилиш, фаолликнинг пасайиши, таранглик, эмоционал асабийлик, депрессивлик, хавотирланиш, невротизм, агрессивликнинг ўсиши кузатилади. Бунда эмоционал соҳадаги ўзгаришлар жуда аҳамиятли бўлган ҳолда, салбий характерга эгадир.

Ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида эмоционал соҳанинг барқарорлашуви юз бериб, кечинмалар ижобийлашади. Иккинчи триместрда ҳомиладорларнинг ўзини ҳис қилиши, кайфияти яхшиланиб, фаоллиги ошади, хавотирланиш, эмоционал асабийлик, депрессивлик, невротизация даражаси пасаяди.

Учинчи триместрда ўзини ҳис қилиш аҳамиятли ёмонлашиб, фаоллик пасаяди, кайфият ёмонлашади, таранглик, хавотирланиш, эмоционал асабийлик, невротизация, агрессия даражаси ўсади.

5. Ҳомиладорларнинг ёш кўрсаткичи уларнинг эмоционал кечинмаларига аҳамиятсиз ва ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган (қисман ижобий, қисман салбий) таъсир кўрсатади. Ҳомиладор аёлнинг ёши қанчалик катта бўлса, унда таранглик ва хавотирланиш ҳолати, невротизация, яхши кайфият шунчалик кучли, депрессивлик ва ўзига ишонч эса шунчалик кучсиз ифодаланади.

Ҳомиладорлик ва туғруқлар сони ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатига учинчи триместрнинг охирида сезиларли таъсир кўрсатади. Аёлларнинг акушерлик анамнезида ҳомиладорлик ва туғруқлар сони қанчалик кўп бўлса, уларда

таранглик, хавотирланиш ва невротизация даражаси шунчалик паст ва ўзига ишонч юқори ифодаланган бўлади.

Таниқли тиббий психолог олим З.Ибодуллаевнинг тавсиялари асосида тадқиқотчи томонидан ҳомиладор аёллар учун бир қатор тиббий психологик йўриқномалар ишлаб чиқилган. Ушбу йўриқномаларда қайд этилишича, тиббий психологнинг ҳомиладор аёллар билан ишлаши тиббий ва психологик этикани сақлаган ҳолда олиб борилади. Дастлаб ҳомиладор аёлнинг психологга ташрифи сабаблари аниқланади. Бунинг учун унга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиш мумкин: "Сизни психологга мурожаат қилишга нима ундади?", "Сизни нима безовта қилапти?", "Сизга қандай ёрдам керак?". Агар ҳомиладор аёл яқинлари билан келган бўлса, аввал улар билан суҳбатни бошлаб, кейин ҳомиладор аёл билан давом эттириш мумкин.

Баъзи ҳомиладор аёллар (айниқса, руҳий касалликка чалинганлар) эшикдаги "психолог" ёзувига кўзи тушиб, ҳузурингизга ташриф буюришни хуш кўришади. Уларни кўпроқ психолог ёрдами эмас, балки психологнинг унга нима дейиши қизиқтиради. Бундай ҳомиладор аёллар иложи бориша психиатрнинг махсус йўлланмаси билан ёки бўлмаса ёнида яқинлари билан келган тақдирда қабул қилиниши керак. Чунки улар психологни соатлаб эшитиб ўтиришлари мумкин, бироқ қабул тугагандан кейин берилган маслаҳатларга амал қилишлари қийин кечади. Баъзан ҳомиладор аёлларнинг руҳий касалга чалинганлигини аниқлаш жуда қийин бўлади. Бундай пайтларда беморга зарур психологик маслаҳатлар берилиб маълум мақсадга йўналтирилган тиббий-психокоррекцион ишлар олиб борилади.

Ўзбекистонлик психолог олима Зиёда Асқаровна Абидова ўзининг "Тиббиёт ходимларида толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари" мавзусидаги диссертация ишида (Тошкент, 2017). Толерантлик даражаси-ни жинс, туғилган жой, оила ва фарзандлари мавжудлиги, оналарининг маълумоти ва оиладаги туғилиш кетма-кетлиги каби ижтимоий омиллар билан ўзаро алоқаси тадқиқ этилган ва толерантликнинг намоён бўлишида аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ эмоционал акс-таъсир билдиришса, эркаклар

толерантликни кўпроқ хулқ-атворда намоён қилиши аниқланган; толерантлик қишлоқ аҳолисида шаҳар аҳолисига нисбатан ишончли даражада паст кўрсаткичга эгаллиги, бироқ дидактик аралашувлар улардаги толерантликни тез очиб бериши ва толерантлик даражасини шаҳар аҳолиси даражасидан аҳамиятли даражада фарқ қилмаслигига эришиш мумкинлиги аниқланган. Шунингдек, муаллиф томонидан тиббиёт ходимлари фаолиятида зарур бўлган эмоционал интеллект, эмпатик қобилиятлар, жамоадошлик установакалари ва ўзгаришларга шахс сифатида тайёрлик каби ижтимоий-психологик омилларнинг толерантлик ривожланишига таъсири тадқиқ этилган ҳамда эмоционал интеллект ва ўзгаришларга шахсий тайёрлик тиббиёт ходимларининг толерантлик даражасига аҳамиятли таъсир кўрсатиши, эмпатик қобилиятлар, индивидуаллик ва жамоавийлик установакалари эса аҳамиятли таъсир кўрсатмаслиги аниқланган. Шунингдек, З.Абидова томонидан толерантликни ривожлантириш бўйича толерантликнинг асосини ташкил этувчи шахсдаги ички салоҳиятни аниқлаш ва очиб беришга қаратилган очик дидактик техникали мотивацион-конструктив ёндашув дедуктив технология ва толерант шахс сифатларини шакллантиришга қаратилган ёпиқ дидактик техникали хулқ-атворга (фаолиятли) йўналтирилган индуктив технология ишлаб чиқилган.

Тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантиришда замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг дидактик техникалари аҳамиятини ўрганиш орқали дедуктив технологияли аралашувлар психиканинг барча учта компонентлари (эмоция, когниция, хулқ-атвор) ҳам статистик, ҳам динамик жабҳаларига ижобий таъсир кўрсатиши, индуктив технологиялар эса толерантлик компонентларининг статик ва динамик жабҳаларига шубҳали таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжудлигини инобатга олган ҳолда толерантликни ривожлантиришда педагогик технологиялар шахсда толерантликни шакллантиришга эмас, балки уни очиб ва ривожлантиришга йўналтирилиши кераклиги тавсия этилган.

Мазкур тадқиқотчи томонидан амалиётчи психологлар учун муҳим бўлган шифокорлар ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт

ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, ихтисослаш-тириш амалиётида улардаги толерантликни очиш ва ривожлантириш бўйича психологик тренинг дастурлари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган.

Психологик хизмат жараёнидаги психогигиена, психопрофилактика ва психотерапия йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари

Психологик хизматнинг вазифалари қаторига психик ҳолатнинг соматик ҳолатга ва соматик касалликларнинг психикага таъсирини ўрганиш ҳам киради. Бу вазифани ҳал қилиш бир қатор касаллик ҳолатларининг этиологияси (сабаблари) ва патогенезини (ривожланиш механизмини) ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

«Рух» билан «тана»нинг ўзаро боғлиқлиги, бошқача қилиб айтганда, психик жараёнлар билан организмнинг ўзаро боғлиқлиги фалсафа билан медицинанинг асосий муаммосидир. Биринчи марта бу муаммо Ибн Сино ва буюк физиолог олимлар И.М.Сеченов, И.П.Павлов ҳамда уларнинг шогирдлари асарларида илмий жиҳатдан асослаб берилди. И.П.Павлов психик жараёнлар ўртасидаги узвий алоқани тажриба йўли билан исботлаб берди.

Ҳаммага маълумки, кучли эмоциялар юрак уриши билан бирга бўлади, бунда юзнинг қизарганлиги ёки оқарганлиги қайд қилинади (томирларнинг қисилиши ёки кенгайиши содир бўлишига қараб). Бу ҳолатларнинг характери ва ривожланиши шахснинг ва организмнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Психик таъсирлар бош оғриғини ёки организмдаги бошқа функционал бузилишларни келтириб чиқариши мумкин.

Психогениялар — организмда ва психикада одатда шахс учун оғир бўлган турли психик травмаларнинг таъсири остида пайдо бўладиган (функционал қайтишли, невротик) бузилишлардир.

Психогения омиллари таъсири остида соматик соҳада куйидаги бузилишлар содир бўлиши мумкин: кўнгил айнаши, қусиш, ичбуруғ, қабзият, анорексия (иштаҳанинг йўқолиши), нафас сиқилиши, нафас бўғилиши, йўтал, артерия босимининг

психоген кўтарилиши, томир уришининг тезлашуви (тахикардия), томир уришининг секинлашуви (брадикардия), юракда оғриқ ҳис қилиш, юрак фаолияти маромининг бузилиши, эс-хушни йўқотиш билан бирга коллапс даражасигача юрак фаолиятининг заифлашуви, психоген ҳушсизлик. Кўпинча, шундай ҳоллар учрайдики, кишиларда инфаркт ва инсульт оғир кечинмалар ва психик изтироблардан кейин пайдо бўлади. Психоген бузилишлар сийдикнинг ушланиши, баъзан унинг тўхтамаслиги кўринишларида рўй бериши мумкин. Эркаклардаги жинсий заифлик ва аёллардаги жинсий совуқлик, кўпинча, психогения асосида содир бўлади.

Чет эллик олимларнинг кўпчилиги психосоматик бузилишларни психоанализ нуқтаи назаридан қараб чиқадилар ва бир қатор ички аъзолар касаллиги этиологиясига жинсий можароларнинг таъсири сабаб бўлади, дейдилар. Бунда Фрейд томонидан киритилган «конверсия» тушунчасидан кенг фойдаланилади..

Чет элларда Г.Сельенинг стресс тўғрисидаги назарияси организмдаги психосоматик силжишларни талқин қилиш соҳасида кўпгина тарафдорларига эга бўлган назариядир. Сельенинг фикрича, ҳар қандай қўзғалиш (стрессор) зўриқишни — стрессни келтириб чиқаради. Бу акс таъсир локал акс таъсир, лекин шу билан бирга тизимли акс таъсир ҳам бўлиши мумкин. Организмга қўзғатувчи қанчалик ҳаётий аҳамиятли таъсир қилса, акс таъсир шунчалик ифодаланган бўлади. Г.Селье умумий адаптация синдромининг пайдо бўлишида асаб тизими ва психиканинг аҳамиятини эътироф қилади, лекин муаммонинг эндокрин-соматик томонинигина ишлаб чиқади, холос.

Кучли қўзғатувчилар туфайли юзага келадиган ўзгаришларнинг марказий асаб механизми концепцияси Н.Е.Введенский ва И.П.Павлов таълимотида баён қилинган. Н.Е.Введенский парабиоз тўғрисидаги тушунчани киритади. Частотаси, кучи ёки узоқ давом этиши билан ҳаддан ортиқ бўлган қўзғатувчилар марказий ва периферик асаб тизимининг функционал ҳолатини ўзгартиради, лекин бунда организмнинг акс таъсири дастлаб бузилган (парадоксал) бўлиб қолади, кейинчалик эса тормозланиш фазасида умуман ташқи жихатдан

кўзга ташланмайди (парабиоз-патологик ҳолатга яқин бўлган ҳолат).

И.П.Павлов ва унинг ходимлари шу нарсани кўрсатиб ўтдиларки, ҳаддан ташқари кучли кўзгатувчилар, оғир вазифалар шартли рефлектор фаолиятининг бузилишига, издан чиқиш ва одамлар билан тўқнашишига олиб келади. Бунда ҳайвонларда озиш, қариш, иштаҳасини йўқотиш, тери копламларининг трофик бузилишлари, ошқозон шиллиқ пардаларининг яраланиши рўй беради.

Гап шундаки, И.П.Павлов ҳайвонлардаги экспериментал неврозлар кишилардаги психоген касалликларнинг аналоглари деб ҳисоблаган эди.

Руҳан шикастлайдиган ёки зўриқтирадиган фурсат алоҳида роль ўйнайдиган типик ички касаллик — яра касаллигидир. Бунда у ёки бу касаллик кўринишини кўрқув билан кутиш унинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, қизаришдан кўрқиш қизаришнинг ўзини келтириб чиқаради, жинсий заифликдан кўрқиш импотенцияга (заифликка) олиб келади ва ҳоказо.

Психик жароҳат, кўпинча, психовегетатив ва психомотор бузилишларга сабаб бўлади. Кўрқув эмоцияси, кўпинча, баданнинг титраши ва мускул заифлиги билан (оёқнинг ҳолдан тойиши ва ҳатто йиқилиш билан) бирга содир бўлади. Психоген фалажлар пайдо бўлиши мумкин, улар функционал, ўткинчи характерга эгадир. Кучли эмоционал изтироб истерик кўрликни келтириб чиқариши мумкин. Кўпинча, оғир кечинмаларнинг таъсири остида психоген ҳолатлар авж олади ва улар ҳақиқий психик касалликлар манзарасига эга бўлади.

Тиббиёт муассасасида фаолият кўрсатувчи психолог, соматоген касалликларнинг хусусиятлари ҳақида ҳам етарли билимларга эга бўлиши керак бўлади. Чунончи, **соматогениялар** ёки соматоген касалликлар — булар соматик касалликлар туфайли келиб чиқадиган психик бузилишлардир. Инфекциялар, захарланишлар, ички аъзоларнинг касалликлари кўпинча, психик бузилишларнинг манбаи ҳисобланади. Масалан, айниқса, стенокардия тутиб қолганда кучли сезиладиган юрак хасталикларида хавотирланиш ва кўрқиш ҳолатлари бўлиши мумкин. Тиреотоксикозда хавотирланиш ва кўрқиш ҳолати

кузатилади. Бунда беморда ортиқ даражада таъсирчанлик, кўзгалувчанлик, психик жараёнлар суръатининг тезлашуви қайд этилади. Гипотиреозда психик фаолияг секин-лашади ва ҳатто агар касаллик эрта бошланган тақдирда ақлий ривожланишнинг кечикиши рўй беради.

Психологик хизмат жараёнида психогигиена ҳолатига жиддий эътибор қаратиш ҳам муҳим ўрин тутаети.

Психогигиена — махсус тадбирлар тизимидан иборат бўлиб, бу тадбирларнинг вазифаси кишининг психологик соғломлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Психологик соғломлик учун кураш бутун организмнинг соғломлигини ҳам назарда тутаети. Психогигиеник тадбирлар фақат психоген касалликлар, неврозлар, психопатняларга нисбатангина профилактик аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга турли соматик касалликлар учун ҳам аҳамиятлидир. Масалан, психогигиена талабларига риоя қилиш инфарктлар ва мия инсультларининг олдини олишда, гипертония касаллиги ва унинг заминида пайдо бўлувчи гипертоник кризисларнинг олдини олишда, шубҳасиз, катта роль ўйнаши мумкин. Психогигиена алькоголизм, гиёҳвандлик ва баъзи бир психозларнинг олдини олишда муайян роль ўйнайди. Одамнинг умумий гигиенаси ва унинг барча бўлимлари киши шахсини, унинг психикасини инкор қила олмайди. Психик ва соматик соғломликнинг ўзаро мураккаб муносабатлари психогигиенанинг умумий гигиена билан алоқасини мутлақо зарур қилиб қўйди. Масалан, овқатланишнинг гигиеник режими бош мия томирлари атеросклерози бошланишининг олдини олишга қодирдир. Энди тиббий психологик хизмат учун муҳим бўлган психогигиенанинг қуйидаги бўлимлари ҳақида маълумот берамиз: 1) ёш психогигиенаси; 2) меҳнат ва таълим психогигиенаси; 3) турмуш психогигиенаси; 4) оила ва жинсий ҳаёт психогигиенаси; 5) жамоавий ҳаёт психогигиенаси.

Ёш психогигиенаси. Боланинг психик жиҳатдан соғлом бўлиши тўғрисида ғамхўрликни у ҳали онанинг қорнида бўлган даврдан бошлаш керак (ҳомиладорлик даврида она барча гигиеник талабларига, туғиш жараёнининг ўзига ва ҳоказоларга риоя қилиши лозим). Кейин тўғри режим, болани овқатлантириш, одатлар ҳосил қилиш, ижобий мисоллар, масъулият туйғусини

сингдириш, интизом, меҳнат йўл-йўриқлари, ўртоқлик туйғулари муҳим аҳамият касб этади. Жамоага ҳурматни тарбиялаш, жамоада яшай олишни тарбиялаш, ёмон таъсирлардан эҳтиёт қилиш, ахлоқий нормал ва эстетик ҳис-туйғуларни сингдириш амалий аҳамиятга эга бўлади. Бола мактабда ўқиётган йилларда ортиқча зўриқишларни ҳисобга олиш керак бўлади. Жинсий етилиш даврида касб танлаш масалалари, шунингдек, жинсий ҳаёт билан боғлиқ бўлган масалалар жиддий психогигиеник ёндашувни талаб қилади.

Меҳнат ва таълим психогигиенаси. Бу ўринда умумий ва хусусий (махсус) масалаларни фарқлаш керак. Агар кишининг касби унинг қизиқишлари ва тайёргарлигига мувофиқ келса, у ҳолда меҳнат қувонч, завқ, психик соғломлик манбаига айланади. Чинакам зарурат сифатида англанган, кишининг ички эҳтиёжига айланган меҳнат интизоми меҳнат самарадорлигининг муҳим шартидир: у чарчоқни камайтиради, меҳнатни осонлаштиради.

Жамоа ичидаги тўғри муносабатлар тизими катта психогигиеник аҳамиятга эгадир. Ўқув жараёнининг тўғри мароми, ўз меҳнатининг натижаларидан қаноат ҳосил қилиш, касб маҳоратини доимий ошириб бориш кишига ўз ўқиши ва меҳнатидан қаноат ва қувонч ҳосил қилиш имконини берадиган муҳим омиллардир.

Бугунги кунда меҳнат жараёнидаги сенсор етишмовчилик (таассуротларнинг, ташқаридан бўлган таъсирларнинг етишмаслиги) муаммоси барчани ўзига жалб қилмоқда. Шундай жойларда, чунончи, меҳнат, айниқса, бир хил ва таассуротларга камбағал бўлган шароитда, ўзига хос сенсор етишмовчилик ҳосил бўладиган жойларда салбий оқибатларнинг олдини олиш учун, хусусан, уйқучанликнинг олдини олиш учун ишловчиларга айрим қўшимча қўзғатувчилар, қўшимча таассуротлар фойдали бўлиши мумкин.

Турмуш психогигиенаси. Турмуш психогигиенаси деганда, аввало, кишиларнинг турмушдаги ўзаро муносабатларига доир масалалар тушунилади. Бир қатор ҳолларда келишмовчиликларда невротик хаста кишилар, психопатия, психик касалликларга учраган шахслар қатнашиши мумкин. Бундай кишиларни даволаш ва касалхонага ётқизиш — муҳим психогигиеник

тадбирдир. Алькоголизм ва гиёҳвандликка, захарли доридармонларга майл қўйишга қарши кураш олиб бориш ижтимоий психогигиенанинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Оила ва жинсий ҳаёт психогигиенаси. Оиланинг мустаҳкамлиги, севги-муҳаббат, дўстлик ва оиладаги катта ёшли кишиларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмати, кичикларга нисбатан шафқатлилиги, оиладаги қарашлар ва манфаатларнинг умумийлиги, уларнинг ўзаро муносабатларда зарур даражада ён берувчанлиги — буларнинг ҳаммаси бахтиёр оила вужудга келтиришга ёрдам беради, болаларни тўғри тарбиялашни таъминлайди. Неврозлар кўп ҳолларда нотинч оилаларда авж олади.

Никоҳнинг психогигиеник жабҳасида никоҳдан ўтиш ёши, эр-хотинлар ёшидаги фарқ муҳимдир. Никоҳдан ўтишга қадар етарли вақт бўлиши, бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини, характер ва одатларини яхшироқ билиб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Эр-хотинликка жиддий муносабатда бўлмаслик кўплаб қўйди-чиқдиларнинг сабаби ҳисобланади. Никоҳдан ўтишга қарор қилган шахслар ўзлари танлаган кишининг ирсиятини билишлари лозим.

Психогигиенанинг энг муҳим вазифаларидан бири — гармоник жинсий ҳаётни вужудга келтиришда ёрдам беришдан иборатдир. Бу соҳадаги бузилишлар, кўпинча, анча-мунча психик жароҳатлар ва асаб бузилишларига сабаб бўлади. Нотўғри ташкил этилган жинсий ҳаёт, кўпинча, кишининг оғир, азобли сири бўлиб, у ички ва ташқи келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланади. Айнан жинсий ҳаётдаги чекинишлар ва бу ҳаётнинг эстетик томонини кўра билмаслик заминида жинсий функциянинг шундай бузилишлари, чунончи, эркакларда жинсий заифлик ва аёлларда совуқлик пайдо бўлади.

Тиббиёт ходимлари мазкур муассаса психологлари билан бирга жинсий функциянинг психоген ва нопсихоген бузилишларида, нормал жинсий ривожланишдан ва жинсий ҳирсни қондиришдан патологик четга чиқишларда психотерапевтик ёрдам кўрсатишни кенгайтиришлари лозим. Бу эса мазкур йўналишдаги психологик хизмат самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тиббий-психопрофилактика

Тиббиётнинг ҳар қандай соҳасида (бу хоҳ хирургия, терапия, юқумли ёки бошқа касалликлар бўлсин) турли психик бузилишлар ва касалликларнинг олдини олиш масалаларини ҳал қилишда профилактик тадбирлар ўз вақтида ҳал этилиши, ҳаётга ва соғлиқни сақлаш амалиётига кенг жорий этилиши лозим. Психопрофилактика деганда умумий профилактиканинг бир қисми тушунилади.

Психопрофилактика методлари психик касалликлар кескинлашувининг олдини олишни ҳам ўз ичига олади. Мана шунинг учун ҳам кишининг меҳнат фаолияти вақтидаги, шунингдек, турмуш шароитидаги эмоционал-руҳий ҳолат динамикасини ўрганиш муҳимдир. Олимлар бир қатор психологик ва физиологик методлар ёрдамида айрим меҳнат тармоқларининг турлича профессионал зарарини (захарланиш ҳолатини, вибрация омилларини, ишда ортиқча зўр беришнинг асоратини, ишлаб чиқариш жараёни характерини ва ҳоказоларни) текширадilar. Психолог руҳий бузилишлар ва мазкур касалликларга қарши худди юқумли касалликларга қарши курашгандек қаттиқ кураш олиб бориш ва ўз вақтида муайян профилактик тадқиқотлар олиб бориши керак.

Психиатрия диспансерларида махсус логопедия, сурдология ҳамда психотерапевтика хоналари, тили чучук ва дудуқланиб гапирадиган болалар учун болалар боғчалари ташкил этилган. Ақлий-мнестик функциялари яхши ривожланмаган, кўзи кўрмайдиган ва кар-соқов болаларни махсус ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Психолог ушбу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаби ҳақида етарли тиббий маълумотларга эга бўлиши шарт.

Психологик хизмат жараёнида психотерапия имкониятларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Психотерапия — даволаш мақсадларида психик таъсир кўрсатишдан режали суратда фойдаланишдир. Психотерапия беморга алоҳида ва меҳрибонлик билан ёндашишни, ўз ичига олади, лекин, энг асосийси, сўз билан таъсир кўрсатишга—

логотерапияга қаратилган тадбирлар муҳим ўрин тутлади. Психотерапия тарихи узок асрларга бориб тақалади. Қадимги Мисрда, Ҳиндистонда, Грецияда буни алоҳида сеҳрлар деб аташган, ўрта асрларда жодугарлик, афсунгарлик дейишган. Таъсир кўрсатиш ва гипноз ҳодисаларини мунтазам равишда ўрганиш XVIII асрнинг охирларидан бошланган (Месмирнинг «хайвонот магнетизми»). Инглиз олими Бред (у гипноз термини олиб кирган) буни ҳиссий аъзоларининг чарчаши оқибати, деб ҳисобланган. Француз психологи Ж.Шарко гипноз ҳодисаларини сунъий неврознинг намоён бўлиши, яъни марказий асаб тизимининг номуъайри фаолияти, психиканинг касалликлари сифатида талқин қилган. Унинг ватандоши Бернгейм гипноз—бу таъсир қилиш йўли билан юзага келтирилган “уйқу”, деб таърифлаган. Гипнознинг физиологик механизми И.М.Сеченов, И.П.Павлов, Н.Е.Введенский, В.М.Бехтерев, К.И.Платонов асарларида очиқ берилган. Гипноз сунъий уйқу, деб қаралади, унинг асосида мия қобиғи хужайраларидаги шартли рефлекснинг тормозланиш жараёни ётади. Бунда врачнинг бемор билан сўз воситасида алоқа қилиши ёрдамида гипноз ҳолатида бўлган киши организми томонидан хилма-хил акс таъсирларни вужудга келтириш мумкин. И.П.Павловнинг фикрича, бундай бўлишига сабаб шуки, сўз катта ёшдаги кишининг бундан олдинги бутун ҳаёти туфайли мия катта ярим шарига келувчи барча ташқи ва ички қўзғатувчилар билан боғланган бўлади, уларнинг ҳаммасига сигнал беради, уларнинг ҳаммасини алмаштиради ва шу сабабли мазкур қўзғатувчилар тақозо қиладиган барча ҳаракатларини организм акс таъсирларини келтириб чиқариши мумкин. Психотерапия — бу ҳамма вақт ҳам гипноз бўлавермайди, бу тетикланиш ҳолатига ишонтириш ва унга беморнинг ишонишидир. Бундай таъсир қилиш механизми гипнотик таъсирга яқиндир. Беморга ҳар бир медицина ходими психотерапевтик таъсир кўрсатиши шарт. Махсус ҳоллардагина бу иш билан психотерапевт шуғулланади. Психотерапевтик таъсир этиш ниҳоятда индивидуал бўлиши, касалликнинг сабабларини, синдромларнинг ўзига хос хусусиятларини, бемор шахсининг хусусиятларини ва унинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳисобга олиши керак. Беморга касалликнинг

сабаблари ҳақида, унинг авж олиши ва у ёки бу касалликни тузатиш ёки камайтириш йўллари тушунарли қилиб гапириб берилди. Психотерапиянинг даволаш муолажалари ўртасидаги даврда турли соғломлаштириш ва тренировка тадбирлари киритилди. Суҳбатлар жараёнида шахсни “қайта тарбиялаш”га доир тадбирлар, уни қийинчиликларни енгишга ва касалликка қарши курашга рағбатлантирувчи ва жадаллаштирувчи тадбирлар амалга оширилади. Бундан ташқари юқоридаги ҳолатлар учун ташкил этилган психологик хизмат жараёнида ўз-ўзини ишонтириш методидан ҳам фойдаланилади. Бемор 15-20 дақиқа сеансларни одатда мустақил равишда эрталаб (уйғонгандан кейин) ва кечқурун (ухлаш олдидан) ўтказди. Матнни врач беради, кейин бемор уни мураккаблаштириб ва такомиллаштириб боради. Ўз-ўзини ишонтириш методи билан ўз соғлиги учун асосиз хавотирланишга барҳам берилди, ноқулай оғриқни ҳис қилиш енгиллашади ва психик шикастланиш ҳолатларига бўлган муносабат ўзгаради. Умуман психологик хизмат кўрсатиш жараёнида гипнотерапиянинг ҳар хил турларидан фойдаланиш, айниқса, кенг қўлланиб келинмоқда. Гипнотерапия методлари хилма-хилдир. Сеансларнинг давомлилиги ва тезлиги, таъсир қилишнинг мазмуни турли сабабларга қараб ўзгартириб борилади. Аммо амалий психолог гипнотерапия билан фақат махсус курсларда шуғулланиб, тегишли назарий ва амалий билимлар олгандан кейингина шуғуллана олиши мумкинлигини унутмаслиги керак.

Демак, юқоридаги талаблар асосида соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат амалиётининг қўлланилиши тиббиёт ходимлари ва беморлар ўртасидаги муайян психологик иқлимни сақлашга ёрдам беради.

6.2. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида психологик хизмат

Мамалакатимизда ўнлаб спорт федерациялари, ассоциациялари, Давлат қўмиталари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг барчасида психологик хизмат тизими жорий қилинмоқда. Шунингдек, спорт оммалашган, профессионал даражага ўсиб

ўтган давлатларда бу соҳада бой индивидуал ва ижтимоий тажрибалар умумлаштирилган.

Футбол, хоккей, волейбол, бокс, теннис, шахмат, чанғида учиш, шарқ якка курашларида инсон омили етакчи роль ўйнайди, чунки спортчининг жанговорлиги, кайфияти, иродаси, хотиржамлиги, ўзини ўзи ирода қила олиши ғалаба келтиради, унинг акс ҳолати эса мағлубият манбаидир. Ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш ватанпарварлик туйғусининг амалий ифодаси, Ватан шухратини жаҳонга танитиш воситаси саналади. Она юрт байроғи, рамзи, мадҳиясининг ўзга мамлакатлар осмонида мавж уриши ватан туйғусининг ошкора намоён бўлишидир. Спорт ташкилотларида психологик хизматни замон талаби даражасида ташкил этиш ғалабалар кафолатидир. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида психологик хизмат кўрсатиш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Спорт мактабларига “Пахтакор”, “Динамо”, “Армия спорт клуби”, ва бошқа спорт жамоаларига ўқувчилар танлашда психодиагностика методлари билан иштирок қилиш.

2. Спорт жамоаларида шахслараро муносабатлар маромини аниқлаш ва ўзига хос хусусиятларини махсус методикалар ёрдами билан эмпирик материалларга асосланган ҳолда ўрганиш.

3. Жамоаларда лидерларни топиш ва уларнинг муайян тоифаларга алоқадорлигини белгилаш ҳамда улар билан индивидуал ишлаш режасини тузиш.

4. Раҳбар, тренер ва спортчилар ўртасидаги муносабатни аниқлаш ҳамда улар ўртасида илиқ психологик муҳитни яратишга интилиш.

5. Спортчилар билан турли хусусиятли тренинглари ёрдамида ҳамкорлик қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш.

6. Спортчилар билан мусобақадан олдин ва ундан кейин психологик таъсир ўтказиш мақсадида индивидуал ва гуруҳий суҳбат ўтказиш, ўзига ишонч, жасорат, жанговорлик туйғуларини жонлантириш.

7. Эмоционал зўриқиш ҳолатларини камайтириш мақсадида психологик барқарорликни вужудга келишига пухта маънавий негиз ҳозирлаш.

8.Спортчиларнинг спорт қуроллари ва анжомларига мослаштириш даврларни текшириш ва муайян тавсиялар, йўлланмалар тайёрлаш.

9.Мусобақалар давридаги танаффусларда қисқа муддатли тренинг, таъсир ўтказувчи методларни оператив тарзда қўллаш.

10.От спортида “Инсон - жонивор” муносабатини тўғри йўлга қўйиш, ҳаракатлар мувофиқлиги, фазовий чамалаш имкониятлари юзасидан аниқ маълумотлар тўплаш.

11.Жамоа аъзолари ўртасида ўзаро мослик, ўзаро тушуниш, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш.

12.Старт, кулминация, финиш тўғрисидаги нисбатларни тўғри идрок қилишга ҳар бир спортчини кўникишга ўргатиш, фрустрациянинг енгил шакли билан чекланиш вазиятини вужудга келтириш.

13.Профессиограмма талабларига жавоб берадиган жисмоний ва руҳий ҳолатларни сақлаш учун ўзини-ўзи бошқариш усуллари билан спортчиларни қуроллантириш.

14.Психолог хонасида ҳар бир спортчи шахси ва муайян гуруҳлар билан узлуксиз равишда машғулотлар олиб бориш.

15.Жароҳат олган спортчилар билан узлуксиз мулоқот ўрнатиб туриш уларнинг тезкор жанговорлигини тиклаш омили эканлигини қатъий далиллаш.

16.Спортчиларга оид радио ва телевиденияда эшиттириш ҳамда кўрсатувлар уюштириши, шунингдек, маҳаллий матбуот саҳифаларида чиқишларни амалга ошириш.

17.Спортчиларда пайдо бўладиган психологик инқироз асоратларини даволаш ва батамом бартараф қилиш имконияти мавжудлиги ва уларнинг амалий ифодасини қарор топтириш.

18.Спортчиларни ўзини ўзи бошқаришга ўргатишда қуйидагиларни тавсия қилиш(аутоген машқлар):

а)мускулларни руҳий машқлантириш;

б)мускул ҳаракатларини динамик ривожлантириш;

в)аутоген ҳолатига шўнғиш, берилиш.

19.Спорт касб эканлигини, профессионал даражага ўсиб ўтиш мумкинлигини узлуксиз равишда ва қатъий уқтириш.

20. Ютуқлардан эсанкираб қолмаслик, ушбу даражага эришиш кўпчиликнинг меҳнати маҳсули эканлигини доим таъкидлаб туриш.

21. Меҳнатсеварлик, камтарлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳам жисмонан, ҳам маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишга йўналтириш.

Умуман юқоридаги йўналишлар асосида спорт ва соғломлаштириш муассасаларида психологик хизмат амалиётининг ташкил этилиши бир томондан ҳар бир спорт турига жалб қилинадиган спортчилардаги психологик имкониятлар кўламини очиб беришга хизмат қилса, иккинчи томондан спортчининг янада кўпроқ муваффақият қозониши учун муайян даражадаги йўл-йўриқларни кўрсатади. Шунингдек, спорт мураббийларига ҳам тегишли амалий-психологик тавсиялар берилиши орқали спортда юксак натижаларга эришиши учун кенг имкониятлар очилади.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олимпия кўмитаси қошида спорт психологияси бўлими очилган бўлиб, ушбу бўлимда ҳар бир спортчига алоҳида психологик хизмат кўрсатиш бўйича амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва бу тадбирлар жисмоний тарбия ва спорт тизимида психологик хизмат амалиётини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

6.3. Ички-ишлар тизимида психологик хизмат амалиёти

Бугунги кунда барча тизимларда бўлгани каби ички ишлар тизимида ҳам психологик хизмат амалиёти жорий қилинган. Бунда ички ишлар идораларида фаолият юритувчи ходимларнинг руҳий ҳолати, индивидуал хусусиятлари, стресс ҳолатига мойиллик даражаларига вақти-вақти билан ташхис қўйиб борилади. Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналиш бўйича талайгина тажрибалар тўпланган ва мазкур ишлар махсус белгиланган “Низом” асосида ташкил этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу “Низом”да қуйидаги ҳолатлар акс этган:

I. Умумий қоидалар

“Низом” Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги барча органлари, таълим муассасалари шахсий таркибига психологик хизмат фаолиятини жорий этишнинг мақсади, вазифа ва тартибини белгилайди. ИИВ психология-полиграф гуруҳ ИИВ ШТБИХ Тарбиявий ишлар бошқармасининг, жойлардаги психологлар ШТБИХнинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг психолог лавозимларига, «психология» йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассислар қабул қилинади. Маълумоти ва мутахассислиги тўғри келмаган номзод ёки ходимлар истисно тариқасида лавозимга тайинланмайди. Бундай ҳолатга йўл қўйган масъул раҳбар ва ходимлар интизомий жазоланадилар.

Психологик хизмат кўрсатиш гуруҳларидаги мутахассислар сони Ўзбекистан Республикаси ИИВ Бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспортдаги ИИБ, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади, бунда мавжуд мутахассислар, ички ишлар органлариининг ходимлар сонига қараб орган раҳбарларининг таклифига биноан кўриб чиқилади.

Ички ишлар органларининг психолог лавозимига тайинлаш ёки уларни бошқа лавозимга ўтказиш вазирлик психология гуруҳининг ҳулосасига асосан амалга оширилади.

Психологлар хизмати билан боғлиқ ҳар қандай буйруқ, фармойиш, кўрсатма ёки вазифалар вазирлик психология гуруҳи билан келишилади. Келишилмаган ҳужжатларнинг бажарилишига психологлар жавобгар эмас.

Психолог, ходим ва номзодлар билан иш жараёнида, маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш билан боғлиқ масалаларда, оммавий тадбирларга жалб этилганида фуқаролик кийимида хизмат олиб боришига рухсат этилади.

ИИВ тизимларида фаолият юритаётган психологлар тизимли равишда, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда, хорижий давлатларда малака ҳамда тажрибаларини оширишлари мумкин.

II. Ички ишлар органларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этишнинг мақсади

Психология хизмат фаолиятининг асосий мақсади-шахсий таркибнинг психологик тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда касбий-психологик муҳим хусусиятларини янада такомиллаштиришдир. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг турли хил лавозимларида хизмат қилаётган ходимларига суҳбат олиб боришнинг психологик методларини, низоли, экстремал вазиятларни ҳал эта олишлари, ички ишлар органларига, ИИВ таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодларнинг касбий лаёқатини раҳбарлик лавозимларига тайинланаётган раҳбар ходимларнинг раҳбарлик қобилиятини, маънавий руҳий муҳит даражасини аниқлашдан иборат.

Ички ишлар органлари ходимларининг шахсий, шахслараро, гуруҳлараро муносабатларини ижтимоий-психологик қонуниятлар асосида ўрганиш ва соғлом психологик муҳитни тадбиқ этиш.

Ички ишлар органлари раҳбар ходимларига қўл остидаги ходимлар билан ишлаш ва меҳнат жараёнини бошқаришда психологик маслаҳатлар бериш.

Касбий ва маиший стресс (зўриқиш), чарчаш ва бошқа салбий руҳий ҳолатларнинг олдини олиш ва психологик коррекцияни амалга ошириш.

Экстремал ва фавқулодда вазиятларда ходимлар фаолиятини психологик йўллар билан руҳий барқарорлигини таъминлаш.

Шахсий таркибни тарбиялаш жараёнида масъул ходимларга психологик восита ва усуллардан кенг фойдаланиш тартибини ўргатиш.

Хизмат жамоаларида ижтимоий маънавий-руҳий муҳитни ва психологик вазиятни ўрганиш, уни яхшилаш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш. Салбий хулқ-атворга мойил ходимларни аниқлаш, ходимларда касб касаллиги ҳолатларининг олдини олиш ва психологик кўмак бериш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари билан индивидуал-психологик суҳбатлар ўтказиш, шахсий ва оилавий қийинчилик ва муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш.

Ички ишлар органи ходимлари ўртасида суицидал ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида психодиагностика ва

профилактика ишларини олиб бориш. Ички ишлар органларида раҳбарлик лавозимларига тайинланаётган ходимларнинг бошқарувчанлик, касбий тайёргарлиги, муайян тезкор хизмат вазибаларини бажаришга руҳий тайёрлигини кўра билиш қобилиятини ўргатиш.

Ш.Ички ишлар органларида психологлар фаолиятини амалга ошириш

Ички ишлар органлари психологлари ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармаси, мустақил бўлимлари ва таълим муассасалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ҳамда Транспортдаги Ички ишлар бошқармаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида кўрсатилган талабларига мувофиқ истиқболдаги ва кундалик режалар асосида амалга оширадилар.

ИИБ тизимларида фаолият юритаётган психологлар томонидан қўлланиладиган психологик ва психофизиологик услублар, методикалар рўйхати вазирлик психология гуруҳи томонидан танланади. Психологлар томонидан илмий асосланмаган психологик ва психофизиологик услубларни ҳамда тегишли маълумот ва зарур мутахассислик даражасига эга бўлмаган шахслар томонидан психологик диагностика усуллари қўллаш, ижтимоий-психологик тадқиқотларни ўтказиш, психологик ахборотни қўллаш тақиқланади.

Психолог ўзининг касбий фаолиятини амалга ошириши учун «Руҳий енгиллаштириш хонаси», ўқув хонаси, компьютер, дастурий маълумотлар, аудио ва видеотехника, ўқув ва методик қўлланмалар, психологик тестлар ва услубий қўлланмалар, диагностика ва психокоррекция ускуна ва материаллар билан таъминланиши, психолог лавозими назарда тутилган органларда, ҳар бир психолог ходими учун алоҳида-алоҳида хизмат хонаси билан таъминланиши шарт. Психолог лавозими мавжуд бўлмаган орган раҳбарининг ташаббуси билан психолог ходимларнинг бевосита иштирокида «Руҳий енгиллаштириш хоналари» ташкил этилиши мумкин.

Психолог-мутахассисга тегишли касбий масалаларни амалга оширишни истисно қилувчи ёки қийинлаштирувчи бошқа

турдаги фаолиятни юклаш тақиқланади. Экстремал вазиятларда психологик ёрдам билан боғлиқ топшириқларни бажариш бундан холи.

IV. Психологлар гуруҳининг асосий вазифалари.

Ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни бузиш, ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатлари, хизмат фаолияти давомида юзага келадиган турли қийинчиликлар ва йўл қўйиладиган интизом бузилиши сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш борасида раҳбариятга таклифлар киритади;

– психологлар ҳудудийлиги бўйича жойлардаги ШТБИХ Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари раислигида, ҳар чорак якунида психология йўналиши бўйича бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашадилар ва ҳисобот берадилар;

– ички ишлар органларига ҳамда ИИВ ўқув таълим муассасаларига кириш истагини билдирган ходим ва номзодларни ўрганади ва тегишли хулосалар беради.

Ижтимоий-психологик фаолиятни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасида қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

* ходимлар билан ижтимоий-психологик тадқиқотни амалга ошириш, хизмат жамоаларида психологик муҳитни ўрганиш, уни яхшилаш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, низоли вазиятларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш;

* ходимларнинг индивидуал- психологик хусусиятлари ҳамда тезкор хизматни самарали бажаришда психологик мослигини ҳисобга олган ҳолда хизмат жамоаларини шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

* раҳбар лавозимларига заҳирани шакллантириш фаолиятида иштирок этиш, ходимларни юқори лавозимга ўтказишда психодиагностик ишларни ташкил этиш ва кадрлар билан ишлаш бўлимига тавсияномалар бериш;

* шахсий таркиб билан ишлаш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича кадрлар бўлими раҳбарлари ва ходимларига психологик маслаҳат беришни ташкил қилиш.

Касбий-психологик тайёргарликни таъминлаш соҳасида қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

* ходимлар билан касбий тайёргарлик тизимида тезкор-хизмат вазифаларини бажаришда чидамлик ва бардошлилик ва бошқа иродавий сифатларни шакллантириш бўйича психологик мавзуларда суҳбат ва машғулотлар ўтказиши;

* ички ишлар органлари ходимларига оператив қидирув фаолиятининг психологик жиҳатлари бўйича маслаҳатлар бериш, музокара ўтказиш стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этиш, террористик ҳаракатни амалга ошириш ва одамларни гаровга олиш, содир этилиши хавфи бўлган ҳолатларда музокаралар ўтказилишини психологик таъминлаш, жиноятлар содир этишда метод ва усуллардан фойдаланиш, қўллаш ва ўтказиш тартиби ШТБИХ томонидан юборилган кўрсатмалар билан белгиланади.

* ички ишлар органлари раҳбар ходимлари ва кадрлар бўлими учун ходимлар билан ишлашда ижтимоий-психологик, шахсий-тарбиявий ва реабилитация мазмундаги тавсияларни ишлаб чиқади;

* махсус малакага ва мутахассислик даражасига эга психологларга оператив-қидирув бўлинмалари ходимларининг оператив-қидирув хизматининг психологик жиҳатлари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан маслаҳатлар беради.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ЙХХХ деб юритилади) ва Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси (бундан буён матнда ППХваЖТСБ деб юритилади) психологларининг қўшимча вазифалари:

* психологлар юқоридаги умумий вазифалардан ташқари, ходимларнинг ўзига бириктирилган ҳудудини яхши ўрганиш учун касбий кузатувчанлик хусусиятини ошириш, ўз хатти-ҳаракатлари учун юқори даражадаги масъулият ҳиссини, арзимас туюлган нарсаларни ҳам назардан қочирилмаслик каби шахсий хислатларни, ҳудуддаги жиноий ҳаракатларга мойиллиги мавжуд фуқаролар билан муносабатга киришишда нутқ ва оҳангдаги ўзгаришларга, диққат барқарорлигини ва унинг тенг тақсимлаш хислатларини ривожлантиришга эътибор қаратиш.

Қўриқлаш хизмати психологларининг қўшимча вазифалари:

а) ходимларнинг кузатувчанлик ва диққат хусусиятларининг яхши шаклланганлиги, майда тафсилотларга эътиборлилик, сабр-қаноат, масъулият ҳиссини юқорилиги, коммуникатив хусусиятлар, кучли хотира (одамларнинг қиёфаси, ташқи кўриниши, ҳатти-ҳаракатларини осон эслаб қолиш, кўриш ва ҳаракат хотираларини яхши шакллантириш) каби хусусиятларни ривожлантириш ҳисобланади.

Жазони ижро этиш муассасалари психологларининг қўшимча вазифалари:

ЖИЭМ шахсий таркиб билан ишлаш психологлари хизмат жараёни жойлардаги психологлардан фарқ қилади. Булар ходимларнинг кучли ирода, қатъийлик, матонат, сабр-қаноат, инсонпарварлик, киришимлилик, маҳбусларнинг руҳиятини чуқур ҳис қила олиш, ҳамдардлик, одиллик, ривожланган хотира, касбий кузатувчанлик хусусиятларини ривожлантириш асосий вазифалардан биридир.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати психологларининг қўшимча вазифалари:

ЁХХ ходимларининг фаолияти муайян қалтис вазиятлар, ёнғинга қарши курашишда ходим ҳар доим олдинги қаторда бўлиши, эмоционал зўриқиш каби оғир шароитлар билан бевосита боғлиқ психолог ходимларнинг хушёрлик, гумон қилинаётган шахсларнинг психологик тасвирини тузишда, турли психологик экспертизаларни амалга оширишда иштирок этади.

V. Психологнинг ваколатлари

Ички ишлар органлари тизимларининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, вазирлик психология гуруҳи фаолият шакли, метод ва методикаларни ишлаб чиқади, мувофиқлаштиради, стандартлаштиради, мезонларни белгилайди ва амалиётда қўллашга тавсия қилади.

Ички ишлар вазирлиги бош бошқармалари психолог мутахассислари номзодларга ички ишлар органлари фаолиятига касбий лаёқати даражаси тўғрисида хулоса шаклидаги тавсиялар беради.

Номзодлардан касбий фаолиятда самарали фойдаланиш ва уларни жой-жойига қўйиш бўйича бевосита раҳбарига хизматда фойдаланиш учун психологик тавсифнома беради.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги мансабдор шахслардан ички ишлар органлари касбий фаолиятини психологик нуқтаи назардан ўрганиш бўйича зарур маълумотларни талаб қилиб олади ва улардан фойдаланади.

Ходимларга психологик хизмат кўрсатишнинг устувор йўналишларини белгилайди. Ички ишлар органлари соҳасида психологик хизматни ташкил этиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади.

Кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масаласида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади, ходимларнинг фаолиятини психологик таъминлаш натижаларини таҳлил қилади. Ички ишлар органлари раҳбарига психологик хизмат кўрсатиш бўлинмасини илмий-услубий, моддий-техник ва кадрлар билан таъминлаш бўйича таклифлар киритади.

Ходимлар касбий фаолиятини психологик таъминлаш масалалари бўйича семинарлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этади.

Раҳбариятга ёзма равишда ходимларнинг хизмат фаолиятига вақтинчалик ўзгартириш киритиш ва қисқа муддатли таътил бериш тўғрисида тавсиялар беради.

VI. Психологлар гуруҳининг мажбуриятлари

Ўзининг қатъий касбий ваколати ва тамойиллари доирасида психологик муаммоларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш. Ўз ишида тиббий ва бошқа малакани талаб қилувчи усулларни қўлламаслик (гипноз, медитатив, техника, фармакологик воситалар в.б.) фақатгина илмий асосланган психологик усулларни қўллаш. Диагностик, ривожлантирувчи, психологик-коррекция ва маслаҳат бериш ишларида замонавий ва мақсадга мувофиқ услубларни қўллаш. Барча масалаларни ҳал этишда мурожаат этган шахснинг манфаатларидан, тўлақонли психик ва психологик ривожланиш бўйича олдида қўйилган масалаларни ечиш нуқтаи назаридан келиб чиқилади. Ушбу юқоридаги бўлимлар асосида Ички ишлар тизимида психологик хизмат ташкил этилади ва бошқарилади.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятининг хусусиятлари

Ички ишлар органлари ходимлари ўз касб вазифаларини бажаришлари жараёнида муайян шарт-шароитларда, қийин вазиятларда ишда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Касбий фаолиятда бундай ҳолатларнинг юзага келиши ички ишлар органлари ходимларининг турли шахслар билан бевосита ва билвосита мулоқот жараёнидаги индивидуал психологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, бу уларда муайян малака ва кўникмаларнинг ҳали етарли даражада шаклланмаганлиги билан тушунтирилади. Шу боис бугунги кунда ички ишлар органларининг ҳар қандай ходими жамоат хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашда психологик жиҳатдан етук ва жисмоний тайёр бўлиши давр тақозосидир.

Бир қатор рус психологлари (Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев) касб психологиясининг методологик асосларини ишлаб чиқишни инсоннинг амалий иш фаолиятини психологик таҳлил қилишдан бошлаш керак деган хулосага келганлар. Чунки айнан шу жабҳада психик ҳаётнинг энг муҳим қонуниятлари мужассам. Бугунги кунда бир қатор хусусиятлари билан фарқланадиган ва шахсга турли-туман талаблар қўядиган мураккаб интеллектуал меҳнат фаолияти талаб даражасида ўрганилмаган. Бу ички ишлар органлари ходимларининг касб маҳоратини ошириш, иш самарадорлигини таъминлаш каби амалий масалаларни ҳал этаётганда кўзга ташланади.

Психологик хизмат жараёнида ички ишлар ходими ўзини тута билиши, бошқа шахсларни ҳам қўллаб-қувватлаши, ўз фаолиятини амалга оширишда аҳоли ёрдамидан унумли фойдаланиши, уларда ўзига нисбатан ишонч туйғусини уйғотиши зарур ҳисобланади. Масалан, ходим профилактика инспектори бўлса кўпроқ ташкилотчилик қилиши, кимга, қачон, қандай ёрдам беришни билиши керак. Бу жараёнда иш вақти, куни, соатини самарали ташкил этиш, ревизия, экспертиза, кўздан кечириш ва тинтув ишларини ташкил эта олиш, бирон жиноят иши юзасидан тўпланган ҳамкор гуруҳлар ишини уюштиришда

фаол бўлиш талаб этилади.

Ишонарли фаолиятда ходим ўзаро келиша олмайдиган кўни-кўшни, эр-хотинлар тўғрисида оладиган маълумотларни қайд этибгина қолмай, балки уларга алоҳида эътибор билан ёндашиши керак. Фуқаролар билан тарбиявий профилактика ишларини олиб боришда асосий воситалардан бири қонун талабларига ва жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор қоидаларига риоя этишдир. Шунингдек, билим ва маданий савияни оширишга интилиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган фаолият бунда муҳим ҳисобланади. Ходим ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида айтган ҳар бир сўзи, ҳаракати билан халқ онгида давлат сиёсатини тарғиб қилади, фуқароларда давлат, унинг сиёсатига, ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотиш, фуқароларнинг муаммоларини адолатли ҳал қилиш, диққатни тўплай олиш, кузатувчанлик, вазиятга мослашишда муҳим ҳисобланади. Бинобарин, психологик хизмат жараёнида ички ишлар ходимининг коммуникатив фаолият — одамлар билан мулоқот ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашига асосланади. Ходим ўз ҳудудидаги фуқаролар билан яхши муносабат ўрнатишга, уларда яхши таассурот уйғотишга интилиши керак. Бу, албатта, осон эмас. Чунки инсонлар турлича дунёқарашга ва ҳар хил хусусиятга (дўстона, талабчанлик, ҳушёрлик, ғаламислик, тажовузкорлик) эга бўладилар. Улар билан алоқа ўрнатганда илиқ муносабатда бўлиш, ҳурмат, эътибор қозонишга ҳаракат қилиш керак. Чунки ходим ўз ҳудудида рўй берадиган барча хуш-нохуш вазиятлар иштирокчиси бўлади, турли-туман фуқаролар билан тўқнаш келади. Самарали ишлаш, фаолият юритиш учун эса ходим уларнинг яшаш шароити, ўзаро муносабатлари, қизиқиш ва хатти-ҳаракатларини ўрганиши жоиздир. Коммуникатив фаолиятда ходимнинг нутқ ва мулоқот хусусиятларининг яхши ривожланганлиги катта аҳамият касб этади. Бу хусусият ходимнинг ҳиссиётларини бошқара олиш, самимий мулоқот ўрната олиш, табиийлик, ҳамсухбатининг ҳиссиётларини назорат этиш, киришимлилик, керакли маълумотларни ола билиш, муаммоларида намоён бўлади.

Конструктив фаолият деганда, содир этилаётган жинойт-

ларни очиш, уларнинг олдини олишга қаратилган тарбиявий профилактик ишларни режалаштириш борасидаги тафаккур фаолияти тушунилади. Агар муайян вазифани бажариш учун кўшимча нимани аниқлаш ва топиш керак, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинса, конструктив фаолиятда билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, яъни но нарсани қандай кетма-кетликда излаш кераклиги ҳақидаги масалага жавоб изланади. Бошқача айтганда, ички ишлар ходимининг изланиш ва конструктив фаолияти яхлит бир фикрлаш жараёнининг турли босқичларини ифодаловчи икки томонидир. Конструктив фаолиятнинг муваффақияти шахсдаги перцептив жараёнларнинг (идрок, тасаввур, хаёл) ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Психологик хизмат жараёнида ички ишлар ходимининг изланувчанлик фаолиятини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди. Бинобарин, изланувчанлик фаолияти жиноятчини излашда, жанжал, келишмовчилик вазиятларида айбланувчиларни қидириш ва олинган ахборотни таҳлил қилиш учун мавжуд маълумотларни текшириб, ўрганиб, хулоса чиқариб ҳал қилиш жараёнида кўл келади. Изланувчанлик фаолияти ходимдан ўз устида тинимсиз ишлашни, янгиликлардан, илм-фан тараққиётидан хабардор бўлиш, касбий маҳоратини янада ошириб, тажриба орттиришини талаб қилади. Процессуал ҳужжатларни туза олиш, оғзаки нутқни тез ёзиб олиш, компьютер, ёзув машинасида ишлаш, техник воситалардан фойдалана олиш кўникмаларининг ривожланганлигида намоён бўлади.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида ахлоқ, ирода, эмоционал интеллектуал (ақлий) хусусиятларни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида муҳим ҳисобланадиган руҳий-асаб хусусиятларидан унумли фойдаланиш фаолият самарадорлигини оширади.

Улар: **сенситивлик** — ташқи муҳит таъсирларига юқори руҳий-асаб сезгирлиги; **ҳиссий турғунлик** — ҳадик, хавфсираш даражасининг пастлиги, хавфли вазиятларда ҳиссий кўзғалиш жараёнини сусайтириш; **резистентлик** — ташқи ва ички руҳий

шикастланишга қаршилик кўрсата олиш; **толерантлик** — рухий-асаб зўриқишларига бардош беришдан иборат.

Психологик хизмат жараёнида ички ишлар органлари хизматига келган ёш ходимлар хизмат жараёнида бошқарма, участка бўлинмалари, маҳаллалар, мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, қўриқланадиган ишлаб чиқариш объектларида, вазирликлар, божхоналар, автомобиль ва темир йўлларда яқка тартибда, бир-бирлари билан ҳамкорликда иш юритишларини инобатга олиб, уларнинг фаолияти унумдорлигида қуйидаги психологик шартлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Самарадорлик кўрсаткичи — аниқ мақсадга эришиш, куч ва воситаларни унумли ишлатишдан иборат. Шахс фаолиятининг самарадорлиги ва ишончлилиги унинг фикри қатъийлиги, хизматда бенуқсонлиги, нотўғри ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги ва меҳнат фаолиятида узилишларнинг йўқлиги билан белгиланади.

Фаолият самарадорлиги ва ишончлилигининг психик шартларига мақсадни аниқ англаш, касбий маҳорат, иродавий сифатлар ҳамда яхши ривожланган психик жараёнлар киради. Жамоа фаолиятининг самарадорлиги ва ишончлилиги деганда, унинг уюшганлиги, бир-бирини тушуниши, аъзолар малакасининг мослиги тушунилади.

Низоли вазиятларнинг келиб чиқиши, бир-бирига гумон билан қараш, умумий ишда ўз ўрни ва ролини аниқ англамаслик фаолият унумдорлигини пасайтиради. **Иродавий кўринишларда** (иродани намоён этиш шароитлари бўлган) ахлоқлилик, вазифани бажариш учун ҳарбий, ташкилий ва тўлиқ йўналтирилганликнинг аҳамияти юқоридир. Ҳарбий касб эгалари фаолиятининг юқори даражада бўлишида қўйилган мақсадга эришиш учун уларнинг дунёқарашлари, эътиқод, эҳтиёж, ҳиссиёт ва истак-интилишлари ҳамда манфаатларининг муштараклиги муҳимдир. Фавқулодда ҳолатларда **эмоционал-иродавий тайёргарликнинг** мустаҳкам эмаслиги, ташқи таъсирларга салбий муносабат ҳатти-ҳаракатларнинг ноаниқлиги хатоларга олиб келади.

Ходимларни ҳарбий касбга тайёрлашда улар хизмат қилаётган жамоада ижобий ижтимоий-психологик иқлимни вужудга келтириш зарур. Чунки ана шу психологик муҳит (ёки

исихологик иқлим) уларнинг умумий фаолияти самарадорлиги, ўзаро уюшқоқлиги, ишдаги интизоми, яъни фаолиятидаги ахлоқий-хулқий сифатларга таъсир этади. Уларнинг умумий фаолиятида ҳамжиҳатликнинг аҳамияти катта бўлиб, ўзаро келишув шартларига эса бўлинма аъзоларининг кайфияти, тетиклиги, ишончлилиги, ўзаро бир-бирига ҳурмат, талабчанлик, мулойим, самимий муомала, ўртоқлик, дўстлик каби психологик муносабатлар катта таъсир кўрсатади.

Бунда психологик мослашув жараёнига эътибор қаратишга тўғри келади. **Мослашиш жараёни** инсон атроф-муҳитнинг ҳар қандай ўзгаришларига кўникишига бўлган ички имкониятидир. Инсон ўз психик ҳолатлари билан ирода кучи ва организми имкониятларидан келиб чиқиб, атроф-муҳитдаги сезиларли ўзгаришларга ҳам мослаша олади. Мослашиш: аввало инсон организми хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, у билан муҳит ўртасидаги тенгликнинг, ўзгарувчан муҳитга мослашиши, мавжуд жараён ҳамда инсон — муҳит тизимида ҳосил бўлган ўзаро алоқанинг натижасидир.

Бундан ташқари ички ишлар ходимларида ўз имкониятларини ҳисобга олмаслик, нотўғри тасаввур қилиш, мослашиш жараёнини бузади, бу эса низоли, қалтис шароитни келтириб чиқаради. Шахснинг ўз имкониятларига тўғри баҳо бера олмаслигига, иш қобилиятининг пасайишига, организмнинг касалликка берилувчанлигини оширишга сабаб бўлади. Мослашиш жараёнининг жиддий бузилиши, касалликларнинг тез ривожланишига, касб фаолиятида узилиш ҳосил бўлишига, жамиятга зарар келтирувчи турли характер иллатларининг туғилишига асос бўлади. Шу боисдан ҳам психологик хизмат жараёнида амалий психолог психогигиена ва психопрофилактика талабларидан келиб чиқиб ҳар хил тушунмовчиликлар, руҳий зўриқишлар ва ўзаро муносабатлардаги муаммоларни бартараф этишга ва шу йўл билан ходимларнинг руҳий ва маънавий соғлом бўлишларини таъминлашга қаратилган ишларни олиб бориши лозим бўлади.

Ички ишлар ходимларида зўриқиш ва стресс ҳолатларининг олдини олишнинг психогигиеник асослари

Хозирги замонда мавжуд моддий-техника воситаларининг такомиллашуви, уларнинг мураккаблиги, уюшган жинойтчилик ва халқаро террористик ҳаракатларга қарши жипслашган ҳолда жамоа бўлиб курашиш йўлида доимий изланиш, кучайтирилган тартибда хизмат олиб бориш ҳар бир ходимда бир психологик зўриқиш ҳолатларини келтириб чиқаради. Турли ахборотларни таҳлил қилиш, аниқ, тез ҳаракатланиш учун алоқа воситаларидан юқори даражада малакали равишда фойдалана олиш жараёни жамоа раҳбарларини доимий фикрлаш ҳолатида бўлишга мажбур қилади.

Ҳар қандай шароитда, жанговар шай туриш, хавфли вазиятларни назарда тутиб фаолият кечириш шахсни муайян рухий беқарорликка (стрессга) олиб келади. Демак, ички ишлар ходимларида ўзига хос таъсир ўтказувчи омиллар кўп бўлиб, бу касбга оид билимлар бошқа ижтимоий билимлардан ўзига хос тарафлари билан ажралиб туради.

Ички ишлар органларининг ҳар бир ходими индивидуал иш тажрибаси билан бир-биридан фарқ қилса-да, улар биргаликдаги фаолиятда умумий рухий ҳолатларга асосланадилар.

Биргаликдаги хизмат мобайнида ходимлар ўртасида бир-бирига таъсир ўтказиш тақлид, талабчанлик, ўртак олиш, муносабатларда қатнашиш, тажриба алмашиш ва турли психологик ҳолатлар (кайфият, стресс, асаббузарликлар) рўй беради ва уларнинг айна вақтдаги психологик ҳолатига ўз таъсирини ўтказади.

Бундан ташқари ҳар бир амалий психолог стресснинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида етарлича тушунчага эга бўлиши керак.

Стрессда инсоннинг теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга жисмоний, кимёвий ва психологик акс таъсирлари кузатилади. Бунда атроф-муҳитдаги салбий ҳодисалар инсоннинг физиологик ва психологик функциялари мувозанатини издан чиқаради. Стресс ҳолатини жисмоний, психологик омиллар мажмуи, яъни стрессорлар келтириб чиқаради. Ҳаётимизда стрессларнинг бўлиб туриши туфайли уларни бошқариш, улар келтириши мумкин бўлган зарарни камайтиришни билиш зарур. Инсонда

стрессларга кўникишнинг бир неча усуллари мавжуд. Ички ишлар ходими эса бу усулларни билиши шарт. Жумладан;

Биринчи усул — ташкилот даражасидаги усул бўлиб, масалан, ишлаб чиқариш корхонасида ходимларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш жараёнида, улар фаолиятига баҳо беришда ўзгаришлар рўй бериши натижасида вужудга келади. Бундай ўзгаришлар стрессли вазиятлар манбаини бартараф этади.

Иккинчи усул стрессларни бартараф этиш бўйича махсус дастурлардан фойдаланиб, стрессларни бошқара билишдир. Бундай дастурлар медитация, тренинг, машқлар, парҳез ва баъзан ибодат қилишни ҳам ўз ичига олади.

Хаётдаги турли кечинмалар таъсирида тез хафа бўлиш, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, етакчиликка (лидерликка) мойиллик, муваффақиятга эришишда тиришқоқликнинг кучайиши инсондаги шахсий хусусиятларнинг салбий тарафга ўзгаришига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам ходимларни ишга қабул қилишда тиббий текширувдан ўтказиш уларнинг келажакдаги иш фаолиятида мавжуд психик хасталикларга мойиллиги бўлган тақдирда уларнинг ривожланишининг олдини олади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишга қабул қилишда бўлажак ходимларнинг соғлигини қатъий тартибда назоратдан ўтказиш психогигиена ва психопрофилактиканинг асосий вазифасига киради ва ички ишлар органлари тиббиёт ходимлари томонидан номзоднинг соғломлиги, унинг психик ва жисмоний хусусиятларини талаб даражасида эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун батафсил ва мукамал ўрганилади. **Психогигиена** – инсоннинг руҳий соғломлигини сақлаш мақсадида, унинг психик хусусиятларининг оптимал (мақбул) ривожланишига шароит яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ўзаро шахсий муносабатлар ўрнатишда психологик мўътадил иқлимни вужудга келтириш, инсон психикасини атроф муҳитдаги зарарли таъсирларга чидамлилиқ даражасини ошириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқади.

Ички ишлар тизимидаги психопрофилактик тадбирлар руҳий-асаб касалликларининг олдини олиш, касалликнинг рецидив белгиларини аниқлаш, даволаш-профилактика, реаби-

литация ишларини юритиш, нохуш ижтимоий оқибатлар ва ногиронликнинг олдини олиш ишлари билан шуғулланади. Ички ишлар ходимлари билан олиб бориладиган психопрофилактика ишларида қуйидаги вазифаларни бажариш талаб қилинади:

- ходимларда руҳий-асаб касалликлари белгиларининг келиб чиқиши, сабаби ва шароитларини аниқлаш ҳамда олдини олиш;
- ишга олинаётган ходим ёки шахсда руҳий-асаб тизимининг аҳволи, психик соғломлик даражасини аниқлаш, ривожланиб кетишининг олдини олиш, патологик хусусиятларини белгилаш;
- ходимларда пайдо бўлаётган сезилар-сезилмас психик ўзгаришларни назорат остига олиш, кузатиш ва амбулатория шароитида даволаш;
- ички ишлар органлари бошлиқлар таркибига ходимларнинг соғлигини ҳисобга олган ҳолда ишнинг хусусиятига қараб керакли бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ходимларни касбий фаолияти давомида ҳаддан зиёд руҳий - эмоционал ҳолатларда қандай воситалардан фойдаланиш мумкинлигига оид тавсиялар билан таъминлаш;
- умумий гигиеник тадбирлар ўтказиш, овқатланиш, дам олиш вақтида шароитларни ҳисобга олиб, психопрофилактик тадбирларини ўтказиш;
- ходимлар ўртасида психогигиена ва психопрофилактика масалалари бўйича тиббиёт ва ҳарбий психология доирасида психотренинглар ўтказиш.

Умуман, ички ишлар тизимида юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши психологик хизмат амалиётида муайян натижаларни қўлга киритишда муҳим аҳамият касб этади.

6.4.Транспорт тизимида психологик хизмат амалиёти

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби транспорт тизимида ҳам психологик хизматга бўлган зарурат тобора ортиб бораётганлигини яққол кўриш мумкин. Чунки иш давомида ҳар бир транспорт ходимининг ўзига хос ички психологик ва эмоционал хусусиятларига адекват баҳо бериш ҳамда шу

талаблар асосида ходимнинг касбий фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бошқа тизимларда бўлгани каби бу тизимда ҳам шахс ва касб талаблари уйғунлигини бевосита таъминлаш орқали тизимда юксак натижаларга эришиш мумкин бўлади. Чунончи, Республика Темир йўл вазирлигининг 1991 йил 13 августдаги 41/42 буйруғи ҳамда ўша даврдаги Ўзбекистон Автомобил транспорти давлат-акционерлик корпорациясининг 1995 йил 25 ноябрь 07-3/139 рақамли махсус хати асосида жойларда психологик хизмат амалиёти расмий тарзда жорий қилинган. Тизимдаги ҳар бир ишчи ходимнинг ўзига хос психологик имкониятлари ва касбий лаёқатини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳар бир транспорт ходимининг шахсий сифатлари ва ўзигагина хос индивидуал-психологик хусусиятларини билиш, уни бутун иш фаолияти давомидаги турли хил “стресс” ҳолатларидан сақлаб қолиш (муҳофаза қилиш), жамоадаги шахслараро муносабатларда намоён бўлиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш, ҳар бир ишчи ходим имкониятларидан касбий фаолият самарадорлиги учун унумли фойдаланишга қаратилган тадбирларнинг қўлланилиши психологик хизмат амалиётининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этиш билан характерланади.

Бугунги кунда транспорт тизимида ҳар бир транспорт ходимининг иш сифатига салбий таъсир қилувчи “ҳиссий зўриқиш” ва “аффектив ҳолатга мойиллик” даражаларини аниқловчи психологик хизмат марказлари ташкил этилган бўлиб, ушбу Марказларда фаолият кўрсатаётган амалиётчи–психологлар томонидан мунтазам равишда психопрофилактик, психодиагностик ва психокоррекцион ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қўлланилаётган ташхис методикалар орқали у ёки бу транспорт ходими руҳиятида қандайдир камчиликлар, аффектив ҳолатлар ёхуд бошқа турдаги ҳиссий зўриқишларнинг таркиб топаётганлиги аниқланса, ўша заҳоти мазкур ходим (хайдовчи) вақтинчалик ишдан четлаштирилади. Бу билан муайян даражадаги релаксация ишлари, психотренинглар ва бошқа индивидуал-коррекцион ишлар олиб борилади. Бу тадбир айти пайтда, ўша транспорт ходимининг саломатлигини сақлаб қолиш

билан боғлиқ турли хил кўнгилсизликлар (авария, кучли стресс, аффектив ҳолатга тушиш кабилар)нинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Транспортнинг куйидаги турларида психологик хизматни йўлга қўйиш, ижтимоий зарурат ҳисобланади:

1. Ўзбекистон ҳаво йўллари компаниясида.
2. Ўзбекистон автомобиль транспорт тизимида.
3. Темир йўл транспортида:
 - а) темир йўл алоқаси;
 - б) трамвай шахобчаси;
 - в) метро хизматида.
4. Ўзбекистон сув транспорти тармоғида.

Айни пайтда, Ўзбекистон ҳаво йўллари жаҳондаги цивилизациялашган мамлакатларнинг ҳар бир авиатортида малакали психологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Психолог мутахассиснинг фаолият доираси шунчалик кенгки, унинг таркиблари оддий шахслараро муносабатдан бошланиб давлат аҳамиятига молик муаммолар ҳал қилинишида бевосита иштирок этади.

Бугунги кунда мазкур тизимда талайгина ишлар амалга оширилмоқда: Жумладан:

- ҳаво йўллари тизимига ишга қабул қилинадиган мутахассисларнинг касбга лаёқати, яроқлилигини аниқлаш ва баҳолаш;
- стюардесалар танловида фаол иштирок этиш ва уларнинг касбга мутаносиблигини текшириш;
- стюардесалар билан тренинглар ва ишбилармонлик уйинларини уюштириш;
- соҳанинг барча жабҳаларига оид психодиагностик воситаларни саралаш ва уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, модификациялаш;
- экипажни умумлаштириш жараёнини амалга ошириш ва ўзаро мосликка эга бўлган микрогуруҳини вужудга келтириш;
- психологик хизмат хонасини жиҳозлаш ва релаксация, реабилитация билан шуғулланиш, эмоционал зўриқишнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, психиотерапия воситаларини қўллаш;

- аэропорт биноларини инсон психикаси хусусиятига мос рангларда, шаклларда жиҳозлашни ташкил қилиш;
- экстремал ҳолатларда пассажирларни хотиржамлаш, шов-шувлар, миш-мишлар, ваҳималар таъсирига берилмаслик йўлларини қўллаш, уларнинг кайфиятини кўтариш воситаларидан фойдаланиш;
- аэропорт биноси техник воситалари, алоқа каналларидаги ходимлар хабарномасини олдиндан текшириш, сўнг эълон қилишга руҳсат бериш;
- куйлар, рекламалар, маълумотлар маълум метод бўйича тақсимланишини белгилашда иштирок этиш;
- пассажирлар вақтини хушчақчақлик билан ўтказишни таъминлаш, воситаларини қўллаш;
- савдо ходимлари ва харидорлар муносабатини муайян маромда бўлишини назорат қилиб бориш;
- раҳбарият билан унинг қарамоғидаги ходимлар ўртасида илиқ муносабатни таъминлашга ҳаракат қилиш;
- низоли ва можароли вазиятлар, ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга ечим топишда уқувчанликни намойиш этиш;
- ҳавога кўтарилиш ва учиш давомида пасажирлар хотиржамлигини таъминлаш учун экипаж ва хизматчи ходимларни аниқ кўрсатмалар, тавсиялар билан қуроллантириш;
- шахслар билан ишлашнинг жаҳон стандартларига мос равишдаги ижодий фаолиятини ташкил қилиш;
- раҳбар қобилиятини ривожлантириш учун у билан махсус машқлар ўтказиш;
- ходимларнинг муомала маданиятини ўрганиш ва турли мураккабликдаги тренинглардан фойдаланиш;
- бошқарувнинг турли бўғинлари ўртасида алоқа маромини белгилаш ва оптималлаштириш;
- шахслараро муносабат кўрсаткичини кўтариши учун оммавий тадбирлар уюштириш;
- ҳалокатнинг олдини олиш ва хавф-ҳатарга тик қараш жараёнларига аэрофлот ходимларини тайёрлаш;
- ходимларнинг касбга психологик тайёргарлик даражасини текшириб бориш ва бу борада улар билан махсус машқлар, машғулотлар ўтказиш.

Демак, юқоридаги вазифаларнинг бевосита амалга оширилиши транспорт тизимида шахснинг психологик ресурсларини тўғри талқин қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни, пировардида эса бугунги транспорт тизимида юксак ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришишни таъминлашга хизмат қилади.

6.5.Оилавий ҳаётни ташкил этиш тизимларида психологик хизмат амалиёти

Оила – сир-саноатларга тўлиқ макон. Унинг фаровон, файзли ва барокатли бўлишини истамаган инсоннинг ўзи йўқ. Фозил инсон ва унинг жамияти пайдо бўлибдики, оила деб аталмиш муқаддас даргоҳга асос солинган. Яратганнинг ўзи уни нурга, илмга, сир-саноатга тўлдирган, эркак ва аёлнинг дастлабки муқаддас никоҳини ўқиган, фаришталар эса бу буюк уюшмага гувоҳ бўлган.

Оила илми, аниқроғи, никоҳга кириб, оила қуриб, фазилатли, юртпарвар, ақлли ва солиҳ фарзандлар ўстириб, камолга етказиш илми, XXI аср одами учун нақадар зарур ва эгалланиши мушкул бу илм барча бошқа илмлар каби игна билан қудуқ қазиган каби қийин, билганинг сари билишга иштиёқни орттирадиган илмлардан. Келинлик ёки куёвлик, оналик ёки оталик, бува ёки момо бўлиш илми – шарқона қадриятларимиз асрлар мобайнида эъзозлаб, ардоқлаб келаётган илмлар мажмуи бу.

Оила илмини эгаллаш зарур. Чунки оила ва никоҳ замиридаги барча эзгу ниятлар ҳар бир фуқаронинг қалб туридаги эзгу ниятларигина бўлиб қолмай, шу юрт, шу муқаддас тупроқни асраш, уни гуллаб-яшнашига бевосита алоқадор. Демак, Ватан истиқболи, маҳалла ободлиги, хонадонлар фаровонлиги бир-бирига боғлиқ, уйғун ва муштарак тушунчалардир. Бу мақсадлар оддий истаклар, орзу-ҳавас билангина амалга ошиб қолади. Улар захматни, изланишни, ўрганишни, фикран мушоҳада қилиш, энг аввало, одамийлик, гўзал хулқ ва феъл-атворни назарда тутати. Машаққатсиз, захматсиз роҳат бўлмаганидек, оила илмини эгалламай туриб, унинг муқаддас остонасини босиб бўлмайди, инсон зотининг

бахти тўқис бўлмайди. Соғлом ва оқила она, тадбиркор ва ибратли ота бўлиш, тўрт мучаси соғ, ақли зукко фарзандни тарбиялаш, унга ҳаётнинг барча сабоқларини бериш, ёмонликлардан, турли балою-қазолардан, хавф-хатардан, ёт мафкуралардан асрашнинг ўзи бўлмайди.

Оилага психологик хизматнинг зарурлиги

Маълумки, мутахассисга мурожаат этган оилали одамларнинг аксарияти турмуш ўртоғи ёки фарзандларининг феъл-атвори ўзгаришини истади. Улар бу истагини, одатда, қуйидагича ифодалайди: “Ўғлим (қизим, эрим ёки хотиним) билан гаплашиб қўйсангиз, чунки у ўзгармаса яшаш қийин бўлиб қолди!” Аммо вазият биз ўйлаганчалик осон эмас. Чунки атрофимизда пайдо бўлаётган барча ҳаётини вазиятларда бизнинг ҳам улусимиз, таъсиримиз борлигини тушуниш, яъни турли муаммоларнинг пайдо бўлаётганига ўзимиз ҳам сабабчи эканимизни англаш зарур. Баъзан ножўя феъл-атворимиз, хатти-ҳаракатимиз билан англаб ёки англамаган ҳолда нохуш вазиятларни келтириб чиқарамиз ва оқибатда узок вақт изтироб чекиб юрамиз. Психолог хизматига мурожаат қилишдан олдин айрим кишилар мавжуд муаммоларни мустақил равишда ҳал этишга уриниб, баъзан қалтис йўл тутиши, дейлик, уйдан бош олиб чиқиб кетади, бошқа иш жойига ўтади, фарзандларига “уруш эълон” қилади, аразлаб, кунлаб, ойлаб турмуш ўртоғи билан гаплашмай юради. Лекин ҳар сафар ҳафсаласи пир бўлиб, хатти-ҳаракатини самарасиз, деб топади. Чунки юзага келган янги вазият илгаригисидан ҳам чигалроқ эканини англаб етади. Натижада одам ўзини бахтсиз ҳис эта бошлайди, вазиятни ўзгартиришга куч топа олмайди, уни қийнаётган муаммолар чигаллашиб бораверади.

Ҳар қандай ижтимоий гуруҳ, жумладан, оиладаги муносабатлар муайян босқичда янгича қирралар касб этади. Масалан, деярли ҳар бир оилада ота-она ва улғаяётган фарзандлар ўртасидаги муносабатларда англашилмовчилик ва зиддиятлар кўпайиб боришини кузатиш мумкин. Бир тарафда — назорат қилишга ўрганиб қолган ота-она, бошқа тарафда ҳали хатти-ҳаракати ва қарорлари учун маъсулиятни тўлиқ ҳис эта олмайдиган фарзанд туради. Масаланинг чигаллиги шундаки,

фарзандлар ота-оналаридан мустақил бўлиш ва улар назоратидан кутулиш мақсадида баъзан, ҳатто ҳаёти учун хавф соладиган ҳаракатларни ҳам содир этиши мумкин. Қалби меҳрга тўлик ота-она эса фарзандларни назорат этиш билан уларни қийин аҳволга солаётгани ва бахтсиз қилаётганини англаб етмайди.

Табиийки, инсонни ўраб турган муҳит унинг шаклланишида етакчи ўрин тутаяди. Улғайган сари инсонда унга хос бўлган, ён-атрофидагиларда ҳам яхши маънода намоён бўладиган (демак, ўзгалар ҳам кўллаб-қувватлайдиган) ҳатти-ҳаракатлар кўзга ташланади. Психологияда стереотип деб аталган бундай ҳатти-ҳаракатлар кўпинча англамаган ҳолда амалга оширилади. Стереотип атроф муҳитга, турли вазиятларга мослашиш ҳамда ортиқча зўриқиш-ларсиз қарор қабул қилишга имкон беради. Бироқ айрим ҳолларда стереотип шахс камолоти йўлидаги тўсиққа айланиши ва бунинг асорати шахслараро муносабатларга ҳам таъсир этиши мумкин. Инсон ботиний оламида бундай ҳолат ички зиддият, стресс ва дискомфорт сифатида акс этса, ташқи феъл-атвор ва ҳатти-ҳаракатда ишончсизлик, бефарқлик, тушкунлик ёки жаҳл, асоссиз тажовуз каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Бу ҳол инсоннинг ақлий салоҳиятига салбий таъсир этиб, унинг ижодий имкониятларини чеклайди.

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган ҳолатлар шахс ривожини чеклаши ва табиийки, оилавий муносабатларда ҳам муайян муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўп ҳолларда стереотипларнинг салбий кўриниши ёш эр-хотиннинг ўз оиласидан олган тасаввур ва тушунчаларида намоён бўлади. Бу стереотиплар англаган ҳам, англамаган ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, ҳар қандай оилавий низони, эр ёки хотин назарида, бирон бир сабабга асосан оқлаш мумкин. Энг қизиқарлиси шундаки, бундай ҳолларда эр ёки хотин ўзи англамаган ҳолда ота-онасининг оиладаги ахлоқий тимсолига мурожаат этади. Масалан, янги келиндан “Бизнинг оиламизда ахлатни эркаклар олиб чиқарди”, – ёки ёш куёвдан “Ҳамма оилаларда тугмани аёллар қадайдир”, – деган эътирозларни эшитиш мумкин. Худди шундай эътирозлар овқатланиш, кийиниш, дўстлар билан муносабатлар, болалар тарбияси каби ҳолатларда намоён бўлади. Илгариги ҳаётини тажрибасига ўзига

хос омил сифатида мурожаат қилган эр-хотин бошқа минглаб имкониятларни қўлдан чиқаради ва ҳақлигини исботлаш йўлида қаттиқ руҳий изтироб чекади, асаби қақшайди.

Оилавий ҳаётнинг дастлабки палласида янгича ҳиссиётлар тўлкини турмушда пайдо бўладиган муаммо ва зиддиятларни юмшатиб туради. Бу даврда оиладаги нохуш вазият, эр ёки хотин ўртасидаги ички низо ташқи муносабатларда деярли намоён бўлмайди. Тўпланиб бораётган зўриқишнинг олдини олмаслик натижасида икки жуфт орасидаги ўзаро тушуниш, ишонч, таянч нуқталарида ўзгариш пайдо бўла бошлайди ва вақт ўтиши билан бу кескин низони келтириб чиқаради. Шу маънода, бошқалар олдида эр-хотин ўзларини бахтли қилиб кўрсатиши психологик нуқтаи назардан хатарлидир, чунки ички норозилик, иккиюзламачилик, айбдорлик ҳисси эртами кечми, самимийлик, ишонч, севги, ўзига ишонч, қувонч каби ҳислардан устун келишига ва аста-секин бу юксак инсоний туйғуларнинг сўнишига сабаб бўлади.

Демак, феъл-атвор ва хатти-ҳаракатни ўзгартириш орқалигина вазиятга, атрофдагиларга таъсир этиш ва улар билан ўзаро муносабатларни соғломлаштириш мумкин. Шундагина ҳар қандай кескин вазиятни ҳал этиш, янги оилага хос психологик муҳитни соғломлаштиришни эътиборга олиб, мавжуд муаммоларнинг оқилона ечимини топиш мумкин бўлади, оилада ўзаро ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тушунишга интилиш, ишонч ва муҳаббат туйғуси шаклланади. Оилага психологик хизмат кўрсатишда эса ушбу ҳолатга жиддий эътибор қаратишга тўғри келади.

Перинатал психология

Психология фанида ишлатиладиган “перинатал” тушунчаси билан тиббиётда ишлатиладиган тушунча ўртасида муайян фарқ бор. Тиббиётда перинатал давр ўз ичига ҳомиланинг она қорнидаги 28 ҳафталик давр оралиғини назарда тутди. Перинатал психологияда эса ҳомила пайдо бўлган даврдан токи чақалоқнинг она билан биргаликда, эмоционал боғлиқликда кечадиган яхлит давригача бўлган вақт назарда тугилади. Психология учун боланинг эр ва хотин қўшилиши натижасида қандай конструктив ёки деструктив мотивлар асосида пайдо

бўлиши ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, аёлнинг ҳомиладорлик давридаги ҳис-кечинмалари, боланинг қанчалик кутиши каби психологик омиллар кейинчалик у билан амалга ошириладиган психотерапевтик ишларда амалий аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади ва қадрланади. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, никоҳга киришнинг энг долзарб мотиви фарзанд кўриш бўлгани сабабли, аксарият оилаларда аёлнинг перенатал даврида унга алоҳида меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш ҳам миллий анъаналаримизга айланган.

Оилавий муносабатларнинг энг таъсирли, жозибали ва муҳим бўлаги – бу она-бола муносабатларидир. Уларнинг муҳимлиги шундаки, айна дастлабки мулоқот ва меҳрли муносабатлар боланинг кейинги психик ва ақлий тараққиётини ҳамда онанинг хулқ-атворини шакллантиради.

Бола туғилишининг дастлабки онларида она ва бола ўзаро ҳисса ва психологик жиҳатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир тан, бир вужуд ҳисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, кўшилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улғайиб, катта бўлгани сари улар ўртасидаги масофа, психологик дистанция ортиб бораверади, симбиоз муносабатлар ақлий-когнитив муносабатлар шаклидаги психологик алоқаларга айланиб кетаверади. Чақалоқнинг жисмоний ўсиши ва ривожланиши табиийки, онанинг ғамхўрлигига бевосита боғлиқ. Шуниси муҳимки, бола учун ҳар қандай ғамхўр ва меҳрибон инсон унга она ўрнини босиши мумкин (бувиси, отаси, энагаси). Лекин кимнингдир доимий ғамхўрлиги, яъни, меҳрибон инсоннинг – “объект”нинг доимийлиги бола ривожланиши учун ўта муҳим ҳисобланади. Бола бир ёшга тўлгунча бўлган даври новербал мулоқот даври ҳисобланиб, ундаги барча ўзгаришлар онаси ёки яқинлари билан бўладиган эмоционал, бевосита муносабатларнинг натижаси бўлади ва бора-бора муомалага тил ва товушлар билан боғлиқ белгилар кириб кела бошлайди. Онанинг барча саъй-ҳаракатлари бу даврда бола психик ривожланишининг муваффақиятини белгилайди.

Агар ота-она томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик доимий ва самимийлик касб этса, бу Э.Эриксон таъбири билан айтганда, “мутлоқ ишонч” (банальное доверие)га асос бўлади. Яъни ҳақиқий ғамхўр она боласининг айни пайтдаги барча эҳтиёжларини қалбан ҳис этиб, ўша заҳоти қондиришга ҳаракат қилади, масалан, чанқаса, сув, оч қолса, кўкрак сути, пешоб қистаганда, тўсиш каби ишларни ўз вақтида бажариб боради. Онанинг бола эҳтиёжларини шу каби аниқ билиб, ўз вақтида меҳр кўрсатиши баъзан интуитив тарзда кечса, баъзан она ўзини бола билан идентификация қилади, яъни ўзини унинг ўрнига қўйиш орқали унинг талаб-истакларини сезгандай бўлади, “вужуди билан ҳис этади”. Бундай ҳис қилишлар одатда она томонидан аниқ англомайди, лекин, табиийки, онанинг кечинмалари ва сезишлари тўғри чиқади. Бироқ, баъзан педиатр ёки бошқа мутахассис билан боланинг ҳолати ҳақида фикрлашганда айрим ҳолларда ўзининг интуитив қарорлари тўғри ёки нотўғри эканлигини англаб қолади.

Тан-вужуд билан она ва боланинг яхлитлиги ўзига хос ҳиссиёт бўлиб, у кўпинча “*холдинг*” (инглизча “*тутиш*” “*ушлаш*” сўзидан олинган) тажрибасидан келиб чиқади. Яъни, она ўз боласини кўлида ушлаб, бағрига босганида ҳис қиладиган кечинмалари орқали боладаги ўзгаришларни туяди, ҳис қилади.

Оилага психологик хизмат кўрсатишда бола нутқи ва унинг шаклланиши жараёнига муҳим аҳамият бериш талаб қилинади. Жумладан, гапириш, нутқ фаолияти билан боғлиқ психик функциялар, кўпинча, *синхронизация* жараёнида шаклланади. Боласини суйиб, унинг ҳис-кечинмаларини билиш қобилиятига эга бўлган она, одатда, фарзандининг психик ривожланишида барча қилиқларини, улардан қандай фойдаланиш малакаларини орттириб боради. Масалан, болада баъзан шундай ҳолат бўладики, унда онага бола билан фаол коммуникатив фаолиятни амалга ошириш ноқулай бўлади, гўдак инжиқлик қилиб, ҳеч нарсага кўнмай қолади, буни сезган она болага гапиравермай, жимгина тоза хавода сайр қилдираверса, вақт ўтгач, фарзандидаги чарчоқ ёки бошқа сабабли пайдо бўлган ҳолат ўтиб кетади, у яна жонланиб, оилага талпинади, у билан мулоқотни давом эттиради. Шунини инобатга олмаган ҳолатларда коммуника-

тив омадсизлик (*Винникотт*) содир бўлади, бунинг оқибатлари психологияда яхши ўрганилган.

Боладаги когнитив ривожланиш, яъни фикрлар тарбияси, дунёқарашларнинг шаклланишига ҳам онанинг хулк-атвори катта таъсир этади. Инглиз олимларининг кузатишларида (У.Р, Бион) онанинг ҳар бир ҳаракати, мимикалари боланинг тепасида туриб, унга қиладиган муомаласи, эркалашлари бора-бора бола ўзлаштирадиган алоҳида иборалар, сўзларда намоён бўлади. Видео тасмаларда шу нарса намоён бўлганки, онанинг қилиқлари тобора боланинг нутқли-нутқсиз, мантиқий-мантиқсиз ҳаракатларига, ишораларига айланиб боради, кейинчалик бола алоҳида сўзларни талаффуз қила бошлаганда ҳам беихтиёр онанинг мимикалари, талаффуз услубларини қайтаради. Шу тариқа онанинг бевосита иштироки ва ёрдамида бола дунёни танийди, ўрганади.

Оламни она орқали билишга имкон берувчи психологик ҳолатлардан яна бири — бу ҳиссий-эмоционал боғланганликдир. Инглиз психиатри *Жон Боулби* томонидан ишлаб чиқилган, турли ҳаётий вазиятларда она-бола муносабатларида *М.Эйнсворт* деган олима томонидан текширилган эмоционал **боғланганлик назарияси**, одатда, етти ойликдан кейинги боланинг онага жуда боғланиб қолиши ва шу орқали бола учун муҳим психологик ривожланишлар рўй беришини исботлаган. Масалан, 12 ойликдан 18 ойликкача бўлган боланинг онасидан 3 минутга айириб туриб қайд этилган хулқига қараб, олимлар ҳиссий боғланганликнинг 4 хил шаклини қайд этишган.

Ишончли боғлиқлик. Бола бундай шароитда онасини ишонч билан қидиради, атрофни ўрганади; кетиб қолганини сеза бошлагач, тушкунликка тушади, хафа бўлади, онаси қайтгач, уни зўр хурсандчилик билан кулиб кутиб олади, онасига талпинади;

Четлашувчи боғлиқлик. Онаси кетиб қолганлигини билгач, атрофга қарайди, қидиради, лекин она қайтгач, унга талниниши минимал бўлиб, хаттоки, тескари қараб ҳам олади, ўйинчоқларини ўйнашда давом этаверади;

Авбивстенг боғлиқлик. Онаси кетгач, гўёки қотиб қолгандай депрессияга тушади, ўйнамайди ҳам атрофга қарамайди ҳам; онаси қайтгач, онасига талпинмайди ҳам, ундан

қочмайди ҳам. Унинг хафалигини ҳам, хурсанд эканлигини ҳам англаш қийин бўлади;

Тартибсиз боғлиқлик. Болада онага нисбатан боғлиқликни кузатиш қийин, гўёки болага барча нарса бефарқдай, қилиқларда мантиқни кузатиш мушкул.

Р.Ж.Мухсшедрахимов (1998) ўз тадқиқотларида “хавфсиз боғлиқлик” атамасини ишлатади. Бунда она-бола муносабатлари жуда текис, равон, бир-бирига монанд, самимий кечади. Оила муҳотида, яхши ижобий муносабатлар доирасида кечган боғлиқлик билан ота-онасиз ўсган етимхонадаги болалардаги боғлиқлик ўрганилганда, айна хавфсиз боғлиқлик борасида улар ўртасида катта тафовут борлиги исботланган.

Психологик хизмат жараёнида оила илми билан боғлиқ ушбу ҳолатлар мунтазам равишда ҳисобга олиб борилиши керак.

Ҳозирги замон оиласининг психологик функциялари

Оилага психологик хизмат кўрсатиш жараёнида амалиётчи психологлар оиланинг бугунги асосий функциялари ҳақида етарлича билимга эга бўлишлари шарт. Чунончи, ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида бир маълум функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий функциялари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий (жамоатчилик) функцияларини ҳисобга олиш лозим.

Барча олдинги жамиятларда оила куйидаги асосий функцияларни бажарган: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув).

Бу ҳақида Шарқ алломалари Абу Носир Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқалар ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

Ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш функциясининг аҳамияти ортиб бормокда. Ҳатто соф моддий характерга эга бўлган функцияларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормокда. Ҳиссий, эмоционал ҳолатларнинг аҳамияти шаҳар оилаларида кучлироқ англономда. Қишлоқ оилалари эса уй ҳайвонлари ва томорқа ерларининг

борлиги эвазига шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи бўғинилигини, ишлаб чиқарувчилик функциясини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

Инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ҳозирги замон оиласининг асосий функциялари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув), фелиоцитологик кабилар. Психологик хизмат жараёнида эса оиланинг ушбу функциялари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш талаб қилинади.

Оиланинг иқтисодий функцияси

Оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежаб рўзғор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек, оилада ўсаётган бола ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим.

Оиланинг репродуктив функцияси

Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири бу унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясидир. Бу функциянинг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Бу эҳтиёжларни қондирмасдан туриб, киши одатда ўзини бахтиёр ҳис қила олмайди.

Оиланинг коммуникатив функцияси

Оиланинг коммуникатив функцияси оила аъзоларининг ўзаро

мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий ориентациялар, установкакалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий ва психологик саломатлиги — оиладаги ўзаро, ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установкакаларни намоён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга тўғридан - тўғри боғлиқдир. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида фан-техника тараққиётининг юксалиб, одамларнинг кундалик ҳаётининг урбанизациялашувининг (радио, телевидение, видео, компьютер ва бошқалар) ортиб бориши, оилаларнинг тобора нуклеарлашиб бораётганлиги билан оиланинг коммуникатив функциясининг аҳамияти, оила аъзоларининг бир-бирлари билан «одамларча» суҳбатлашиб олишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ўринда ўзбек оиласининг ўзига хос хусусияти: кўп авлодлилик, кўп фарзандлилик қабила бундай оилалар аъзолари ўртасида ўзаро мулоқот тўларок амалга ошишига асос бўлади, уларнинг ўзаро мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди. Бироқ сўнгги йилларда баъзи оилаларда ота- оналар ва болалар ўртасида мулоқотнинг камлиги, бир- бирига эътиборнинг пасайиши, оила аъзолари ўртасида фикр эркинлигининг чекланганлиги (айниқса, қишлоқ оилаларида), ҳолатлари ҳам мавжуд, ҳатто оиладаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви натижаси оила аъзоларининг айримларида стресс (асабий танглик), суицид (ўз жонига қасд қилиш) қаби ноҳуш ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳам кузатилмоқда. Бундай ноҳушликларнинг олдини олиш учун, энг аввало, оила аъзолари ўртасида ошқора, яқин, ўзаро тушунарли, ишончли мулоқотнинг амалга ошиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, лозим бўлса бу борада ёшларга тегишли билимларни бериш аҳоли учун психологик маслаҳатхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, тренинглар ташкил этиш, «Ишонч телефонлари», «Қалб марказлари» қабиларни ташкил этиб, улар фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Оиланинг рекреатив функцияси

Никоҳ-оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий

замонлардан буён унга характерли бўлиб келган хусусиятлардан бири, ундаги шахслараро муносабатлар талабларидан бири уни ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек болаларга ва меҳнатга яроқсиз ёки кекса қариндошларга моддий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Бу ҳолат ўз навбатида оиланинг асосий функцияларидан яна бирини, унинг рекреатив функциясини ташкил қилади. Оиланинг рекреатив — ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш функциясидир. Бу функция кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларининг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фаолиятларидан холи ҳолда, яъни бўш вақтларни биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда буларнинг ўзаро муносабатлари характери қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Бу қадриятдан одамлар турлича фойдаланадилар. Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Бу борада эришилган ютуқларимиздан бири шуки — дам олиш ва соғломлаштириш ишларига давлат миқёсида аҳамият берилди бошланди. Лекин кўпчилик турли сабаблар билан (уларнинг ўзлари кўпроқ моддий сабабни кўрсатишади) маданий дам олишга эътибор бермай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда оилавий дам олиш, оилавий туризм ва қатор оилавий тадбирлар доираси кенгайиб бормоқда.

Оиланинг фелицитологик функцияси

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелицитологик функциясидир (италиянча «фелиците» — “бахт”). Шахсий бахтга эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи бўлиб бормоқда. Бахт нима ўзи? Ҳозирги замон оиласи ўз аъзоларининг бахтини таъминлашда қандай роль ўйнайди? Бахтга интилиш ҳар бир инсон

учун табиийдир ва айна шу бахтга интилиш уларни оила куришга ундайди. Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлик тушуниши уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий имкониятлар (иктидор)ни рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради. Кейинги вақтларда инсоннинг имконияти ортганлари унинг бахтга интилиш даражасини ҳам орттирмоқда. Лекин баъзан нопок йўллар билан пул топиш орқали бахтли бўлишга интилиш ёки ўзгалар ҳисобига шахсий бахтга интилиш каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Баъзан эса оила аъзоларининг (айниқса, эр-хотиннинг) шахсий бахтга ўз-ўзича интилиши оилаларда нохуш ҳолатлар (хиёнат каби)ни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Баъзан эса оила аъзоларининг (айниқса, эр-хотиннинг) шахсий бахтга ўз-ўзича интилиши оилаларда нохуш ҳолатлар (хиёнат каби)ни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳар бир шахс ўзида кўпроқ виждонлилик, поклик, ҳалоллик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга эътибор бериши лозим.

Оиланинг регулятив функцияси

Оиланинг регулятив функцияси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек, бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Ўтган замонларда оилани бошқариш функцияси маълум даражада расмий тарзда белгилаб ҳам қўйилган. Унга кўра оилада ким оила бошлиғи бўлиши, унинг обрўси ва устунлиги қайд этилган ва оиланинг шу аъзоси (асосан, ота) бутун умри давомида ўз фарзандлари ва оила аъзолари ҳатти-ҳаракати, хулқи учун жавобгар бўлган. Ота-онасига бўйсунмаганларни жазолаш ҳоллари ҳам назарда тутилган.

Оиланинг релаксация функцияси

Ҳозирги замон оиласининг энг асосий функцияларидан яна бири релаксация функциясидир. Бу дегани оила аъзоларининг жинсий,

эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдирки, фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби катор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда. Бугунги ва эртанги кун саноати, ишлаб чиқарилиши ишчи ходимдан бор имкониятини сафарбар қилиб, бутун вужуди билан ишлашни ва ўзининг касб-хунар маҳоратини мунтазам ошириб боришни тақозо қилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллигининг бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси инсонни тезда толиқиб, ўзининг меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Бунинг учун эса унинг оиласида тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим. Акс ҳолда одам бу оилада эмоционал жиҳатдан, руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб ола олмайди. Бу эса оқибатда одамнинг меҳнат фаолиятида турли хатоларга, ишда сифатсизлик, жароҳатларга йўл қўйишига, турли касалликларга дучор бўлишига олиб келиши мумкин. Юқоридаги функцияларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила учун оила бахтини таъминловчи мезон ҳисобланади. Психологик хизмат жараёнида эса юқорида қайд этилган оиладаги тарбия функциялари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган психодиагностик, психопрофилактик ва психокоррекцион ишларнинг тизимли равишда йўлга қўйилиши ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар

- 1.Тиббиётда психологик хизматнинг зарурлиги ва унга қўйилган талаблар?
- 2.Тиббий муассасаларда психологик хизматнинг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти?
- 3.Турли хил спорт мактабларида ва жамоаларида психологик хизматнинг зарурлиги?
- 4.Жисмоний тарбия ва спорт тизимида психологик хизматнинг ташкил этилиши билан боғлиқ вазифалар нималардан иборат?

5. Ички-ишлар тизимида психологик хизматнинг ташкил этилиши ва унга қўйилган талаблар?
6. Транспорт тизимида психологик хизматга қўйилган талаблар ва унинг асосий вазифалари?
7. Оила қуришгача бўлган ёшларга психологик хизматнинг зарурлиги?
8. Оила тизимида психологик хизмат кўрсатиш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари?

Мустақил иш мавзулари

1. Тиббиёт ва спорт муассасаларида психологик хизмат амалиётига қўйилган талаблар.
2. Ички ишлар ва транспорт муассасаларида психологик хизмат амалиётига қўйилган талаблар.
3. Оилага психологик хизмат амалиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Асосий адабиётлар:

1. Винер Дж., Майзен Р., Дакхем Дж. Супервизия супервизора: практика в поиске теории. – М.: Когито-Центр, 2006.
2. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. Илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Sharq”, 2015. – 336 б.
3. Ибодуллаев З. “Тиббиёт психологияси”. Дарслик. – “Янги аср авлоди”, 2009. – 294 б.
4. Лазарус Р.С. Эмоциональный стресс. – М., 1970.
5. Мейер В., Чессер Э. Методы поведенческой терапии. СПб, 2001.
6. Мухторов Э.М. Врач касбий маҳорати ва психодиагностика самарадорлиги. – Т.: 2016.
7. Нишонова З.Т., Алимбаева Ш.Т., Сулаймонов М. Психологик хизмат. – Т.: Фан ва технология марказининг босмаҳонаси, 2014.
8. Психогенетика. Учебник./И.В.Равиг-Щербо, Т.М.Марютина, Е.Л.Григоренко; Под ред.И.В.Р.Равиг-Щербо, И.И.Полетаевой. – 2-2 изд.Испр. и дол. – М.: Асискт Пресс, 2008. – 448 с.
9. Психологическая безопасность. /Иван Огнев. – Ростов н Д.Феникс, 2007. – 605 с.

10.Разумов С.А. Эмоциональный стресс в условиях нормы и патологии человека . – Л., 1976.

11.Щербатых Ю.В. Психология стресса и методы коррекцион – М.: 2008.

Қўшимча адабиётлар:

1.А.А.Деркоча–М.:Изд. Институт практической психологии; Воронеж: изд.Н.П.О. ”МОДЭК, 1998. – С. 688.

2.Василюк.Ф.Е. От психологической практики к психотехнической теории. Московский психотерапевтический журнал, 1992, – №1. – С. 15-32.

3.Каримова В.М.Холйигитова Н.Х. Психология: Ўқув қўлланма. - Т.: “IQTISODIYOT”, 2014.- 175 б.

4. Нишонова З.Т. Психологик хизмат (ўқув қўлланма) – Т., 2006. – 156 б.

5.Платонов К.К.Краткий словарь системы психологических понятий. Учеб.пособие. – М.:Высш.Шк., 1984. – 174 с.

6. Солсо Р.Л. Экспериментальная психология Спб.:Речь2003.

7.Ҳайдаров Ф.И.Жўраев Н.С.Стресс ёки руҳий мувозанатни сақлаш осонми?//Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент, 2003.

8.Лукмонов А. Ҳомиладор аёллар психодиагностикаси ва психокоррекцияси хусусиятлари. Монография. – Т.,2011.-140 б.

Интернет ресурслари:

<http://www.psychology-online.net>

<http://www.psychol-ok.ru/library/html>

<http://www.koob.ru>

www.psixologiya.uz

<https://psychologiya.com>

<https://ru.wikipedia>

www.psysovet.ru

www.scienceproblems.ru

VII БОБ. АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- 7.1. Маҳаллаларга психологик хизмат кўрсатиш амалиёти.
- 7.2. Уюшмаган ёшларга психологик хизмат кўрсатиш амалиёти.
- 7.3. Экстремал вазиятларда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти.

7.1 Маҳаллада психологик хизмат кўрсатиш амалиёти

Бугунги кунда психологик хизмат кўрсатиш амалиёти барча давлатларда турлича кўринишларда амалга оширилмоқда. Айнан маҳалла ҳаёти билан боғлиқ психологик тадбирларнинг олиб борилиши ушбу тизимда ўзига хос ижтимоий омилларнинг яққол намоён этилишини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, маҳалла тизими ва бу тизимга ҳукумат томонидан юксак эътиборнинг қаратилиши фақатгина бизнинг мамлакатимизда ва бизнинг минг йиллик қадриятларимизга хос ва мосдир. Айни пайтда, маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи бўлган, миллий урф-одат анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган. У одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик қарор топишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Қолаверса, бугунги кунда ҳам биздаги маҳаллалар мамлакатимизда давлат бошқарувининг бирламчи бўғини, асосий устуни сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига биноан маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида фаолият кўрсатди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жами 9627та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда, шундан 6855 таси юридик шахс мақомига эгадир. Маҳаллаларда психологик хизмат кўрсатишга бағишланган грант лойиҳалари бўйича Республика миқёсида муайян илмий-тадқиқот изланишларининг олиб борилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан,

Бухоро давлат университетининг психология кафедраси олимлари томонидан ЁА-1-9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларида психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” лойиҳаси асосида (лойиҳа раҳбари доцент Д.Ш.Баротова) 2015-2017 йилларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Мазкур грант лойиҳаси доирасида бир қатор маҳаллаларда психологик хизматни ташкил этиш бўйича талайгина тажрибалар тўпланди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳақиқатан ҳам, маҳаллаларда аҳолининг турли қатламлари истиқомат қилишади. Лекин ҳар бир қатламнинг ўзига хос ижтимоий-психологик имкониятлари мавжудки, бу имконият-ларидан унумли фойдаланиш тақозо этилади. Бу жараёнда эса психологик хизмат амалиёти муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллада психологик хизмат амалиётини ташкил этиш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганиш асосида шахс харитасини тузиш.

2. Маҳаллада шахслараро муносабатлар тизимига баҳо бериш (маҳалла фаоллари ва маҳаллада яшовчилар ўртасида).

3. Маҳаллада муаммоли оилалар ва муаммоли шахсларни ўрганиш асосида ушбу муаммонинг психологик ечимларини излаш ва бартараф этиш.

4. Маҳалла, мактаб, оила ва профилактика инспектори ҳамкорлигини самарали тарзда ташкил этишнинг психологик таъсир мезонларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.

5. Маҳаллада уч авлод учрашувини ташкил этиш асосида ёшларга психологик таъсир этиш доирасини кенгайтириш.

6. Маҳалладаги қадриятларни ўрганиш ва шу қадриятларнинг таъсирчанлигига таяниб шахслардаги у ёки бу муаммоларни бартараф этиш.

7. Маҳалладаги жиноятларнинг содир этилиши ва суицид ҳолатларига олиб келувчи омилларни муайян ижтимоий психологик тамойиллар асосида таҳлил қилиш. Ушбу ҳолатга мойиллиги бор ҳар бир шахс билан индивидуал шуғулланиш.

8. Маҳаллада ногиронлиги мавжуд шахсларга алоҳида психологик ёндашув йўллари кўрсатиш.

9. Маҳалладаги маънавий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан муаммоси бор шахслар билан тизимли ишларнинг ташкил қилинишига кўмаклашиш.

10. Маҳаллани ҳар томонлама тизимли равишда ўрганиб, унда истиқомат қилувчи ҳар бир оила ва ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал психологик харитасини тузиш ва шу асосда маҳаллага психологик хизмат кўрсатишнинг илмий амалий жиҳатдан истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикада маҳалла институти тараққиёти учун жуда кўплаб ишлар қилинмоқда. Айни пайтда маҳаллада яшовчи фуқароларнинг ўзаро муносабати, мулоқоти, улардаги маънавий-психологик жиҳатларнинг тадқиқ қилиниши орқали ҳар бир маҳаллада психологик хизмат кўрсатиш бўлимлари очилмоқда. Айниқса, маҳалладаги уюлмаган ёшлар билан ишлаш, нотинч оилалар ва ногиронлар билан ишлашдаги психологик муаммолар аста-секин ечилиб бормоқда. Бу борада бир қатор социал-психологик тадқиқотлар олиб борилиб, тегишли илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, йиллар давомида маҳаллада психологик хизмат зарурлигини ўрганувчи тадқиқотлар олиб борилди. Бунда турли вилоятлардаги фуқаролар томонидан олинган жавоблар таҳлил қилиниб тегишли ҳулосалар қилинган.

Жумладан, Бухоро, Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилган контент-таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият фуқароларимизнинг ҳолисона жавобларида маҳаллада психологик хизматнинг ниҳоятда зарурлиги ҳақида эътироф этилган. Ушбу жавобларнинг айримларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

“Содир бўлаётган оилавий зиддият ва фожиаларнинг олдини олишда маҳаллаларда психолог хизматининг ташкил этилиши самарали таъсир этади, деб ўйлайсизми?” – саволига олинган жавоблар

7.1.1-жадвал

<i>Вилоятлар</i>	<i>Ҳа</i>	<i>Йўқ</i>
<i>Бухоро вилояти</i>	43	5
<i>Тошкент вилояти</i>	48	3
<i>Навоий вилояти</i>	70	5
<i>Қашқадарё вилояти</i>	46	6

“Ёшларнинг оила қуришдан олдин психолог хузурига бориши зарур, деб ҳисоблайсизми?” – саволига олинган жавоблар изоҳи

7.1.2-жадвал

<i>Вилоятлар</i>	<i>Ҳа</i>	<i>Йўқ</i>
<i>Бухоро вилояти</i>	43	5
<i>Тошкент вилояти</i>	49	2
<i>Навоий вилояти</i>	72	3
<i>Қашқадарё вилояти</i>	48	4

“Маҳалла тизимида психолог лавозими жорий этилишига муносабатингиз?” – саволига олинган жавоблар изоҳи

7.1.3-жадвал

<i>Вилоятлар</i>	<i>Ҳа</i>	<i>Йўқ</i>
<i>Бухоро вилояти</i>	43	5
<i>Тошкент вилояти</i>	51	0
<i>Навоий вилояти</i>	72	3
<i>Қашқадарё вилояти</i>	49	3

Мазкур жавоблар изоҳи шуни тасдиқлайдики, демак, маҳалла тизими шахс руҳияти билан боғлиқ кенг кўламли муаммолар мажмуасини ўз ичига олганлиги боис бугунги кунда маҳаллада яшовчи аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатилиши шарт ва зарурдир.

Инсон психологиясини тушуниш, таҳлил қилиш, ривожлантиришга жиддий эътибор бериш масаласи ҳамма замонларда ва ҳамма давлатларда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи вазифаларидан бири бўлиб келган.

XX аср бўсағасида психология фани ва унинг илғор вакиллари ўзларининг навбатдаги жаҳоншумул илмий мақсадлари – инсонга, айни пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг муқаррарлигини назарий-илмий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги ҳолатига илмий-ташкилий нуқтаи назаридан баҳо берар эканмиз, бу борада талайгина ютуқлар, камчиликлар ва тез орада бартараф этилиши лозим бўлган муамоллар мавжудлигини кўрамыз.

Маҳалла асрлар оша шаклланган шарқона ўзини ўзи бошқариш тизимидир. Шу боис истиқлол йилларида унинг фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама ошириш ва ривожлантиришга, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жамиятдаги нуфузини янада кўтаришга, ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилаётир. Дарҳақиқат, маҳалла институтини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар туб мазмун-моҳиятига кўра Ватанимиз тараққиётига, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, фуқаролар йиғинлари ишини юқори даражада ташкил этишга хизмат қилади.

Маҳаллада, оилага психологик хизмат кўрсатиш жараёнида эса турли ёшлардаги ва турли тоифалардаги оилаларга оилавий ҳаёт билан, оиладаги шахслараро муносабатлар билан, турли хил зиддиятлар билан боғлиқ барча вазиятларни таҳлил қилишда ва ижобий томонга йўналтиришда кўмаклашилади.

Маҳаллада оилавий ҳаёт, меҳнат, катталар ва кичиклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ахлоқий-маънавий қиёфалари, ота-оналарнинг сиёсий ва маънавий савиялари, уларнинг иқтисодий таъминланганлиги, турли кўринишдаги фаолиятлари, вақтни тўғри режалаштириш, яшаш шароитлари ва бошқалар оилавий тарбия самарадорлигини таъминловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳаллада психологик хизматни ташкил этиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш талаб қилинади:

1. Оммавий ахборот воситалари: телевидение, радио, матбуот, интернет орқали маҳаллада психологик хизмат кўрсатишга оид чиқишларини ташкил қилиш.

2. Республикамиздаги барча маҳаллаларга, оилаларга, ота-оналарга ҳамда болаларга психологик хизмат кўрсатиш ишларини юқори даражада йўлга қўйиш. Ҳар бир маҳалладаги носоғлом муҳитнинг психологик илдизларини аниқлаш ва уни коррекциялашнинг муайян имкониятларини очиб бериш.

3. Ота-оналар ўртасида боланинг мулоқот сифатларидаги психологик хусусиятларга оид билимларни кенг тарғиб қилиш.

4. Хулқи оғишган болалар тўдасига қўшилишга мойиллиги бор бўлган ўсмирларнинг сонининг камайиши учун ота-оналар ва

ўқитувчилар билан ҳамкорликда психопрофилактик ишлар ва психотренинглар ташкиллаштириш.

5. Психологик хизматга муҳтож ўғил ва қизларнинг ўз оиласидаги ҳаётга интилишини кучайтиришга қаратиш ҳамда ўсмирларнинг ота-оналарини ўз фарзандларининг эртанги кунига бефарқ бўлмасликка, ўз ота-оналик масъулиятини ҳис қилишга чақириш.

6. Ота-оналар ва педагоглар учун ўқувчиларда ижобий шахсий сифатларни ва шахслараро муносабатларни шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш учун махсус методик тавсияномалар ишлаб чиқиш.

7. Ота-оналарнинг ва ўқитувчиларнинг болаларни яхши тушуниши учун улар билан яқиндан дўстона муносабатда бўлиб, ўзаро муаммоларини бартараф қилиш мақсадида суҳбатлашиш ва бир-бирини ўзаро тушунишга ҳаракат қилиш йўллари билиш учун психологик маслаҳатлар олишга ундаш.

8. Маҳаллада вояга етмаганлар билан ишлашда маҳалла профилактика инспекторига алоҳида психологик кўрсатмалар бериш.

9. Суицидга мойилликни намоён этиши мумкин бўлган болалар, ўсмирлар ва катталар билан алоҳида индивидуал ишлар олиб бориш.

10. Жиноятчиликнинг олдини олиш профилактикасини ташкил этишда муайян мақсадларга қаратилган психопрофилактик ва психокоррекцион ишлар кўламини белгилаш ва уни амалга ошириш.

Демак, юқоридаги тавсиялар асосида маҳаллаларда психологик хизматнинг ташкил этилиши аҳолининг турли қатламларида психологик билимларни янада кўпроқ тарғиб қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

7.2. Уюлмаган ёшлар гуруҳига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти

Мамлакатимиз Президенти томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиши Ўзбекистондаги муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, бугунги кунда ўсиб келаётган ҳар бир ёшнинг ўзига хос психологик имкониятларини тўғри талқин қилиш ва шу асосда уни ҳаётга, турли хил ижтимоий вазифаларни бажаришга йўналтириш барча соҳалар каби психологиянинг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки маҳаллалардаги, қишлоқ ва шаҳарлардаги уюшмаган ёшлар контингенти жуда кўпчиликни ташкил этади. Қолаверса, ҳар бир ёш ўспириннинг ўзига хос табиати, маънавияти, қизиқишлари ва ўзига хос дунёқарашлари мавжудки, ушбу хусусиятлар асосида ўспиринлар ҳаётини ҳар жихатдан тўғри ва мазмунли тарзда шакллантириш мумкин бўлади. Албатта, ушбу ишни амалга ошириш учун эса шу ҳудудда истиқомат қилувчи маҳалла фаоллари, маҳалла профилактика инспекторлари, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда барча ота-оналар биргаликда ҳаракат қилишлари зарур бўлади.

Бугунги кунда уюшмаган ёшлар гуруҳи ва унга ижобий таъсир этиш масаласи барча ижтимоий муассасалар олдида турган долзарб масала эканлиги тобора сезилмоқда. Зеро ҳаётнинг ўзи мураккаблашиб бораётган бир вақтда ҳар бир шахсга, айниқса ёшларга таъсир этувчи кучлар ҳам тобора кучайиб бормоқда. Шунинг учун уюшмаган ёшлар гуруҳини ўрганиш ва унга психологик таъсир этиш механизмларини тадқиқ қилиш учун амалиётчи психологларга тегишли даражадаги билим ва кўникмалар шаклланган бўлиши шарт. Бу ҳақида амалиётчи психологлар қуйидаги илмий маълумотларни билиши ва тўғри талқин қилиши талаб этилади.

Ғарб психологияси тушунчасидаги кичик гуруҳ

“Гуруҳ” тушунчаси бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган одамларнинг бирлашмаси сифатида талқин қилинади. Кичик гуруҳга асосан ҳис-ҳаяжонга оид боғланишлар (хайрихоҳлик, ёқтирмаслик, бефарқлик, кўнгилчанлик ва ҳоказо) орқали ҳосил бўладиган умумийлик, деб қаралади. Кичик гуруҳларнинг жипслиги, улар тузилишининг гуруҳ ичидаги алоқаларни узишга қаратилган кучлар таъсирига қарши барқарорлиги, гуруҳ фаолиятининг унинг ҳажмига, унга раҳбарлик қилиш услубига боғлиқ ҳолдаги самарадорлиги, шахснинг гуруҳдагиларга мослашуви

(конформлиги) ёки унинг гуруҳдан мустақиллиги каби тушунчалар гуруҳлардаги психологик иқлимни таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, бугунги кунда турли хил социал-психологик ҳодисани тушуниб етиш учун ягона назарий асоснинг йўқлиги ва бу борада Ғарб ва Шарқ мамлакатларида турлича талқинларга асос бўлмоқда. Ҳар хил гуруҳлардаги одамлар хулқ-атворининг қонуниятлари аслини олганда билиб-билмасдан бўладиган боғланишга бориб тақалади: гуруҳ тазйиқ ўтказди, гуруҳ аъзолари эса гуруҳий тазйиққа бўйсундилар ёки бўйсунмайдилар (конформизм мослашув, ноконформизм — мослашмаслик); гуруҳ бир хил индивидларга яқинлашади, бошқаларидан эса ўзини четга олади ёки, аксинча, уларни ўз моҳиятидан чиқариб юборади; агар гуруҳ ичидаги алоқалар сони кўпая борса, у ҳолда гуруҳий алоқалар нафислашиб боради (жипслик, мослик) ва ҳоказо.

Америка психология фанининг анча таъсирли оқимларидан бири — бихевиоризм бир вақтлар кишини асосан ҳар хил омиллардан таъсирланувчи механизм сифатида таърифлашга шай турган эди. Бихевиоризмнинг ва социал психологиядаги бошқа назарий йўналишларнинг ворислари эндиликда ҳар қандай ижтимоий гуруҳда бир-бири билан ташқаридан боғланган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қилаётган индивидларнинг умумий ҳаракати сифатида талқин этилмоқда. Жумладан, гуруҳнинг тазйиқи таъсири остида индивидларнинг кам деганда учдан бир қисми ўз фикрини ўзгартириши ва хусусий фикрининг тажрибада иштирок этаётган бошқа кишиларнинг баҳоларига тўғри келмай қолган шароитларида ўз фикрини билдириш ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш механизмлари ташкил этилади. Кейинги барча тадқиқотлар ушбу хулосани тасдиқлайди. Гуруҳнинг йириклашуви натижасида мослашувчанликнинг кучайиши ё кучаймаслиги, синаб кўрилатганларнинг ўзлари мослашувчанлик феъл-атворини қандай изоҳлашлари аниқланади, мослашувчанлик таассиротларининг жинсга ва ёшга хос хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Масаланинг бу тарзда қўйилиши психологлар талқинида индивидларга таъсир кўрсатувчи гуруҳларнинг ички ва ташқи механизмларига бориб тақалади. Бу жараён одамларнинг

тасодифий бирлашуви натижасида таркиб топган бўлиб, «аралаш гуруҳ» (лотинча *diffusio* — сочилиб кетиш, тўкилиш сўзидан, «жипслик»ка тескари сўздан олинган) деб аталган. Тажриба шартларига кўра гуруҳнинг бир-бирлари билан ҳозир бўлишнинг умумий ўрни ва вақтидан бўлак бирон бошқа нарса орқали боғланмаган индивидларнинг шунчаки оддий йиғиндиси сифатида шахсга беихтиёр таъсирини ўрганиш масаласи билан боғлиқ қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Умуман, гуруҳ ҳақида, унинг уюшган ёки уюлмаган шакллари ҳақида мушоҳада юритганда юқоридаги назарий фикрларни инобатга олиш талаб қилинади. Психологик хизмат жараёнида ёшлар гуруҳини ўрганиш ва унга ижобий таъсир кўрсатиш учун эса гуруҳлар психологияси ҳақидаги бир қатор илмий тушунчаларни билиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги методологик қарашлар асосида уюшган ва уюлмаган гуруҳларга турли хил таърифлар берилади. Жумладан, ҳар бир шахс учун тараққиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гуруҳи бўладики, у уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади, уларга тақлид қилади. Бундай гуруҳ психологияда “*референт гуруҳ*” деб аталади. Америкалик социологлар референт гуруҳларнинг бир неча турларини фарқлайдилар. Яъни *норматив гуруҳлар* – бу шахс учун шундай инсонлар гуруҳики, уларнинг меъёрларини у маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гуруҳларга биринчи навбатда оилани, диний ёки миллий уюшмаларни, профессионал гуруҳларни киритиш мумкин. Масалан, ўзбек халқи учун дастурхон атрофига ўтирган заҳоти юзга фотиҳа тортиш, мезбонларнинг меҳмонларга “Хуш келибсизлар” дейишлари меъёр ҳисобланади ва ҳар бир оилада шундай ҳаракатларга нисбатан ижобий установка шаклланади. Бунда бола учун референт ролини ота-онаси, катталар, маҳалладаги ҳурматли инсонлар ўйнайди.

Қиёслаш гуруҳлари – бу шундай гуруҳки, шахс ўша гуруҳга киришга, унинг маъқуллашига муҳтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солишда унга асосланади ва ўзини-ўзи коррекция қилади. Масалан, талабалар гуруҳида шундай ёшлар

бўлиши мумкинки, шахс улар билан умуман мулоқотда бўлмайди, уларнинг фикрларини ёки қарашларини ёқламайди, лекин бу гуруҳ айнан ўшаларга ўхшамаслик ва ўз устида кўпроқ ишлашга ўзини сафарбар қилиш учун керак ёки талаба ёшлар сессия яқунларига кўра дифференциал стипендия оладилар. Ўртача ўзлаштирувчи талаба ҳамма талабалар оладиган стипендия миқдорини назарда тутиб, ўзини тинчлантиради, аълочи эса ўзиникини нафақат оддий, ўртачалар билан, балки, давлат стипендиялари оладиганлар билан ҳам солиштиради. Кўрсаткичлар юқори бўлса, шунга мос даъвогарлик даражаси ҳам юқори бўлади, шахснинг қиёслаш гуруҳлари ҳам ортиқроқ бўлади.

Булардан ташқари ижтимоий психологияда гуруҳларга таъриф беришда уларни расмий ва норасмий турларга бўлиш тенденцияси ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Демак, методологик манбаларга кўра, *расмий гуруҳдаги* муносабатлар расмий меъёрлар, ҳуқуқ ва бурчлар тизими билан белгиланган бўлади. Масалан, гуруҳда бошлиқ билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни таъминловчи гуруҳ расмий бўлса, *норасмий* ички, бевосита психологик муносабатларни таъминловчи гуруҳ ҳисобланади.

Р.С.Немов томонидан кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификацияси тақдим этилади.

7.2.1 Жадвал

ГУРУҲЛАРНИНГ ТУРЛАРИ	
Шартли (номинал)	Реал (ҳақиқий)
Табиий	Лаборатория типли
Формал (расмий)	Ноформал (норасмий)
Кучсиз ривожланган	Кучли ривожланган
Корпорация	Жамоалар
Референт	Нореферент

Мазкур классификация бугунги ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммоси бўйича эмпирик тадқиқотларни олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кўпгина адабиётларда гуруҳлар улардаги одамлар сонига кўра *катта ва кичик гуруҳларга* бўлинади. Психологияда кўпроқ кичик гуруҳлар

ўрганилади. Уни неча киши ташкил этиши, неча кишининг ҳамкорликдаги фаолияти кўпроқ самара бериши масаласи амалий аҳамиятга эгадир. Кўпчилик олимлар гуруҳнинг бошланғич нуқтаси сифатида микдор жихатдан икки кишини – диадани тан олишади. Поляк олими Ян Шепаньский бунга кўшилмаса-да (унинг фикрича, камида уч киши – триададан бошланади), ҳар қандай диада ўзига хос уюшма сифатида шаклланиши тан олинган. Масалан, янги оила куриб, бирга яшаётган кишилар, севишганлар, икки дўст – ўзига хос кичик гуруҳ. Ҳар қандай кичик гуруҳга хос сифат шуки, унинг аъзолари бир-бирлари билан бевосита мулоқотга киришиш, “юзма-юз” бўлиш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир киши учун шу гуруҳ жуда аҳамиятли бўлиб, унинг меъёрларига ўзи хоҳлаб-хоҳламай бўйсунга бошлайди. Кичик гуруҳнинг чегараси масаласи ҳам кўп муҳокама қилинади.

Г.М.Андреева бу чегаранинг 12-15 кишидан иборат бўлишини қайд этган бўлса, америкалик Жон Морено ўз вақтида бу чегаранинг 30-40 нафар кишидан иборат бўлишини эътироф этган эди. Лекин, унинг юқори чегараси неча киши бўлишидан қатъи назар, ўзаро бевосита мулоқот имкониятини бериши ва ҳар бир аъзо бир-бирига таъсир кўрсата олиши кераклиги қайд этилади.

Психологик хизмат доирасида кичик гуруҳлар муаммоси ўрганилар экан, унда гуруҳдаги психологик мослик муаммосига алоҳида эътибор қаратилади.

Психологик мослик деганда гуруҳ аъзолари сифатлари ва қарашларининг айнанлиги эмас, балки улар айрим сифатларининг мос келиши, қолганларининг, керак бўлса, тафовут қилиши назарда тутилади. Мосликнинг мезони сифатида рус олими Н.Обозов қуйидагиларни ажратади:

- а) фаолият натижалари;
- б) аъзоларнинг сарфланган куч-энергиялари;
- в) фаолиятдан қониқиш.

Бундан ташқари, фанда асосан икки хил ўзаро мослик фарқланади: *психофизиологик ва ижтимоий психологик*. Биринчи ҳолатда фаолият жараёнида одамларнинг бир хил ва мос тарзда ҳаракат қила олишлари, акс таъсирлар мослиги, иш ритми ва

тезлигидаги уйғунликлар назарда тутилса, иккинчисида ижтимоий хулқдаги мослик – установкалар бирлиги, эҳтиёж ва қизиқишлар, қарашлардаги монандлик, йўналишлар бирлиги назарда тутилади. Биринчи хил мослик кўпроқ конвейер усулида ишланадиган саноат корхоналари ходимларида самарали бўлса, олийгоҳ ўқитувчилари, турли хил касб эгаларида кўпроқ ижтимоий психологик мосликнинг аҳамияти каттадир.

Америкалик психолог Хоффман ўз экспериментларида гуруҳий қарорлар қабул қилишга гуруҳнинг таркиби таъсир қилиш мумкинлигини исбот қилган. Унинг фикрича, яхши, сифатли, ижобий фикрлар ва қарорлар гуруҳ таркиби ҳар хил (*гетероген таркиб*) бўлган шароитларда унинг таркиби бир хил (*гомоген*) бўлгандан анча кўп ва сифатли бўлади. **Гомоген** гуруҳларда (масалан, тахминан бир хил ўзлаштирадиган талабалар гуруҳи) қарорлар қабул қилиш мобайнида зиддиятларнинг кам бўлиши ва қарорлар тезда қабул қилиниши аниқланган.

Психология фанлари доктори, профессор Ш.Баротов ва унинг шогирдлари томонидан уюшган ёки уюшмаган гуруҳларни ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тегишли психологик тавсиялар беришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилган. Амалиётчи психологларга эса ушбу дастур асосида уюшмаган гуруҳларни ўрганиш таклиф этилади.

Мазкур дастур психология фанлари доктори, профессор Ш.Р.Баротов томонидан ишлаб чиқилган ва илмий матбуотда эълон қилинган.

Психологик хизмат доирасида кичик гуруҳларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш дастури

(7.2.2-жадвал)

№	Тадқиқот усули ва мезонлари (мотивация)	Психологик хизмат кўрсатиш мазмуни
I	“Лири” усули бўйича 1. Бошқарувчилик – сардорлик	Умумий психологик ташхис: шахслараро муносабат доирасида намоён этилган гуруҳий фаоллик кўрсаткичлари билан боғлиқ индивидуал имконият-

		<p>лардан кенг кўламда фойдаланиш ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни ўз вақтида бартараф этиш йўлларини белгилаш, бошқарувчилик, сардорлик билан боғлиқ кўрсаткичлар кўламини белгилаш.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Ўз-ўзига бўлган ишонч, юқори кайфият, гуруҳ олдидаги ютуқларга йўналганлик ҳисси, гуруҳни бошқаришга мойиллик, атрофдагиларга фаол таъсир ўтказиш каби хусусиятларини ривожлантириш билан бирга бошқаларни ўз иродасига бўйсундириш, баъзан ўзгаларни назарписанд қилмаслик, фақат ўз шахсий фикригагина таяниш “ҳар қандай шароитда алоҳида ҳукмронликка эришишга интилиш каби эгоистик хусусиятларни мунтазам равишда коррекция қилиб бориш”. Мос кўрсаткичлар (қуйи, ўрта, юқори) бўйича махсус йўналтирилган тарбиявий тадбирлар олиб бориш.</p>
	<p>2.Мустақиллик-устунлик</p>	<p>Умумий психологик таъхис: Мустақиллик, ўзига ишонувчанлик, қатъийлик, чуқур тафаккур асосида мулоҳаза юритувчанлик, ўз имкониятларини кўпроқ ишга солувчанлик, иродалилиқ, ўз-ўзини ҳурмат қила олиш каби хислатларни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Айни пайтда бошқаларнинг кечинмаларини эътиборсизлик, ўзига бино қўйиш, ўзгаларни менсимаслик, мағрурлик, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмаслик, ўзгаларга бўйсунмаслик, муомалада атрофдаги-</p>

		<p>ларга қийинчилик билан мослашишга, алоҳида мавқега эга бўлишга интилувчанлик, ўз фикрига керагидан ортиқ даражада қатъий турувчанлик каби иллатларнинг яққол намоён этилиши.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Мазкур иллатларни камайтириш учун махсус йўналтирилган психокоррекцион дастурлар ишлаб чиқиш ва уни қўллаш.</p>
	3.Талабчанлик, тажовузкорлик	<p>Умумий психологик ташхис: Очиқлик, қатъийлик, ғайрат шижоатлилик, муваффақиятга астойдил йўналганлик, дангаллик, чўрткесарлик, самимийлик каби хислатларнинг характерли эканлигини ҳисобга олиб, шу хислатлар асосида гуруҳий фаоллик мотивацияларини янада ривож топтиришга кенг имкониятлар очиб бериш. Шунингдек, установакаларнинг ригидлиги, юқори эмоционал ҳолатларга тез-тез берилиб кетиш, ортиқча аразчанлик, ҳаддан ортиқ ўжарлик, тажовузкорлик, муросасизлик, баъзан шафқатсизликнинг намоён этилиши.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: салбий сифатларни камайтиришга қаратилган алоҳида тренинглари ва психокоррекцион дастурларни ишлаб чиқиш, уни амалиётда қўллаш. Натижалар мониторингини юритиш.</p>
	4.Ишончсизлик (скептизм)-қайсар салбийлик (негативизм)	<p>Умумий психологик ташхис: Танқидийлик, меҳнатсеварлик, ғайрат-шижоатлилик, ҳар кимнинг гапига киравермаслик, иш натижаларига олдиндан қизиқиш каби хислатлар асосида гуруҳий фаолликнинг намоён этилиши.</p>

		<p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Айни пайтда, қуйидаги камчиликларини, жумладан, одамовилик, кичик гуруҳдаги ўз мавқеидан норозилик, ҳар бир гуруҳ аъзосидан керагидан ортиқ даражада шубҳаланувчанлик, гуруҳдан ажралиб қолишга олиб келувчи жанжалкашлик, установакаларнинг қотиб қолганлиги, гуруҳ муваффақиятига салбий таъсир этувчи керагидан ортиқ шубҳаланувчанликнинг тез-тез намоён этилиши кабиларни бевосита бартараф этиш учун махсус тренинглар ўтказиш, индивидуал суҳбатлар олиб бориш ва бошқа шу каби психокоррекцион усулларни қўллаш. Натижалар таҳлили бўйича мунтазам равишда мониторинг юритиш.</p>
	<p>5. Кўнгилчанлик, ён берувчанлик</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Кўнгилчанлик ва ҳар бир гуруҳ аъзосига ён берувчанликнинг намоён этилиши.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Мулойимлилик, самимийлик, нозик табиатлилик, масъулиятлилик, инсонийлик, умумманфаатга бевосита бўйсунувчанлик, интровертлилик, гуруҳий, фаолликка хайрихоҳлик каби ижобий фазилатларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўта тортинчоқлик, пассивлик, ўз-ўзига қуйи даражада баҳо беришлик, осонгина ғамгин ҳолатларга тушишлик, ноқатъийлик, гуруҳдаги лидерлар таъсирига керагидан ортиқ берилувчанлик, ўзаро мулоқотда кўпроқ бўйсунувчанлик, ўзини камситишга мойиллик каби салбий иллатларни бартараф этиш учун махсус психокоррекцион ишларни олиб бориш.</p>

		<p>Натижаларни йил давомида мунтазам таҳлил қилиб тегишли тартибдаги психологик таъсирларни янада кучайтириш</p>
	<p>6.Мўмин қобиллик, ишонувчанлик, итоаткорлик.</p>	<p>Умумий психологик ташхис: гуруҳда ўзгаришларни ҳамиша ҳурмат қилиш, ўзгаришлар учун илиқ муносабатлар ўрната олиш, гуруҳ талабларига осонлик билан мослашувчанлик, гуруҳ аъзоларининг илтифотига сазовор бўлишига интилувчанлик, гуруҳий фаолликка доимий хайрихоҳлик, самимийлик, умумманфаати учун бажариладиган ишларда чин дилдан фаол иштирок этишга мойиллик, ишдаги ижрочилик ва маълумотнинг юқори эканлиги, гуруҳ фаолларига осонлик билан эргаша олиш, ҳар ишда сезгирлик ва садоқатлилиқнинг намоён этилиши каби хислатлар эгаси эканлигини англаган ҳолда мазкур хислатлар орқали ўқувчида гуруҳий фаоллик самарадорлигини таъминлаш.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Мазкур тоифадаги ўқувчиларда намоён этилиши мумкин бўлган айрим сифатлардан, жумладан, ўзидаги шахсий фикрларнинг атрофдагиларга тобелиги ўз-ўзига адекват баҳо беришнинг қатъий эмаслиги, мустақил қарор қабул қила олмаслик, тобелиқнинг ҳаддан ортиқчилиги, референт гуруҳлар таъсирига боғланиб қолишлик, ишни, кўпинча, итоаткорлик тенденцияси асосида бажаришга мойиллик кабилардан халос бўлиши учун тегишли психокоррекцион дастурлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш. Натижалар интер-</p>

		<p>претацияси асосида қўлга киритилган маълумотлар мониторингини олиб бориш</p>
	<p>7.Гуруҳий ҳамкорлик ва келишувчанлик</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Эмоционал барқарорлик, ҳамкорлик фаолияти учун алоҳида фидойлик кўрсатиш, ҳар ишда хайрихоҳлик, кўрсатиш, гуруҳнинг эмоционал кайфиятига ижобий таъсир эта олиш, гуруҳ талабларини юксак даражада эъзозлаш, ўзгалар манфаатини ҳурмат қилиш, хушмуомалалик, келишувчанлик асосида иш юритиш, ўзгалар билан ҳамфикр бўлишга интилиш каби жиҳатларнинг мазкур тоифадаги ўқувчилар хулқ-атворида яққол намоён этилиши мумкинлигини кузатиш.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Ушбу кузатув асосида улардаги шахс тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий психологик имкониятлар кўламини янада кенгайтириш. Айни пайтда, мазкур октантга қиравчи “б” гуруҳ тоифасидаги ўқувчиларда кузатилиши мумкин бўлган ноқатъийлик, номустақиллик айрим юзаки иштиёқларга берилувчанлик, ўзгалар фикрига тобелик, ишга мустақил ва ижобий ёндошувнинг етарли эмаслиги каби ҳолатлардан ҳам бохабар бўлиш доирасида мазкур ҳолатларни камайтириш учун ўзига хос имкониятларга эга бўлган, психопрофилактик, психодиагностик, психоконсультатив ва психокоррекцион усуллар мажмуасидан фойдаланиш, ҳар бир ўқувчи хулқидаги коррекция қилишга муҳтож бўлган</p>

		хизматлар устида жиддий ўйлаш ва муаммолар ечими бўйича аниқ йўналтирилган психологик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.
	8. Масъуллик, олий ҳимматлилик	Умумий психологик ташхис: Шахслараро муносабатда алоҳида масъулликни, раҳмдиллик, олий ҳимматлилик, самимийлик, илтифотлилик, киришимлилик, сабр-тоқатлилик, уддабуронлик, ташкилотчилик каби сифатларни ўз хулқ-атворида яққол намоён қила олиш.
	9. Психологик маслаҳат ва коррекция	Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда ундаги бу жиҳатларни янада ривожлантириш учун тегишли психологик шарт-шароитлар яратиш орқали бу тоифадаги ўқувчилардан янада унумлироқ фойдаланиш. Шунингдек, мазкур тоифадаги ўқувчиларда учрайдиган айрим камчиликларни, жумладан, меъёридан ортиқ даражадаги илтифотлилик, ўта кўнгилчанлик, ташқи таъсирларга тезда берилувчанлик кабиларни бартараф этиш учун тегишли психокоррекцион ишлар (индивидуал суҳбатлар, тренинглари ва ҳоказо) олиб бориш. Натижалар интерпретацияси ва унинг динамик ўсишини таъминлаш бўйича мунтазам равишда мониторинг юритиш.
II	К.Томас услуби бўйича 1.Баҳс-мунозара	Умумий психологик ташхис: 1. Ҳар қандай зиддиятли ҳолатда ўз билганигача иш тутишга мойиллик. 2.Ўз сўзини ўтказишга астойдил ҳаракат қилиш.

		<p>3. Гуруҳий мулоқотда ўз устунлигини намоён этиш.</p> <p>4. Ўзгаларни ишонтиришга мойиллик.</p> <p>5. Муаммони фақат баҳс-мунозара асосида енгиш мумкин деган мотивацияга таяниб фаоллик кўрсатиш.</p> <p style="text-align: center;">Психологик маслаҳат ва психокоррекция:</p> <p>1. Эгоистик характерга эга бўлган фаоллик кўринишларини камайтириш.</p> <p>1. Ўрни келганда, келишув ва мослашув мотивациялари асосида фаоллик кўрсатишни таъминлашга хизмат қилувчи психотренинглари олиб бориш.</p> <p>2. “Баҳс-мунозараларнинг керагидан ортиқ даражада намоён этилишидан сақлашга қаратилган индивидуал ишлар олиб бориш”.</p> <p>3. “Баҳс-мунозара” ва “Ҳамкорлик” мотивацияларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш.</p> <p>4. Гуруҳий фаоллик самарадорлигига салбий таъсир этувчи бошқа барча омилларни бартараф этишга қаратилган индивидуал суҳбатлар олиб бориш. Амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.</p>
	<p>2. Ҳамкорлик</p>	<p>Умумий психологик таҳлис: Мазкур тоифадаги ўқувчиларнинг фаолиятларида кўпроқ ҳамкорликка асосланган ҳаракатлар мажмуаси кузатилади. Ҳар қандай зиддиятли ҳолатдан чиқиш учун улар ўзгалар кўмагига таянадилар. Шунингдек, ўзгаларга ёрдам бериш орқали муайян муваффақиятлар истиқболини кўзлаб иш тутадилар.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция:</p> <p>1. Ўқув топшириқларини бажаришда</p>

		<p>кўпроқ ҳамкорликка ундаш. 2. Ҳиссий-иродавий хусусиятларни ривожлантириш. 3. Мустақил фикрлашга ўргатиш. 4. Шахсий ва ижтимоий установакалар уйғунлигини бартараф этиш бўйича коррекцион дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш</p>
	<p>3. Келишув.</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Ҳар қандай зиддиятли ҳолатда ўзаро келишувга асосланган ҳаракатларнинг намоён этилиши ўзгаларни тушуниш ва қизиқишлари доирасида устунлиги муносабатларни бир маромга келтириш асосида зиддиятларни бартараф этишга интилишнинг кучлилиги. Икки томонлама манфаатларни кўзлаб иш тутиш услуби ва ҳоказо.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция.</p> <p>1. Келишувга асосланган психологик имкониятлардан кенгроқ фойдаланган ҳолда гуруҳий фаолликни янада ошириш. 2. Бироз бўлса-да баҳс-мунозарага ҳам ўрин бериш; 3. Мустақиллик, ижодийлик, қатъийлик ва фидойилик сифатларини ривожлантириш учун махсус тренинглари олиб бориш; 4. Ўз-ўзини адекват баҳолаш ва ривожлантиришга қаратилган ўқув топшириқларига кўпроқ жалб қилиш; 5. Ўқув топшириқларига бўлган қизиқишлар барқарорлигини таъминлаш.</p>

	<p>4. Ўзини четга олиш</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Зиддиятни бартараф этишда ўзини четга олиш мотивациясининг юқори даражада намоён этилиши ортиқча ҳаракатлардан, зўриқишлардан тезроқ қутилиш мақсадида муваффақиятли ҳаракатлар қилишга мойиллик. Гуруҳий фаоллик жараёнида ўзини ортиқча уринтирмаслик. Бироз бўлса-да масъулиятсизлик установа-ларининг шаклланганлиги.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Гуруҳий фаолликни таъминлашга йўналтирилган ҳар бир ишда ижтимоий дахлдорлик ҳиссини шаклантириш. 2. “Баҳс-муноза”га ва “Ҳамкорлик” мотивацияларини шаклантиришга хизмат қилувчи психотренинглари олиб бориш. 3. Гуруҳга мослашувчанлик ва масъу-ликни тарбиялаб бориш. 4. Қатъийлик, ташаббускорлик ва ирода-вийлик сифатлари юқори даражада шаклланган ўқувчилар билан барча иш бажаришга даъват этиш. 5. Ўз-ўзини сафарбар қилиш ва ривож-лантиришга қаратилган ўқув топшириқ-ларини бериш ҳамда унинг бажарилиши-ни мунтазам равишда назорат қилиб бориш.
	<p>5. Мослашув</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Гуруҳий фаоллик жараёнида намоён этилган ҳар қандай зиддиятларни ўзидаги мослашув мотивациясининг устунлиги орқали енгиб ўтишга мойиллик. Ўзгалар фикри-га қарши тура олмаслик, ўзини ўзгаларга сафарбар этиш, ўзгалар ҳиссиётини ардоқлаш, ўрни келганда бироз ён бериш орқали муваффақият қозонишга эриша</p>

		<p>олиш.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Гуруҳий фаолликдаги мослашувнинг меъёрдан ортиб кетишига йўл қўймаслик. 2. Зиддиятли ҳолатларда мустақил ижодий фикрлаш асосида фаоллик кўрсатишга ундовчи ўқув топшириқларини бериб бориш. 3. Вақти-вақти билан баҳс-мунозарали мулоҳазалар юритишга ундаш. 4. Ўзидаги имкониятларни ривожлантириш учун кенг йўл очиб бериш. 5. Хулқ-атворидаги муайян камчиликларни бевосита бартараф этишга мўлжалланган психокоррекцион дастурлар режасини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш.</p>
Ш	<p>Рикс Уэссман услуги I шкала Хотиржамлик-асабийлик</p>	<p>Умумий психологик таҳлис: Гуруҳий фаоллик жараёнида хотиржамликнинг 2 даражаси (адекват, ноадекват) кузатилади. Ноадекват даражадаги кўрсаткичларнинг намоён этилиши ўқувчининг мазкур гуруҳий фаолиятга бироз лоқайдлигидан ва нохайрихоҳлигидан далолат берса, адекват даражадаги кўрсаткичларни намоён этган ўқувчиларда эса мазкур гуруҳий фаоллик улардаги хайрихоҳликка, барқарор қизиқишларга ва ҳар бир ишни астойдил бажаришга мойилликларидан далолат беради.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Юқори даражада намоён этилган асабийлик шкаласига мансуб ўқувчилар билан алоҳида индивидуал ишлар олиб бориш, ҳар бир ўқувчидаги нейротизм ҳолатларини бартараф этиш, асабийлик сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва шу</p>

		таҳлиллар асосида тегишли коррекцион тадбирлар тизimini ишлаб чиқиш.
	<p>II шкала Ҳиссий кўтаринкилик, ҳиссий тушкунликлар</p>	<p>Умумий психологик таъхис: Мазкур шкала бўйича кичик гуруҳлар доирасида – ўз-ўзини ҳиссий баҳолашнинг адекват (ҳиссий кўтаринкилик) ва ноадекват (ҳиссий тушкунлик) даражаларининг намоён этилиши кузатилади. Адекват кўрсаткичларнинг намоён этилиши – берилган топшириқнинг қизиқарли эканлиги, иш натижаларини олдиндан кўра олиш, ишни астойдил бажаришга бўлган хайрихоҳликнинг юкори даражада мавжудлиги каби омиллар билан белгиланса, ноадекват кўрсаткичларнинг намоён этилиши эса гуруҳдаги шахслараро номутаносиблик, тез-тез муваффақиятсизликка дуч келиш, қизиқишларнинг барқарор эмаслиги, ҳамкорлик фаолиятдан қониқмаслик, иш натижаларини тўлиқ идрок эта олмаслик, кўрқув, ҳиссий зўриқиш, гуруҳ доирасида етарли ижтимоий мавқега эга бўлмаслик каби омиллар билан белгиланади ва баҳоланади.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Ноадекват кўрсаткичларга эга бўлган ўқувчилар гуруҳида ўз-ўзини адекват-ҳиссий баҳолаш билан боғлиқ психопрофилактик ва психокоррецион ишлар олиб бориш, аниқ мақсадга йўналтирилган индивидуал суҳбатлар, тренинглари ўтказиш. Ҳар бир ўқувчининг гуруҳий фаолликка нисбатан барқарор қизиқишларини шакллантиришга қаратилган психологик тадбирлар режасини ишлаб</p>

		<p>чиқиш ўқувчида ўз-ўзига ишонч ҳиссини ривожлантиришга қаратилган ўқув топшириқлари мажмуасини танлаш ва мунтазам равишда унга жалб этиб бориш ўқувчининг гуруҳдаги ижтимоий мавқеини ва масъуллигини етарли даражага кўтариш.</p>
	<p>Ш шкала Ғайрат-шижоатлилик, толиққанлик</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Мазкур шкала ўз-ўзини ҳиссий баҳолашнинг талабларига мос адекват (ғайрат-шижоатлилик) ва ноадекват (толиққанлик) кўрсаткичларининг намоён этилиши ўқувчи шахсидаги, хулқ-атвордаги ва гуруҳий фаоллигидаги турли хил ижтимоий психологик омилларнинг бевосита таъсири асосида содир этилади. Жумладан, кичик гуруҳлар доирасида ғайрат-шижоатлилик сифатларининг шаклланиши гуруҳдаги яхши ижтимоий муҳитнинг йўлга қўйилиши, ҳар бир гуруҳ аъзосининг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилиш учун барча шароитларнинг яратиб берилганлиги, ўқув топшириғига нисбатан фаол ижобий муносабатларнинг етарли даражада ўрнатилганлиги каби қатор омиллар билан изоҳланса, “толиққанлик” кўрсаткичларининг намоён этилиши эса ўқувчилар гуруҳидаги носоғлом муҳитнинг мавжудлиги, иш натижалари ҳақида олдиндан адекват тасаввурларнинг йўқлиги, ўқув топшириқларининг ўқувчи индивидуал имкониятларига мос тушмаганлиги, ўқувчининг ҳиссий кечинмаларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги каби ҳолатларнинг мавжудлиги билан баҳоланади.</p>

		<p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Мазкур ҳолатда қайд этилган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ йўналтирилган психокоррекцион дастур ишлаб чиқиш ва уни қўллаш. Хулқ-атворида “ноадекват” кўрсаткичлар етакчилик қилган ўқувчилар билан “адекват” кўрсаткичлар етакчилик қилган ўқувчиларни бир гуруҳга бирлаштириб уларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари учун кенг имкониятларни яратиш бериш. Шунингдек, “толиққанлик”нинг психологик сабабларини аниқлаш учун қўшимча савол-жавоблар, индивидуал суҳбатлар ва контент-таҳлиллар олиб бориш. Қўлга киритилган маълумотлар асосида ҳар бир ўқувчи ва у фаоллик кўрсатган референт гуруҳлар билан психотренинглар ўтказиш. Мазкур шкала бўйича ўз-ўзини адекват ҳиссий баҳолашга бевосита тўсқинлик қилувчи барча шахсий омилларни ўз вақтида бартараф этиб бориш.</p>
	<p>IVшкала Ишончлилик- ишончсизлик</p>	<p>Умумий психологик ташхис: Гуруҳий фаоллик жараёнидаги ҳар бир ўқувчи шахси ва хулқ-атвори орқали яққол намоён этилган ўз-ўзини ҳиссий баҳолаш кўрсаткичларидан далолат беради. Яъни мазкур ҳолатдаги адекват кўрсаткичлар (ишончлилик) мисолида ўқувчининг ўз имкониятларига ва ҳамкор шерикларига юксак ишонч билан қараш, ўзини-ўзи тўғри идора қила олиши, фаоллик натижаларини олдиндан кўра олиш, муваффақиятга эришиш учун астойдил ҳаракат қила олиш, ҳар дақиқада гуруҳда ўзининг юксак ижтимоий мавқега эга</p>

		<p>эканлигини ҳис этиб туриши, иш якунига нисбатан барқарор қизиқишларга эга бўлиши каби қатор ҳолатларни кузатиш мумкин бўлса, “ноадекват” кўрсаткичлар мисолида эса гуруҳ олдида ўзини ноқулай ҳис этиш, ўз имкониятларига ва ютуқларига шубҳа билан қараш, ўзини-ўзи ноадекват баҳолаш, ўзини етарлича назорат қила олмаслик, ҳамкорликда етарлича қониқмаслик каби ҳолатларни кўриш мумкин. Умуман, гуруҳий фаолликка таъсир этувчи ишончлилик ва ишончсизлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали таълим самарадорлигини белгиловчи ўзига хос ижтимоий-психологик омиллар ҳақида муайян маълумотларга эга бўлиш мумкин бўлади.</p> <p>Психологик маслаҳат ва коррекция: Ишончсизлик мотивацияси юқори бўлган ўқувчиларнинг хулқ-атворидаги бошқа ижобий хислатларни аниқлаш. Улардаги у ёки бу ўқув топшириғига нисбатан барқарор қизиқишларни уйғотиш мумкин бўлган имконият ва омилларни излаш. Ўқувчининг мактабда сақланувчи “шахс психологик картаси” билан чуқурроқ танишиш. Фаолият ва фаолликка нисбатан ишончсизлик сабабларини (педагогик, психологик, физиологик ва ҳ.к.) чуқур таҳлил қилиш. Айни пайтда, улардаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган ишончсизлик даражаларини белгилаш. Ишончсизликни келтириб чиқарувчи психологик омилларни бартараф этиш бўйича махсус ишлаб чиқилган психотренинглар олиб бориш.</p>
--	--	---

Демак, ушбу дастур асосида ўқувчилар гуруҳининг ўрганилиши ҳар бир ўрганиладиган гуруҳ ва ундаги ёшлар учун характерли бўлган психологик таъсир йўллари билан белгилашда бугунги амалиётчи психологлар учун маълум даражадаги дастурил амал бўлиб хизмат қилади.

7.3. Экстремал вазиятларда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти

Фавқулодда ва экстремал вазиятлар (ер қимирлаши, турли хил авария ҳолатлари, ёнғинлар, эпидемия тарқалиши ва ҳоказолар) барча замонларда инсониятга турли хилдаги ҳиссий зўриқишлар ва руҳий шикастлар етказиб келган. Масалан, бу ҳолат тарихдан бизга маълумки, илк бор Египетда содир этилган бўлиб, бутун Ўрта ер денгизи бўйлаб 60 йил давом этган. Мазкур эпидемиянинг энг авж олган даврларида, аниқроғи 542-йилда Константинополда ҳар куни 1000дан ортиқ одамга ўлим-ўлат вабоси чанг солган. Дунё тарихида иккинчи энг фожиали эпидемия бу Ғарбий Европа ҳудудида “қора ўлим” номи билан из қолдирган (XIVаср). Бундан ташқари, 1346-48 йилларда Ғарбий Европада аёвсиз вабо нинг кенг тарқалиши туфайли 25 миллиондан ортиқ аҳоли қирилиб кетган. 1892 йилда мудҳиш вабо касалининг тарқалиши оқибатида Ҳиндистонда 6 миллион аҳоли қирилиб кетди ва бу ҳаёт Жанубий Америкага ҳам ўз таъсирини ўтказди.

1986 йилнинг 26 апрелида Украина ҳудудида Чернобел Атом электростанцияси тўртинчи блокининг портлаши туфайли минглаб одамлар радиоактив нурланиш билан боғлиқ саросимага тушди ва уларни тинчлантириш жуда мушкул бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур ҳолатдаги руҳий безовталиқнинг пайдо бўлиши одамлардаги бевосита жиддий касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Бинобарин, юқоридаги экстремал вазиятларнинг инсон психикасига таъсирининг ўрганилиши психология фани амалиётида янги йўналиш – экстремал психология фанининг кенг кўламда ривожланишини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан экстремал психология фани турли хил ноодатий ёки фавқулодда

инсон психикасида ҳосил бўлувчи психологик қонуниятларни ўрганувчи фан ҳисобланади.

Тегишли адабиётларда фавқулодда ва экстремал вазиятларга маълум даражадаги таърифлар берилади. Жумладан, фавқулодда вазият – бу маълум чегараланган ҳудудларда намоён бўлувчи авария ҳолатларининг инсон саломатлигига, унинг онги ва ҳиссиётларига, рухий ҳолатларига салбий таъсир этувчи ҳолатлар билан белгиланади.

“Экстремал вазият” лот. “extremus” – “охирги, инқирозли” каби тушунчалардан олинган бўлиб, унда алоҳида субъект сифатидаги шахс идрокига, ҳаётига, саломатлигига турли хил таҳдидлар солиниши оқибатида салбий таъсирлар куршовида қолиб кетади.

7.3.1-жадвал

Фавқулодда ҳолат намоён этилишининг ўзига хос кўринишлари ва мезонлари

	Ф.Ҳ. мезонлари	Ф.Ҳ. кўринишлари	намоён этилиши
	Қарама қаршилиқ даражаси бўйича	Зиддиятли	Ҳарбий тўқнашувлар, иқтисодий инқирозлар, социал портлашлар, миллий ва диний қаршилиқлар, жиноятчиликнинг ёйилиб кетиши, террористик ҳаракатлар ва ҳоказолар.
		Шахслараро зиддиятларсиз	Фавқулодда вазиятларни ҳосил қилувчи техноген, табиий ва экологик ҳодисалар.
	Тарқалиш тезлиги бўйича	Кутилмаганда намоён бўлиши	Техноген ҳалокатлар, террористик ҳуружлар, табиий ҳодисалар (ер қимирлаши, вулқонларнинг отилиши)
		Тез тарқалувчи	Ҳарбий, диний ва миллий конфликтлар, табиий ҳодисалар (торнадо, довул, ўрмон ёнғинлари, кучли бўронлар).

		Секин тарқалувчи	Оммавий юкумли касалликлар (эпидемия) ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қирилиб кетиши, осмонда озон қатламининг бузилиши ва ҳоказо.
	Масштаб бўйича тарқалиш	Локал	Кутилмаган ҳолатда 10 киши ёки 100 кишининг ҳаётдан кўз юмиши, жуда кўплаб миқдорда моддий зарар кўриш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларнинг вайрон этилиши ва ҳоказо.
		Маҳаллий	10 кишидан ортиқ ва 50 кишидан ошмаган ҳолатда одамларнинг зарар кўриши ёки 100 кишидан ортиқ ва 300 кишидан ошмаган миқдорда инсонлар яшаш шароитининг бузилиши.
		Худудий	Фавқулодда ҳолат натижасида 50 кишидан ортиқ, лекин 500 кишидан ошмаган миқдордаги одамларнинг зарар кўриши ёки 300 кишидан ортиқ, лекин 500 кишидан ошмаган одамларнинг ҳаётининг фаолиятида инқирозларнинг юзага келиши, шунингдек, 500 кишидан 5000 киши сонигача бўлган миқдордаги одамларнинг ёппасига моддий зарар кўриши билан боғлиқ ҳодисалар кузатилади.
		Трансчегаравий	Фавқулодда вазият у ёки бу давлат чегараларидан ўтиб оммавий қирғиннинг

			бошланишига сабаб бўлади.
Келиб чиқиш манбаси бўйича	Техноген характеридаги фавқулодда вазият	Транспорт билан боғлиқ авариялар, ёнғин, турли хилдаги портлашлар, хавфли химиявий, радиоактив, биологик қуролларнинг қўлланилиши, қутилмаганда биноларнинг қулаши ва ҳоказо.	
	Табиий ва стихияли ҳодисалар	Геологик, метеорологик, гидрологик ҳаракатлардаги хавфли ҳодисалар, ер қимирлашлари, вулқон оти- лиши, кучли бўронлар, қор кўчишлари, қурғоқчилик ва ҳоказо.	
	Ижтимоий характердаги фавқулодда вазият	Терроризм, одамларни гаровга олиш, оммавий тартибсизликлар, ҳарбий ҳаракатлар ва ҳоказо.	

Дарҳақиқат, юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, турли омиллар билан боғлиқ бўлган экстремал вазиятнинг намоён этилиши инсоннинг психологик табиатига бевосита салбий таъсир этиши шубҳасиздир. Натижада инсонда муайян даражадаги депрессив ҳолатларнинг намоён этилиши кузатилади. Ушбу депрессив ҳолатдан чиқиш учун эса албатта инсонга психологик хизмат кўрсатиш зарурдир. Бунинг учун эса энг аввало экстремал ҳолатни келтириб чиқарувчи психо-эмоционал омилларни билиш талаб қилинади. Ушбу омилларга қуйидагилар киради:

1.Хавфли вазиятларни келтириб чиқарувчи турли хил эмоциоген ҳаракатларнинг намоён этилиши.

2.Айни пайтдаги зарур ахборотларнинг тақчиллиги ва вазиятни юмшатишга қаратилган ахборотларнинг йўқлиги.

3.Руҳий, жисмоний ва эмоционал зўриқишларнинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши.

4.Ноқулай об-ҳаво таъсири: ўта иссиқ ҳарорат, ўта совуқ ҳавода кислород етишмаслиги ва ҳ.к.

5.Очарчиликнинг, қурғоқчиликнинг бошланиши ва ҳ.к.

Яна шуни алохида қайд этиш лозимки, экстремал вазиятларда инсон организмида стресс ҳолатига тушиш кўпроқ кузатилади. Инсонларга психологик хизмат кўрсатиш учун эса стресснинг моҳияти ва келиб чиқиш сабабларини билиш жуда муҳимдир. Бинобарин, стрессни ўрганиш бўйича дунёда йирик мутахассис, Нобел мукофоти лауреати, етук физиолог олим Ганс Селье (1907-82) ҳисобланади. Олимнинг фикрича, стрессга тушган беморларда даставвал иштаҳанинг йўқолиши, ҳаракатнинг сусайиши, артериал қон босимининг кўтарилиши, тушкунлик ҳолатлари кўпроқ кузатилади. Г.Селье мазкур стресс белгиларини “оддий касаллик белгиси” дея белгилайди.

Таниқли психолог Иван Огнев томонидан қуйидаги тизим асосида шахснинг психологик ҳимоя механизмлари тавсия қилинади.

7.3.2- жадвал

Ҳимоя механизмлари

Ҳимоя механизмлари	Мазмуни
Тажовузкорлик	Индивиднинг унга паст баҳо берган, ўзи ҳақидаги тасаввурига иккиланишга сабабчи шахсга бўлган акс таъсирнинг намоён этилиши
Ўйлаш	Нохуш ҳиссиёт, ҳис-туйғуларнинг бир объектдан талабга мувофиқ бўлмаган бошқа объектга кўчирилиши
Тасаввур	Ўзининг ҳиссиёти, истак-хоҳишлари ва хусусиятларини ўзи билмаган ҳолда бошқа кишида кўриши
Идеаллаштириш	Ўзини “идеаллаштириш” ўз хатоларини, камчиликларини тан олмаслик
Унутиш	Шахснинг ёқтирмаган нохушликларини унутиши: одамларнинг тимсоли, исми, мулоқот вақтида нохуш, ёқимсиз хотираларнинг эсга туширилиши каби ҳолатлар ва ҳоказо

Инкор этиш	Индивиднинг воқеа ва ҳодисаларни адекват тарзда идрок қилмаслиги, инкор этиши ва ўзи ҳақидаги билимларини “мен бу ҳақда ҳеч нимани билмасдим”, “бу меники эмас”, “менга шундай айтдилар”, “мен бундай айтмаган эдим” каби баҳоналар билан ифода этиши
Дискредитация	Хабар манбаларини паст баҳолаш, “ментимсол”, “ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма”, “ким ҳакам?” каби гаплар билан шахсни камситиш ва унга паст баҳо бериш
Идентификация	Ўзини бошқа одам билан ва намунали хулқ-атворга эга гуруҳ билан солиштириш ўз хулқ-атвори ва муносабатини атрофдагилар билан таққослаб, ҳаёт тарзини енгиллаштириш
Конверсия (ўзгармоқ)	“Мен”лиги юқорилигини сақлаб қолиб, ўзига нохуш ҳолатларни, вазиятларни ҳазилга йўяди ва муомалада бўлади ҳамда берилган танбеҳларни ҳазил, деб қабул қилади.

Ушбу психологик ҳимоя механизмларининг берилиши орқали муаллиф шахс хулқ-атворидаги формаларида ташқи (атроф) муҳитдан ва тажовузкорликдан ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳолатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Шахснинг психологик ҳимоя механизмлари айрим низоларнинг субъектив сабабларига бевосита таъсир этиши мумкин. Шахснинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга йўл қўймаслик ва шахсий ёки гуруҳий қизиқишларини поймол қилиш каби сабаблар низоли вазиятларни вужудга келтиради. Бинобарин, индивиднинг низоларга иштироки, унинг олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун юзага келган тўсиқ қай даражада халақит бериши билан аниқланади. Субъект ўз олдига қўйган мақсади қанчалик муҳим бўлса ва унга эришишни жуда хоҳласа, у шунчалик даражада қатъийлик билан

ўзаро низоли вазиятларга ва унга халақит берувчи шахсга қаршилиқ кўрсатади.

Ўзбекистонда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг туб негизида, энг аввало ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, ақл-заковати, маънавий салоҳияти ва ўзига хос ижтимоий-психологик тараққиётига хизмат қилувчи омиллар ётади. Зеро, бу омилларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш башариятнинг энг олий неъматини ҳисобланган шахсни ҳимоя қилиш демакдир. Шу билан бирга шахсдаги ўзини ўзи турли хил муваффақиятсизликдан, турли хил салбий ҳолатларга тушиб қолишдан ҳимоя қила олиш тизимини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ривожлантириш масаласи ҳам ўта муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак бўлади. Чунончи, ўтказилган барча назарий ва амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий амалий хулосалар ётади:

1.Экстремал психологиядаги илмий-назарий ва методик адабиётлар таҳлили шахс учун ҳарактерли бўлган ўзини ўзи психологик ҳимоя қилиш жараёнини махсус таҳлил қилишга бағишланган тадқиқотларнинг ниҳоятда тақчил эканлигини кўрсатади. Ҳолбуки, ҳар қандай шахснинг тараққиётига салбий таъсир этиши мумкин бўлган турли хил муваффақиятсизликлар, ички зиддиятлар, юқори даражадаги стресс ҳолатлари шахсда психологик ҳимоя қила олишга тайёрлайди.

2.Танланган ва ишлаб чиқилган усуллар мажмуасини қўллаш тизимли тарзда ташкил этилган психологик хизмат жараёнида шахсга хос бўлган психологик ҳимоя мезонлари ва унинг иерархик тизимига оид кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш имкониятини яратади. Жумладан, Рикс-Уэссман шкаласи бўйича ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш меъёрлари, Ч.Д.Спилберг томонидан яратилган “Реактив ва шахсий хавотирлик шкалаларини ўрганувчи методика”си ёрдамида шахснинг хавотирлик хусусиятлари, доирасидаги мутаносиблик кўрсаткичлари шахс учун ҳарактерли бўлган психологик ҳимоя омиллари ҳақидаги янги маълумотлар беради.

3.Бугунги психологик хизмат жараёнида шахс ўзини ўзи психологик ҳимоя қилиш жараёнига таъсир қилувчи ва айна

пайтда тадқиқот предметига айлантилган мезонларнинг ҳар бири ўзига хос ҳимоя омили, белгиси, динамикаси ва иерархик тизимига эга эканлиги ва бу умумий психологик ҳимоянинг бир-бирига боғлиқ иерархик занжирни мустаҳкамлашга ҳамда мукамаллаштиришга хизмат қилиши билан алоҳида характерланади. Шу нуқтаи назардан мазкур мезонлар талқини шахснинг ўзини ўзи психологик ҳимоя қилиш тизими ҳақида эмпирик маълумотлар бериш мумкинлигини исботлади.

4.Рикс-Уэссман шкаласи бўйича қўлга киритилган эмпирик маълумотлар таҳлили шахслардаги ўзини ўзи психологик ҳимоя қилиш жараёнининг кечиши аксарият ҳолларда ўсмирлардаги мактаб ҳаётига, ўз-ўзига, шахслараро умумий мулоқотга боғлиқ безовталиқ меъёрларига, шунингдек, шахслар фаоллигини таъминловчи хотиржамлик, ғайрат-шижоатлилик, ҳиссий кўтаринкилик, ўз-ўзига ишончлилик сифатларига мутаносиблик ёки номутаносиблик кўрсаткичларининг намоён этилиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Жумладан, қайд этилган мутаносиблик кўрсаткичларининг ортиб бориши, шахсидаги психологик ҳимоя имкониятларининг тобора кенгайиб боришига олиб келиши мумкинлиги ўз тасдиғини топди.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси, энг аввало инсон шахси ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса, ҳар бир шахснинг ижтимоий-психологик тараққиётини таъминлашга қаратилган.

Республикада қўлга киритилган натижаларга таянган ҳолда мамлакатимизда ҳозирги замон илғор психологияси ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш заруриятини ҳисобга олиб, шахслардаги психологик ҳимоя жараёни билан боғлиқ ҳолатларни тўғри тушуниш, тадқиқ қилиш ва унинг бугунги ёшларимизни тарбиялаш ишидаги улушини оширишга қаратилган қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

1. Бугун республикамизда фаолият юритаётган фавқулодда вазият ходимлари, ёнғин хавфсизлиги ходимлари, ва экстремал ҳолатларга тушиб қолган шахслар билан ҳамкорликда шахслар учун зарур бўлган ишлар дастурини тузишлари ва шу дастурга мос психологик ҳимоя жараёнини ўрганишга қаратилган тадбирларни белгилашлари зарур.

2. Республикамизда фаолият олиб бораётган психологларга психологик хизмат талабларини ўрганиши, таҳлил қилиш ва

тадқиқ қилишнинг маҳсули ўлароқ, психологик хизматнинг иш мазмунини ташкил этувчи “Низом”га қўшимча равишда амалиётчи психологлар бажариши лозим бўлган қуйидаги вазифалар тавсия этилмоқда:

❖ Фаолият ва индивидуал имкониятлар ўртасидаги адекватликнинг қай даражада таркиб топтирилаётганлигини аниқлаш; ҳар бир шахсдаги меҳнат фаолиятини муваффақиятли бажариш билан боғлиқ индивидуал услубни аниқлаш; меҳнат фаолияти жараёнида ҳар бир шахснинг ўзини ўзи муваффақиятли идора қилишнинг таъминланиши билан боғлиқ меъёрий ҳиссий фаоллик кўрсаткичларини аниқлаш имкониятлари яратилмоқда.

❖ Ота-оналар, тезкор хизмат ходимлари ўртасида психологик ҳимоя имкониятлари ва истикболлари хусусида махсус тушунтириш ишларини олиб бориш талаб этилади.

❖ Ҳар бир шахс учун характерли бўлган фаолиятдан қониқишга нисбатан психологик ҳимоя иерархиясининг қарор топтирилишига хизмат қилувчи, ривожлантирувчи коррекцион ишлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш керак бўлади.

❖ Ҳар бир шахснинг психологик ҳимоя имкониятларидан келиб чиқиб, меҳнат фаолияти талабларини бажариш билан боғлиқ муваффақиятларга эришиш, айти пайтда, турли хил муваффақиятсизликларга учрамаслик учун тегишли яққа ҳол маслаҳатлар бериб бориш билан бирга, мазкур шахснинг фаолиятга нисбатан муваффақиятли индивидуал услубни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароит яратилишини таъминловчи тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўйлаймизки, мазкур вазифаларнинг мунтазам равишда амалга оширилиши психологик ҳимоя самарадорлигини таъминлашда, айти пайтда, шахсдаги психологик ҳимоя омилларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ экстремал вазиятларда психологик хизмат самарадорлигини тақозо этади.

Демак, экстремал вазиятларда шахсни ўрганиш ва унга психологик таъсир қилиш механизмларидан хабардор бўлиш ҳар бир амалиётчи психологдан жуда катта маҳорат талаб этади.

Билимларни мустаҳкамлаш ва илмий мунозара учун саволлар

1. Маҳаллага психологик хизмат кўрсатиш тизимининг жорий этилиши, моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Маҳалла муаммолари ва уларнинг психологик ечимлари ҳақида нималарни айтиш мумкин?
3. Уюшмаган ёшларни ўрганишнинг психологик йўналишлари қайсилар?
4. Уюшмаган ёшларга психологик хизмат кўрсатилишининг бугунги истиқболлари нималардан иборат?
5. Экстремал вазиятларда шахсни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Экстремал вазиятларда шахсга таъсир этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдирилинг?
7. Аҳолининг турли қатламларига психологик таъсир кўрсатилишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нималарни айтиш мумкин?

Мустақил иш мавзулари

1. Аҳолининг турли қатламларига хос психологик имкониятларни ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Уюшмаган ёшларга психологик хизмат кўрсатишнинг назарий ва амалий асослари.
3. Экстремал вазиятларда шахсни ўрганиш ва унга психологик таъсир қилиш усуллари.

Асосий адабиётлар:

1. Абрамова Г.С. Практическая психология. – М.: 2000.
2. Бодров В.А. Информационный стресс. М., ПЭР СЭ, 2000.
3. Камилова Н.Г. Хулқи оғишган болалар психологияси Т., ТДПУ, 2013.
4. Нельсен-Джоунс Р. Теория и практика консультирования. СПб.: Питер, 2000.
5. Нишонова З.Т., Алимбаева Ш.Т., Сулаймонов М. Психологик хизмат. – Т.: Фан ва технология марказининг босмаҳонаси, 2014 й.
6. Психология экстремальных ситуаций: Хрестоматия // Сост. А.Е.Тарас. К.В.Сельченко. Минск: Харвест, 2000.

7. Психология экстремальных ситуаций: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений под Общ. ред. Ю. С. Шойгу. – М.: Смысл; Издательский центр Академия, 2009. – 320 с.
8. Слюсарева. Е. С., Козловская. Г. Ю. Методы психологического коорекцион учебно-методическое пособие. – Ставрополь, 2008.

Қўшимча адабиётлар:

1. Баротов Ш. Р. ва бошқалар, Экспериментал психология. – Тошкент: Фан, 2008.
2. Баротов Ш. Р. и др. Психологическая служба образования: от теории к практике. (Учебно - методическое пособие). – Бухара: Дурдона, 2017 й. – 172 с.
3. Гамезо М. В., Домашенко И. А. Атлас по психологии Учеб. пособие для студентов пед. институты, – М.: Просвещение, 1986. – 272 с.
4. Леонова А. Б., Кузнецова А. С. Психопрофилактика стрессов. – М., 1993.
5. Психология экстремальных ситуаций для спасателей и пожарных // Под общей ред. Ю. С. Шойгу. – М.: Смысл, 2007. – 319 с.
6. Психологическая безопасность. /Иван Огнев.-Ростов н/Д: Феникс, 2007. – С 605.
7. Прикладная социальная психология./Под редакцией А. Н. Сухова и А. А. Деркоча – М.: Изд. "Институт практической психологии"; Воронеж: изд. Н. П. О. "МОДЭК", 1998. – 688 с.
8. Тўлаганова Г. Қ. Девиант хулқ атвор психологияси. – Т.: Университет, 2014. – 168 б.
9. Taylor S. E. Health Psychology. New-York, 1995.
10. Shaffer M. Life after Stress, New-York – London, 1982.
11. Шрайнер К. Как снять стресс. – М.: 1993.

Интернет ресурслари:

- <http://www.koob.ru>
<http://www.psystudy.ru/>
<http://www.psychology-online.net>
<http://www.psychol-ok.ru/library/html>
<http://www.koob.ru>

ХОТИМА ЎРНИДА

Ушбу дарслик бугунги замонавий психология фанининг назарий-методологик ва амалий-татбиқий имкониятларидан келиб чиқиб тайёрланган бўлса-да, бугунги психологик хизмат фанида ҳали ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки мазкур фан психологиянинг бошқа тармоқларига қараганда нисбатан янги фан эканлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, фаннинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини белгилашда турли давлатларда турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини ҳам инобатга олишга тўғри келади. Шу нуқтаи назардан психологик хизматнинг хорижда, Россияда ва Ўзбекистонда ташкил этилишига хос ташкилий ишлар кўлами ҳақида ҳам муайян маълумотлар тақдим этилди. Зеро, психологик хизмат, энг аввало, инсонга унинг ижтимоий психологик тараққиётига хизмат қилиши билан қимматлидир. Айни пайтда, аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш тизимининг эътироф этилиши психология фанининг бугунги амалиётда ниҳоятда зарур эканлигини тақозо этмоқда.

Ҳақиқатда эса психологик билим ва ёндашувларсиз ҳар қандай шахс ва унинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ уйғунликни таъминлаб бўлмайди. Уйғунлик бўлмаган жойда эса бугунги ижтимоий ислохотларни таъминлашга хизмат қилувчи юксак муваффақият ва зафарлар ҳам бўлмайди. Шу маънода мазкур дарслик барча соҳаларда фаолият юритаётган амалиётчи психологлар учун муҳим дастурил амал бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

ИЛОВАЛАР

ИЛОВА 1

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими муассасаларида психологик хизмат тўғрисидаги

Н И З О М

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сонли "Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 184-модда) га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги муассасаларда Психологик хизмат (кейинги ўринларда Психологик хизмат деб аталади)нинг мақсади, вазифалари ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Психологик хизмат ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази (кейинги ўринларда Республика ташхис Маркази деб юритилади) нинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.
2. Психологик хизмат "психология" ихтисослиги бўйича олий маълумотга эга бўлган психолог ёки қайта тайёрлашдан ўтиб, "амалиётчи психолог" малакасига эга бўлган олий маълумотли педагоглар томонидан амалга оширилади.

II. Психологик хизматнинг мақсад ва вазифалари

3. Психологик хизматнинг мақсади – шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, ривожланиши, самарали ижтимоийлашуви ва мослашуви, болалар ривожланишининг барча ёш даврларида психологик саломатлигини муҳофаза қилиш учун психологик-педагогик шарт-шароит яратишдан иборат.
4. Психологик хизматнинг вазифалари: ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, лаёқат ва қобилиятларига мувофиқ ривожланишида унинг психологик имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш; ўқувчининг

интеллектуал, шахсий, ижтимоий ривожланишидаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш, тузатиш ва олдини олиш; умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ва битирувчиларига касбий ва ҳаётий ўзлигини англашида уларнинг шахсий қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, саломатлигини инобатга олган ҳолда психологик ёрдам кўрсатиш; таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш, ўқувчилар жамоаси ва педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни сақлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг энг мақбул ечимларини топиш; муассасада ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси, ўсмирлар ва ёшлар ҳулқидаги оғишлар, шахснинг оилада ва жамиятда мослашуви ва ижтимоийлашуви муаммолари бўйича психологлар, педагоглар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш; "хавфли гуруҳ"га кирувчи ўсмирларни психологик қўллаб-қувватлаш, улар учун тегишлича психологик тавсифномаларни расмийлаштириш ва зарур бўлганда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим этиш, тарбияси оғир ўсмирларни (ҳуқуқбузарларни) ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг ижодий ривожланишига имкон бериш мақсадида психологик кузатиш ва қўллаб-қувватлаш.

III. Психологик хизматнинг асосий йўналишлари

5. Психологик хизматнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) психологик маърифат – психологик билимларни эгаллаш мақсадида педагог ва ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг шунингдек, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг психологик маданиятини ошириш.

Психологик маърифатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: ўқувчиларга энг оддий психологик билимларни бериш ва уларнинг бу билимларни эгаллашига эришиш, тенгдошлари ва катталар билан шахслараро муносабатларга киришиш, ўзларининг шахсий сифатлари ва характер хусусиятлари, қобилиятлари, лаёқатларига баҳо бера олиш билан боғлиқ бўлган

билишга оид қизиқишларини ривожлантириш; ўқувчиларда ўқув жараёнига, ўқитувчилар ва тарбиячилар билан мулоқотга ижобий муносабатни шакллантириш; ўсмирлар, йигит ва қизларнинг жинсий тарбияси, уларнинг оила психологияси ва оилавий муносабатлар, шахсий гигиена ва касалликларнинг олдини олиш соҳасидаги билимларни эгаллашига эришиш; ҳар бир болага индивидуал ёндашувни амалга оширишда педагоглар, тарбиячилар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг психологик компетентлигини ошириш; индивидуал суҳбатлар, очик дарслар, семинарлар ва маслаҳатлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали психологик билимларни тарғиб қилиш.

б) психологик-педагогик ташхис – ўқувчиларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, қобилиятлари, қадриятлар йўналганлиги ижтимоий установакалари ва муносабатлари, билиш ва ўқув фаолияти мотивацияларини инобатга олган ҳолда уларнинг индивидуал-психологик ва шахс хусусиятларини аниқлаш ҳамда баҳолаш.

Психологик-педагогик ташхиснинг вазифалари:

6-7 ёшдаги болаларнинг бошланғич синфларда ўқишга тайёргарлигини ўрганиш мақсадида уларнинг психологик ривожланиши ва қобилиятларини аниқлаш; ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларига қабул қилишда ўқувчиларнинг билиш ва бошқа махсус қобилиятларини аниқлаш ҳамда баҳолаш; турли психологик ташхис методикалари ёрдамида ўқувчилар билан тест-синовлари ўтказиш ва суҳбатлашиш, натижаларни мактабда таълим олиш даври мобайнида "Психологик-педагогик ташхис дафтари" да қайд этиб бориш; ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг иқтидори ва потенциал қобилиятларини ривожлантиришга имкон берувчи психологик-педагогик шароитларни яратиш мақсадида улардаги иқтидорни ташхис қилиш орқали аниқлаш; умумтаълим муассасалари ўқувчилари ва битирувчиларининг касб-ҳунар, мутахассислик ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари таълим йўналишини (касб-ҳунар коллежи ва академик лицей) танлашида уларнинг қизиқиши, лаёқати ва билиш қобилиятларини аниқлаш; тарбияси оғир болалар ва ўсмирлар билан коррекцион ишларни амалга ошириш, уларни тарбиялаш, мактаб ҳамда ижтимоий муҳитга мослашишини таъминлаш мақсадида индивидуал-

психологик ва шахс хусусиятларини аниқлаш; ташхис натижалари билан ўқувчилар, ота-оналар ёки қонуний вакиллар, педагогларни таништириш, шахснинг онгли равишда касб-ҳунар танлашини шакллантириш ва ривожлантиришда уларга бунинг аҳамиятини тушунтириш; шахсий муаммоларнинг ечимини топиш ва уларга зарур психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ота-оналар ёки қонуний вакиллар, педагоглар (уларнинг розилиги билан) билан ташхис ишларини олиб бориш.

в) психологик профилактика – болаларнинг психологик саломатлигидаги бузилишлар, уларнинг интеллектуал, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги салбий оғишларнинг ўз вақтида олдини олиш.

Психологик профилактиканинг вазифалари: суҳбатлашиш ва ташхис текширувлари натижалари, шунингдек, ота-оналар ёки қонуний вакиллар ва педагоглардан олинган маълумотлар асосида болаларнинг психологик саломатлигини аниқлаш; ижтимоийлашув, таълим ва тарбия жараёнида шахс шаклланиши ҳамда ривожланишидаги оғишларнинг олдини олиш бўйича чоралар белгилаш, болаларнинг катталар ва тенгдошлари билан бўладиган мулоқоти ҳамда муносабатларида психологик шикаст етказувчи омилларни бартараф этишга ёрдам кўрсатиш; асабий-психик зўриқиш ва шахс сифатларининг бузилиши аломатлари аниқланган, шунингдек, аддиктив қарамликда бўлган (алкогол, наркотиклар, токсик моддаларга ружу қўйиш, интернет-қарамлик ва бошқа шу каби ҳолатлардаги) ўсмирларга психологик ёрдам кўрсатиш; мактабгача ва умумтаълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ҳамда оилада болалар тарбияси ва таълимининг психогигиеник шарт-шароитларига риоя этилишини назорат қилиш, бу шароитлар бузилган ҳолатларда чоралар кўриш; болалар ва ўсмирларни ўз қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари ва билимларини татбиқ этишни хоҳлаган ҳаётий фаолият соҳаларини англаб етишга тайёрлаш; ота-оналар ёки қонуний вакилларга, педагогларга (уларнинг розилиги билан) шахслараро муносабатларда, оилада ёки педагогик жамоада носоғлом психологик иқлим муаммоларини ҳал этишда психологик ёрдам кўрсатиш, психологик шикаст етказувчи омиллар таъсирини бартараф этиш бўйича чоралар кўриш.

г) психологик коррексия ва ривожлантириш – шахснинг шаклланиши ҳамда ривожланишидаги камчиликларни тузатиш ҳамда оғишларни бартараф этиш, ўқувчилар (тарбияланувчилар) муомаласи ва хулқ-атворидаги бузилишларни коррекциялаш, шахснинг психик ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Психологик коррекция ва ривожлантиришнинг вазифалари: ўқувчилар (тарбияланувчилар) даги психик жараёнлар, ижтимоий установакалар, субъектив фикрлар ва салбий муносабатлар ривожланишини коррекциялаш; таълим ва мустақил ўқув фаолияти жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ҳамда қизиқишларини ривожлантириш мақсадида уларнинг интеллектуал пассивлигини коррекциялаш; тарбияси қийин болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий установакалари, муносабатлари, хулқ-атвор мотивларини, уларнинг мактабга ва ижтимоий муҳитга етарли даражада мослаша олмаслик ҳолатларини коррекциялаш; таълим-тарбия жараёни барча субъектлари ўртасидаги нормал шахслараро муносабатларни коррекциялаш ва ривожлантириш; ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларига, педагогларга психологик коррексия натижаларини, шахснинг нормал ривожланиши учун бу натижаларнинг аҳамиятини тушунтириш; педагогик жамоа аъзоларининг хиссий-эмоционал ҳолатларини, шахслараро муносабатларини ва зиддиятли хатти-ҳаракатини коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтириш, раҳбарларнинг бошқарув услубини оптималлаштириш.

д) психологик маслаҳат – ўқувчилар, тарбияланувчилар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларига, педагогларга шахсий муаммолар ва зиддиятли муносабатларни конструктив ҳал этилишида психологик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ички психологик имкониятларини сафарбар қилиш учун шарт-шароитлар яратиш.

Психологик маслаҳатнинг вазифалари: мактабгача таълим муассасалари ходимларига болаларнинг интеллектуал, шахсий ва ижтимоий ривожланишининг ёш хусусиятлари, ривожланишдаги бузилишлар ҳамда кечикишлар, уларни коррекциялаш, шунингдек, болаларни бошланғич синфда ўқишга ва мактабга

мослашувга психологик тайёрлаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш; болаларнинг бошланғич синфлардан ўрта синфларга ўтиши, шунингдек, мактабни битириш ва бўлғуси касб-ҳунар ҳамда таълим муассасаси (академик лицей, касб-ҳунар коллежи)ни танлаш масалаларида ўқувчилар, ота-оналар ёки қонуний вакилларга маслаҳатлар бериш; мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари, шунингдек, етим болалар таълим олаётган умумтаълим муассасалари ходимларига таълим-тарбия, болаларнинг ижтимоийлашуви ва мослашувини психологик кузатиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш; ўсмирлар ва ёшларга катталар ва тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабатлар, оилавий муаммолар, хулқ-атвордаги оғишларни бартараф этиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш, шунингдек, ҳаётий ва касбий ўзлигини англаш масалаларида маслаҳатлар бериш; мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари раҳбарларига педагогик жамоани бошқаришни оптималлаштириш, қўл остидаги ходимлар билан шахслараро муносабатлар, юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш ҳамда соғлом психологик муҳитни таъминлаш масалаларида маслаҳатлар бериш; маслаҳат бериш жараёнида ўқувчилар ва тарбияланувчиларда мустақил таълим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини коррекциялашга ижобий муносабатларни шакллантириш ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

э) касб-ҳунарга йўналтириш – ўқувчиларнинг индивидуал қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, жамият ва меҳнат бозорининг муайян касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда уларни касбий ўзлигини англашлари учун ёрдам беришга қаратилган психологик-педагогик ҳамда тиббий чора-тадбирлар мажмуи. Касб-ҳунарга йўналтиришнинг мақсади – ўқувчилар ва мактаб битирувчиларини муайян касбни ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежидаги таълим йўналишларини онгли ва мустақил танлашга тайёрлаш.

Касб-ҳунарга йўналтиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари:

Касбий маърифат-ўқувчиларга турли касблар, ихтисосликлар, мансаб лавозимлари, танланган касбни, ихтисосликни эгаллаш мумкин бўлган таълим турлари ҳамда таълим муассасалари, шунингдек, касбнинг инсонга, унинг жисмоний, психологик ва шахсий сифатларига, саломатлигига қўядиган талаблари ҳақида маълумотлар бериш; касбий маслаҳат – ўқувчиларга уларнинг индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозори талабларига, таълим олиш ҳамда келгусида ишга жойлашиш имкониятларига мувофиқ касб ва таълим муассасасини танлашга ёрдам бериш; касбий ташхис ўқувчиларнинг билиш (ўқув предметларига, фанга) ва касбий (касбларга, мутахассисликларга) қизиқишларини, касб танлаш мотивлари ва касбий режаларини аниқлаш ҳамда баҳолаш; касбий тарбия болалар ва ўсмирларда меҳнат малака ва кўникмаларини, касбларга қизиқиш, меҳнатсеварлик, ишчанлик ҳамда маъсулиятни шакллантириш ва ривожлантириш. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Республика ташхис Маркази буйруқлари, меъёрий ҳужжатлари ва методик тавсиялари асосида барча даражадаги ташхис марказлари томонидан ташкил этилади ва бевосита таълим муассасаларининг психологлари томонидан амалга оширилади.

III. Психологик хизматнинг таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

6. Психологик хизмат Республика ташхис Марказининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.
7. Психологик хизматга Республика ташхис Маркази директори томонидан тайинланадиган ва вазифасидан озод қилинадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.
8. Психологик хизматнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида жамоатчилик асосида ташкил этиладиган Кенгаш томонидан мувофиқлаштирилади. Кенгаш таркиби манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда уларнинг вакилларидан шакллантирилади ва халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади.
9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги психологик хизмат фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг

асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: муассасаларда психологик хизматнинг ташкил этилиши ва таъминланиши юзасидан муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; муассасаларда болалар таълим - тарбияси ва ривожланишининг психологик-педагогик шарт-шароитларини таҳлил қилиш, таълим соҳасидаги инновациялар билан боғлиқ ҳолда уларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар белгилаш; психологик хизматни такомиллаштириш муаммолари, хусусан болалар ҳуқуқлари, саломатлиги муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси ва мослашуви, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича республика илмий-амалий конференциялари ва семинарларини ташкил этиш;

Республика ташхис Маркази томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида кадрлар (мутахассис-психологлар)ни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, малакасининг оширилиши ва аттестациядан ўтказилишини назорат қилиш; психологларни тадқиқотчилик лойиҳалари (грантлар)ни ишлаб чиқиш ва уларни бажаришга жалб қилиш, тадқиқотлар натижаларини халқ таълими тизими муассасаларида жорий этишларига ёрдам бериш; муассасаларда психологик хизматнинг ташкил этилиши ҳолати бўйича Республика ташхис маркази ҳисоботларини кўриб чиқиш; Кенгаш йиғилишларини ўтказиш (йилнинг ҳар чорагида, ярим йилликда, йилда) ҳамда унинг аъзолари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш; психологик-педагогик йўналишда таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига киритиш.

10. Республика ташхис Маркази томонидан психологик хизмат йўналишида қуйидагилар амалга оширилади: муассасалардаги психологик хизматга умумий раҳбарлик қилади ва ушбу хизмат фаолиятини мувофиқлаштиради; муассасалардаги психологик хизмат фаолиятини белгиловчи ва тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Халқ таълими вазирлигига киритади; ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, шахснинг ҳар томонлама шаклланиши ва уйғун ривожланиши, ўқувчилар ва мактаб битирувчиларини узлуксиз касб - ҳунарга йўналтириш

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда психологик хизмат амалга оширилишининг ташкилий, ахборот, илмий-методик таъминотини йўлга қўяди; психологлар амалиётда қўллашлари учун ўқувчиларни психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш методикаларини (анкеталар, тестлар, сўровномаларни), касб-ҳунарга йўналтириш дастурлари ва методикаларини, шунингдек, психопрофилактик дастурларни, психологик тренингларни, тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқади, тажриба-синовдан ўтказди ва шароитга мослаштиради; психологларнинг оилаларда, ўқувчилар жамоаси ва педагогик жамоаларда қулай психологик иқлим яратиш бўйича тарбияланувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари билан ишларни ташкил этишлари учун тавсиялар ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади; психологик хизматни амалга ошириш ва ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради ва таълим амалиётига жорий этади; муассасаларда психологик хизмат амалга оширилиши мониторингини олиб боради; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, психологларнинг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказилиши ташкил этилишини, уларга белгиланган тартибда малака тоифалари берилишини назорат қилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги ташхис марказлари томонидан психологик хизмат йўналишида қуйидагилар амалга оширилади: муассасаларда психологик хизматнинг амалга оширилишига методик раҳбарлик қилади ва фаолият назоратини олиб боради; Республика ташхис Маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви Маркази, шунингдек, бошқа болалар ташкилотлари ва илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқилган психологик хизматга доир меъёрий ҳужжатларни, методик, дастурий ва ўқув материалларини амалиётга жорий этади; болаларнинг таълим-тарбияси ва уларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар, ўқувчилар хатти-ҳаракатидаги оғишларни тузатиш, мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таълим

йўналишларини танлашга тайёрлаш бўйича психологлар фаолиятини ташкил этади; психологларга болалар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, таълим муассасалари педагоглари билан ишлашда методик ва амалий ёрдам кўрсатади; психологик хизматни амалга оширишнинг маҳаллий ва хорижий тажрибаларини ўрганади, уларни таълим амалиётига жорий этади; психологик хизматнинг амалга оширилиши мониторингини олиб боради, олинган натижаларни таҳлил қилади ва умумлаштиради, тегишли (вилоят, туман, шаҳарлар бўйича) маълумотларнинг компьютер банкини яратади; психологлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди, уларга малака тоифалари берилишининг ҳисобини юритади.

12. Мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари раҳбарларининг мажбуриятларига қуйидагилар киради: психологик хизматнинг ташкил этилишига умумий раҳбарлик, психологнинг иш режасини (йиллик, чораклик, ойлик) кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; психолог самарали фаолият юритиши учун зарур ташкилий ва моддий-техник шароитларни яратиш; зарур психологик адабиётлар ва илмий-методик материалларни, ўқув, дидактик ва кўргазмали материаллар, ўқув видеофильмлари, муайян психологик методикаларни (тестларни) харид қилишга кўмаклашиш; психолог билан биргаликда ота-оналар ёки қонуний вакиллар ва педагоглар учун ўтказиладиган психологик маърифий тадбирларни (суҳбатлар, маърузалар, семинарлар, тренингларни) ташкил этиш; олинган маълумотлар асосида диагностик, коррекцион, профилактик тадбирлар ва психологик маслаҳатларни ўтказишда психологга ёрдам бериш; психолог фаолияти натижаларини раҳбар ҳузуридаги йиғилишларда, педагогика кенгашларида, жамоа йиғинларида кўриб чиқиш ва муҳокама этиш; психолог фаолиятининг барча йўналишлари ва натижаларини назорат қилиш, психологнинг тегишли иш режаси бажарилиши юзасидан ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

13. Психологнинг вазифалари: болаларнинг шахсий ва ижтимоий, интеллектуал ривожланиши, психологик

саломатлигини сақлаш учун мақбул шарт-шароитларни яратиш ва таъминлашга йўналтирилган касбий фаолиятни амалга ошириш; ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) ривожланишига тўсқинлик қилувчи сабабларни аниқлаш ва уларга психологик ёрдам (психокоррекция, психопрофилактика, реабилитация ва тавсиялар) кўрсатиш бўйича тадбирларни амалга ошириш; турли ёшдаги болаларнинг характер хусусусиятлари ва шахс сифатларини инобатга олган ҳолда уларнинг қобилият, лаёқат, билиш ва касбий қизиқишларини ўрганиш, коррекция қилиш ва ривожлантириш; 6-7 ёшдаги болаларни психологик текширувдан ўтказиш ва уларнинг бошланғич синфда таълим тайёргарлик даражасини аниқлашда қатнашиш; ўқувчиларни ташхис қилиш ва натижаларни таълим олиш давомида (1-синфдан 9-синфгача) "Психологик-педагогик ташхис дафтари" да қайд этиб бориш; ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) индивидуал, жинсий ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда коррекцион-ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, уларда ижобий ижтимоий установкаларни, таълим олиш, ҳаётий ва касбий ўзлигини англашга тайёргарлик мотивацияларини шакллантириш; иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг ижодий ривожланиши учун психологик қўллаб-қувватланишини ташкил этиш ва амалга ошириш; ижтимоий ва ҳуқуқий хавф омилларининг таъсирини аниқлаш, уларнинг болалар ва ўсмирларга таъсирини камайтириш учун психологик ташхис тадбирларидан фойдаланиш, ижтимоий муҳитда уларнинг хулқ-атвори ва мулоқотини психологик-педагогик коррекциялаш; болаларнинг маънавий-маърифий, интеллектуал ва жисмоний тарбиясига кўмаклашиш, ўқувчилар (тарбияланувчилар), педагог ходимлар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг психологик маданиятини шакллантириш; болалар тарбияси, таълими ва ривожланиши, шунингдек, ота-оналар ва болалар муносабатларидаги муаммолар бўйича ота-оналар ёки қонуний вакилларга психологик маслаҳатлар бериш; болалар билан ишлашда самарали натижаларга эришиш ва ўзининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида мутахассис психологларнинг илғор тажрибаларини ва илмий-услубий адабиётларни ўрганиш; психологик хизмат, шунингдек,

педагогика жамоасининг болалар тарбияси ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган тадбирлари бўйича маъмуриятнинг буйруқ ва фармойишларини бажариш; ўз фаолиятига доир ҳужжатлар ва ҳисоботларни ўрнатилган шаклларда юритиш, таълим муассасасида тарбиявий тадбирларнинг ишлаб чиқиши, режалаштирилиши ва ўтказилишида, шунингдек, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги амалга оширилишида иштирок этиш; умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони кўплигини инобатга олган ҳолда, психологик хизматни амалга оширишда синф раҳбарлари ҳам иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун мактаб психологи синф раҳбарлари билан аввалдан тайёргарлик ишларини ўтказиши керак.

14. Психологларнинг асосий функциялари: ҳар бир ёш босқичида (болалик, ўсмирлик, ёшлик) шахснинг баркамол шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашувчи психологик-педагогик шарт-шароитларни яратиш; ўқувчиларнинг интеллектуал, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги бузилишлар, шунингдек, уларнинг хулқ-атвори ҳамда муомаласидаги оғишларни аниқлаш; ўқувчилар (тарбияланувчилар), уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, педагоглар ўртасида психологик билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида психологик маърифат ишларини олиб бориш; ўқувчиларнинг қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари ва шахсий сифатлари, шунингдек, касб ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида кейинги таълим йўналишини (академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини) танлаш мотивларини аниқлаш бўйича ташхис тадбирлари (суҳбатлар, анкета сўровлари, тестлар) ни ташкил этиш ва ўтказиш; иқтидорли болалар ва ўсмирларни аниқлаш, уларнинг билимга қизиқишлари, мойилликлари ва қобилиятларини ривожлантириш, ўқув ҳамда ижодий фаолиятга ундаш учун зарурий психологик-педагогик шарт-шароитларни яратишда иштирок этиш; ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг дарсларни ўзлаштирамаслиги, атрофдагилар билан зиддиятли муносабатларда бўлиши билан боғлиқ бўлган шахсий муаммоларини аниқлаш, уларни ота-оналар ёки қонуний вакиллар, таълим муассасалари педагоглари, меҳрибонлик уйлари тарбиячилари билан биргаликда ҳал этиш; тарбияси оғир, педагогик қаровсиз

болалар ва ўсмирларни психологик текшириш, уларнинг хулқидаги оғишларни ва ижтимоий муҳитга мослаша олмаслик ҳолатини коррекциялаш, ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ёки қонуний вакиллар учун уларни қайта тарбиялаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; тарбияси оғир ўсмирлар (ҳуқуқбузарлар) га психологик тавсифномалар тайёрлаш, уларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим этиш, комиссия қарорларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш; психологик ёрдамга муҳтож ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг турли тоифалари билан коррекцион-ривожлантирувчи, профилактик ва маслаҳат тадбирларни ўтказиш; "Ишонч қутиси" ишини ташкил этиш, ўқувчилар жамоаси ва педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни яратиш ҳамда сақлаб қолиш; ўз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ҳужжатларни (режалар, дастурлар, ҳисоботлар, маълумотномалар, хулосалар ва ҳоказо) юритиб бориш.

15. Психологлар ўз вазифаларини мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бажарадилар, тарбияланувчилар, ўқувчилар, уларнинг оилалари ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайдилар, берадиган тавсияларининг асосланганлиги ва ўз фаолияти натижалари учун шахсан жавобгардирлар.

IV. Психологларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

16. Психолог қуйидаги ҳуқуқларга эга: болалар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, мактабгача таълим, умумтаълим муассасаси, меҳрибонлик уйи педагоглари билан олиб бориладиган ишларнинг муайян йўналишларини мустақил шакллантириш; психологик хизматни амалга ошириш доирасида тадбирларнинг кетма-кетлигини, мактабгача таълим, умумтаълим муассасаси, меҳрибонлик уйи педагогик жараёнининг ўзига хос томонлари, муайян шарт - шароитлари ва контингентини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; муассаса раҳбариятига ўзи учун хона, мебель жиҳозлари, компьютер ва бошқа техника воситалари, идора буюмлари

ажратилиши тўғрисидаги талаблар билан мурожаат қилиш; мактабгача таълим, умумтаълим муассасаси, меҳрибонлик уйи ҳужжатлари билан танишиш; психологик-педагогик ташхисга оид янги методикалар, психопрофилактика ва коррекцион-ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш, уларни синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишда иштирок этиш; маъмурият билан келишган ҳолда синфдаги ва синфдан ташқари машғулотлар, шунингдек, бошқа тадбирларда ўқувчиларнинг хулқ-атвори ҳамда индивидуал хусусиятларини, уларнинг ўқишга, синф раҳбари ва ўқитувчилар билан муомала муносабатини ўрганиш мақсадида иштирок этиш; психологик тадқиқот ва тажрибалар ўтказиш, уларнинг натижаларини илмий журналларда ҳамда бошқа матбуот нашрларида эълон қилиш; муассаса маъмурияти кўрсатмалари психологнинг мазкур Низомда белгиланган мажбуриятлари, функциялари ва фаолият йўналишларига зид бўлса, уларни бажармаслик; болалар тақдирини ҳал этувчи турли идоралар ва комиссиялар ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашиш, қабул қилинган қарорлар қониқтирмаган ҳолатларда юқори турувчи идораларга мурожаат қилиш; жойлардаги давлат ҳокимияти идораларига, тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасаларига, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларига болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича илтимос-номалар билан мурожаат қилиш; барча даражадаги ташхис марказларига мактаб ўқувчиларининг касбий ўзлигини белгилаши ҳамда касб-хунарга йўналтириш масалалари бўйича мурожаат этиш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида халқ таълими тизими муассасалари ходимлари учун назарда тутилган рағбатлантириш ва имтиёزلардан фойдаланиш.

17. Психолог қуйидагилар учун жавобгардир: иш фаолиятини режалаштириш ва уларни бажариш, олинадиган натижалар ҳамда улар бўйича белгиланган тартибдаги ҳисоботларни тайёрлашга; психологик маърифат, ташхис, психопрофилактика, коррекцион ривожлантирувчи, маслаҳат тадбирларининг сифати ҳамда ўтказиш муддатларига риоя қилишга; психологик ташхиснинг тўғрилиги, ташхис натижалари бўйича бериладиган тавсияларнинг асосланганлигига; ўқувчилар (тарбияланувчилар),

уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларининг, мактабгача таълим, умумтаълим муассасаси, меҳрибонлик уйи педагоглари ва раҳбарларининг манфаатларидан келиб чиқиб, улар тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланишига; ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг ва таълим жараёни бошқа субъектларининг шахсий муаммоларига ҳамда ташхиси натижаларига оид психологик ва бошқа маълумотларнинг ошкор этилишига.

V. Психологлар меҳнатини рағбатлантириш

18. Психологлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Кўп йиллик меҳнатлари натижалари бўйича юқори натижаларга эришган психологлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

20. Психологлар шартнома асосида ҳақ тўланадиган таълим ва психологик хизматлар кўрсатишда, шунингдек, халқ таълими муассасаларининг манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар билан тузадиган тадқиқотчилик лойиҳалари (грантлар) ни бажаришда қатнашадилар.

21. Психологларга малака тоифалари аттестация натижаларига кўра белгиланади ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш дифференциал тарзда малака тоифасига мувофиқ амалга оширилади.

ИЛОВА 2

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

Психологик хизмат хонаси Ўзбекистан Республикаси умумтаълим мактабларида баркамол инсонни шакллантириш, ўқувчиларнинг шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишини ташхис қилиш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг ўз вақтида олдини олиш, шунингдек, ўқув жараёнида ўқувчининг қобилиятлари, имкониятлари, ўзига хос (индивидуал) хусусиятларини ўрганиш, касб-хунарга мойилликлари, қизиқишлари ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, уларга академик лицей ёки касб-хунар коллежларидаги таълим йўналишини танлашда кўмаклашиш, оилада, жамоада унинг аъзолари ўртасида содир бўладиган турли низолар сабабли шахсдаги руҳий кечинмаларни енгиллаштириш, стресс ҳолатларни бартараф этиш, мактаб педагогик жамоасини ҳамда ўқувчилар ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини оширишга қаратилган турли машғулотлар, ўқувлар, маърузалар, тренинглар, индивидуал суҳбатларни етарли жиҳозлар билан таъминланган қулай шароитда амалга ошириш мақсадида ташкил этилади.

II. Психологик хизмат хонасининг асосий вазифалари

Ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарга психологик маслаҳат бериш, психологик ташхис, психологик коррекцияга оид тадбирларни ўтказиш, тарбия ва ахлоқ масалаларида ўқитувчилар ва мураббийлар билан ҳамкорликда кечалар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар, психологик тренинглар ва ўқувчилар орасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, шахс ва жамоага фаол руҳий таъсир ўтказишга оид руҳий мувозанатлаштириш тренингларини олиб бориш, ўқувчиларнинг лаёқати, қизиқиши ва қобилиятларини ташхис қилиш ҳамда уларнинг қобилиятларига мос касб-хунарларни онгли танлашларига кўмаклашиш учун

қулай шароит яратиш.

III. Психологик хизмат хонасига қўйиладиган талаблар

Умумий ўрта таълим мактабларида психологик хизмат хонасининг ташкил этилиши, ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш билан шахснинг ҳар томонлама камол топиши, маънавий ҳамда ақлий ривожланиши, ўзлигини англаши ва қобилиятларини намоён этишлари учун тегишли шароитлар яратишга имкон беради.

Психологик хизмат хонасининг фаолиятига қуйидаги йўналишлар доирасида талаблар қўйилади.

1. Педагогик талаблар.
2. Психологик-физиологик талаблар.
3. Техника хавфсизлиги ва гигиеник талаблар.
4. Эстетик талаблар.

Педагогик талаблар

Психологик хизмат хонасида коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар, психологик ташхис, психотренинглар, индивидуал суҳбат, психологик маслаҳатлар билан бир қаторда турли психологик ўқувлар ўтказилади, психологик ва касб-ҳунарга йўналтирувчи билимлар берилади.

Юкоридаги вазифалардан келиб чиқиб, психологик хизмат хонасининг жиҳозланишида педагогик муҳит яратиш, шахснинг руҳиятига хонанинг ижобий педагогик таъсир ўтказиши инобатга олиниб, у барча педагогик мезонлар ва меъёрларга мос келиши керак.

Психологик-физиологик талаблар

Психологик хизмат хонасини жиҳозлашда хонанинг таъмирланиши, жиҳозлари ва материалларининг барчаси психологик-физиологик қонуниятларга амал қилинган, қўллашда қулай бўлиши, улардан фойдаланганда ўқитувчи ва ўқувчиларда қаноатланиш ҳиссиётларини уйғотиши назарда тутилади.

Техника хавфсизлиги ва гигиеник талаблар

Хонага ўрнатилган барча электротехника жиҳозлари, жумладан, шахсий компьютернинг электр тармоқларига уланиши техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб бериши керак;

Психологик хизмат хонасини ёритгичлар билан таъминлашда уларнинг замонавийлигига, бутун хонани меъёрида ёритишига ва

хавфсизлигига эътибор қаратилади;

Психологик тренинг машғулотлари, психологик ташхис қилиш ва индивидуал суҳбат ўтказиш жараёнларида техника воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши лозим.

Эстетик талаблар

Психологик хизмат хонасидаги жиҳозлар, ахборот берувчи восита ва материалларнинг умумий кўриниши эстетик талабларга мос келиши, дид билан жиҳозланиши ҳамда уларнинг замонавий бўлишига эътибор қаратилиши, бу ўқувчиларнинг гўзалликка бўлган ижобий интилишини тарбиялашига аҳамият берилиши лозим.

Хонанинг ўқув ва моддий-техник таъминоти

Умумтаълим мактабларидаги психологик хизмат хонаси, мактаб биносининг биринчи қаватида, касб-хунарга йўналтириш ва тиббий хизмат хонаси билан ёнма-ён, яъни битта бинода бўлиши мақсадга мувофиқ. Мазкур хона учун камида 36 кв.м. майдондаги хона ажратилади.

Психологик хизмат хонасининг ўнг томонидаги бурчагининг 5 кв.м, жойи индивидуал суҳбат ўтказиш бурчаги учун, 16 кв.м, эса шкаф, стол-стул, доска ва бошқа жиҳозлар учун, 15 кв.м, жой ўқувчиларнинг эркин ҳаракатланишлари учун қолдирилади.

Хона жиҳозлари ва уларга қўйиладиган талаблар

№	Жиҳозлар номи	Сони	Тавсия этиладиган сифатлари
1	Шкаф (бурчакли)	1 та	Ёғоч раигида
2	Стол (индивидуал) ва стуллар	15 та	Оч яшил ёки ёғоч рангида
3	Психолог учун стол-стул (2 та тортмали стол)	1 та	Ёғоч рангида
4	Доска (кўчма)	1 та	Оқ ёки тўқ яшил рангда
5	Кичик журнал столи (индивидуал суҳбат бурчаги учун)	1 та	Ойнали
6	Кресло (индивидуал суҳбат бурчаги учун)	2 та	Оқ ёки яшил рангда

7	Хона дераза токчаларига тувакли табиий гуллар	10 та	Турли ном ва навлардаги
8	Пардалар (жалюз) деразалар сонига караб		Оқ рангда
9	Гилам	2 та	Жигарранг
10	Аквариум (балиқлари билан)	1 та	-
11	100x70 см улчамдаги кўзгу (рухий енгиллаштириш учун)	1 та	Трюмо кўринишида
12	Компьютер, принтери билан	1 та	Оқ ёки кул ранг
13	Ёритгич (стол лампаси)	1 та	Ойнали
14	Гул қоғоз (Фотообои) - табиат манзараси	1 та	Мовий, оч яшил
15	Алоҳида китоб жавони (психологик адабиётлар учун)	1 та	Мовий, оч яшил

Хонадаги жиҳозларнинг тавсифи

Жиҳозларнинг ранги, тузилиши, дизайни, қулайлиги шахс психологиясига катта таъсир кўрсатишини инобатга олиб, психологик хизмат хонасини таъмирлашда ва жиҳозларни танлашда уларнинг рангига, жойлаштириш учун қулайлигига, бириинг иккинчиси билан уйғунлашиб кетишига аҳамият берилиши лозим.

Оч яшил рангнинг шахсни тинчлантирувчи хусусияти инобатга олиниб, психологик хизмат хонаси деворларининг ранги оч яшил бўлиши тавсия этилади. Полнинг жигар рангда бўлиши эса шахсда ўзига ишонч ва қатъиятлилик ҳисларини уйғотади. Хонанинг шифти оқ рангда бўлиши, шахсда енгил кайфият ҳиссини уйғотиб, диққатини жамлашга ёрдам беради.

Психологик хизмат хонасида ўқувчилар учун 15 та индивидуал стол, 15 та юмшоқ стул ва психолог учун 1 та стол, 1 та стул бўлиши лозим. Хонада ўтказиладиган машғулотиининг

шартларига кўра стол ва стуллар турлича жойлаштирилади. Индивидуал столларни танлаш ва турли шаклларда жойлаштириш, психолог учун ўқувчига индивидуал ёндошиш имкониятини беради ва ўқувчилар орасидаги оралиқ масофа бузилмайди. Оралиқ масофанинг бузилмаслиги эса ҳар бир шахснинг руҳиятига маълум даражада таъсир кўрсатиб, уларнинг эркин ва мустақил фикрлаши ҳамда ўзида ишонч туйғуларини шакллантиришда ёрдам беради.

Имконият даражасида психологик хизмат хонасига бурчаклиларини, яъни бурчаклари айлана шаклдаги жиҳозларни танлаш ва тўғри жойлаштириш тавсия этилади. Хона жиҳозларидаги қирра ва тўғри бурчаклар ақлий меҳнат жараёнида фикрлар изчиллиги, мантиқий боғлиқлик ва шахснинг онг ости фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Хонадаги жиҳозларнинг ранги девор ранги билан уйғунлашиши макон кенглиги ва психологик шинамликини вужудга келтиради. Шунинг учун жиҳозларнинг рангини танлашга алоҳида эътибор билан қараш керак.

Психологик хизмат хонасидаги шкаф хонанинг чап томонига жойлаштирилиб, унинг бир томонида меъёрий ҳужжатлар, диагностика натижалари, иш ҳужжатлари, иккинчи томонида кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар, психодиагностик тест ва услубий қўлланмалар, журнал ва бошқа психологик адабиётлар жойлаштирилади.

Психологик хизмат хонасида интернет тизимига уланган персонал компьютер ва принтер бўлиши, психологга интернет тармоғига чиқиш, мультимедиядан унумли фойдаланиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида турли психологик ҳамда интеллектуал тестларни ўтказиш, барча психодиагностик маълумотлар банкларини тўплаш имкониятини беради.

Амалиётчи психолог мактабда психологик маърифат ва ташвиқот, психологик профилактика, коррекция, маслаҳат ва касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб бориш билан бирга, мактабда ўтказиладиган тадбирларга психологик хулосаларини бериб боради. Бундай ҳажмдаги ишларни олиб бориш учун албатта, компьютер бўлиши лозим.

Психологик хизмат хонасининг деразаларида оқ парда ёки замонавий жалюзалар бўлиши шахсда жўшқинлик ҳиссини уйғотади, меҳнат фаолияти самарадорлигининг ортишига олиб келади.

Хонанинг ўнг томонида индивидуал суҳбатларга мўлжалланган психологик бурчак ташкил этилиб, иккита кресло, журнал столи, стол лампаси, тувакларда хонаки гуллар жойлаштирилади. Кресло суҳбат вақтида бемалол ўтиришга имконият яратади, хонадаги табиий гуллар шахснинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда хона ҳавосини янгилайди. Психологик хизмат олиб боришда аквариумнинг бўлиши шахсга ўз ижобий таъсирини кўрсатади, ундаги диққат турғунлигини оширади.

Хона пойгагидаги деворнинг 6 кв.м. га табиат манзараси акс эттирилган гулқоғоз ёпиштирилади. Гулқоғозни танлашда албатта табиат манзараси бўлиши ва унда табиатнинг энг чиройли манзараларидан тоғ, шаршара, яйловлар, гулзорлар, дарё ва денгизларнинг бўлишига эътибор қаратиш зарур. Энг аҳамиятли жиҳатлардан бири эса гулқоғоздаги рангларнинг хона рангига уйғун, яъни табиат манзараларида мовий, оч яшил ранглар кўпроқ бўлиб, очик ҳаво манзараси бўлиши керак. Бундай рангларни танлаш хонада психологик муҳитни яратишга, шахс тасаввурини ривожлантиришга имконият беради ва психотренинглари ўтказишда кўрғазмали материал сифатида ҳам хизмат килади.

Табиат манзаралари расмини танлашда кўрқинч, хавотир ҳисларини пайдо қилувчи тўқ рангли қалин ўрмонларни, чўл ва саҳроларни, қиялик ва тоғу-тошларни танламаслик керак. Бундай табиат манзаралари шахсда кўрқинч, тушкунлик, таъсирчанлик ҳисларини пайдо қилиб, хонадаги психологик муҳитни бузади ва индивидуал суҳбат, психотренинг ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларни ўтказишда салбий таъсир кўрсатади.

Хонада ҳаракатланувчи кўчма доска бўлиши, тренинг тарғибига кўра машғулотларни олиб боришда, жойни хоҳлаган тартибда ўзгартириш имкониятини яратади. Досканинг оқ рангда бўлиши турли рангдаги маркерлардан фойдаланиш учун

кулайлик яратиб, тренинг жараёнида ўқувчиларнинг эътиборини тортишга, машғулотларни ранг-баранг ва қизиқарли ўтишига ёрдам беради.

Пол ва гиламнинг жигар рангда бўлиши шахсда ишонч ва катъиятлилик хисларини уйғотади. Хонада гилам-палоснинг бўлиши шинамлиқни таъминлаш билан бирга коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар ва тренингларни ўтказишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эркин ҳаракатланишлари учун хизмат килади.

Психологик хизмат хонасига киришдаги йўлакда «Ишонч қутиси» жойлаштирилади. Ишонч қутисининг эни 25 см ва бўйи 35 см ўлчамда (қулф- калитли) бўлади. Қутининг юза қисмига «Ишонч қутиси» деб ёзилади. «Ишонч қутиси» ўқувчиларнинг сирли савол ва муаммолари пайдо бўлганда психолог билан илк мулоқотга киришиш воситаси ҳисобланади.

«Психологик маслаҳатлар», «Психологик мониторинг» стендлари ва «Ишонч қутиси» йўлакка психологик хизмат хонасининг эшиги ёнига жойлаштирилади.

«Психологик маслаҳатлар» бурчаги қизиқарли психология, психология йўналишидаги янгиликлар, умумий йўналишдаги психологик маслаҳатлар, ғаройиб ҳодисаларга оид маълумотлар, рисоалар, қўлланмалар ва тестлар билан жиҳозланади. Мазкур бурчакдаги маълумотларни бойитиб бориш ва уларни тез-тез янгиланган туриш ўқувчи, ўқитувчи ҳамда ота-оналарнинг психологик билимларини, психология фанига қизиқишларини оширишга ёрдам беради.

«Психологик мониторинг» бурчагида психологик хизмат йўналишида олиб борилаётган ишларнинг мониторинги натижалари акс этиши керак.

V. Психологик хизмат хонасида юритиладиган ва сақланадиган ҳужжатлар

Психологик хизмат хонасида қуйидаги иш ҳужжатлари бўлиши ва ўрнатилган тартибда юритилиши лозим.

Психологик хизмат хонасининг паспорти

Ўқув йили _____
Хонага жавобгар шахс _____

Сентябрь оyi ҳолатида мавжуд жиҳозлар _____
Январь оyi ҳолатида мавжуд жиҳозлар _____
Июнь оyi ҳолатида мавжуд жиҳозлар _____

Психологик хизмат кўрсатиш хонасидаги расмий ва меъёрий иш ҳужжатларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Амалиётчи психологлар мактабда психологик хизматнинг б та (психологик маърифат, психологик-педагогик ташхис, психологик профилактика, психологик коррекция ва ривожлантириш, психологик маслаҳат, касб-ҳунарга йўналтириш) йўналиши бўйича фаолият олиб боради ва улардан мазкур йўналишлар доирасидаги иш ҳужжатларининг юритилиши талаб этилади.

Мазкур йўналишлар доирасида психолог томонидан юритилган ҳар бир ҳужжат, биринчидан, психологнинг ўзи учун ўқувчи шахсининг барча жиҳатлари, унинг оилавий муҳити, атрофдагиларнинг таъсири, хатти-ҳаракати ҳамда ҳуққатворидаги ўзгаришлар, бузилишлар ва бошқалар хусусида тўпланган маълумотлар тизимининг яратилишига, ушбу маълумотларнинг бирини иккинчиси билан таққослашдан олинган хулосаларнинг тўпланиб боришига имконият яратади.

Иккинчидан, иш ҳужжатларининг мавжудлиги психолог фаолиятининг босқичма-босқич, тизимли равишда боришини ва юқори натижалар олишга эришилишини таъминлайди.

Расмий ва меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг таълимга, вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармон ва фармойишлари.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими муассасаларида психологик хизмат тўғрисида Низом.

3. Ўзбекистон Республикасида ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш концепцияси.

4. Меъёрий ҳужжатлар тўплами (буйруқлар, қарорлар, фармойишлар, баённомалар).

5. «Мактаб ва ҳаёт» журналининг тўпламлари.

6. «Психология» илмий журналининг барча сонлари

7. Ҳисоботлар.

Шунингдек, юқори ташкилотлардан келган хужжатлар ижросини назорат қилиш дафтари юритилади.

Тарқатма (дидактик) материаллар

1. Тестлар.
2. Сўров варақалари.
3. Жавоб варақалари.
4. Тренинг дастурларига доир турли тарқатма материаллар.
5. Коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларга доир тарқатма материаллар.
6. Психологик ташхис қилишга доир тарқатма материаллар.

Хонанинг ўқув методик таъминоти

1. Психологик-педагогик ташхис методикалари мажмуаси.
2. Касб-хунарга йўналтирувчи ташхис методикалари мажмуаси.
3. Коррекцион машғулотлар ўтказиш бўйича услубий кўлланмалар.
4. “Психологик саломатлик мактаби” коррекцион машғулотлар тўплами (2002, 2005, 2007 йиллар)
5. 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлик даражасини аниқлаш бўйича методикалар тўплами.
6. Тренинг машғулотларини ўтказиш бўйича методикалар мажмуаси.
7. Иқтидорли ва истеъдодли болаларни аниқлаш ҳамда улар билан ишлаш бўйича тест саволлари, услубий кўлланмалар.
8. Тарбияси оғир болалар билан ишлаш, индивидуал суҳбат бўйича методикалар.
9. Иқтидорли ва истеъдодли, шунингдек, тарбияси оғир, педагогик қаровсиз болалар, уларнинг оилалари тўғрисида маълумотлар банки.
10. CD дисклари (тестлар, кўргазмали материаллар, методикалар).

Психологик маърифатга доир ҳужжатлар

1. Педагогика кенгаши, семинар, метод бирлашма, ота-оналар мажлислари учун тайёрланган психологик материаллар ва маърузалар.

2. Педагог ходимларнинг психологик билимларини ошириш бўйича тадбирлар материаллари.

3. Ўқувчиларнинг психологик билимларини ошириш бўйича тадбирлар материаллари.

Психологик-педагогик ташхисга доир ҳужжатлар

1. Психологик ташхис методикалари:

- иқтидорли болаларни аниқлашга доир методикалар;

- педагог ходимлар билан ишлашга доир методикалар;

- 6 ёшли болаларнинг мактабга мослашуви ва ривожланиш динамикасини ўрганишга доир методикалар;

- ўзлаштириши паст, рухий оғиш ва кечикишларни ташхис этишга доир методикалар;

- жамоада ижтимоий муҳитни ўрганишга доир методикалар;

- ўқувчиларнинг касб-хунарга қизиқиши, қобилияти, лаёқатини ташхис қилиш бўйича методикалар.

2. 6 ёшли болаларни ҳисобга олиш журнали.

3. Тарбияси қийин болалар ва ўсмирларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш натижалари.

4. Психологик ташхиснинг қайта ишланган натижалари, расмийлаштирилган хулосалар, берилган тавсиялар.

5. Гуруҳий психологик ташхиснинг қайта ишланган натижалари, расмийлаштирилган психологик хулосалар.

6. “Психологик-педагогик ташхис дафтари”

Психологик профилактикага доир ҳужжатлар

1. Педагоглар учун маъруза, суҳбат ва тренинг материаллари.

2. Дарсларнинг психологик таҳлили ва бериладиган тавсиялар.

3. Психологнинг мактабда психологик муҳитни ўрганиш ва уни барқарорлаштириш хусусида олиб борган тадбирлари материаллари.

4. Педагогик консилиумлар материаллари.

Психологик коррекция ва ривожлантиришга доир хужжатлар.

1. Коррекция ва ривожлантирувчи методикалар:

Фанларни суст ўзлаштираётган ёки ўзлаштира олмаётган болалар билан индивидуал ва гуруҳлаштирилган коррекция машғулоти; зиддиятли ва низоли вазиятларни юмшатиш бўйича коррекция машғулоти; ўқувчиларнинг психик ривожланишида содир бўладиган салбий ўзгаришлар, рухий оғиш ва кечикишларнинг олдини олувчи коррекция машғулоти ишланмалари.

Психологик маслаҳатга доир хужжатлар

1. Психологик маслаҳат дафтарлари: ўқувчилар билан олиб бориладиган индивидуал суҳбатлар; ўқитувчилар билан олиб бориладиган индивидуал суҳбатлар; ота-оналар билан олиб бориладиган индивидуал суҳбатлар; раҳбар ходимлар учун индивидуал суҳбатлар.

Касб-хунарга йўналтиришга доир хужжатлар

1. Ташхис хариталари
2. Касб-хунарга йўналтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар
3. Касб-хунарга йўналтирувчи тренинглари дастурлари
4. Касб-хунарга йўналтириш комиссиясининг баённомалари
5. Тавсияномалар берилишини қайд қилиш журнали
6. Республикада, вилоятда ва ҳудудда фаолият кўрсатаётган академик лицейлар ва касб-хунара коллежлари тўғрисида ахборотномалар, ўқув фильмлари, видео роликлар.

Тўпланган барча маълумотлар махсус папкаларда психологик хизмат хонасида сақланади.

Ўқувчилар, ота-оналар, муассаса раҳбарлари, ўқитувчилар шахси билан боғлиқ барча маълумотлар психолог томонидан сир сақланиши ва қулфланадиган шкафларда жамланиши шарт.

ИЛОВА 3

Магистрлар учун шахс психологик имкониятларини компьютерлаштирилган усуллар ёрдамида ўрганиш дастури

№	Дастурий таъминот номи ва гувоҳнома рақами	Қисқача аннотацияси
1	«Зиддиятли вазиятларни баҳолаш- ziddiyat.telebot host.uz»	<p>Ушбу дастур шахс ички мотивацияси ва шахслараро муносабатдаги зиддиятли ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари намоён этувчи мезонлар: А.Баҳс-мунозара. Б.Ҳамкорлик. В.Келишув. Г.Ўзини четга олиш. Д.Мослашиш.</p> <p>Мазкур усулни қўллаш орқали респондентларнинг зиддиятли вазиятга нисбатан фаоллигини намоён этувчи хулқ-атвор мотивацияси кўринишларига баҳо берилади. Айни пайтда шу йўл билан ҳам ҳар бир ўсмир учун характерли бўлган имкониятлар ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлиш мумкин.</p>
2	«Рухий асаб барқарорлигини аниқлаш тести» № DGU 05045	<p>Ушбу дастур шахс рухий асаб барқарорлигини аниқлашга мўлжалланган.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари қуйидагилардан иборат: - шахснинг рухий асаб барқарорлигини объектив баҳолаш; - шахс рухий асаб барқарорлигини баҳолаш жараёнида таъсир қиладиган психологик ва нопсихологик омиллар таҳлили.</p> <p>Мазкур усулни қўллаш орқали респондентларнинг рухий асаб барқарорлигининг қай даражада эканлигига баҳо берилади. Айни пайтда шу йўл билан ҳам ҳар бир шахс учун характерли бўлган имкониятлари кўлами ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлиш мумкин.</p>
3	«Депрессия даражасини аниқлаш методикаси» № DGU 05051	<p>Ушбу дастур шахс депрессив ҳолатини аниқлашга мўлжалланган.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари қуйидагилардан иборат: - рухий асаб барқарорлигини инсон омили иштирокисиз баҳолаш, яъни объектив баҳолаш; - депрессияни баҳолаш жараёнида таъсир қиладиган психологик омилларни таҳлил қилиш.</p> <p>Мазкур усулни қўллаш орқали респондентларнинг депрессив ҳолатига баҳо бериш мумкин.</p>

4	<p>«Шахслараро муносабатлар диагностикас» № DGU 05191</p>	<p>Ушбу дастур гуруҳда шахслараро муносабатларни аниқлашга мўлжалланган.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Шахслараро муносабатларни объектив баҳолаш; - Шахслараро муносабатларларда намоён бўладиган ижтимоий-психологик хусусиятларни таҳлил қилиш; <p>Мазкур усулни қўллаш орқали респондентларнинг шахслараро муносабатларда қандай психологик хусусият устунлигини баҳолаш, ҳар бир шахс учун характерли бўлган имкониятлар ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлиш мумкин.</p>
5	<p>«Депрессия тести» № DGU 05193</p>	<p>Ушбу дастур шахс депрессив ҳолатини аниқлашга мўлжалланган.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари қуйидагилардан иборат: - депрессияни инсон омили иштирокиз баҳолаш, яъни объектив баҳолаш; - шахс депрессив ҳолатини ўрганиш жараёнига таъсир қиладиган психологик ва нопсихологик омиллардан холи баҳолаш.</p> <p>Мазкур усулни қўллаш орқали депрессив ҳолати қай даражада эканлигига баҳо беришдир. Айти пайтда шахс депрессив ҳолати ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ушбу дастурдан умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълимда, шунингдек, судга оид психологик экспертиза жараёнида фойдаланиш мумкин.</p>
6	<p>«Ташвиш ва хавотирни аниқлаш тести» № DGU 05192</p>	<p>ушбу дастур шахснинг ташвиш-хавотир даражасини аниқлашга мўлжалланган.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари қуйидагилардан иборат: - ташвиш-хавотир даражасини объектив баҳолаш;</p> <p>Мазкур усулни қўллаш орқали респондентларнинг ташвиш-хавотир даражасининг қай даражада эканлигига баҳо бериш мумкин. Айти пайтда шу йўл билан шахснинг ташвишли ҳолати ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ушбу дастурни умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълимда, шунингдек, судга оид психологик экспертиза жараёнида қўллаш мумкин.</p>
7	<p>“Ўзининг психик ҳолатини баҳолаш тести” № DGU 04969</p>	<p>Ушбу дастур шахснинг психик ҳолатини аниқлашга мўлжалланган.</p> <p>Дастурнинг функционал имкониятлари қуйидагилардан иборат:</p> <p>безовталаниш, агрессивлик, ригидлик, фрустрацияни аниқлайди.</p> <p>Мазкур усулни қўллаш орқали респондентларнинг ўз-ўзини қай даражада эканлигига баҳо беришдир. Ушбу дастурдан умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълимда, шунингдек, судга оид психологик экспертиза</p>

		жараёнида фойдаланиш мумкин.
8	Равен тести асосида шахс интеллектини мониторинг қилиш тизими	Мазкур дастур шахснинг интеллектуал тараққиёти даражаларига компьютер имкониятлари ёрдамида ташхис қўйиши билан аҳамиятлидир. Дастур имкониятлари орқали жуда кўплаб миқдордаги шахслар интеллект кўрсаткичларининг мониторингини юритиш мумкин бўлади

*Ушбу компьютерлаштирилган дастурлар Бухоро Давлат университети Психология кафедраси олимларининг илмий маҳсули бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан тасдиқланган муаллифлик гувоҳномаларига эга.

ИЛОВА 4



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2017 йил 23 августдаги 600 -сонли буйруғига
5-илова

Олий таълим муассасаси психологининг НАМУНАВИЙ ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

1. Олий таълим тизими психологи фаолияти таълим хизматлари соҳасига мансуб бўлиб, кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда талабанинг ҳар томонлама гармоник, тўлақонли психологик тараққиётини таъминловчи оптимал шарт-шароитларни яратишни мақсад қилиб қўяди.

2. Олий таълим муассасаси психологи талабанинг хулқ-атвори ва психик фаолияти, психик тараққиётининг ёш қонуниятлари, касбий билимлари, талабалар ва катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабат хусусиятлари, ўқув-тарбия жараёнининг ташкиллашувига таяниб, шахсга индивидуал ёндашув имкониятларини беради, унинг қобилиятларини аниқлайди, меъёрдан четлашишларнинг эҳтимолли сабабларини, психологик- педагогик коррекция қилиш йўллари аниқлайди.

Олий таълим муассасаси психологик фаолиятининг тадқиқот ва таъсир ўтказиш объекти олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари, ота-оналари бўлиб ҳисобланади. Уларни алоҳида ёки гуруҳий шаклда тадқиқ қилиш мумкин.

3. Олий таълим муассасаси психологи ўз фаолиятини маънавий- маърифий ишлар бўйича проректор, факультетлар, тиббиёт ходимлари, муайян комиссиялар, ота-оналар ҳамда олий таълим муассасаси жамоаси билан узвий алоқада амалга оширади.

4. Олий таълим муассасаси психологи лавозими бўйича умумий раҳбарликни олий таълим муассасининг маънавий- маърифий ишлар бўйича проректори олиб боради.

5. Олий таълим муассасаси психологи талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга олувчи, улар психикасининг барча жабҳаларини қамраб олувчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун

фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик қонуниятлар камолотига етакловчи моделни таркиб топтиришни бош мақсад деб танлайди.

6. Олий таълим муассасаси психологининг фаолияти йўналишлари:

- психопрофилактик ишлар;
- психологик маориф ва маърифат;
- психодиагностика;
- психик ривожлантириш ва психокоррекция;
- психологик консультация;

Психопрофилактика – Олий таълим муассасаси психологи фаолиятининг махсус тури бўлиб, талаба ва профессор-ўқитувчилар учун соғлом психологик муҳит яратиш ва улар шахсининг ривожланиши учун оптимал шарт-шароитларни таъминлаш ҳисобланади.

Психологик профилактика ишининг асосий вазифалари қуйидагилар:

–шахс сифатида шаклланиш, ақлан баркамолликни таъминлашининг оқилона шарт-шароитларини яратиш;

–шахс камолоти ва интеллектуал тараққиёти бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик нуқсонлар ва бузилишларни ўз вақтида олдини олиш;

–талабанинг муайян шароитга мослашиши (кўнгил) га оид ишларини олиб бориш, унинг учун ижтимоий мослашиш билан боғлиқ бўлган махсус гуруҳлар тузиш, невротик ҳолатларни бартараф қилиш, тарбияси қийин талабалар билан ишлаш ва уларнинг ота-оналари, гуруҳ раҳбари билан алоҳида ишлаш ва ҳоказо);

–талабаларни биринчи босқичга қабул қилиш жараёнида қатнашиш, уларнинг олий таълим тизимига психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш, профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда талабалар билан индивидуал ишлаш дастурини ишлаб чиқиш;

–талабаларни олий таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтказишнинг психологик-педагогик комплекс тадқиқотида бевосита қатнашиш, бир босқичдан иккинчи босқичга

ўтказишни психологик жиҳатдан текшириш талабалар, ота-оналар билан ҳамкорликда олий таълимнинг янги босқичга тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда яккаҳол ишлаш дастурини яратиш, шу билан бирга, ота-оналарга фарзандлари билимларидаги узилишларини камайтириш учун махсус услубий йўл-йўриқлар бериш;

–таълим ва тарбия, яшаш шароити билан боғлиқ невротик ҳолатлар, психологик зўриқишнинг олдини олиш, невротик ҳолатлар, психологик зўриқишларнинг олдини олиш мақсадида талабалар билан ишлаш;

–талаба шахсининг қобиляти, майли, психологик фазилатлари, хусусиятларини тўлақонли намоён бўлиши мақсадида, ақлий (интеллектуал) тараққиёт даражасини аниқлаш учун психологик консилиумлар ташкил қилиш;

–олий таълим жамоа аъзоларидаги психологик зўриқиш ва толиқишни йўқотиш, камайтириш, уларнинг олдини олиш чоратadbирларини таркиб топтиришга кўмаклашиш;

–олий таълим истиқболи билан боғлиқ бўлган, илмий жиҳатдан асосланган моделни профессор-ўқитувчилар ҳамкорлигида яратиш. Олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини психологик-педагогик диагностика қилишда қатнашиш унга ўзгартиришлар киритиш, оқибат натижада талабаларни гармоник тараққий этиш муаммосини мақсадга мувофиқ ҳал қилишига хизмат қилиш;

–ўқув мотивлари, шахсининг йўналиши, унинг этномаданият билан боғлиқ бўлган кадриятларга йўналтириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнига тузатишлар киритиш;

–шахслараро, этник гуруҳлар, миллатлараро ҳар хил кўринишдаги зиддиятларнинг олдини олиш учун психологик тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади;

–профессор-ўқитувчи ходимлар, муаллимлар, ота-оналар ўртасида юзага келадиган низоларнинг, оилавий низоларнинг психологик илдизини ўрганиш, уларни келтириб чиқарувчи мотивларни таҳлил қилиш, шахслараро муносабатларнинг асл моҳиятини намоён қилиш, фавқулоддаги вазиятларни

енгиллаштириш ва тамоман бартараф қилиш йўллари юзасидан маслаҳатлар бериш;

–ёшлар ўртасидаги айш-ишратга, гиёҳвандликка, енгил турмуш кечиришга, қинғир йўл билан бойишга ружу қилувчи шахслар билан индивидуал ишлашни йўлга қўйиш;

–оғир касалликка учраган талаба ва ходимлар руҳиятини тетиклаштириш, абадият қонуниятлари билан уларни таништириш, пессимистик кайфиятдан воз кечиб, шуқр қилиб яшашга ўргатиш юзасидан тавсиялар бериш;

–ўзлаштириши суст бўлган талабалар руҳий дунёсидаги нуқсонларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш ҳамда коррекцион ишга муҳтож шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

–ўз-ўзини бошқариш имкониятини олий таълим талабалари ўртасида аниқлаш (биоритмика, эмоция, мотивация, ирода, қизиқиш, диққат кабиларни шахс томонидан идора қилиш назарда тутилади).

–талабаларда, айниқса, талабалар турар жойи ва ижарада яшовчи талабаларда ижтимоий мослашув кўникмасини шакллантириш ва уларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этишда психологик-педагогик таъсир амалиётларини олиб бориш;

–ҳуқуқбузарлик ва жиноятга мойиллиги бўлган, хулқи оғишган талабаларни аниқлаш, уларнинг руҳий ҳолатини барқарорлаштириш орқали ижтимоий фаол фаолиятга йўналтириш;

–ўқув қўлланмаларининг сифати, китобхонлик муаммоси, ходимлар, талабаларнинг давлат мулкига муносабати ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларни умумлаштириш, маъмуриятга, касаба уюшмасига ахборот тайёрлаш;

–олий ўқув юрти ходимлари, талабаларининг экологик, иқтисодий, сиёсий, этнопсихологик билимлари савиясини текшириш ва мустақилликни мустаҳкамлаш имкониятини ўрганиш ва уларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш мақсадида тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

–талабалар ўртасида бўш вақтни тақсимлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш муаммосини ижтимоий-психологик нуқтаи назардан текшириш ва бўш вақтни мақсадга мувофиқ ташкил қилиш йўллари, улардан этнопсихологик билимлар, маънавий кадриятларни эгаллашда фойдаланиш имкониятини психологик таҳлил қилиш;

–олий таълим талабаларида давлат маблағини тежаш туйғусини аниқлаш, тежамкорлик, мол мулкни асраш ҳиссини ўрганиш, нохуш кечинмаларни жамоа орасида ёппасига текшириш, уларда меҳнатни қадрлаш бурчини шакллантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий ғурур, миллатлараро муносабатни таркиб топтириш ишларини амалга ошириш;

–олий ўқув юрти ходимлари, талабаларида ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш юзасидан илмий психологик дастур яратиш, ҳамда унинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш;

–оиладаги зўравонликдан жабр кўрган ёшларни жалб этган ҳолда уларда эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ташкил этиш;

–оиладаги зўравонликдан жабр кўрган ёшларни нохуш ҳолатлардан сақлаш ва оғир вазиятдан чиқаришга қаратилган психологик хизматни ташкил этиш.

Психологик маориф ва маърифат – талаба ҳамда педагоглар жамоаларида энг қулай психологик муҳитни юзага келтириш учун махсус психологик тадбирлар олиб бориш, педагогик жамоада муомала маданиятини такомиллаштириш, талабалар билан профессор-ўқитувчиларнинг муомала жараёнини яхшилашга ёрдам бериш, шахсга оид, ихтисосликка доир муаммолар юзасидан ўқитувчилараро кенг кўламда маслаҳатлар бериш. Педагогик жамоа аъзоларидаги психологик зўриқиш ва толиқишни йўқотиш, камайтириш, уларнинг олдини олиш учун чора-тадбирларни таркиб топтиришга кўмаклашиш.

Психодиагностика – психодиагностик тадқиқотлар талабаларнинг ўқиши давомида психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини, таълим тарбиядаги

нуқсонларнинг сабабларини аниқлашга мўлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки индивидуал тарзда ўтказилади.

Бунда амалий психолог қуйидаги вазифаларни бажаради:

–ёш давр тараққиёти мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психолог олий таълим муассасалари талабаларини психологик текширувдан ўтказди, уларнинг даражаларини белгилайди. Талабаларнинг касбий яроқлилигини диагностика қилади, уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, ўзини ўзи бошқариш имконияти, интеллектуал даражасини текширади;

–психолог профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, иқтидори кабиларни ўрганади, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига муайян ёрдам кўрсатади.

–олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар, хулқ-атворидаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидаги бузилишлар сабабларини диагностика қилади.

–талабаларнинг ўз тенгқурлари (тенгдошлари) билан муомаласини ўрганиш учун уларни текширади. Уларнинг этномаданияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда психофизиологик методларни муайян шароитга мослаштиради.

–бошқа соҳа мутахассислари билан биргаликда талабанинг психик ривожланишидаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностикани амалга оширади. Хусусан:

а) нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди;

б) ассоциал хулқ-атвор сабаблари ва шаклларини белгилайди;

в) талабалар ўртасидаги гиёҳвандлик, таксикоманлик, алкоголизм, ўғрилик, дайдилик каби иллатларнинг ижтимоий-психологик илдизларини текширади, унинг омилларини таҳлил қилади;

Психик ривожлантириш ва психокоррекция ишлар йўналиши психологдан талаба, профессор-ўқитувчилар шахси ва

интеллектини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир ўтказишни тақозо қилади.

Ушбу йўналишда психолог қўйидаги аниқ ишларни амалга оширади:

–ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ва ҳолатларда ташкил қилинади:

а) амалий психологнинг махсус иши, машғулоти айрим талабалар билан алоҳида ўтказилиши мумкин бўлган машғулотлар режалаштирилади.

б) талабаларнинг ҳар бир фаолияти махсус равишда амалга оширилиб, талабалар гуруҳларига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади;

в) ота-оналар педагогик жамоаларга олий таълим тизими ходимлари иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

–ривожлантирувчи ва психокоррекцион муаммоларни қамраб олувчи коррекцион фаолиятнинг психологик қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади. Мазкур ишнинг педагогик жиҳати эса психологнинг педагоглар, ота-оналар билан ҳамкорлигида ўтказилади.

–ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастури шундай тузилиши керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гуруҳининг қадриятли йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданияти хусусиятлари ўз аксини топсин; дастурни халқ, этно миллат, элат тарихи, анъаналари, расм-русмлари одатлари қабиларни ҳисобга олган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир.

–олий таълим муассасаси психологи талабаларнинг психик тараққиётидаги, ҳулқидаги нуқсонлар ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш, коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар, бузилишни қамайтириш машқларини ўтказди, ижодий (креатив) қобилиятларни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради.

–талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги номуносибликни йўқотиш мақсадида махсус машғулотлар

ўтказиш, улардаги ўқишдан, ижтимоий муҳитдан эгалланган ўрнидан, мавқеидан қоникмаслик ҳиссини камайтириш учун тренинг, ролли ўйинлар, психодрамдан фойдаланиш.

–эмоционал зўриқишнинг олдини олиш ва уни камайтириш ниятида махсус кабинетларни жиҳозлаш (хона жаҳон стандартларига жавоб бериш, бошқарув пульти, экран воситалари, аутотренинг, социал тренинг, техник воситаларга, илмий услубий методикаларга эга бўлиш лозим).

–коррекцион ишлар тартибда, илмий танлов асосида, муайян сеанс бўйича ўтказилиши шарт. Бунда эмоционал зўриқишга учраган шахснинг миллати, ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусияти, таъсирланиш даражаси ҳисобга олиниши керак: тузатиш ишлари машғулот, фаолият, касб хусусиятига мос, мутаносиб бўлиши таъсир ўтказиш самарадорлигини оширади, унда япон усуллари қўллаш ҳам зарур маълумотлар тўплаш ва тангликни йўқотиш имкониятини яратади.

–олий таълим муассасаси психологи хизмат доирасида талабаларнинг психик тараққиётидаги, хулқ-атвор ва шахслараро ўзаро муомала муносабатларидаги нуқсонлар ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш, коррекция қилиш дастури ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар ўтказади, ижодий қобилиятларни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради.

Коррекцион фаолиятнинг психологик қисми психологлар томонидан амалга оширилади. Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ҳал қилинади:

–олий таълим муассасаси психологининг махсус индивидуал иши;

–талабалар гуруҳига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган машғулотлар;

–ота-оналар, педагогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш.

Психологик консультация (маслаҳат) – талабалар таълим ва тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан, маъмурият, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, ижтимоий ва

жамоатчилик ташкилотлари ходимларига аниқ маслаҳатлар бериш орқали амалга оширилади.

Ушбу йўналишда психолог қуйидаги аниқ ишларни амалга оширади:

–таълим, тараққиёт, тарбия, касбий шаклланиш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар муносабати ва дунёқараш, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гуруҳий, жамоавий тарзда маслаҳатлар уюштириш;

–маъмуриятга талабаларни ва гуруҳларни қизиқтирувчи масалалар бўйича маслаҳат бериш уларни фаоллаштириш, уларга таъсир ўтказиш тўғрисида раҳбар кадрларга амалий кўрсатмалар тайёрлаш;

–ота-оналарга талабаларнинг психик ривожланиш хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, ўзаро муносабат мақомлари, бунда фарзандларнинг ёш, жинс, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий-амалий маслаҳатлар бериш;

–олий таълим тизимининг барча бўғинлари ва босқичларида маъруза ўқиш, ота-оналар йиғилишида, олий таълим муассасаси Кенгашида иштирок этиш орқали педагоглар, ота-оналар психологик маданиятини оширишга ҳаракат қилиш, уларга индивидуал, гуруҳий маслаҳатлар бериш;

–олий ўқув юртларига талабалар танлаш моҳияти, вазифаси, монандлиги, уларнинг имконияти, истиқболи тўғрисида илмий-амалий хусусиятга молик консультатив ишлар олиб бориш;

–раҳбар кадрлар ва профессор-ўқитувчиларнинг касбга яроқлилигини илмий асосда текшириб аниқ тавсияномалар ишлаб чиқади;

–аттестация, ижтимоий талаб ва буюртмалар юзасидан ижтимоий-психологик ахборотлар тўплаш ва уларни умумлаштириб, яққаҳол тавсиялар ишлаб чиқиш;

–хорижий олий таълим муассасалари билан алоқа қилиш, кадрлар малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини (имкониятларини) аниқлаш фан ва техникани ривожлантириш имкониятини, олий мактабнинг нуфузи

тўғрисида материаллар йиғиш, уларни психологик таҳлил қилиш ва маслаҳатлар бериш;

–ётоқхоналарда талабаларнинг талаби, эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий қарашлари, позицияси, мослиги ва турмушга муносабати тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

–анъанавий таълим-тарбия методларининг ютуқ ҳамда камчиликларини тадқиқот қилиш, инновацион, фаол услублар самарадорлигини синаб кўриш, талабаларнинг уларга нисбатан муносабатини аниқлаш ва уларга асосан ўқитишни индивидуаллаштириш, дифференциялаш бўйича ўқув бўлимига кўрсатмалар тавсия бериш;

–иқтидорли талабаларни танлашда иштирок этиш, илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва шунга асосланиб уларга степендиялар белгилашда иштирок этиш;

–профессор-ўқитувчилар ижодий фаолияти маҳсулдорлиги, тўгараклар фаоллигини кўтариш тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг имкониятларини текшириш, касб маҳоратини эгаллаш бўйича мусобақалар, баҳслар ташкил қилиш ва уларнинг маҳсулдорлиги тўғрисида башоратлар қилиш;

7. Олий таълим муассасаси психологи фаолиятини амалга ошириш методлари қуйидагича бўлиши мумкин:

–психологик маданиятни ўстириш ва тарғиб қилиш мақсадида университет профессор-ўқитувчилари, талабалар билан маърузалар туркуми ва тренинг машғулотлари ўтказиш, уларни тарқатиш;

–илмий-оммабоп адабиётларни яратиш;

–оммавий ахборот воситаларида чиқишлар;

–психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш, методикалар ишлаб чиқиш (тест, савол варақаси, тажриба, кузатиш, суҳбат ва бошқалар);

–психологик маслаҳат бериш;

–психологик консилиумлар ўтказиш.

8. Бу йўналишдаги ишлар режаси маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади ва назорат қилинади.

9. Таълим муассасаси психологининг вазифалари:

–таълим муассасасидаги ахлоқий-психологик иқлимни, унинг талаба шахсига таъсирини ўрганиш;

–талабаларнинг шахсий муаммоларини аниқлаш мақсадида ижтимоий- психологик диагностика ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни аниқлаш (барча талабалар);

–катталар томонидан тазйиқ ўтказилаётган талабалар муҳофазаси ва улар билан индивидуал ишларни олиб бориш (талабалар билан индивидуал суҳбат);

–нотинч оилалар фарзандларини эрта аниқлаш;

–ота-оналарни ўқув-тарбиявий жараёнга жалб этиш;

–мушкул вазиятларга тушиб қолган талабаларга индивидуал маслаҳатлар бериш;

–ота-оналар, педагоглар, маъмурият ва гуруҳ мураббийларига маслаҳатлар бериш;

–талабалардаги хулқи оғишишларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

–турли ҳолатлар бўйича ҳисобда турадиган талабалар билан психопрофилактик ва коррекцион ишларни олиб бориш;

–профессор-ўқитувчилар, психологик ёрдамга муҳтож талабалар ва ота- оналар ўртасидаги ўзаро муносабатни ва ўзаро тушуниш даражасини ошириш;

–ўқитувчилар жамоасига талабалар таълим-тарбиясини индивидуаллаштиришда ёрдамлашиш, улар қобилиятининг майлининг ўсиш даражасига қараб, ўқитувчиларга коррекцион ишларни амалга оширишда кўрсатмалар бериш, психологик хизматнинг ушбу йўналишида алоҳида аҳамият касб этадиган нарса – бу талабалар ўсишида кечикиш (орқада қолиш), уларда хулқнинг бузилиши, таълимда ўзлаштиришнинг ёмонлашуви кабиларни ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва қайта тайёрлаш соҳаларидаги қарорларини амалга ошириш.

10.Психолог фаолиятига доир ҳужжатлар: ректор томонидан тасдиқланган йиллик иш режа;

–психологнинг консультацияларни рўйхатга олиш журнали;

–талабалар билан индивидуал ишларни ҳисобга олиш журнали;

–таълим муассасаларидаги талабалар гуруҳларининг ижтимоий-психологик паспортлари;

–талабаларнинг индивидуал-психологик тараққиёти харитаси;

–ноҳуш оилалар, хавф-хатар даражаси юқори бўлган талабаларнинг маълумотлар банкини яратиш;

–Ота-оналар, педагог ходимлар билан иш юритишга доир материаллар.

11.Олий таълим муассасаси психологининг индивидуал масъулияти:

–функционал вазифаларини бажаришга;

–тасдиқланган иш режасининг тўлиқ бажарилишини таъминлашга;

–тасдиқланган шаклдаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этишга;

–психологик диагнозларнинг аниқлигига;

–диагностик ва коррекцион методлар адекватлигига;

–талабалар билан олиб бориладиган ишлар ва уларнинг натижаларига;

–берилаётган тавсиялар асосланганлигига;

–текширув ва бошқа ҳужжатлар тўлдирилишига ва сақланишига.

12.Олий таълим муассасаси психологининг мажбуриятлари:

–олий таълим муассасасининг Низоми ва психолог кодексига кўра иш юритиш;

–олий таълим муассасалари психологлари фаолияти бўйича методик семинарларда иштирок этиш;

–олий таълим муассасаси раҳбарияти олдида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар бериш;

–маъмурият, ота-оналар билан узвий алоқада иш юритиш; консультатив жараёнда олинган шахсий ахборот махфийлигини таъминлаш;

–олий таълим муассасаси Кенгаши олдида ҳисоботлар бериб бориш.

13.Олий таълим муассасаси психологининг ҳуқуқлари:

- олий таълим муассасаси Кенгаши йиғилишларида иштирок этиш;
- талабалар фаолиятини кузатиш мақсадида дарслар ва дарсдан ташқаридаги ишларда иштирок этиш;
- педагогик ҳужжатлар билан танишиш;
- олий таълим муассасасида гуруҳий ва индивидуал психологик тадқиқот ишлари олиб бориш;
- ўз иш тажрибасини умумлаштириш мақсадида илмий ва илмий-оммабоп нашрларда иштирок этиш, психологик-педагогик билимларни тарғиб этиш;
- маълумоти ва квалификациясига мувофиқ ўқув ва факультатив машғулотлар юкламаларини олиш;
- зарурият туғилганда тиббий ва дефектологик муассасаларга мурожаат этиш;
- ўқув тарбия жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни олий таълим муассасаси раҳбариятига етказиш; илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш;
- касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўз касбий малакасини ошириш;
- меҳнатни ташкил этишнинг қулай шарт-шароитларига эга бўлиш; таълим муассасаси раҳбариятидан маслаҳатлар олиш; хавф-хатарга мойил талабалар билан ишлашда ягона ёндашувларга доир услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;
- таълим-тарбия жараёнида профессор-ўқитувчилар ва талабалар хулқи, ўқув фаолияти хусусиятларини кузатиш мақсадида дарс, маъруза, аудиториядан ташқари машғулотларда қатнашади;
- мураббийлар, ота-оналар ва талабаларнинг йиғилишларида иштирок этади;
- илмий изланишни йўлга қўйиш мақсадида олий ўқув юртиларида гуруҳий ва индивидуал психологик тажрибалар ўтказилади;
- психологик ихтисос, асосий маълумотлардан ташқари ўқув ва факультатив тарзда 0,5 педагогик ставкада дарс ўтиш имкониятига эга;

–касбий мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун юқори ташкилотлардан, зарур шарт-шароитлар яратишини талаб қилади;

–ота-оналарга зарурият туғилганда оилавий турмуш психолооиясига оид консултатив хизмат усулларини тавсия қилади;

–амалиётчи психологнинг меҳнат таътили муддати барча олий таълим профессор-ўқитувчилари билан баробардир;

14. Таълим муассасаси психологи билиши зарур:

–Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, таълим ва ёшлар тўғрисида қабул қилинган фармон, қарор ва фармойишларнинг мазмун-моҳиятини;

–замонавий умумий психология сирларидан хабардорлиги, яъни баркамол шахснинг психологик компонентлари (когнитив, эмоционал, хулқ-атвор), психологик қонуниятлар, психологик механизмлар ва психологик ҳодисаларни, шахс структурасидаги билиш жараёнлари индивидуал психологик хусусиятлари, иродавий-эмоционал ҳолатларини, шахснинг замонавий назарияларини билиши;

–ёш даврлари психологиясини, яъни психологик даврлаштириш класификациясидан ўсмирлик, ўспиринлик, талабалик, ёшлик, етуклик ёшларнинг ўзига хос психологик қонуният, механизм ва ҳодисаларини, мазкур даврдаги психологик, физиологик ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ муқаррар юз берадиган қийинчиликларнинг ўзига хос психологик характеристикасини чуқур билиш, замонавий ижтимоий психологик билимлардан хабардорлиги, яъни психологик ижтимоийлашув жараёнлари, гуруҳлар классификацияси ва униинг хронологияси, шахснинг бирор бир фаолиятга йўналишида қадриятлар тизими, эҳтиёжлари, мотивлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, орзу ва истаклари, ижтимоий фаоллиги, масъулият, бурч компонентлари, жамоавий уюшқоқлик жиҳатлари, ижтимоий муҳитга адаптацияси кабиларни билиши;

–этнопсихологик билимларни пухта билиши, яъни миллий характер, миллий кадриятлар тизими, миллий урф-одат ва анъаналар, миллий қиёфанинг психологик портрети ҳамда менталитет психологиясидан хабардор бўлиши;

–республика ва хориж олимларининг баркамол шахс концепциясининг психологик портретига қўшаётган янгиликларидан хабардор бўлиши;

–психологик хизмат кўрсатиш йўналишлари психопрофилактика, психологик маориф ва маърифат, психодиагностика, психик ривожлантириш ва психокоррекция ҳамда психо-консултациянинг замонавий усулларини билиши;

–педагогик-психологиянинг замонавий тадқиқот ва тарғибот методларини, ўқувчи ёшларни ўқув фаолиятига тўғри йўналтиришнинг психологик механизмларини, ўқув мотивларини кучайтирувчи психотренинглари билиши;

–ҳозирги замон илмий-амалий асосланган тадқиқот ва тарғибот методларини билиши талаб қилинади.

15. Олий таълим муассасаси психологига қўйиладиган малака талаблари:

–олий тоифадаги психолог: ихтисослиги бўйича магистрлик дипломига эга мутахассис, психолог сифатида камида 1 йил иш стажи бўлиши лозим;

1-тоифадаги психолог: ихтисослиги бўйича магистрлик дипломига эга мутахассис, 2-тоифадаги психолог сифатида камида 1 йил (ихтисослиги бўйича магистр иш стажига талаб қўйилмайди) иш стажи бўлиши лозим;

2-тоифадаги психолог: психология йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис, психолог сифатида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши лозим.

Илова 5

БИР СОАТЛИК ДАРСНИ ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ ҚИЛИШ ДАСТУРИ

I. ДАРСНИНГ МАҚСАДИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

1.1 Дарсни ташкил қилиш.

1.2 Ўқувчиларнинг билим кўникма ва малакаларини текширишдан мақсад ва унинг методикаси (оғзаки ва ёзма топшириқларнинг мазмуни ва аҳамияти)

1.3 Янги билимларнинг мазмуни, ҳажми, тарбияловчилик характери. Баён этишдаги система ва образлилик, баён этишнинг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши.

II. ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

2.1. Ўқувчиларнинг мазкур фанга қизиқиш даражаси, илгариги мавзу мазмунининг ўзлаштирилганлиги (ёки ўзлаштирмаганлиги).

2.2. Ўқувчиларнинг ўқув топшириқларни бажаришга муносабати (мустақил фикрлай олиш, нуқул доскадан кўчириш, топшириқлардан қониқиш ёки қониқмаслик ва ҳоказолар.

2.3 Ўқувчилар фаолиятидан “ташқи” ва “ички” нутқнинг ўзаро муносабатида намоён бўлган ақлий фаолиятнинг ташқи кўринишини (ўқувчиларнинг аниқ ва ишончли жавоблари, ҳаракати, материални қабул қилиши, ташқи ва ички нутқнинг намоён бўлиши).

2.4 Ўқувчилардаги дарснинг бориши билан боғлиқ бўлган эмоционал ҳолатларнинг намоён бўлиши ва ўқувчи фаоллигига таъсири.

2.5 Муносабатларининг қатъийлиги ва динамикаси: ўқувчиларнинг мазкур дарсга муносабатини (бошдан-охиригача бир хилда бўлдим ёки ўзгариб турдим) йўналтирувчи усуллар ва ҳолатлар.

2.6 Ўқувчиларда ўқув фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган куйидаги компонентлар қай тариқа намоён бўлиши.

а) когнитив (билимга асосланган) компонент топшириқларни билимлар асосида мустақил бажариш.

б) эмоционал иродавий компонент. (дарс мазмунидан ва рағбатлантиришдан қониққан ҳолда барча қийинчиликларни ечишга ҳаракат қилиш) иродавий сифатларни намоён қилиш.

в) ўз-ўзини баҳолаш компоненти ўз имкониятларини тўғри (обектив баҳолашга одатланиш ва ҳоказолар.

2.7 Ўқувчиларни янги мавзу мақсадини тушунганлиги ва уни ўзлаштирганлик даражаси.

2.8 Дарс давомида намоён бўлган бошқа барча ижобий ва салбий сифатлар.

III. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

3.1 Ўқитувчининг маълумот ёки дарс мавзусини тушунтира олиш малакасини (аниқлик, бирин-кетинлик, энг асосийларини ажрата олиш, ўқувчиларнинг олдинги ва малакаларини ҳисобга олиш, методик маҳорати).

3.2 Ўқувчиларнинг айрим психологик ҳолатларини тўғри идрок қила олиш малакаси, хулқ-атвори, билими, ёши ва индивидуал хусусиятларига мос муносабатда бўлиш.

3.3 Ташкилий вазифалар: ўқувчилар жамоасини бошқара олиш, дарс босқичларига риоя қилиш, мавзунини ҳаёт билан ўқувчиларнинг имкониятлари билан боғлаган ҳолда проблемали масалалар, билимга оид вазифаларни қўя олиш. Ақлий фаолиятни, ижодийлик ва мустақилликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни қўллаш.

3.4 Коммуникатив (нутқий алоқа ўрнатиш)лик хусусиятлари: муомала усули, нутқи, таснифи, сўз бойлиги, оҳанги ва таъсирчанлиги. Ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида ишлатилиши.

3.5 Ўқувчилар фаолиятини назорат қила бориш (камчиликларни тузатиш, нутқлар учун рағбатлантириш). Ўқувчилар жавобига қўйиладиган баҳоларнинг объективлиги. Айрим пассив ўқувчиларга эътиборни қаратиш.

3.6 Педогогликка оид барча муҳим сифатлар (қобилиятлар элементлар), унинг намоён бўлиши:

- а) юксак умумий маданият, кўп қиррали билим эгаси бўлиш педагогик такт ва педагогик назокат.
- б) ўқитувчининг эмоционаллиги ва иродавий сифатлари.
- в) ўқувчининг диққатини тақсимлай олиш ва кузатувчанлик қобилияти.
- г) ўқув материални индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланган ҳолда тушунтира олиш.
- д) ўқитувчининг ўз-ўзига ва ўқувчиларга бўлган талабчанлиги.
- ё) ўқувчиларни қизиқтира билиш, уларда ташаббускорликка ва активликка ихлос уйғотиш ва зарур бўлган эмоцияни (ҳистуйғуни) тарбиялаб муайян ишга жалб қила олиш.
- ж) педагогик муомаланинг бошқа барча муҳим сифатлари...

IV. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ВА УНИНГ ЎҚИТУВЧИ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛИШИ.

4.1.ДИҚҚАТ!

Дарсда ўқитувчининг ўқувчилар диққатини тўплаш усуллари: ўқитувчининг ташқи кўриниши, мимикаси ва панто мимикаси, меҳрибонлиги, кўрғазма қуролининг ёрқин ва янгилиги, ўқитувчи нутқининг образлигига ва мантиқийлиги. Дарснинг турли босқичларида ўқувчилар диққатининг намоён бўлиши ва унинг барқарор бўлишини таъминлаш, диққатнинг бир нарсадан бир нарсага кўчиши. Диққатни тарбиялашда унинг бир бирига зид хусусиятини тақсим қилиш ва йиғиш (концентрациялаш) нинг намоён бўлиш даражаси.

4.2. СЕЗГИ ВА ИДРОК

Сезги турларининг намоён бўлиши:

Ўқувчилар ёшига кўра идрокнинг хусусиятлари (тўлалиги, аниқлиги) нинг намоён бўлиши. Кўрсатмалилик асосида ўқувчилар идрокини ривожлантириш йўллари.

4.3.ХОТИРА

Илгари эгалланган билимларни янада, мустаҳкамлаш. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира. Эсда қолдирилиши лозим бўлган материалларни олдиндан тўғри режалаштира олиш. Мантиқий

хотира. Ўқувчилар хотирасининг барча типларини ривожлантириш.

4.4.ТАФАККУР

Дарс мақсадининг воситали ва умумлаштирилган ҳолда ўқувчига акс этирилиши. Конкрет амалий, конкрет – образли, абстракт тафаккур. Янги темага оид муҳим тушунарли анализ-синтез қилиш, таққослаш, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш, квалификациялаш ва системалаштириш. Илмий фикрлашни ва ақлий фаолият тактивлигини янада ривожлантириш.

4.5.ХАЁЛ

Илгари идрок этилган материаллар ва билимлар асаосида янги образлар ва ғоялар яратиш. Тасаввур ва ижодий хаёлнинг намоён бўлиши ва уни ўстириш. Хаёл, орзу ва айрим фантазиялар орқали касбга йўналтириш, ижобий фазилатларни шакллантириш.

4.6. ДАРСНИНГ НАТИЖАСИГА ОИД УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. ЮТУҚЛАР: (Дарс мақсадига мос равишда тегишли билимларнинг, кўникма ва малакаларнинг етарлича эканлиги). Мазкур дарсдаги ривожланувчилик ва эгалловчилик вазифаларининг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда умумий баҳо чиқариш.

2. КАМЧИЛИКЛАР:

3. ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР.

ИЗОҲ: Мазкур дастур психология фанлари доктори, профессор Ш.Баротов томонидан тузилган ва тавсия этилган.

Илова 6

ШАХС КАРТАСИ

1. Мазкур анкета тўлдирилган кун _____
2. Ўқувчининг фамилияси ва исми _____
3. Ёши _____
4. Синфи _____
5. Соғлиғи _____
6. Жисмоний чиниқиши ва унга муносабат _____
7. Оила шароити _____
8. Синф жамоаси ва тенгдошлар орасида тутган ўрни _____
9. Қобилиятининг намоён бўлиши:
 - 9.1 Спортга оид қобилиятлар _____
 - 9.2 Мусиқага оид қобилиятлар _____
 - 9.3 Актёрлик санъатига оид қобилиятлар _____
 - 9.4 Бадиий қобилиятлар _____
 - 9.5 Техникага оид қобилиятлар _____
 - 9.6 Математикага оид қобилиятлар _____
 - 9.7 Адабиётшуносликка оид қобилиятлар _____
 - 9.8 Илмий ва интеллектуал қобилиятлар _____
 - 9.9 Педагогик қобилиятлар _____
 - 9.10. Ташкилотчилик қобилиятлари _____
10. **Характернинг умумий сифатлари.**
 - (10.1.) Ғоявий дунёқараш _____
 - (10.2.) Ватанпарварлик _____
 - (10.3.) Қатъийлик _____
 - (10.4.) Софдиллик _____
 - (10.5.) Ташаббускорлик _____
 - (10.6.) Фаоллик _____
 - (10.7.) Ташкилотчилик _____
 - (10.8.) Жамоатчилик _____
 - (10.9.) Ҳаётга ишонч билан қарай олиш _____
 - (10.10.) Илтифотлилик _____
11. **Шахс йўналиши**
 - (11.1.) Умумий йўналиши: даражаси _____
 - (11.2.) Кенглиги _____

(11.3.) Барқарорлиги _____

(11.4.) Меҳнат ва ўз имкониятларини ривожлантириш муносабати _____

12. Психологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

(12.1.) Эмоционал қўзғалиш ва унинг фаолиятига таъсири _____

(12.2.) Диққатлилиқ _____

(12.3.) Хотира самарадорлиги _____

(12.4.) Тафаккур сифати _____

(12.5.) Ижодий хаёл _____

13. Шахс тузилишининг биологик асоси _____

(13.1.) Темперамент: кучи _____

(13.2.) Ҳаракатчанлиги _____

(13.3.) Мувозанатлашганлиги _____

“Шахс картаси”ни тўлдириш учун кўрсатмалар баёни: кайдномада биринчидан тўртинчи саволгача тушунтириш ва баҳо талаб қилинмайди.

5. Соғлиғини баҳолаш:

“5” – “аъло” даражада; “4” – соғлиғи, асосан, безовта қилмайди; “3” – баъзан тез ўтадиган касалликларга чалиниб туради; “2” – ишлаш ва ўқиш қобилиятига айрим асоратли касалликлар таъсир қилади; “1” – асоратли касалликлари кўп ва улар ишлаш қобилиятига жиддий таъсир қилади.

6. Жисмоний чиниқиш ва унга муносабати

Кўйидагича баҳоланади: “5” – спорт билан мунтазам шуғулланади; “2” – спорт билан жуда кам шуғулланади; “1” – спорт билан мутлақо шуғулланмайди.

7. Оила шароити

“5” – ҳар томонлама баркамол; “4” – баркамол, ҳамиша ҳам қониқтирмайди; “3” – мавҳум аниқ айтиш қийин (яхши ҳам бўлмайди ёмон ҳам): “2” – тарбиявий иқлим ўртача, кўнгилсиз ҳолат учраб туради; “1” – салбий вазиятлар жуда кўп учраб туради ва бола тарбиясига салбий таъсир қилади.

8. Синф жамоаси ёки тенгдошлари орасида тутган ўрни.

“5” – синфда энг баланд обрўга эга. Ҳамма тенгдошлари уни ҳурмат қилади. Синфда ижобий лидер ҳисобланади; “4” – тенгдошлари орасида яхши обрўга эга; “3” – жамоада ўртача мавқега эга; Баъзи тенгдошлари билан ҳамиша жанжаллашиб юради. “1” – кўпчиллик тенгдошлари билан тил топиша олмайди.

9. Шахснинг муайян фаолиятини муваффақиятли эгаллаши, шунингдек уни ижобий равишда амалга оширишнинг шартлари ҳисобланган хусусиятларига қобилият дейилади. Киши қобилиятлари икки асосий турга; махсус қобилиятлар ва умумий қобилиятларга бўлинади. Касбий фаолиятнинг фақат айрим турларига (масалан, мусиқа, математика, спорт ва бошқалар) намоён бўладиган қобилиятларни махсус қобилиятлар деб айтадилар. Интеллектуал қобилиятлар (зийраклик ва топқирлик диққатнинг тақсимланиши, бирор мавзунини тез эсда қолдириш, ақлнинг ўткирлиги ва бошқалар) умумий қобилиятларга мисол бўлади.

Ўқувчида мазкур сифатларнинг бор-йўқлиги ва қай даражада намоён бўлишига қараб кўрсатилган ҳар бир йўналишга (9.1;9.2;9.3 ва ҳоказо) қўйидагича баҳо бериш мумкин:

“5” – мазкур соҳага оид қобилиятларнинг яққол намоён бўлиши; “4” – қобилиятларнинг қисман бўлсада ифодаланиши билан бошқалардан ажралиб туриши; “3” – мазкур соҳага оид қобилиятнинг йўқлиги, малакаларнинг етарли эмаслиги; “1” – мазкур фаолиятга нисбатан қобилиятсиз экани ва қизиқишларининг йўқлиги.

10. Характернинг умумий сифатлари.

Характер шахснинг ҳаёти жараёнида таркиб топган интеллектуал эмоционал ва иродавий хусусиятлари йўналишининг йиғиндисидан иборатдир. Бошқа қилиб айтганда, характер – бу шахснинг аниқ ҳаёт шароитлари таъсирида вужудга келган муайян хулқ тарзидир. Кишининг характерида, одатда, аввало шахс хулқининг ҳамма томонларида из қолдирадиган баъзи бир хилма-хил тартибда бирга қўшилиб келадиган умумий хислатлар ажралиб қатъийлиги ва кучи бундай хислатлар қаторига тегишлидир. Масалан, характернинг жуда кучли бўлиши билан биргаликда унинг бир томонлама ва тор эканлиги ёки етарлича барқарор бўлмаган тўлиқлигини ҳам учратиш мумкин.

Ўқувчи фаолиятида намоён бўлувчи (шахс картасида кўрсатилган) 10 та характер сифатида қўйидагича баҳо қўйиш талаб қилинади; Мазкур сифат тўлиқ ва барқарор намоён бўлади: “4” – мазкур сифат тез-тез намоён бўлиб туради; “3” – мазкур

сифат баъзида намоён бўлади; “2” – мазкур сифатни ўқувчи хулқ-атворида ифодаланиши номаълум; “1” – мазкур сифат ҳали шаклланмаган ва хулқида ифодаланмаган.

11. Ўқувчининг шахс сифатидаги йўналиши. Шахснинг йўналиш-эҳтиёжлари, мотивлари, қизиқишлари, иштиёқи, идеаллари йўналишининг мазмунини ташкил этади. Худди мана шулар кишининг борлиққа, ижтимоий ҳамда бошқа кишиларга, шахс сифатида ўз-ўзига бўлган муносабатлари хусусиятини белгилайди. Шахс йўналишини белгилашда, аввало, ўқувчининг ўз ҳаётида қандай мақсадларга эришишни энг юқори ва муҳим деб ҳисоблаши, қизиқишлар кўлами касб танлашга онгли муносабати ҳақида тегишли маълумотга эга бўлиш талаб қилинади.

Баҳолаш тартиби қўйидагича:

11.1. Умумий йўналиш даражасини баҳолаш бўйича;

“5” – эътиқоди, қизиқишлари ва иштиёқларининг юксаклиги ҳамда уларнинг жамият истиқболини ифодаловчи ахлоқий мезонлар билан тўла мос туриши;

“4” – юқори эътиқодга эга бўлиш билан бирга айрим қизиқишларнинг ахлоқий мезонларга тўлиқ тўғри келмаслиги; “3” – қизиқишларида ижобий ва салбий сифатларнинг тез-тез намоён бўлиб туриши; “2” – беқарор қизиқишлар; “1” – ахлоқий мезонларга зид йўналишнинг яққол ифодаланиши.

11.2. Йўналиш кенглиги бўйича: “5” – касбий, адабий, бадий, мусиқавий, спорт, техника ва бошқа шу кабиларга нисбатан қизиқишларнинг ифодаланиши; “3” – касбга оид қизиқишлар ва малакаларнинг ифодаланиши; “2” – фақат бир йўналишдагина қизиқишларнинг намоён бўлиши; “1” – беқарор қизиқишлар.

11.3. Йўналиш барқарорлиги бўйича: “5” – ёшликдаёқ шаклланган қизиқишлар ва йўналишлар ҳали ўзгармаган; “4” – йўналиш ҳаётда бир маротабадан ортиқ ўзгартирилмаган; “3” – йўналиш баъзан ўзгариб туради; “2” – йўналиш бир неча маротаба ўзгаради; “1” – йўналиш ҳамиша беқарор.

11.4. Меҳнатга ва ўз имкониятларини ривожлантиришга муносабат.

“5” – меҳнатсевар, иродали, ўз мақсади йўлида қатъий, ўз имкониятларини ривожлантиришга ҳамиша интилади. Ўз-ўзига талабчан. Ҳамиша ҳар бир ишга ижодий ва мустақил ёндоша олади. “4” – меҳнатсевар. Фақат айтилган ва кўрсатиб берилган ишларни астойдил бажаради фақат айрим ҳоллардагина ишга ижодий ва мустақил ёндашишга интилади; “3” – ўзи учун осон ва қизиқарли бўлган пайтдагина ўқув ва меҳнат топшириқларини бажаришга ҳаракат қилади. Мустақил ишлай олмайди. “2” – ишга ва ўз-ўзига лоқайд. Ўқув ва меҳнат топшириқларини ривожлантиришга совуққонлик билан қарайди.

12. Психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

12.1. Эмоционал кўзғалиш ва унинг фаолиятга таъсири: “5” – ҳар қандай эмоционал ҳаракатларда ва аффектив ҳолатларда психик ижобий ҳаракат йўналиши қисман бузилади бу эса фаолиятга ҳам таъсир этади; “3” – ижобий ва салбий эмоционал ҳаракатлар тез-тез намоён бўлиб туради; “2” – психик ҳаракатлардаги эмоционал бузилишларни бартараф этиш учун алоҳида куч сарфлаш талаб қилинади; “1” – ифодаланган эмоционал ҳаракатнинг бузилшини тўхтатиб бўлмайди. Бу эса фаолиятга кўпинча салбий таъсир кўрсатади.

12.2. Дикқатлилиқ: “5” – бир вақтнинг ўзида турли нарсаларга дикқатини тўғри ва самарали тақсимлай олади. Ихтиёрий дикқат кўп ҳолларда барқарор; “4” – дикқатни осонлик билан тўплай олади. Ҳар қандай вазиятда дикқатни бошқара олади; “3” – дикқатни тақсимлаш ва йиғишда қийналади; “2” – бир вақтнинг ўзида фақат битта нарсагагина дикқат қарата олади. Дикқатни тўғри ва унумли тақсимлай олмайди; “1” – дикқатни бир нуқтага тўплай олмайди.

12.3. Хотира самардорлиги; “5” – эса сақлаб қолиш ва эса тушириш жараёни нарса ва ҳодисаларни узоқ муддатда эса сақлай олади. Мантиқий хотираси анча устун; “4” – ҳар бир ҳодисани механик равишда эса сақлайди. Механик равишда узоқ муддатда сақлай олади; “3” – қисқа муддатда яхши эса сақлайди лекин тез унутади, ихтиёрсиз хотира устун; “2” – хотира типлар жараёнларида айрим камчиликлар мавжуд; “1” – хотираси ниҳоятда заиф, баъзан паришонхотир.

12.4. Тафаккур сифати: “5” – конкрет амалий, конкрет образли, мавхум тафаккурлар кучли, нарса, ходиса ва тушунчаларни осонлик билан таҳлил қила олади, мазмунли ҳукм ва хулосалар чиқара олади; “4” – тафаккурнинг айрим турлари яхши ривожланган: “3” – нарса ва ходисалар тўғрисида фикрлаш ва хулосалаш жараёнида камчиликларга йўл қўяди; “1” – тафаккури сезгилари ва идрок даражасида, яъни нарса ва ходисаларни бевосита акс эттиради халос. Фикрлаш жараёни ниҳоятда бўш.

12.5. Ижодий хаёл: “5” – хаёлини бошқара олади. Тафаккур орқали янги-янги образларни ўйлаб топади, мавхум нарсалардан аниқ нарсаларни келтириб чиқара олади. Фаол тасаввур хаёл кучли; “4” – мустақил равишда янги образлар ярата олади; “3” – фаол ва пассив хаёл турлари тез-тез алмашилиб туради; “2” – хаёлдаги салбий иллатларни бошқара олмайди; “1” – реал ҳаёт ва реал имкониятларга тўғри келмайдиган хаёлларга жуда кўп берилади.

13. Шахс тузилишининг биологик асоси:

13.1. Асаб жараёнлари хусусиятларининг кучига, яъни асаб тизимини кучли қўзғовчиларига меъеридан ортиқ тормозланишга учрамасдан, узоқ вақт бардош бера олиш қобилияти киради. Ушбу ҳолат ёрқин ва ҳамиша намоён бўлиб турадиган кишиларга энг юқори балл “5” ёки “4” балл қўйилади. Асаб фаолияти қўзғалишининг ўртача даражасида 3 балл, нисбатан паст даражада бўлишга эса 2 ёки 1 балл қўйилиши мумкин.

13.2. Асаб жараёнларининг иккинчи хусусияти – уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни асаб тизимининг, ҳаёт шароитларининг талабига кўра қўзғалиш жараёни билан, аксинча, тормозланишни қўзғалиш билан тез алмаштира олишдир, бундан инсоннинг эпчиллиги, ишбилармонлиги, ҳар қандай вазиятда шароит талабига тез мослаша олиши кўзда тутилади. Жараённи баҳолашда ҳам энг юқориси 5-4 балл ва қўйиси 2-1 балл ҳисобланади.

13.3. Асаб жараёнларининг учинчи хусусияти қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мувозанатлилиги (барқарорлиги ёки ўзгармаслиги)дир. Бундан қўзғалиш жараёни ҳам, тормозланиш жараёни ҳам тенг кучга эга бўлади. Энг юқори баҳо 5 балл, энг қўйи баҳо 2 ёки 1 балл ҳисобланади.

Илова 7

МАГИСТРЛАР УЧУН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Магистрлар томонидан олиб бориладиган ҳар бир илмий тадқиқот иши у ёки бу соҳадаги янгича талқинларнинг илмий жиҳатларини олиб боришга қаратилган бўлиши лозим. Чунки бу жараён фақатгина илмий изланишлар маҳсули сифатида ҳам алоҳида ажралиб туради. Албатта, ҳар бир магистр илмий тадқиқот олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, аввало, ушбу тадқиқот ишига қўйиладиган талабларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ билиши шарт бўлади. Акс ҳолда, тадқиқот иши оддийгина мақола, тезис ёки шунчаки бир ҳисоботдан иборат бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун бугунги магистр ўзининг илмий салоҳияти, билимдонлиги ва ҳар бир илмий мушоҳадани илмий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозимлигини унутмаслик керак.

Ҳар қандай илмий тадқиқотни олиб боришда қуйидаги талабларга риоя этиш талаб қилинади:

1.Мавзунинг илмий жиҳатдан асосланиши:

Тадқиқотчи томонидан белгиланган мавзу фаннинг назарий-илмий ва амалий-эмпирик жиҳатдан долзарб бўлган муаммоларини ечишга қаратилган бўлиши шарт.


2.Илмий тадқиқот ишининг тузилиши:

Агарда илмий тадқиқот иши диссертация шаклида расмийлаштирилган бўлса, қуйидаги тузилмага алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Кириш, асосий қисм, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалар. Энди буларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тўхталиб ўтамиз. Диссертациянинг кириш қисми унинг умумий моҳиятини тўлдиришни енгиллаштириши лозим. Унда олиб бориладиган тадқиқотнинг объекти ва предмети, илмий вазифалари аниқ ва лўнда ёритилиши, тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланиши лозим бўлади. Умуман, диссертация иши биринчи навбатда янгиллиги билан ажралиб туриши керак. У янги тадқиқот объекти ёки муаммо бўйича янгича илмий мушоҳадаларга асосланиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам янгиллик даражаси ишнинг фанга қўйилган улушини баҳоловчи асосий ҳал қилувчи белгилардан бири эканлигини

унутмаслик керак. Шунинг учун ишнинг кириш қисмида қисқача аннотация кўринишида муаллифнинг шахсан фан тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқ ва раво тилда баён этувчи илмий янгиликнинг батафсил тавфсилоти муштарак ҳолда ёзилган бўлиши керак. Бу эса ишнинг мақсади, назарий аҳамияти, амалий қиймати тадқиқот методлари, муаллиф томонидан ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар ишнинг назарий-илмий ва эмпирик-услубий жиҳатларини баён этишга хизмат қилиши лозим. Тадқиқот бобларини шакллантиришда қуйидаги тартибга риоя қилиш талаб қилинади.

Жадвал. Илова 7.1

Илмий тадқиқот дастурининг тахминий кўриниши



Бинобарин, ишнинг **биринчи бобида** тадқиқотчи илмий-техник муаммо доирасида ўрганилаётган масаланинг бугунги ҳолатига қисқача илмий тавсиф бериб ўтиши керак. Айти пайтда, муаммонинг илмий адабиётларда ёритилиши ҳамда методологик асосларига ҳам илмий шарҳлар берилади. Ушбу назарий шарҳлардан келиб чиқиб, тадқиқот объекти ва вазифалари ҳам белгилаб олинади. **Ишнинг иккинчи боби** эса, одатда, амалий жиҳатларга методик ишланмаларга қаратилган бўлади. Мазкур бобда тадқиқотчи томонидан қўлланилиши лозим бўлган методикалар ва уларнинг тадқиқот мақсадини очиб беришдаги илмий амалий аҳамияти ҳақида тавсифлар берилади. **Ишнинг учинчи боби** тадқиқотчи томонидан қўйилган ўзига хос эмпирик ва экспериментал ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилади. Ушбу бобда тадқиқотчи томонидан олиб борилган методикаларнинг илмий самарадорлиги ва унинг аҳамиятлилигини тасдиқловчи статистик ва миқдорий таҳлиллар берилади. Умуман, ҳар қандай илмий тадқиқот иши қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим:

❖ Материални баён қилишда диссертация бобларининг бири-бири билан ўзаро боғлиқлиги, боблар ичида парагрифлар ва боблар алоқадорлиги ҳақида аниқ тушунча бера оладиган мантиқий изчилликка амал қилиниши.

❖ Тўпланган назарий ва эмпирик маълумотларнинг ишончлилиги.

❖ Баён қилинган фикрнинг бошқача талқинининг истисно қиладиган тарзда аниқ ва қисқа бўлиши.

❖ Баён қилинган ҳар бир илмий хулоса таклиф ва бошқа фикрлар тадқиқотнинг мантиқий ҳосиласи сифатида ишонарли манбалар асосида аниқ ва қисқа ифодаланиши.

❖ Тадқиқотнинг ҳар бир бобида қўйилган муаммонинг илмий ечимлари аниқ ва равшан баён қилиниши сўнгги талабни бажариш учун талабгор диссертациядаги ҳар бир бобнинг охирида боб бўйича хулосалар бериши керак. Бу эса тадқиқотнинг ҳар бир босқичини алоҳида яқунлаш ҳамда иш бўйича умумий хулосаларни қўшимча тафсилотлардан озод қилиш имконини беради.

Ишнинг умумий хулоса қисмида эса тадқиқот олдида қўйилган вазифаларнинг илмий-амалий ечимлари, мазкур тадқиқотнинг фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақидаги муаллифнинг шахсий хулосавий мушоҳадалари акс этиши шарт.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I-БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ФАНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ, ИЛМИЙ ВА МЕТОДОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	5
1.1.Психологик хизмат фани шаклланишининг назарий-методологик асослари	5
1.2.Психологик хизматнинг предмети ва вазифалари.....	28
1.3.Психологик хизматнинг фанлар тизимида тутган ўрни	31
II БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ.....	42
2.1.Психологик хизмат методлари	42
2.2.Миқдорий маълумотларни математик таҳлил қилиш.....	60
2.3.Контент – таҳлил усули.....	69
III БОБ. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ТАРИХИ, БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.	76
3.1.Хорижда психологик хизмат амалиёти	76
3.2.Россияда психологик хизмат амалиёти	81
3.3.Ўзбекистонда психологик хизмат тарихи, бугунги ҳолати ва асосий йўналишлари	855
IV БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.	103
4.1.Таълим муассасаларида психологик хизмат амалиётига қўйилган талаблар.....	103
4.2.Умумтаълим мактабларида психологик хизмат амалиёти	111
4.3.Олий таълимда психологик хизмат амалиёти.....	150
V БОБ. МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ АМАЛИЁТИ.....	162
5.1.Меҳнат психологиясининг назарий асослари ва вазифалари.....	162
5.2.Меҳнат жамоаларида психологик хизматнинг ташкил этилиши.....	165
5.3.Меҳнат жамоаларида шахслараро муносабат таҳлили ва унинг психологик имкониятлари	179

VI БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	185
6.1. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат амалиёти	185
6.2. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида психологик хизмат.	210
6.3. Ички ишлар тизимида психологик хизмат амалиёти	213
6.4. Транспорт тизимида психологик хизмат амалиёти	228
6.5. Оилавий ҳаётни ташкил этиш тизимларида психологик хизмат амалиёти	232
VII БОБ. АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	247
7.1 Маҳаллада психологик хизмат кўрсатиш амалиёти	247
7.2. Уюшмаган ёшлар гуруҳига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти.....	252
7.3. Экстремал вазиятларда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти	273
ХОТИМА ЎРНИДА	284
ИЛОВАЛАР	285
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими муассасаларида психологик хизмат тўғрисидаги Низом.....	285
Умумтаълим мактабларида психологик хизмат хонасини ташкил этиш бўйича йўриқнома	300
Магистрлар учун шахс психологик имкониятларини компьютерлаштирилган усуллар ёрдамида ўрганиш дастури ..	311
Олий таълим тизими психологи намунавий лавозим йўриқномаси.....	314
Бир соатлик дарсни психологик таҳлил қилиш дастури.....	329
Шахс картаси.....	333
Магистрлар учун илмий тадқиқот ишига қўйилган талаблар	339

Ш.Р.БАРОТОВ

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан Психология мутахассислиги бўйича
тахсил олаётган магистрлар учун дарслик сифатида тавсия
этилган.

Муҳаррир: Ф.Ибрагимов
Мусахҳих: М. Расулов
Техник муҳаррир: А.Қаландаров

Босишга рухсат этилди: 24.12.2018 йил. Times New Roman гарнитураси. Офсет усули. Бичими
60x84 1/16. Шартли босма табоғи 21.5. Нашриёт ҳисоб табоғи 21.0. Адади: 150 нусха. Буюртма
№2.

“Наврўз” нашриёти. Лицензия №АІ 170. 23.12.2009 йил.
Тошкент шаҳри. 100000 А. Темур кўчаси 19 уй.

МЧЖ “Садриддин Салим Бухорий” босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-26-45.